

НОРМУРОД НОРҚОБИЛОВ

# ЮЗМА-ЮЗ

(Қиссалар)

ТОШКЕНТ  
ЧУЛПОН НАШРИЕТИ

МУҲАРРИР ТУЛҚИН АЛИМОВ

Норқобилов, Нормурод.  
Юзма-юз: (Қиссалар).— Т.: Чўлпон, 1993.—176 б.

Мактаб ўқувчиси Саид ҳаробазордан тилла топиб олади. Лекин тиллани бошқа бир одам олиб кетади. Бечора Саид бутун қариндош-уруғлари, ошна-оғайнилари ичида оғир дашномга қолади. Тиллани қидириш дэвомида ўқувчи ёсар қаҳрамонлари билан бирга изтироб чекади, қайгуради, шодланади. Асар сўнгида ҳазина дея ўз инсоний қиёфасини йўқотишга бир баҳя қолган қаҳрамоннинг ҳақиқий башараси очилади.

Талангли ёзувчи Нормурод Норқобиловнинг мазкур тўпلامга кирган ҳар уч қиссаси ҳам мана шундай драматик воқеалар асосига қурилган. Уларда ҳаётимизнинг долзарб масалалари — инсонни авайлаш, табиатни, ҳар бир жониворни асраш каби масалалар садий интиҳосига етган,

Қиссаларнинг тили раво ва халқона.

Наркабулов Н. Лицом к лицу: Повести.

Ўз2

4703620202—27  
Н 360(04)—93 қўш. 93

ISBN № 5—8250—0382—7

© Н. Норқобилов, 1993.

## ЮЗМА-ЮЗ

Сафнинг бошида Мамат қассоб келарди. Ортидан уч ўғли—норғул йигитлар. Отанинг қўлида силлиқ заранг таёқ, агар чинакамига туширса, ҳар қандай ҳўкизнинг оёғидан йиқа олади. Ўғиллари қалтак тутмаган, билаклари бақувват, кураш тушиб, кўпқари чопиб улғайишган йигитлар—тутган жойини ўзмай қўйишмайди. Тўрталаси ҳам, айниқса, ота дарғазаб қиёфада.

Пешайвонда манглайи терлаб, бамайлихотир чой ичиб ўтирган Тоғай сафни эшиги томон қайрилган сўқмоқ бошида кўрди. Юраги увушиб, ичиб турган чойининг хушбўй таъмини унутди. Уларнинг саф тортиб келишини кутган ва бунга ўзини руҳан тайёрлаб ўтирган бўлса-да, бирдан саросимага тушиб қолди. Қўлидаги пиёлани дастурхон четига қўйиб, оғзидаги нонини аранг ютди. Кейин нажот қидиргандай ҳовли юзига бир сира кўз югуртириб чиқди.

Ҳовлиси кирнинг нақ тумшугида, тевараги бел баравер пастак тошдевор билан ўралган, дарвоза деганлари от сиғарли ночор бир эшик—очилса ҳам ёғирлайди, ёпилса ҳам. Мамат қассобнинг сал турткисидан қулаб тушиши тайин. Тоғай уни тузукроқ эшикка алмаштиришни кўп ўйлайди-ю, лекин ҳеч ҳафсала қилмайди. Аслида девору дарвозага унинг ҳаваси йўқ. Ҳовлини кўрғонсифат қуриб, тор жойда димиқиб яшашни жини севмайди. Ўтиргандаям, тургандаям кенг олам кўзига кўриниб турмаса, юраги ториқади. Шу сабаб ҳовлисини қир тумшугига қурган. Теварак-атроф худди кафтдагидек яққол кўзга ташланиб туради. Деворни ҳарбий хизматга довор отасининг қистави билан кўтарган, яъни ерга эгалик қилиб кетган.

Айни дамда ҳовлиси баъзи бировларники сингари баланд ва мустақкам девор билан ўралмаганидан кўнглида ачиниб ва пушаймонга ўхшаш нимадир туйиб, ичидан ёғинди: «Палапон эмасман-ку, инимда пусиб

жон сақласам. Аввал келишсин, кейин бир гап бўлар, ҳар тугул шаҳар бедарвоза эмас... Айтсам, тушунишар, тушунишмаса, пешонада борини кўраверамиз». Тоғай ну хаёлда девордан кўз узиб, қишлоққа юз ўғирди ва шундагина ҳализамон муқаррар юз бериши мумкин бўлган жанжалнинг оқибатини ўйлаб, даҳшатдан юраги зирқираб кетди.

Қишлоқда бировдан калтак ейиш азал-азалдан эр йигит учун ор саналади ва бу воқеа фавқулодда бир ҳодиса сифатида кишилар хотирасида узоқ вақт сақланиб қолади. Кейинчалик одамлар бирор нимани эсламоқчи бўлишса, гапни айнан шундай бошлашади: «Хов, Мамат қассоб Тоғайни калтаклаган йили...» Бу йигит киши учун ўлим — ё беллашиб орани очиқ қилиб олиши, ё бошқа томонларга кўчиб кетиши керак бўлади.

Ҳозирча қишлоқ унинг бошига босиб келаётган балодан беҳабар — ҳамма ўз юмуши билан овора: бир ҳовлида икки кампир эзмаланиб урчуқ йигиради, бир ҳовлида янги тушган келин кувн пишади, юрагидан асал ойнанинг тафти кетмаган куёв йигит молхона деворига лой чаплай туриб, ора-сира қайлиғига ўтли-ўтли қараб кўяди. Бошқа бир ҳовлида икки бола эринчоқлик билан арра тортади. Супада ёнбошлаб ётган чол пинакка кетиши ҳамон, улар аррани ташлаб ура кўчага қочадилар. Бири коптогини қўлтиқлаб олади. Бошқа пайт бўлганида, шумтакаларнинг бу қилиғидан Тоғай роса хоҳолаб кулган бўларди... Яна бир ҳовлида... Тоғайнинг нигоҳи қишлоқни қоқ иккига бўлиб пишқириб оқаётган сойнинг бериги қирғоғидаги чоғроққина ҳовлида тўхтади. Отаси эрталаб район марказига тушиб кетганча ҳали қайтмаган, укаси ишда, ёлғиз энаси ўрмак устига мук тушганча гилам тўқиш билан банд. Гилам ҳали дунё юзини кўрмаган тўнғич неварасига аталган. Кампир ишига шу қадар берилган эдики, шундоқ эшиги ёнидан ўтиб кетган сафни пайқамади ҳам. Шўрлик ҳадемай ўғлини ур калтак-сур калтак қилишларидан мутлақо беҳабар — кўзи рангли ипларда, хаёли оппоқ йўрғакли чақалоқда, гурса-гурса қилич\* тортади. Невараси ўғил бўладими, қизми, унга барибир. Орзуйи чиқалоқни эсон-омон қўлига олиб, ҳидидан маст бўлса, қишлоқда «Рўзихол момо» эмас, балки «Баҳодиржоннинг момоси», «Ойбарчиннинг момоси» деган ном би-

\* Қилич — Қашқадарё томонларда гилам тўқиганда ишлатиладиган асбоб, қиличсимон.

лан юрса. У шу кунларнинг етиб келишига илҳақ. Агар у орзу-ўйларидан бир зум ариб, бошини кўтарганида эди, ўғлининг эшиги томон босиб бораётган тўдани кўрган, бутун орзулари — келини эрини талатўп бўлишини кўтаролмаслиги тайин — хавф остида қолганини сезган бўларди.

Тоғай ҳали бу хавфни англаб етмаган, боясароқ энасиникидан қайтиб, оғироёқ хотинларга хос сусткашлик билан ўчоқ бошида куйманиб юрган Марҳаматга этибор бермай, Чўли чавандознинг уйи томон боқди. Чавандознинг оти қантариқли, ўзи кўринмайди. Аёли том ёнбошида жун савайди, болалари ҳовлида тўзиб ўйнаб юришибди. Тоғайнинг қараши бежиз эмас, кўнглида чавандоз уйда бўлса, кўмакка келар, деган илинж уйғонган эди. Негаки, Чўли чавандознинг Мамат қассобда алами бор. Утган қишда нақ бола-чақасининг кўзи олдида уриб кетишган уни. Ушанда чавандоз балчиқдан араиғ бошини кўтариб, лой туфлай-туфлай, агар битта-битта қирмасам фалончи бўлай, деб қасам ичган. Лекин чавандоз қасамида турмади — пусиб кетди. Балки бугун... Тоғай тезда умиди пуч эканини англаб етди. Сабаби, Чўли чавандозда Мамат қассобга хезланадиган юрак қолмаган. Воқеани эшитиб, кўнгил сўраб борган куниеқ бунини сезган. Ушанда Тоғай қизишиб кетиб шу гапни айтган эди: «Ака, таёқ еб қараб ўтирдингизми, а?! Энағарларни битта-битта отиб ташламадингизми! Жанжал кўзганг, мана мен қаватингизга кираман!» Чавандоз, боши ҳам, кўкарган юзини силай-силай, ночор ғўлдираган: «Худога солдим, ука... уларга худо бас келмаса, бандаси бас келолмайди...»

Мана энди, унинг кунини Тоғайнинг бошига тушай деб турибди... Мамат қассоб, одатда, муштлашувга аралашмайди, бир четда ўғилларига пишанг бериб туради. Қўлидаги калтак ҳар эҳтимолга қарши, мабодо рақибни зўр чиқиб қолса, ишга солади. Аммо қишлоқда унинг ўғилларига тенг келадиган зўр йўқ.

Тоғай Чўли чавандоздан умид узиб сафни кузатди. Саф ёмон важоҳатда босиб келарди... Қизиқ, ҳар қанча мард бўлма, даҳшат олдида юрак увишар экан. У нотинч тепаётган юрагига далда берадигандек, чап кўкрагини маҳкам чангаллади: «Намунча тепинмасанг! Пишириб ейишмас, ахир. Келишин. Қилғилиқни қилиб, довтўкиб келишларинг, нимаси, дейман. Гиди-биди қиладиган бўлишса, агар ёмонликка оладиган бўлсам, бунинг учун қонун йўли билан нималар қила олишим мумкин»

лигини ётиғи билан англатаман. Уни ўчар. Учмай ҳам кўрсин... Қўриқхона ўз номи билан қўриқхона... Шодиёр билан отамнинг молини талашибманми, давлатнинг мулки деб уришдим. Агар тийилмаса, бундан кейин ҳам уришаман...» У шу хаёлда саф охирида айниқ каби лапанглаб келаётган Шодиёрга бир муддат ғазаб ва адоват билан тикилиб турди-да сўнг қишлоқнинг кун чиқиш тарафидаги қўриқхонага назар ташлади.

\* \* \*

Қизилқоя қишлоғи қўриқхона яқинида жойлашган. Қишлоқ аҳли, асосан, тамакичилик, қисман, боғдорчилик билан шуғулланади. Илгари одамларнинг тирикчилиги тоғ билан эди. Ун бир йил бурун тоғда қўриқхона ташкил этилди-ю, бу ишга хийла чек қўйилди. Мамадали ўрмончи қўриқхонага одам тугул мушукни ҳам киритмасди. Утган йили у кўчки тагида қолиб ўлди. Ҳозир унинг ўрнида Тоғай.

Қишлоқ юқорисидаги тамакизор оралаб икки чақиримдан зиёд юрсангиз, йўлга кўндаланг қўйилган олабула тўсиққа дуч келасиз. Тоғай уни шу йил баҳорда ўрнатган. Йўлнинг ҳар икки четида «Жониворларни асранг!», «Яшил табиатни кўз қорачиғидай авайланг!» деган лавҳалар... «Жониворларни асранг!» деган лавҳа юқорисида кийинка ўхшаш жонивор узоқ-узоқларга маъюс термулиб турибди. Аслида бу жонивор қўриқхона ташкил этилмасдан бурун қириб юборилган. «Яшил табиатни кўз қорачиғидай авайланг!» деган лавҳа тепасидаги манзара тоғ ўрмонидан кўра кўпроқ рус ўрмонига ўхшаб кетади. Зора одамларга таъсир этса, деган умидда Тоғай уларни район марказидаги нўғай расомга катта ҳақ эвазига ишлатиб келганди. Бироқ у ўйлаганча бўлмади, тоғда ҳамон ўғринча арча кесилар, жонивор отилар, қисқаси, қўриқхонада ёт излар тез-тез кўзга чалиниб турарди.

Тоғай Мамадали ўрмончи каби қаҳри қаттиқ бўлма-са-да, қўлига тушганларни сийлаб ўтирмасди, унинг таъбири билан айтганда, «тавбасига таянтирар» эди. Аммо тутқич бермас кимсалар ҳам йўқ эмас, Тоғай ҳар қанча пойламасин, улар тоғ бағридан ниманидир юлиб кетишаверарди. Ана шундайлардан бири — Мамат қасобнинг кенжаси — Шодиёр эди. Шодиёр кўкламда равоч сотади, куз-қиш писта билан зирани пуллайдди... То-

гай уни анчадан буён қўлга туширолмаи доғда юрарди. Бугун кутилмаганда тутди.

У оқсув бўйларини кўздан кечириб юриб, Уркачли қояга етганда, қияликдаги пистазорда кимдир юрганни пайқади. Отдан тушиб, гоят эҳтиёткорлик билан буталар оралаб тепага ўрлади. Шарпа сезилган жойга яқин борганда, кулранг харсанг ортига ўтиб, секин олдинга мўралади. Шодиёр, эғнида нимдош тўн, оёғида кирза этик, зўр бериб хуржун кўзини тепкиламокда эди. У тепкилашдан тўхтаб, қаддини ростлади. Теваракка бир қур синчков назар ташлаб чиқди-да, сўнгра шигил мевали писта шохчаларини шарт-шурт синдириб хуржунга тика бошлади.

Тоғай қишлик мева ғамлагани чиққанларга кўпда тегмасди, кўрмасликка оларди ўзини. Ҳозир эса кўз ўнгида одамзодга хос бўлмаган иш юз бермоқда эди. Шодиёр писталарни битта-битта теришга эриниб, навдаси билан синдириб олмоқда. Уйига олиб бориб, меваларни жиянларига тердиради. Қаллакланган бута келаси йили ҳосил бермайди, ҳатто нобуд бўлиши мумкин.

Тоғай, ғазабдан товонигача титраб кетган бўлса-да, куч билан ўзини босди. Қамчин дастасини маҳкам сиқиб харсанг ортидан чиқди.

— Ҳормасинлар энди!

Шодиёр уни мутлақо кутмаган, довдираб қолди. Кўлидаги бир тутам навдани қаерга яширишни билмагандай бир муддат гарансиб турди-да, сўнг уларни бир четга улоқтириб, кафтларини бир-бирига уриб қоқди. Маъносиз ишшайди.

Тоғай ундан кўзини узмай, каллакланган буталарга ишора қилди.

— Бу зормандалар янаги йили керак бўлмайдими?..

Шодиёр хийла ўзини тутиб олиб, гоҳ бутага, гоҳ Тоғайга қараб туриб, муштумига кетма-кет йўталди. Чўнтагидан сигарет олиб тутатди. Шу аснода тик қоя бетидаги мўъжаз арчага кўзи тушиб саволга жавоб топгандай бўлди.

— Тоғ дарахтларининг жони қаттиқ... кўклаб кетаверади.

— Жони қаттиқ эмиш! — Тоғай этиги қўнжига зарб билан қамчи туширди. — Ахир сен буларнинг жонини оляпсан-ку, жонинг чиққур! Инсоф деган нарса борми ўзи сенда! Ё униям бозорда пуллаб юборганмисан?! Ҳозир шу қамчи билан оёқ-қўлингни бутаб қўлайми!

Шодиёрнинг ранги қув оқариб кетди. Кучини чама-  
ладиган бир қиёфада уни бошдан-оёқ кўздан кечирди.  
Ялинай деса — ори келади, олишай деса — кучи етмай-  
ди. Тоғай тўйда товоқ оладиган полвоёлардан... Охири,  
ўйлаб-ўйлаб, топган баҳонаси шу бўлди.

— Кўп бақирманг. Бу ерда менинг ҳақим бор.

Тоғай ҳайратдан донг қотди:

— Қанақасига?

— Шунақасига, — деди Шодиёр писанда оҳангида. —  
Бу ердаги писталарни отам эккан.

— Отам эккан?! — Тоғай истеҳзоли кулимсиради. —  
Биров ейди деб дарвозаси олдига дарахт экмайдиган  
отанг келиб келиб тоққа дарахт экармиди?

— Билмадим, буни отамдан сўранг...

— Билмасанг билиб қўй, буларни Самад бобо би-  
лан Тўхта бобо эккан. У пайтда сен этагингни орқангга  
туғиб юрардинг...

— Ўзларни-чи? Гўё ўзлари...

Тоғай бир оз қизарди. У Шодиёрдан атиги уч ёш  
улуғ: бу йил йигирма бешни тўлдиради. Шодиёр унинг  
ўнғайсизланганини кўриб, илжайди. Бундан Тоғайнинг  
баттар жаҳли чиқди.

— Нимага иршаясан? Нима, очиб қўйибдими?

Шодиёр лаб-лунжини йиғиштириб жиддий тортди.  
Тоғай унга тикилиб туриб сўради:

— Қизизга тушган куюдай, тоғдаги жамки нарса-  
ни кемирганинг кемирган... ҳеч виждонинг қийналмай-  
дими, а? — У шундай дея Шодиёр билан баҳслашиш  
фойдасиз эканини англаб, оёғи остидаги хуржунга ишо-  
ра қилди: — Хўш, нима қилдик энди?

— Нима қилардик... бошқа бўлмайди.

— Эчки қасам қилма, — Тоғай қамчи билан унинг  
қорнига секин нуқиди. — Бозордаги гапинг эсингдами,  
аввал қўлга тушир, кейин гаплаш, дегансан... Мана эн-  
ди гаплашамиз! Яхшилаб гаплашамиз!

— Ҳар ҳолда пишириб емассиз?

— Пишириб-ку емайман-а, лекин қилмишинг учун  
жавоб беришингга тўғри келади.

Қилмиши учун қандай жазо берилишини Шодиёр  
билмасди. Билмагани учун ҳам юрагига қўрқув тушди.

— Қозилашиб юрсак... элатчилик... яхши бўлмас... —  
деди у бир поғона наст тушиб. — Бир сафар кечиринг,  
бошқа бўлмайди.

— Айтдим-ку, эчкида қасам бўлмайди деб.

— Энди, кўпам тилга эрк бераверманг-да, ака.



— И, ана, акаям бўп қолдик.

— Унда нима дей?

— Дард де!

— Э!

— Ҳа!

— Ҳар тугул одам ўлдирганим йўқ...

Бу гапдан Тоғай ҳушёр тортди. Минг дағдаға қилгани билан Шодиёрга жаримадан ортиқ жазо беролмайди. Шодиёрни ҳозирча жазонинг мавҳумлиги чўчи-тиб турибди. Жарима эканлигини билса...

— Отнинг калласидек жарима тўлашингга тўғри келади, — деди у ниҳоят асосий мақсадга кўчиб.

— Шуми?... — Шодиёрнинг кўзлари голибона чақнаб кетди. — Ўйлапманки, осмон қўлингизда-ю, ҳозир ташлаб юборасиз деб. Хўш, қанча тўлай? Айтнинг! Оғизга сиққанича айтаверинг, сизга ўхшаб ойликка қараб қолган одам эмасмиз.

Тоғай унинг башарасига тикилиб тураркан, кўнгли-да шу истакни туйди: қани энди, бу сурбетни қўли толгунча қамчин билан саваласа, отга топтатса, оёқ-қўлини бутаб ташласа... У енгил титраётган қўлини чўнтагига суқиб носқовоғини олди, кафтига мўлгина нос тўкди.

— Айтнинг, қанча тўлай?

Тоғай ич-ичидан хуруж қилиб келаётган ғазабини босиш учун оёғи остига қаради ва кўзи хуржунга тушди. Этиги қўнжигга қўл юборади-да, дандон сопли пичоғини чиқарди. Ранг-қути учиб кетига тисланган Шодиёрга эътибор ҳам бермай, хуржунга пичоқ суқиб, уни нимта-нимта қилиб ташлади. Тепкилаб тиқилган писта навалари ҳар томонга сочилиб кетди.

Шодиёр гоҳ нимталанган хуржунга, гоҳ унга қараб, бир зум анграйиб турди-да, сўнг алами келиб сўкиб берди.

— Кучинг келиб-келиб шунга етдими, энағар!

— Нима? — Тоғай илкис у томон ўғирилди. — Яна бир қайтар, нима дединг?!

— Эшитганинг! — Шодиёр лабигача оқариб кетганди.

— Ҳали сен эна дейдиган бўлдингми!

Икки чайир ва бақувват гавда бир-бирига чиппа ёпишиб, бир оз чайқалиб турди-да, кейин бир томонга оғиб гуппа қулади. Рақибининг қорнига чиқиб олган Тоғай бор аламини муштига жамлаб, унинг дуч келган жойига гурсиллатиб тушира кетди...

Сафни бошлаб келаётган Мамат қассоб ҳануз бир нарсага ҳайрон эди: «Тавба, Чорининг боласи бу ишга нечук журъат этди? Нимасига ишонди у?»

Шодиёр юзи-кўзи кўкариб ҳовлига кириб келганида, уни шу кўйга солган Тоғай эканига дастлаб у ишонмади, тўғрироғи, ишонгиси келмади. Ахир бунинг учун орқа-олдинг тўла оғанининг бўлиши керак-да. Тоғай ким— ёлғизқўл бир йиғит. Улармон отасию, пуф деса довонга бориб тушадиган қилтириқ укасини демаса, бошқа суянадигани йўқ. Назарида ўғли алаҳсираётгандек туюлди.

— Ким... ким дединг? — деб бақириб юборди у болишдан тирсак узиб.

Шодиёр гапини тугатиб бўлиб, супа четида ер чизиб ўтирарди, отасининг бу сўроғидан ажабланди.

— Айтдим-ку, Тоғай деб.

— Чорининг боласи-я?!

— Ҳа...

Мамат қассоб болиш четини маҳкам чангаллаган кўйи ўғлига қаттиқ тикилиб қолди. Кекса томирларида қон кўпириб, ғазаб ва аламдан чеккалари тортишиб кетди. Ҳозир эшитганлари тушида юз бергандек, бошини асабий бир ҳолатда силкиди. Йўқ, ўғли юз-кўзи кўкарган ҳолда қаршисида бош эгиб ўтирарди. Афтидан, Чорининг боласи уня остига босиб обдон ийлаганга ўхшайди... Йиғит одам аввал бошда бировдан калтак емасин. Калтак едими, ҳеч ҳаяллатмай ора очди қилиб олсин, акс ҳолда бир умр елкасини қисиб юради. Тавба, Чорининг боласи қўл кўтармоққа қандай журъат этди? Ахир Мамат қассобнинг уруғи билан ўйнашиб бўлмаслигини қишлоқда етти яшардан етмиш яшаргача яхши билади-ку. Кимдир уларни «туғилган мушт» деб бекорга айтмаган. Бу муштнинг зарбига вақтида мана-ман деган бўйни йўғонлар ҳам бардош беролмаган. Биттаси— Чўли чавандоз. Кўпкарида қизишиб кетиб, катта ўғлининг юзига қамчи тортди-ю, кейин бўлари бўлди... Ҳозир ўғиллари бор жойда елкасини қисиб ўтиради. Аввалги катта гаплигидан асар ҳам йўқ. Ҳап тур, Чорининг боласи, ҳали шундай адабингни берайки, Мамат қассоб номини эшитганингда ўтирган жойингдан туролмай қолган.

Мамат қассоб шу ўй, шу хаёлда кафтини пешонасига қўйиб, қир томонга қаради. Тоғай ҳали уйига қайтмаган, оти кўринмайди. У яна ўғлига ўғирилди, ғазаби

баттар жўшди. Э, йигит бўлмай ўл, ношуд! Кучинг етмас экан, нима қилардинг беллашиб, тош-пош билан жон жойига солмайсанми ўхшатиб. Ҳойнаҳой енг ҳимариб майдонга чиққан бу. Упкалиги бор бунинг.

У кўкрак кериб майдонга тушишни ўта бемаънилик деб билади. Куч мардликда эмас, бирликда... Шунинг учун ҳам ҳовлисига тош отишга журъат этган кимсанинг уйига бостириб боради. Бундан кўзланган мақсад иккита — биринчидан бола-чақасининг кўз ўнгида шарманда бўлган одам қайта бошда уларга бет бўлишга ҳадди бўлмайди; иккинчидан, бу воқеа бошқаларга ибрат... кўрган кўз қўрқоқ келади.

Аслида одамлар уларнинг бирлигидан эмас, беандишалигидан ҳайқишини Мамат қассоб билмайди. Бутун қишлоқ мендан зириллайди, деб ўйлайди. Ундан калтак еганлар элатчилик, эрта-индин кўз-кўзга тушади, қозилашиб юрсак яхши бўлмас, деган андишада аламини ичига ютиб кетаверади.

Ўғлининг афту ангорига тикилган сайин, Мамат қассоб қутуриб борарди. Охири чидаёлмади, ичидаги борини Шодиёрнинг афтига туфлай бошлади:

— Шу афтинг билан қишлоққа энгунча ўша ёқда ўлиб кетсанг бўлмасмиди! Улигингни жовдорлар еб кетса бўлмасмиди! Шу савлатинг билан бир йигитга бас келолмасанг... Бундан кўра ўлганинг афзал эмасми! Не кўргилик бу! Қишлоқда қандоқ бош кўтариб юрсан энди!..

Мамат қассоб зардобини тўка-тўка невараларидан эслироғини ўғилларига юборди. Невараси келиб, уларни қўшни қишлоққа кетишганини айтгач, баттар тутоқди.

— Тешиктошда пишириб қўйибдимикан уларга. Уканинг аҳволи бу... У ёқда тамаки... эрта-индин ёмғир шир этса... Сўрамадингми, қачон қайтишаркин?

— Тушдан сўнг.

Мамат қассоб ўғилларини ношуд ва ялқовликда айблаб, койинишда давом этади. Бу хусусиятларни ўғилларига елимлаб ҳам ёпиштириб бўлмаслигини билса-да, койинади. Бундай пайтда гапирмасдан туролмайди, юраги сиқилади.

У гапириб тўйгач, тили тагига мўлгина нос ташлаб, бир оз хаёлга толди. Кейин оғзидагини туфдонга ташлаб, ўрнидан қўзғолди.

— Амманг ўлгандай сўлжайиб ўтиришинг нимаси, тур ўрнингдан, — деди Шодиёрга. Сўнг иш дарагини се-

зиб кўчани мўлжаллаётган невараларидан бирини тўхтатди: «Иш деса қочасан-а, баччагар. Бор, омбортомдан кетмон очкиқ! Сўгин сомонхонадан бир халта чирик сомон очкиқиб, лойхона бўйига тўк. Аканг ҳозир лой қорийди. Охурларни сувайсизлар».

Шодиёр резина этикни яланг кийиб лойхонага тушди. Жияни челақда сув ташиб турди. Мамат қассоб эски сандални курси қилиб, уларнинг ишини кузатиб ўтирди. Болаларини ишлатиб қўйиб, томоша қилишни яхши кўради у. Бундай кезларда кўнгли англарсиз фахр-ифтихорга тўлиб тошади. Болалари хиёл хато қилса, иш ўргатган бўлади-да, сўнг койиш оҳангида таъкидлаб қўяди: «Сенинг ёшингда мен ҳув анови тепани берман келтирардим. Сен эса кетмон уришни ҳам эплолмайсан. Қиялатиб сол! Ҳа, баракалла! Ўрганганинг қолади, болам». Шодиёр кенжа ўғил эмасми отасининг бу тахлит панд-насиҳатларини кўп этишган, баъзан ғижиниб кетади: «Бунинг нимасини ўрганиш керак, қизиқ. Отамнинг жа боди одатлари бор-да». Лекин буни зинҳор бетига айтмайди. Ўзидан каттага гап қайтариш — бу оилада одат эмас.

Мамат қассобнинг гаплари бу гал бошқача тус олди.

— Сенинг ёшингда қўрамга мол сиғмасди. Қўй-қўзининг ўзидан юзта эди. Райондан вакил чиқиб хатлаб кетмаганида, ҳозир... Тавба, қизиқ замонлар бўлган-да, от сақлама, мол-ҳолни кўпайтирма... Энди ҳаммаси жой-жойинга тушди деганда лоп этиб заповидник деган нарса чиқиб қолди. Адашиб кириб қолган жонлиққа фалон сўм иштраф, сўроқсиз ўтин кессанг — иштраф, номига милтиқ кўтарсанг — иштраф... — Мамат қассоб Тоғайнинг ҳовлиси томонга қуш қараш қилиб олди: — Молимни сонини ололмай юрганимда Чорининг эғнида тузукроқ тўниям йўқ эди. Бир йил қўйимни боқди. Яхши ҳақ тўладим. Менинг орқамдан одам сонига кириб қолди. Энди қўйиб берсанг, одамни писанд қилмайдиган чоғи бор. Унта қўйни селга оқизиб қўйганида тутиб олиб бир туйганман. Ушанда бира-тўла ўлдириб қўя қолсам бўларкан. Чақаси ҳам отасининг белида кетган бўларди. Билмадим, нимасига ишонди у.

Шодиёр индамайди, лойга сомонни қориштира туриб, жиянига ўшқирди:

— Сувдан қуй, нега анқаясан!

Мамат қассоб бу ўшқирдиқ замирида ўзига нисбатан пинҳона зарда борлигини фаҳмлаб, уни обдан эғовлашга киришди.

— Шу турқ-тароватингни бобонг раҳматли кўрмади-да, нақ гўрида тик турарди. Сен ҳам юрибсан-да полвон номини кўтариб. Сўроқлаб келса, бир кишига кучинг етмайди... Бобонг бу ёғи Тожикистон, бу ёғи Бухорогача бориб кураш тушиб келарди...

Шодиёр бобоси ҳақидаги ҳикоятларни кўп эшитган: «Энди қулоқ-миямини қоқиб қўлимга беради. Тоғайдан калтак еганимни бир умр юзимга солиб юради. Ярамас, бoshқа жой қуриб қолгандай нуқул башарамга уриб ўтирибди». Агар юзи-кўзи кўкармаганида Шодиёр калтак еганини отасидан сир тутган, кейинчалик қулай пайтини топиб бошлаб ўчини олган бўларди. Энди эса ёш боладай отасининг ортидан эргашиб боришга мажбур.

— Бир кунни отда қувиб бўри тутган, эрмакка. Ғайрати ичига сиғмасди, тирик жондорини тутишни ўзи бўладими...

Шодиёр кетмон билан лойини ағдара-ағдара, бобосининг қўлида жон ҳалпида типирчилаётган бўрининг ҳолатига ўзининг ҳозирги аҳволини қиёслайди. Фарқ сезмайди... Тоғайни тавбасига таянтирмагунча отасининг жағи тинмайди — бобосини таърифлайвериб жонини олади.

— Сен ҳам юрибсан-да, йигитман деб. Ана йигит қанақа бўлиши керак!

Озгина қўшиб-чатган демаса, Мамат қассобнинг айтганлари ҳақ рост. Ҳақиқатдан ҳам Тўра полвон машҳур полвонлардан бўлган. Улоқ ҳам чопган. Лекин чолларнинг ҳикоя қилишларига қараганда, худо уни фарзанддан сиққан, пешонасига битган якка-ёлғиз ўғли ўзига тортмаганидан норози кетган. Азбаройи сиқилган кезлари хомсемиз ўғлини ҳовли юзидаги келитошга ўтирғизиб қўяркан-да, ўзи ҳар томонидан ўтиб кузатар, сўнг бирдан тиззасига уриб: «Ай, биродарлар, шу бола менинг пушти камаримдан бўлганми-а?! Оёғини эплаб босолмайди-ку, бу! Эй, худо! Мен сенга нима ёзгандим?! Уйимни тўлғазиб ўғил бермайсанми? Лоақал шу болани одам башара қилиб яратмайсанми?! Бунинг нима ўзи, бир тўрва хом гўшт-ку!» Тўра полвон шундай дея-дея армонда кетди. Агар бу ҳақда гап очилгудек бўлса, Мамат қассоб мана шу хилда гап қилади: «Раҳматли донғи кетган полвон бўлгани билан рўзғор ишига эппи йўқ одам эди. От суриб кураш тушиб юраверган... Ундан бизга нима қопти. Ун-ўн беш кўтарам қўй, шамол турса қулаб тушадиган ғариб кулба демаса, деярли ҳеч вақо. Мен нима қилдим?» У атрофдагиларга мағрур қарай-

ди. Айтмаса-да, унинг нимага шама қилаётганинг ҳамма яхши билади. Мамат қассоб отасидан қолган тўрт-беш жонлиқни сурувга етказди, эски кулба ўрнига тушган иморатининг таърифи ҳали-ҳалигача оғизда... У чуқур хўрсинган бўлади: «Раҳматли буларни кўролмай кетди».

Шодиёр икки челақ лойни кўтариб қўрага кириб келгандан сўнггина Мамат қассоб гапдан тўхтади. Ҳовли сатҳига зеҳн солиб, супада юрган товуқларни кўрди. Кампирини сўкмоқ бўлиб оғиз жуфтладию уни тамаки баргларини ипга тизгани келинларига ёрдамга чиққанини эслаб шаштидан қайтди. Ердан кесак олиб товуқларга отди. «Товба, Чорининг боласи бу ишга нечук журъат этди-а?!»

\* \* \*

— Бир туюр гўшт еб оласизми?

Тоғай ўчоқ бошига юзланди. Марҳамат қўлида капкир саволомуз боқиб турарди. У худди аёлини илк бор кўраётгандек, негадир уни бошдан оёқ кузатди, туйқусдан бошига чақмоғ янглиғ келган ўйдан юраги сирқираб кетди: «Оғироёқ нарса... бирдан...» Йўқ, Тоғай бунга сира бардош беролмайди! У миҳда осиглиқ турган қўштиғ милтиққа кўз қирини ташлади, аёлига, йўқ, деган маънода бош чайқади. Уни ҳовлидан чиқариб юбориш керак. Агар хотинини холи қолдирса — у бу қарорга бирдан келди — енг ҳимариб рақибларига мардона пешвоз чиқади: «Э, эркак бўлсаларинг, қани, битта-битта келинлар!» деб наъра тортади. Кучи етгунча, олишади, етмаса... бу ёғи барибир даҳшат! Қалтак еб қолаверадиган аҳмоқ йўқ-ку! — У яна милтиққа қаради. — Ё қани тегиб кўринглар, нақ пешаналарингдан отаман, ёки қаматаман деб қўрқитсаммикан?.. Бўлмайди. Буйтиб жон сақлагандан кўра тиз чўккан минг афзал! Яхшиси, ҳозир орани очиқ қилиб олган маъқул».

Тоғай аёлига қараб оғиз жуфтлаган заҳотиёқ фикридан қайтди. Хотинини нима баҳонасида ҳовлидан чиқармасин, у кўр эмас, эшикка юриши билан сафга кўзи тушиб воқеани англайди. Сўнг минг ялинсин, минг дўқ урсин — фойдаси йўқ — эрининг ёнидан бир қадам нари кетмайди. Ҳар қандай андишани четга суриб қўйиб, қассобнинг соқолига чанг солса соладики, эрини ёлғиз ташлаб кетмайди. Холиёр бодидек безорини қонига беллаган шу хотини Мамат қассобдан ҳайиқармиди?!

Ушанда улар ўнинчи синфда ўқишарди. Мактаб қўш-

ни қишлоқда, оралик уч чақиримдан зиёд. Болалар сўқмоқдан яёв қатнашарди. Уқувчилар дарсдан сўнг синф хоналарини навбат билан ювиб-йигиштириб кетишарди. Уша куни Тоғай билан Марҳамат синфни тозалаб бўлишди-да, эран-қаран йўлга тушишди. Ҳаво мусаффо. Кўкламнинг илиқ шабадаси юзни ялайди. Улар сўқмоқ қолиб майсаларни ялангоёқ босганча адир бўйлаб кетишарди. Марҳаматнинг кўнглида нимадир жуш уради, нималарнидир йигитга айтгиси келади. Тоғай шу йўлнинг кетгунча ҳеч тугамаслигини истайди... Бир пайт узоқдан Холиёр бодининг қораси кўринди, қаватида икки шериги. Тоғай уларни танимади. Холиёр шаҳардаги ҳунар-техника билим юртида ўқийди. Ора-сира жўраларини бошлаб чиқиб ҳар гал қишлоқда бирор «ҳунар» кўрсатиб кетади. Ҳозир ҳам иккаласини бирга кўрган Холиёрнинг кўнглида қувлик қўзиди. Тоғай ундан чўчиса-да, қизнинг олдида сир бергиси келмади.

— Ҳўш, нима дейсан?!

Холиёр боди қўллари белда, оёқларини кериб турганча, кўзларини сузиб Марҳаматга имо қилди.

— Қизингми? Зўр-ку!

Тоғай уни эрмакка жанжал чиқармоқчи эканини пайқаб, паст овозда қизга буюрди:

— Марҳамат, сен кетавер!

— Ҳо-о! — деди Марҳамат кутилмаганда. — Нимага кетарканман?! Қани бир тегиб кўрсин-чи?!

«Йўлтўсарлар» хохолаб кулиб юборишди. Холиёр кула-кула қизга яқинлашди-да бирдан башарасига даҳшатли тус бериб, икки бармоғини унинг юзига нуқиган бўлди:

— Қочиб қол, бўлмаса, кўзингни ўйиб оламан!

Марҳамат бир одим тисланиб, ердан муштдай тош олди. Холиёр боди нописанд кулимсираб, шерикларига юзланди:

— Қизилқоя қизлари шунақа шатта бўлади.

— Узинг шатта, — деди Марҳамат тап тортмай.

— Э, кўп бижилламай жўна! — Холиёр боди жиддий тортди. — Бор, йўлингдан қолма! Биз манови билан гаплашмоқчимиз.

— Гаплашмайсан!

— И-и!

— Ҳа!

Холиёр боди, бу чатоқ-ку, деган маънода томошаталаб шерикларига юзланди. Улардан бири қўй, шуларга тирғанма, деган йўсинда қўл силтади, иккинчиси уни

маъқуллаб бош ирғади. Аммо қизнинг дадиллиги Холиёрнинг ҳамиятига теккан, у чегирайганча қизнинг устига бостириб кела бошлади. Тоғай шошилинич бир тарзда унинг олдини тўсиб чиқди-да, беихтиёр ёқасига қўл юборди. Зум ўтмай иккиси тапир-тупур олишиб кетди. Қанча чиранмасин, Тоғайнинг орқаси ер кўрди. Қорнига миниб олиб:

— Ҳа, қалайсан?! — деди ҳарс-ҳурс нафас оларкан Холиёр мамнунлик билан. — Қизлар билан падрушка қилиб юргунча олишишни ўрган!

Тоғай унинг тагидан чиқишга зўр бериб уринаётганда, Холиёр боди «воҳ» деганча чап ёнюошига ағдарилиб тушди. Бошидан чаккилаб қон кета бошлади.

Тоғай боши узра қўрқувдан тош қотиб турган Марҳаматни кўрди. Холиёр бодининг шерикларидан бири унинг қўлидаги тошни юлқиб олди.

— Бу нима қилганинг, тентак экансан-ку! — деди ўшқириб. — Шунчаки ҳазил қилмоқчи эди. Сен эса... тур жўна!

— Тегмасин эди, нега тегади, — деди Марҳамат дадиллигидан асар ҳам қолмай.

Тоғай анчагача чурқ этмай келди. Қишлоққа яқин қолгач, ердан бошини кўтарди.

— Бопладинг лекин...

У ҳарбий хизматга кетаётиб, қизнинг ваъдасини олди. Хизматдан қайтгач, бир йил ўтиб уйланди. Марҳаматнинг бўйида тезда бўлавермай иккиси хийла ташвишда юришди... Тоғай бу тунни ҳеч қачон унутмайди: ташқарида қор бўрони, шамолнинг зўридан дераза ойналари зириллайди... Тоғай иссиқ печка қаватида ёнбошлаган кўйи мудрайди. Бир маҳал тиззасида илиқ кафтни ҳис этди. Кўзларини ярим очди. Қаршисида Марҳамат, лабларида ним табассум, кўзлари алланечук яшнаб турарди.

— Бўронни қаранг... — деди у хиёл нозланиб. — Эртан сизни бозорга юбормоқчи эдим... Би-ир... олма егим келяпти...

Тоғайнинг энсаси қотиб, кўзларини қайта юмди. «Қиш чилласида кўнгли тусаган нарсасини бунинг». Кейин бирдан ҳушёр тортди.

— Нима... нима дединг?!

Марҳамат қўлини тортиб, ерга қаради.

— Менга қара, олма дедингми?!

Марҳамат, ҳа, дегандай жилмайди.



— Демак... — Тоғай ўрнидан сапчиб турди. Йўл-йўлакай телпагию чопонини қўлига олиб ташқарига отилди: «Вой, жиннивой-ий, бозор-мозор деб ўтирасанми, кўнглинг тусаганини ҳозир муҳайё қиламан!» У тўғри Нортожи чолниқига борди. Чолнинг кампири боғидаги тошолмаларни сандиққа жойлаб қиши билан мактаб болаларига донасини йигирма тийиндан пулларди. Ҳар бири муштдек, ширин олмалар.

— Ий-й, болам, — деди Нортожи чол унинг муддаосини эшитиб, — биласан, неварам армиядан қайтган... бор олмаларни келим-кетимга сарфладик. Сен яхшиси, Мамат қассобниқига ўт. Уникада одамнинг жонидан бошқаси топилади.

Тоғай Мамат қассобни дарвозаси ёнида учратди.

— Олма, дейсанми? — у Тоғайни ичкарига таклиф этди. — Ҳи-и, меҳмон-сеҳмон кеп қолдимми?

— Шундай деса ҳам бўлади, — Тоғай томоқ қирди. — Жуда зарур эди.

— Ҳай, отга ўхшаб ер тепсинмай, олдин уйга кир.

— Шошиб турибман.

— Шундайми? Энди-и, мол эгаси Шодиёрвой... Ҳозир айтиб юбораман.

Кўп ўтмай тўнига ўралиб Шодиёр чиқиб келди. Хоккей томоша қилаётган экан, ишқивозларга хос шавқ билан бақирди:

— Бизики шведларни роса ўмганляпти...

— Шодиёрвой бизга олма керак эди.

— Олма? — Шарақлаб кулди Шодиёр. — Нима, тушингизга кириб чиқдимми?

— Ай, энди бир егимиз келди-да.

— Тезроқ юринг, хоккей ўтиб кетади, аммо-лекин зўр ўйин бўляпти-да — Шодиёр уни ошхона қаватидаги омбортомга бошлади. Каттагина хонани олма аралаш яна аллақандай ҳид тутган. Уртада яшиқлар, тўрда қалин тахталар устида тўла ва ярим тўла қоплар тартиб билан терилган, шифтга алламбалолар осиб ташланган эди...

— Биззи олмалар бозор нархида-да...

— Беравер, — Тоғай чўнтагидаги бор пулини қўлига тутқазди. Кейин белидан белбоғини ечиб ерга ёзди. Шодиёр ўртадаги яшиқлардан бирининг оғзини очди, бурчакдан тарози олганди, у жеркиб берди: — Э, беравер-майсанми, ё сендан кетар, ё мендан...

Тоғай бир белбоғ олмани хотинининг олдига гурс этиб ташлади.

— Мана, хотинжон! Айт, кўнглинг яна нималарни тусайди? Ҳозироқ ест қиламан!

Марҳамат чироқ нурида олтиндек товланиб турган сап-сариқ олмалардан йирикрогини танлаб белбоғ учи-га артган бўлди-да, очкўзлик билан карсиллатиб тиш-лади. Тоғай унинг қошига чўккалаб, елкасига қўл юбор-ди, силаб-сийпади. Уша тун у оталик бахтини ҳис этиб, хаёл қанотида юксак-юксакларга учди: гоҳ отда ишдан қайтди, қаршисига ўғиллари югуриб чиқишди, бири оти-ни боғлади, бири қўлига сув қўйди, бири елкасига осил-ди... Гоҳ тўрда ястаниб ўтирган ҳолда кўрди ўзини — каттаси сал гуноҳ қилган экан, салобат билан койиган бўлди, ора-сира тиззаларига ўтириб олишган кичкин-тойларининг сочидан ҳидлаб-ҳидлаб қўяди денг. Гоҳ денг, ўғилларини тоққа бошлаб чиқади, яланг ер бор-ки, кўчат ўтқазишади. Қизилтўш, Ялангтепа, Айланма, Улоқўйнар, Сувтушар деб аталмиш жойларни одамлар Тоғайнинг жийдазори, Тоғайнинг олмазори, Тоғайнинг теракзори деб атай бошлайдилар. Мана, масалан, Са-мад чолнинг кўзи тирик, лекин ўнлаб ер унинг номи би-лан аталади...

Мана, энди ўша орзулари барбод бўлиш хавфи ости-да... Ҳатто қўл узатса егадиганини ҳам амалга оширол-майдиганга ўхшайди: у эрта бозордан бешик харид қилмоқчи эди.

\* \* \*

Ҳозир бориб нима қилишни Мамат қассоб яхши би-лади. Унинг шохини шундай қайирадики, Мамат қассоб деганда дир-дир эти учадиган бўлади.

Аввал анови тўртта чирик тахтани бир тепиб очади. У очилмайди, тутдай тўкилиб тушади. Шўрнинг қурғур-нинг пешанасига тузукқуралли эшик ҳам битмаган. Шу сиёғи бўлса, отасига ўхшаб ҳеч замонда бири икки бўл-майди. Бўлмаса, қўли остида қанча бойлик... Итга ўх-шаб ириллагунча, бир четидан ушатиб, майда чайнаб еб ётмайдами! Эганг ўлгур бу тоғу тошлар кимларни боқ-маган, кимлардан қолмаган. Бири — Мамадали эди, тоғ-бегиман деб, на итни доритди, на битни... оқибати тош босиб ўлди. Энди буниси унисидан ўтказмоқчи. Ўтказиб бўлсан! Ҳали бир ўлимич бўлиб калтак егин, кўзинг мошдай очилиб, фойда нимаю зарар нима — ажратади-ган бўласан! Ажратолмасанг ўзингга қийин, отанг ка-би... Энди бу отаниям худо урган. Айтмайдами, шу то-

ғу тошни деб, жонингни ҳалак қилма, биров раҳмат демайди, эл-юртга ёмон кўринма, деб. Мияси бўлганда кўздан пана жойларга суриб картошка экарди, нўхат экарди... бозорни гуллатарди. Э, асли ўзи...

Мамат қассоб воқеанинг давомини кўз ўнгида гавдалантиришга киришди. Мана у синган эшик бўлақларини босиб ўтиб, ҳовли ўртасига етмай тўхтади. Тоғай қўрқувдан бақадек қотиб қолган. У қўлини сирмаб чақиради: «Э, энаси тайхар, берман ке!» Тоғай алланечук букчайиб, писиб қошига келади. Минғирлаб узр сўрайдими-ей. Мамат қассобнинг қулоғига гап кирмайди. Секин теваракка кўз югуртиради. Қўни-қўшнилар эшиклари олдига чиқиб, ҳанг-манг бўлиб туришибди... Ур калтак-сур калтакнинг айни пайти, йўқса, одамлар эсҳушини йиғиб олиб, орага тушувчилар кўпайиб қолади, дов тўкиб боришгани бир пул бўлади. Мамат қассоб ҳаялламай Тоғайнинг қўймичига бир таёқ туширади. Қолганини ўғиллари эплашади...

Йўл Абди устанинг қўраси ёнидан ўтарди. Гирди сим тўр билан ўралган қўра биқинига етишганда, бостирма остида кавш қайтариб ётган катта қора қўчқорга кўзи тушиб, қассобнинг хаёли бўлинди. Бугун тонгда Абди уста эртапешинда бизди жонлиқни йиқитиб беринг, қассоб, деб кетганди. Мамат қассоб қадамини хиёл секинлатиб, қўчқорга синчков назар солди, қанча юк қилишини чамалади. Қўлига тушадиган фойдани ўйлади. Уста баъзиларга ўхшаб ўлармон эмас, дангал одам — пичоқ ҳақини икки-уч ҳисса ортиқ тўлайди.

Мамат қассоб ушоқ мол учун ўн, қора мол учун йигирма беш сўм пичоқ пули олади. Одамига қараб, икки килодан тўрт килогача эт, хоҳлаган, истаган жойидан... Уни қўшни қишлоқлардан ҳам йўқлаб туришади. Бойси тошдан уради, тарозидан уради, этга суякни тиқиштиради, хуллас, бир уюм этни зиғирча чиқитга чиқармай, керагидан ортиқ пуллаб беради.

Қассобнинг эсига дафъатан тунов кунги дилхиралик тушиб, кўнгли беш баттар ғаш тортди. Аламдан ичи симиллаб оғриб кетгандай бўлди: «Тавба, нималар бўляпти ўзи? Бу ёгда Шоди йўлига кўндаланг бўлиб турибди. Самад чол жонлигини тагин унга сўйдирди. Бугун Чорининг боласи буйтиб ўтирибди... Чорининг боласини-ку бир ёқли қиламан, Шоди ҳам писанд эмас, ammo Самад чол... Илоё соқолингга ўт тушкур, бу чолга қайтиб бас келса бўларкин? Юртни кайвониси... на уриб бўлади, на сўкиб, сал бурнидан ошиқ гапирсанг,

бирор йиғин-пиғинда, аҳли жамоа, қассобни алмаштира-масак, бўлмайдди, деб қолишдан тоймайдди, бу касофат чол! Қайси гўрдан ҳам мол боқишни одат қилди? Тоғу тошга дарахтларини экиб юраверса ўлармиди! Асли ўзимни терилайдиган, тилимни кесадиган... билардим феълени, нима қилардим гапириб. Ана энди додингни худога айт».

Саратоннинг бошларида, яъни бундан икки ой муқаддам Самад чол биринчи сўғимини боқувдан чиқариб, Мамат қассобни йўқлаб келди.

— Маматвой иним, — гап бошлади у хижолатли оҳангда, — шу-у... қариганда бир ишни одат қилдик.

— Хўш-хўш? — Мамат қассоб унга чой узатди.

— Яъни-ий... тағин бу чол қариганда пулга тузоқ қўйибди, деган хаёлга борманг, иним. Бекордан худо безор дегандай, мол боқишни одат қилдик. Этагингдан тортиб турадиган бир юмушинг бўлмаса, қийин экан...

— Яхши ишни бошлабсиз, сизга айтсам. Буям савоб иш, ҳарна эл оғзига ёғ-гўшт дегандай...

— Барака топинг.

— Ҳа-да, буни ҳам ҳамма эплавермайди.

— Шундай-шундай, — Самад чол уни маъқуллаб, мақсадга ўтди. — Бизди ҳовлига ўтасиз энди.

— Бош устига.

— Одамларни пешинга айттирганмиз...

— Сўқимингиз ушоқ молми?

— Ушоқ.

— Пешингача бемалол улгурамиз.

— Мен турдим. Фақат ҳаяллаб қолманг.

У анжомлари солинган сўмқасини қўлтиқлаб ҳовлига кириб борганида Самад чол гўшт дарагини эшитиб барвақтроқ келиб қолган икки-уч киши билан сўрида гурунглашиб ўтирарди. Мамат қассоб ҳамма билан бир-бир сўрашиб сўрига чиқди, сўнг суви қочган нондан бир бурда ушатиб, пашша талаётган пиёладаги мураббога ботирди. Чапиллаб кавшанганча, чолга маъноли тикилди.

— Биринчи сўқим... иримини қилинг, оқсоқол.

Самад чол болишдан тирсак узиб, жойлашиб ўтирди. Оппоқ, сийрак соқолини тутамлаб андак сукут қилди.

— Қарови биздан бўлгани билан... мол асли Жовли-войники, — деди у ҳовли юзида ивирсиб юрган ўғлига ишора қилиб. — Энди-и, мол эгасига барака тилаб, бир нима деймиз-да, а иним?

— Айтинг.

Чол кафтларини ёзиб, кўзларини ярим юмганча, пичирлаб дуо ўқиркан, Мамат қассоб ҳовлига разм солди. Диққатини ҳовли тўридаги янги тушган уй тортди. Уни ўз иморатиға солиштириб, бир қанча камчилик топди. Уй деворлари текис, ёғоч қисми бежирим ишланган бўлса-да, пастак эди. Қишда иссиқ бўлиши назарда тутилиб, қишлоқда аксарият уйлар мана шу тартиб қурилади. Бу хил иморатлар Мамат қассобга сира ёқмайди. Отасининг ўлимига йил тўлмай, у район марказидан уста бошлаб чиқди. «Уста, — деди дангал, — пул биздан, қуриш сиздан. Шундай бир иморат солингки, қишлоқда танҳо бўлсин!» Уста, қотирамиз, деди. Иморатнинг пойдевори харсанг тошлардан кўтарилди, деворлари синч қилинди. У пайтлар қўриқхона деган гап йўқ, Мамат қассоб тоғдаги арчалардан танлаб-танлаб кесиб, пешма-пеш етказиб турди. Тўрт ой деганда иморат битди. Қишлоқ советининг идораси унинг олдида ғариб кўриниб қолди. Мамат қассоб қишлоқда биринчи бўлиб ҳовлисига девор эгирди. Темир дарвоза ўрнатди. Уни кўриб баъзилар ҳаракатга тушиб қолишди-ю, лекин барибир унга етказишолмади. Аммо девору дарвоза қишлоқда удум бўлди. Кейинчалик Мамат қассоб катта ўғилларига атаб яна иккита иморат солдирди. Улар олдингисидек чиқмаса-да, бошқаларникидан ўлса, ўлиги ортиқ...

Самад чол узундан-узун дуосини тугатиши билан. Мамат қассоб илдам ўрнидан қўзғалди. Сумкасидан чарм пешбандини олиб, белига боғлади. Жовли семиз қўчқорнинг думбасига арқон ташлаб, қўрадан зўрга судраб чиқди.

Ҳозиргина маъраб турган жонивор бир уюм этга айлангач, Мамат қассоб тарозини қўлбола стол устига ўрнаштириб, гоят абжирлик билан гўшт тортишга киришди. Ҳовли юзида ғала-ғовур. Қассобнинг ўнг қаватида Самад чол, кўнгли чоғ, келгувчилардан ҳол-аҳвол сўраб қўяди. Чап ёнида мол эгаси — Жовли пул санаб, насияга олувчиларни дафтариға қайд қилиб боради. Мамат қассоб насияни ёмон кўради. Насия деганлари қўлингдаги нақд пулни сочиб юбориш-у, кейин уларни битта-битталаб териш билан баробар. Бир ёқдан келиб, иккинчи ёқдан кетади, ёнингда юқиям қолмайди. У ичида эгаларининг соддалигидан кулиб турганида Самад чол мурожаат қилиб қолди:

— Маматвой, иним, манови бир бўлак қуйруқни ҳам қўшинг.

Мамат қассоб бир чолга, бир қаршисида қимтиниб турган ранги синиқ жувонга тикилиб, оғринибгина ярим килодан ошиқ думбани тарозига ташлади.

— Сағирлар гўшт-ёққа бир тўйсин,— деди чол. Кейин аёлнинг пул узатган қўлини қайтарди, — ҳозирча зарилмас қизим, топганда қайтарарсан.

Жувоннинг кўзида ёш айланди. Мамат қассоб ижирганди. «Унга илинсанг, бунга илинсанг, мол сўйиб нима қилардинг, тентак чол. Бунақада емишингни пулиям чиқмайди-ку!»

Шундан сўнг Самад чол яна бир-икки аралашган эди, у қўлидаги пичоғини столга ташлаб чолга юзланди:

— Менга қаранг, уйга ҳеч уста солганмисиз?

Чол ҳайрон бўлиб, янги тушган уйга ишора қилди:

— Анови иморатни Абди уста солган, нима эди?

— Устанинг ишига аралашганмисиз?

— Йўқ.

— Унда нега менинг ишимга аралашасиз?

— Э. товба қилдик.

Мамат қассоб сўнгги бўлак этни эгасига тутқазиб, қўлини артди. Ёнида пул санаб турган Жовлининг биқинига тирсағи билан туртиб, писанда қилди:

— Жовлиной, мана, қирқ кило этни элликка айлантириб бердик. Шунга қараб муомала қилавер!

Бу гап дакки еб жим ўтирган чолнинг қулоғига етиб, бирдан хушёр тортди.

— Э, бу нима деганингиз бўлди, Маматвой?

— Тагин аралашасиз-а, — Мамат қассоб жеркинди. — Ахир мен мол эгаси билан гаплашаяпман...

— Йў-йўқ, сиз менга айтинг, қайтиб қирқни элликка айлантирдирдингиз? Бундан чиқди... фирромлик қипсизда, а?

— Қанақа фирромлик! — Мамат қассоб елка учирди. — Бу ишнинг таомили шу... сизнинг фойдангизни кўзлаб... Тавба, одамларга яхшилик ҳам ёқмайди.

— Бунақа фойда бизга керакмас, иним, — Самад чол этак қоқиб, ўрнидан турди. — Ҳаром пул ҳеч кимга юкмаган... Буйтиб нон егандан кўра чим қучиб ётган афзал, қассоб!

Орадан бир ой ўтиб, йиқилиб шикаст еган совлиғини чол Шодига сўйдирди. Бундан Мамат қассобнинг қаҳри келди. Уша куннёқ Шодининг уйга бостириб борди.

Шоди дастурхон ёзди, чой қўйди. Мамат қассоб сўроқ қилди, у жавоб берди.

— Қишлоқда нечта ошпаз бор, Шодивой?

- Битта, — деди Шоди кўзларини пирпиратиб.
- Нечта уста бор?
- Битта.
- Энди шуни айт, нечта қассоб бўлиши керак?
- Шоди ерга қаради.
- ...
- Унда нега тумшуқ тикиб юрибсан?
- Сўради... Йўқ деёлмадим.
- Мамат қассоб ҳали ўлмаган, деманингми?
- Дедим...
- Бекор айтибсан.
- Дедим, ака.
- Икки кўчқорнинг боши бир қозонда қайнаганми?
- Нега сасинг чиқмайди? Биласанми шуни?
- Биладан.
- Фейлимни ёмонлигини-чи?
- Шоди жим.
- Хўш энди нима қилдик?
- Шоди чеккасини қашиди.
- Эртан биров сўғимини сўйиб бер, деса нима дейсан?
- Мамат қассоб бор, дейман, ака.
- Ишонса бўладими.
- Ишонинг, ака.
- Аниқ?
- Аниқ, аниқ.

... Ушганда у Шоди қайтиб қўлига пичоқ тутмайди, деб ўйлаганди. Утган куни Самад чол дангала қилармиш, деган гапни эшитгач, кўзи дарвозада бўлди. Бироқ кўп ўтмай сўқимни Шоди сўйганини эшитди. Эшитгандаям Шоди сўйди, деб эмас, Шоди қассоб сўйди, деб эшитди. Бу унинг юрагига ўқдай қадалди. Эл Шодини қассоб сифатида тан ола бошлаган эди. Оқибат, ким-кимнидир сиқиб чиқариши керак... Бунга Мамат қассоб бардош беролмасди. Негаки, қассобчилик нафақат тирикчилик, балки ўзига хос обрў-эътибор эди. Дейлик, қишлоқда кимдир тўй қиладиган. Эркаклар маслаҳат ошига йиғилишди. Баковул, ошпаз, қассоб — тўрда. Пойгакда — тўй эгаси. Утирганлар тўрдагиларнинг оғзига тикилган. Гапни баковул бошлаб, қанча нон, қанча қанд-қурс олганини суриштиради. Жавобни олгач, етармикан, деган маънода у аввал ошпазга, кейин қассобга қарайди. Улар салобат билан фикр айтишади. Ошпаз ош масаллигини суриштириб, сиз нима дейсиз, дея қассобга боқди. Мамат қассоб сўқим масаласида

албатта, бирор камчилик топади: «Тананг бир-икки йилдан сўнг гумбаздай снгир бўлади, ўрнига қисир снгирингни сўямиз». Тўй эгаси, олдинроқ шу фикр хаёлига келмаганлигига ҳайрон бўлиб, ичида қассобнинг тadbиркорлигига тан беради. Бошқаларнинг юзида ҳам шу маъно зоҳир. Мамат қассоб бундан бир қоп семиради. Кейин узоқдан келадиган меҳмонларни жойлаштириш масаласи кўрилади. Мамат қассоб энг нозик меҳмонларга ўз уйини тавсия қилади... Хуллас, қассоб сифатида қишлоқда ўз ўрни бор. Агар қассоблик қўлидан кетса, тўрдаги ўрни ҳам ўз-ўзидан кетади. Тўрни Шоди эгаллайди.

Мана шунини ўйлаб Мамат қассоб беҳаловат бўларди. Кеча Шодини йўқлаб бориб, уйдан тополмади. Бугун кечга томон ўтмоқчи эди, оёқ остидан бу фалокат чиқиб турибди... Аслида Шоди Самад чолнинг юзидан ўтолмаганини Мамат қассоб яхши билади, шундай бўлсада, Шодини бир тузламоқчи. Алам қиладиган жойи шундаки, бошқага қилганини Самад чолга қила олмайди. Сабаби чол-қишлоқнинг энг кексаси. Унга ноҳурмат бўлганни юрт кечирмайди, қишлоқдан бадарга қилишлари тайин. Унда нима қилмоқ керак?

Бошига туйқусдан келган ўйдан Мамат қассоб қувониб кетди. «Шошма. Самад чолни умрбод боғлаб қўйгани йўқ-ку. Бугун бўлмаса, эрта оёғини чўзади. Келадиган одам ортида қоладиганларини ўйламай иложи йўқ. Тоғайнинг тенгини берсам, чол тийилади. Икки кунлигим борми-йўқми болаларимга душман орттириб кетмай, деб ўйлайди. Ўйламай ҳеч иложи йўқ».

У қадамини янада тезлатди.

\* \* \*

Бешикни деб Тоғай эрталаб отасини қаттиқ ранжитди.

Ота-бола зарур юмуш билан Тошқишлоққа отланишаётган эди. Тоғай уйдан йўл тадоригини кўриб келган. Супа четида отасининг бўлишини кутиб ўтирарди. Отаси нимдош чопонини кия-кия кампиридан нос ғамлаб қўядиган шишасини сўради. Шишанинг бўшлигини кўриб Тоғай пешонасини тириштирди. Отасининг феъли аён. Носи тугаб қолар бўлса, бор юмушини ташлаб, эринмай бозорга тушади. Олгандаям фақат Шомурод носфурушнинг носидан олади, бошқасини тан олмайди. Бошқалар учун узоқ, жуда узоқ туулган район маркази



унинг учун бир одим — на қиш изғиринини билади, на саратон жазирамасини; елкасида тароқи хуржунини ташлаганча зиппиллаб кетгани кетган. Бир қиш давонда бўриларга ем бўлишига сал қолган, бир сафар қор бўронда адашиб қолиб оёқларини совуқ олдирган, бир гал... Қисқаси, носи адо бўлар бўлса, айниқса, хумори тутганда, ҳеч бир куч уни тўхтатиб қололмайди.

Тоғай кутган ҳол юз берди: шишани ёруққа солиб кўра туриб:

— Нос тугаб қопти-ку, ўғлим. Бозор бормасам бўлмайди. Тошқишлоққа эрта-индин ўтармиз, а? — деди.

— Шу зорманда кеча эсингизга келмадим, — деди энасининг жаҳли чиқиб.

— Кеча бордай эди... — Ота кўзларига ишонмагандек, тиқинини олиб шиша ичига мўралади. — Тўрт-беш отим... бу менга пешингачаям етмайди.

— Эртан бир иш билан районга тушаяпман, овора бўлиб юрмай, бугунча меникидан чека қолинг.

— Солини носи бизга тўғри келмайди, болам, — Ота узун чўп билан шиша тубини кавлаштира туриб, унга саволомуз тикилди. — Сен нима иш билан район бормоқчисан?

— Бешик... Меҳрининг боласига... — Тоғай муҳим бир хабардан огоҳ этаётгандай деди. — Утган ҳафта Мамадиёр устага буюриб келганман. Толёғочдан ишлаб берадиган бўлган.

Отанинг қовоқлари бирдан осилиб кетди. Шиша тубидаги тўрт-беш отим носни олпоқ қоғоз юзига тўкиб, гина тўла нигоҳини унга қадади.

— Отангни қачон кўма қолдинг, болам?!

Тоғай бу гапдан довдираб қолди.

— Нималар деяпсиз, ота? — деди нафаси ичига тушиб.

— Бешикни тоға эмас, бобо, бобо йўқ тақдирдагина... худога шукур, ҳали кўзим тирик... Тавба, нега энди, бешикни ташвиши сенга тушиб қолди, а? Унгача ҳали бор шекилли. — Чол шундай дея бир четда жим ўтирган кампирига қаради. Кампиридан тасдиқ ишорасини олгач, гинаси зардага айланди. — Бу етмагандек, бешик буюрган одамингни қара, Мамадиёр одамми! Яқин-яқингача бозор бошида вино ичиб, тўполон қип юрарди. Ўғри қариса, сўфи бўлармиш! Ювиқсизнинг қўл урган ишига қара... Қўлингдан усталик келаркан, эшик яса, ром яса, бешик ҳам ясайсанми, касофат! Бешик табаррук нарса, уни кир қўл билан ясамайдилар!

Э, касофатинг ўзингга уртур! — Ота Мамадиёр устани сўкиб хуморидан чиққач, ўглига боқиб, қатъий йўсинда деди: — Гап шу, бешикни Салоҳиддин устандан ола-миз.

— Уят бўлар... ўртада лабз деган нарса бор.

— Кошки унинг лабзга арзиса!

— Энди бир дил кетувди-да, ота.

— Э, ўргилдим ўша дилингдан!

— Айтмайдими, ўл-а, тутуриқсиз, деб.

— Айтса, айтар, унинг ўзи нимаю гапи нима!

Тоғай бозор биқинидаги чойхонада бўладиган гурунгларни эслаб, юраги шув этиб кетди. Мамадиёр устанинг оғзи ёмон; кўпчилик ўртасида изза қилиши ҳеч гапмас.

— Йў-ўқ, бешикни олмасак, бўлмайди...

— Урлик қилма, болам!

— Ўзингиз ҳам йўқ ердаги гапларни қип юрасиз-да, ота! Бешикни ким олиш, кимдан олиш... нима фарқи бор!

— Унда билганингни қил! — Ота қўл силтаб эшик томон юрди. Остонага етмай тўхтади. — Шунини бил бола, одам боласининг жонзотдан фарқи — яхшига топиниб, ёмондан хазар қила билишида. Сен эса лазиз таомни ҳаром косага сузилганини кўра туриб, кўнгли суст кетган одамга ўхшайсан.

Бу гапдан Тоғай титраб кетди. Ярим очик қолган эшикка бақрайганча қолди. Кейин эс-ҳушини йиғиб кўчага чиқди. Отаси елкасида хуржун, қишлоқ юқорисидан энаётган машинага етишишни кўзлаб жадал кетиб борарди. Унинг изидан қараб қоларкан, отасининг ўжарлигини, ҳар нарсага аллақандай тус бериб юришини ўйлаб, оғринди. Сўнг отига миниб, қўриқхонага йўл тортиди. Қўриқхонада эса Шодиёр билан боғлиқ эрталабки воқеа рўй берди. Агар отаси билан Тошқишлоққа кетганида, бу воқеа рўй бермас эди. Айни дамда Тоғай бундан ўкинмас, қачон бўлмасин бу ҳодиса юз беришини биларди. Фақат бу қадар туйқусдан...

Тоғай секин-аста ўзини қўлга олиб, тақдирига тан берган одамдек сафни кузатаркан, эрталаб Мамадиёр устани деб отасини ранжитганидан энди ҳайрон қолмоқда эди. Кўр эмас, Мамадиёр устанинг қанақалигини яхши билади. Бундан ташқари, ўша кунини бешик харид қилиш ҳаёлида ҳам йўқ эди. Мева растаси томон ўтаёттиб, ранг-баранг бўялган қатор бешиклар ёнида тўхтагандек бўлди. Шунда бирдан жон томирларини қитқалайдиган гап қулоғига чалинди:

— Э, Қизилқояни нор йигити, бизди бешикни олган йигитни хотини эгиз туғади!

Тоғай бошини кўтариб, яшил бўёқлари униққан мўъжазгина дўкон эшиги ёнидаги ўриндиқда ялпайиб чой хўплаб ўтирган Мамадиёр устани кўрди.

— Уйлаб ўтирмай олаверинг, — деди у илжайиб. — Бизди бешиклар хосиятли. Насиб этса, келинбола қўчқордай-қўчқордай ўғил туғиб беради.

— Тилингиздан!.. — Тоғайнинг юраги алланечук ҳап-риқиб кетди. — Оламан! Фақат энг созидан! Агар қўш ўғил кўрсам бир қўй биздан, ака!

Шунда бирдан қўш ўғлига бешик оладиган қайнотаси борлигини, шу кунга атаб у кўкламдан бери бир қўчқор боқиб ётганини эслади. Аммо энди ортга қайтиб бўлмас эди. Дафъатан хаёлида синглиси гавдаланиб енгил тортди. Ахир ўзлари синглисининг кузга қолмай туғилажак боласига бешик қилишлари керак-ку. Бу ҳақда уйда бир неча бор гап бўлган.

— Худо хоҳласа... — Мамадиёр уста бешикларга ишора қилди. — Қараб кўринг. Агар дидингизга ўтиришмаса, хўроз йигитга ўхшайсиз, бошқасини ясаб бераман. Толаёғочдан! Бўладими? Лекин... пулидан... қочмайсиз.

Тоғай сира паст тушгиси келмай. бепарво қўл силғади.

— Э-э, пул сиздан айлансин, ака!

— Қелишдик.

— Қачон келай?

— Бир ҳафтадан кейин.

Улар қўл ташлашиб хайр-хўшлашдилар. Бор гап шу. Аммо буни отасига қандай тушунтиради. Отаси бирор кишидан ранжиса, ўша одамнинг ўзини эмас, бешигини ясаган устани лаънатлайди. Ҳозир ўйига дов тўкиб келаётган Мамат қассоб ҳақида ҳам у шундай дейди: «Тўра чавандоз бешик олаётганда устасига қарамаган экан-да. Йўқса, Мамат бу қадар бадфеъл бўлармиди... Кенжасини айт. Отасидан ўтса, ўтадики, қолишмайди. Узини бозорда тутушини кўрсанг! Худди йил ўн икки ой ер тирнаган одамдай кўкрак кериб, томоқ йиртади! Маматнинг бешигида уям ётганда...»

Мамадиёр устанинг жон томирни қитиқлайдиган гапларига учиб, Тоғай, гарчи отасидан бешик ҳақидаги ривоятни бир неча бор эшитган бўлса-да, масаланинг бу томонини унутган эди.

Отасининг нақл қилишича, худо олдин ерни яратибди. Кейин жуфти билан барча жонзотларни бунёд этибди. Жонзотлар ичида биргина одамзодга ақл ато этиб, юрагига диёнатни жойлабди. Одамзод ақл кучи билан меҳнат қилишни ўрганибди, диёнат уни очқўзликдан асрабди. Шу тариқа, тирик мавжудотлар кўпаяверибди. Одамзот кўпайган сари бешикка муҳтожлик сеза бошлабди. Яъники: қуш боласи пар тўшалган инида вояга етади, жондор боласи туғилиши билан оёқлаб кетади. Одам боласи-чи? Одам боласи гулдай нозик... Шунда инсон худога илтижо қилибди. Худонинг раҳми келиб, икки бандасининг қўлига ҳунар берибди. Бирига қаноат бағишлаб, иккинчисига келганда хаёли фаромуш бўлибди. Усталар бешик ясайверибди, болалар туғилаверибди. Бора-бора қаноатсиз устанинг кўнглига шайтон оралабди. Ризқ-рўзим шундан бўлса, нега энди, бир тангалик бешикни икки тангага пулламай, деб ўйлабди. Кейин... Хуллас, у алдам-қалдам йўлига ўтиб олибди. Ёмон бешикнинг ёмонлиги шунда эканки, нуқси унда ётган болага ураркан. Одамлар бошда эътибор беришмабди. Сўнг билиб қолиб, устани дорга тортибдилар. Аммо ёмон устанинг ёмон бешигида ётган болалар ер юзига тарқалиб бўлган экан. Улар ердагини қоқиб, осмондагини отиб, сувдагини тутиб дея берибдилар... Мана бугунги кунда ҳукумат тоғу тошга қоровул қўйиб қўйди. Қарасаки, ёмонлар ҳамма нарсанинг бошига етдиган, уят бўлса-да, тоғу тошга қоровул қўйди. Боғ қоровулига тушунса бўлар, тоғ қоровули нимаси?.. Тоққа қоровул қўйилдим, демак, инсофу диёнатнинг тагига сув кетибди-да. Ўйлаб ҳайрон қоласан киши. Лекин фойдаси йўқ. Маматга ўхшаганларнинг нафси барибир тийилмайди.

— Бир қўлимга туширарим бор энағарларни! — Тоғайнинг қўллари мушт бўлиб тугилади.

— Шу билан бир нарса ўзгариб қоладими? — Отанинг соддалигидан кулади. — Тутсанг, сўкарсан, нари борса, нима дейди... иштрап соларсан. Шу билан улар одам бўлиб қоладими!

— Унда нима қилиш керак?

— Билмадим, — ота очиқ тан олади, — билмай қолдим. Одамларнинг баъзи бир ишларини кўриб, тавба, дейишдан бошқа илож йўқ. Ҳозир биров иморатини ўхшатиб солса, бошқалар ҳам ундан қолмай деб тиришадди. Биров ҳавасга темир дарвоза қурса, бошқалар тўрт

томонга изғиб, темир дарвоза қидиради. Ўл-а, дейдиган одам йўқ. Одамлар борган сари сўғир мижоз бўлиб бор-маяптими, а? Сўғир ҳам йил сайин иини мустаҳкам-лаб боради, тиш босгилик нимаики бор, инига ташийди...

Тоғай отасининг гапларига тўла қўшиямаса-да, бир нарсадан доим ҳайратда юради: қишлоқда кўпчилик Мамат қассобни тадбиркор, Шодиёрни тегирмонга тушса, бутун чиқадиган уддабурон йигит деб билишади, билишади эмас, очикдан-очик ҳавас қилишади. Қизиқ, агар ҳамма Мамат қассобдай тирикчилик қиладиган бўлса, меҳнатни ким қилади? Шодиёрнинг уддабуронлиги юлиш ва сотишдан иборат. Одамлар шунни кўра-била туриб мақташади, ҳавас қилишади.

У бу тўғрида отасига чурқ этмайди. Бу мавзуда ёлғиз Болта муаллим билан гаплашади. Болта муаллим ўқиган, тушунган одам. Шу тоғу тош, жонзотлар тўғри-сида район, область газеталарига мақолалар бериб туради. Тоғай собиқ ўқитувчисига айрича меҳр қўйган, юрагини ёлғиз унга очади.

У отам қайтмаяптимикан, деган ўйда доvon бағрига сингган йўлга боқди. Йўл кимсасиз эди. Кейин иложи борица сафдагиларга эътибор бермасликка тиришиб, отасининг ҳовлисидан тортиб қишлоқдаги барча ҳовлиларга бир-бир кўз ташлаб чиқди. Кунора келиб турувчи жўраларидан ҳам дарак йўқ, гўё ҳаммасини ер ютган. Ўзини ёлғиз ҳис этиб, баттар сиқилди. Миҳдаги милтиққа қараб қўйиб, тағин хўрсинди. Шунда у бирдан Чўли чавандознинг эшиги ёқалаб қўйинга энган сўқмоқда Самад бобо билан Болта муаллимни кўриб қолди. Юрагига қувват эниб, ҳозиргина саробга айлана борган орзулари қайта ранг ола бошлади.

Самад чол қуюқ, опшоқ қошларини кўтариб, атрофга бир қараса бўлди, воқеани дарҳол фаҳмлайди... Аммо у теvarакка қарай демас, ортидан чакак отиб келаётган Болта муаллимнинг гапига қулоқ берган кўйи кексаларга хос салобат билан бир-бир босиб келарди. Ана у, бас, дегандай қўлидаги ҳассасини ерга тўқ уриб, нимадир деди. Болта муаллим тезгина унинг олдига ўтиб, қўллари-ни паҳса қилиб, алланималарни тушунтира кетди. Чол бир оз тинглаб турди-да, сўнг пашша қўригандай қўл силкиб, олға юрди. Болта муаллим гап қотишда давом этди. Ҳатто бир-икки тиззасига уриб ҳам қўйди. Азбаройи жаҳли чиққан кезлари шундай қилади у. Одатдаги-дек нимадандир норози, нимадандир хуноб. Умуман айтганда, у доим норози юради. Айниқса, тоғаси Самад чол

билан ўнча чиқишмайди. Бўлмаса, иккиси ҳам диёнатин қаттиқ тутган кимсалар, фақат қарашлари турлича. Саммад чол жиянининг олов табиатини ҳазм қилолмай, «қуруқ арава» деса, Болта муаллим уни «юрт кайвониси сифатида сизда ташкилотчилик етишмайди», деб айблайди. Тоғай уларнинг жанжалга кўп бор гувоҳ бўлган. Нафсиламбрини айтганда, ўзи ҳам аввал қизаришиб, кейин қадрдонлашган у билан.

Ёши элликни қоралаганига қарамай, «Испорт — соғлиқнинг гарови», дея ҳануз эрталаблари қишлоқ бўйлаб лўкиллаб чопиб юрадиган бу одам галати феълү атвори билан бошқалардан ажралиб туради. Бошда қўшни қишлоқдаги мактабда ишларди, кейин у ёққа ўтди. Ушанда Тоғай бешинчида ўқирди.

Болта муаллим илк бор синфга кириб келган куни космонавтларнинг навбатдаги парвози амалга ошган, магазин ёнидаги симёғочга ўрнатилган радиокарнай ҳар беш-ўн дақиқада бу хабарни тантанали йўсинда қайтармоқда эди. У эшикдан кириб келди-ю саломига мунтазир турган болаларга эътибор ҳам бермай дераза ёнига борди. Чувак юзига болалик тусини берадиган қийиқ кўзларини баттар қисиб Қизилқояга тикилиб қолди.

— Қани энди, ичларингдан ҳеч бўлмаса биттагина космонавт чиқса, — деди ҳасрат ва надомат билан, — ҳув анову чўққига терак бўйи ҳайкалини қўйиб қўярдик. Сен каллаворомлардан космонавт тугул шофёр ҳам чиқмайди. Юракларингда ўт йўқ. Куни кеч тамакизордан чиқмайсанлар...

Кейин туриб-туриб дабдурустдан биринчи партада ўтирган боладан сўраб қолди.

— Ҳозир қанақа дарс?

— Ботаника, — деди бола ажабланиб.

— Унда нега турибсилар? Ботаника дарси синфда эмас, дала-даштда, тоғу тошда ўтказилади. Бунинг отини «очиқ дарс» дейилади.

У болаларни сафга тизиб, тоққа бошлаб чиқди. Арчазорга яқин яйдоқликда қур тикдилар.

Болта муаллим ўқувчилар учраган тошга жойлашиб ўтиргунча у ён-бу ён юра туриб, дуч келган ўтнини шартта узиб олди-да, боши узра баланд кўтарди.

— Қаранглар, нима қилдим мен? — Болалар гоҳ унга, гоҳ қўлидаги майсага ҳайрон тикилишди. Болта муаллим уларга синчков бир-бир қараб деди: — Жонли нарсани жонсиз қилдим. Мана, ўляпти у! Ҳа, ҳа, қўлимда

жон беряпти. Нимага ҳайрон бўласилар? Буям тирик вужуд, худди инсон каби ҳаводан нафас олади, қуёшдан нур... шикаст еса, азоб тортади, керак бўлса, йиғлайди ҳам. Фақат бунни биз сезмаймиз. Сезиш учун буларни севмоқ керак, севмоқ учун юрак керак. — У бирдан гапдан тўхтади, яна бир карра уларга разм солиб чиқди. Сўнг ғамгин бир тарзда давом этди: — Кеча кимдир камардаги бутазорга ўт қўйибди. — Шундан кейин тўсатдан ўдагайлаб кетди. — Тавба, кўзларингда на ачиниш кўряпман, на ғазаб! Нима учун ачинмаяпсилар? Нимага ғазабланмаяпсилар? Уйлайсиларки, кўклаб турган буталар ўчоқдаги қуруқ ўтин сингари осонгина ёнган? Йў-ўқ, улар ёнмаган, азоб тортиб, чинқириб-чинқириб жон берган. Фақат... бунни эшитадиган қулоқ бўлмаган... Бир тасаввур қилинглар. Дейлик... оёқларингга ўт туташди. Олов борган сари шиддат билан баданларингга тирмашаяпти... — У бир зум жимиб, лой ёпишган туфлисига, шудрингдан намиққан почаларига кўз ташлади, афтини аянчли буриштирди. — Қалай, азоб-а?!

Болта муаллимнинг гаплари ва хатти-ҳаракатлари бошда бошқалар қатори Тоғайга ҳам ғалати туюлди, сўнг кулгиси қистади. Тентак-пентак эмасми ўзи бу, деган маънода ёнидаги шеригига қаради, унинг кўзларидан ҳам шу ифодани уққач, энсаси қотиб, елкасини қисди. Қизиқ-да, одамлар ўтин деб, бошқа деб, бутун-бутун дарахтларга қирон келтираётган бўлсаю, бу «дарахт тирик вужуд» деб ўтирса, қўлидан келса-келмаса, катта-кичик ов завқини суриб юрган бўлсаю, бу «жониворларни асрамоқ керак» деб турса. Уни тентак демай, кимни тентак дейиш мумкин.

Болта муаллимнинг гаплари ва хатти-ҳаракатлари маълум кимсаларни аблаҳдан олиб аблаҳга солаётганда, Тоғай ўзини тутиб туролмади, шеригининг биқинига туртиб, ғудранди:

— Тентакми бу?

Болта муаллимнинг гапи бўғзида қолди. Унга олаиниб қаради.

— Тур ўрнингдан! — деди.

Тоғай қўрқиб кетди. Тошдан сирғалиб тушаркан, ҳозир уради деб ўйлади. Болта муаллим урмади, тешиб юборгудек тикилиб туриб, сўради:

— Демак, бутазорга сен ўт қўйгансан.

— Йўқ-йўқ, ўлай агар, мен... — Тоғай довдираб қолди.

— Ушаларнинг ёнини олиб мени тентак дедингми, демак, бу ишда сенинг ҳам қўлининг бор.

— Тўхмат қилманг одамга, э!

— Унда нега тентак дейсан?

Тоғай ерга қаради.

— Берган баҳонг учун катта раҳмат, укам!

Болта муаллим ғуссали бир қиёфада тошга чўкди. Қўлидаги ўтти ерга ташлаб, туфлиси боғичини қисиброқ боғлади. Кейин иягини кафтига тираган кўйи тоғларга ўйчан тикилиб қолди.

Унга қараб туриб Тоғайнинг раҳми келди. Бошқа одам шу гапи учун боплаб таъзирини берган бўларди. У эса индамади. Ишдамагани учун ҳам Тоғайнинг кўнглида меҳрга ўхшаш нимадир уйғонди. Бир хаёли унинг ёнига боргиси, тиззаси устида турган қўлини силаб-сыйлаб, кечирим сўрагиси келди. Лекин синфдошларидан уялди.

— Мени кечиринг, муаллим, — деди у ниҳоят қайтишда маврудини топиб. — Ундай демоқчи эмасдим. Оғзимдан чиқиб кетди...

— Ҳечқиси йўқ, — деди бир оздан сўнг. — Тўғри гап тентакнамо туюлган доим. Тушунаман сени.

Болта муаллим жилмайди.

Унинг ўзига яқин олишидан хийла ботирланган Тоғай дилидагисини секин ошкор қилди.

— Ёмонлар ҳамма нарсани қириб юборяпти дейсиз, — деди атрофга боқиб, — ҳаммаси жойида турибди-ку.

— Ҳаммаси жойида дейсанми? — Болта муаллим тағин хомуш тортди. — Қанийди шундай бўлса. Афсуски, бундай эмас. Арчалар сафи йил сайин биздан узоқлашиб бормоқда, жониворлар қочяпти... Одамлар олди-ортига қарамаяпти... ишқилиб, охири бахайр бўлсин.

— Утган куни Илонжарда кийик кўрдик, — деди Тоғай хабардан ҳам кўра нимадир дейиш лозимлигидан. — иккита...

— Атиги иккита... Илгари улар тўда-тўда бўлиб юришарди. Бир қиш учтаси бўридан қочибми ё бошқа бир балодан ҳуркибми тўғри қўрага кириб келган. Емиш ташлай деб чиқсам, қочиб қолишган. Бирининг яғринида шапалоқдай оқи бор эди. Баҳорга яқин Нормат мерган отиб ўлдирди...

Шундан сўнг Болта муаллим яна гапга тушиб кетди. Сухбатдошининг узундан узун мушоҳадасидан Тоғайга шу нарса аён бўлдики, тоғда аҳвол танг, одамлар



нест-нобудкорчилик билан машғул. Шунда унинг кўнглида илк бор ташвиш уйғонди: «...ҳамма нарса қириб юборилса, кейин нима бўлади?»

Орадан беш йил ўтиб, қўриқхона ташкил этилгандан сўнг, Тоғай бу саволга жавоб топгандай бўлди: «Демак, ёмон бўларкан. Давлат шуни билиб тоққа қоровул қўйди».

— Нима девдим? — деди ўша куни Болта муаллим уни кўчада тўхтатиб, ошкора тантана билан. — Табиатга ёвузлик қилиб бўлмайди демабмидим? Ҳукумат билди! Қарасаки, Қизилқояликлар тоғу тошни еб битирадиган. Мана бўлмаса деб... Одамзод учун бу уят, жуда уят! Ҳа, ҳа, бориб турган шармандалик!

Мамадали ўрмончининг қазосидан кейин, Болта муаллимнинг қутқуси-ю кўмагида Тоғай тоғбеги бўлди. Унгача кўп қатори совхоз боғида ишларди. Тоғбегиллик узоқдаги куйруқ эди, қишлоқда унга кўз тикканлар каммасди. Лекин Болта муаллим районда ҳам отнинг қасиқасидек таниқли эмасми, керакли жойда сўзини ўтказиб билди.

Аmmo у шу билан тинчлана қолгани йўқ, бир куни, қўлтиғида бир тўп газета шанғиллаганча ҳовлига кириб келди.

— Тоғай! — деди салом-алкни ҳам унутиб. — Газеталарда ёзилишича, кўп жойларда «ёш ўрмончилар» тўғараги тузилганакан. Шу-у, йўлда келаётиб, бир фикр хаёлимдан ўтди. Бизам шундай бир тўғарак тузсак. Сен нима дейсан? Отасига таъсир этишнинг иложи бўлмагандан сўнг, ҳеч бўлмаса, боласига таъсир этайлик. Сен нима дединг?

Тоғай ўйлаб турмай, дарҳол рози бўлди. Эрта ўтиб, индинига тушдан сўнг Болта муаллим йигирма беш чоғли ўқувчини қўриқхонага бошлаб чиқди. Ўша куни қайрилмадаги ўрикзорни тартибга келтирдилар.

Ҳамма ҳангома оқшом юз берди.

Болаларга жавоб бериб, Тоғай отни етаклаган — иккиси гурунглашганча қишлоққа энишаётган эди. Қишлоққа кираверишда уларни Самандар тажанг тўхтатди. У тутаққанча подадан адашган эчкиларини олдига солиб келаётган экан, бағиллаб берди:

— Нимага бировнинг болаларини ишлатиб юрибсилар-а? Бу ёқда ота ҳақкиллаб эчки қидириб юрсин, боласи у ёқда бировнинг ишини қип юрсин... Кимдан чиқди ўзи бу гап?

Салдан кейин Дониёр шофёр йўлга кўндаланг бўлди.

— Тоғай, — деди машина ойнасидан бошини чиқариб, — болаларни аҳмоқ қилиб ишлатгани уялмайсанми? Ё уларнинг бошқа қиладиган иши йўқми? Заповедник сеники... ўз аравангни ўзинг тортда, қизағар!

Мамат қассобники ҳаммадан ошиб тушди. У бошқалардек жаҳл қилмади-ю лекин...

— Тоғайвой, эшитишимча, бола-бақрадан битта бригад тузган эмишсан?

Тоғай қолиб, Болта муаллим воқеани англатди.

— Э, шундайми, неварам шундай дегандай бўлувди. Бекордан худо безор дегандай, тўғри қипсанлар. Хў-ўш, Тоғайвой... энди уларнинг иш ҳақи нима бўлади?

— Қанака иш ҳақи? — Тоғай бу одам нима деяпти, — деган маънода Болта муаллимга қараб олди. — Иш ҳақи йўқ.

— Э, нимага?

— Айтдик-ку, тўгарак деб.

— Шундайми? — Мамат қассоб уфққа бош қўйган қуёш нуридан қўнғир тусга кирган қоя юзига, узоқдан қорайиб кўринаётган арчазорга маъноли тикилди. — Бундан чиқди, заповедникда эмин-эркин юрарканмизда, а?

— Тўғри вият билан бўлса, бемалол, лекин...

— Лекининг нимаси? Ишлатишни билган одам бу ёғига чидасин-да!

— Мен чидамайман!

— Унда-а...

Тоғай шартта унинг гапини бўлди.

— Унда неварангизни тўгаракдан чиқардим. Яна бир гап, Шодиёрга айтинг, кўпам айланишмасин, тутсам, чатоқ қиламан.

— Тишинг ўтмайди, бола. — Мамат қассоб тиржайди. — Мамадали раҳматли ҳам кўп уриниб кўрганди...

Агар Болта муаллим уни судраб кетмаганда, оқибати нима бўлиши номаълум эди.

— Гапини қаранг! — деди Тоғай магазин ёнига яқинлашаркан. Болта муаллим уни магазин қаршисидаги сивасимен тош ёнига бошлади. Ўтиришди. Тоғай титраётган қўллари билан чўнтақларидан носқовоғини изларкан, яқинлашиб қолган Самад чолни пайқамади.

— Аблаҳ! — Болта муаллим сигарет тутатди.

— Ҳа, нима гап? — сўради чол ҳайрон бўлиб.

— Ҳеч гап... — деди Болта муаллим тоғасининг ташрифини унча хушламай.

— Ҳеч гапга ўхшамаяпти-ку!

Тоғай тўлиб турган эмасми, Ўрдан ёрилди.

— Хафа бўлган одамларингни қара-я, — деди чол. — Одам қуригандай келиб-келиб шулардан ўпка-гина қилиб ўтирибсайларми?

— Одамга алам қилади-да, тоғай! — дея гапга ара-лашди Болта муаллим. — Бу зорманда тоғу тош фақат бизга керакми, нима! Отасида инсоф йўқ, ҳеч бўлмаса, боласида инсоф бўлсин деб тиришсагу, анови хумгазаклар бунақа қилишса...

— Шу-у, отанг раҳматлига ўхшаб ҳовлиқмалигинг қолмади қолмади-да. Отанг-ку хат танимаган одам эди, уни кечирса бўлар, лекин сен... билмадим нимага бунча ҳовлиқасан. Катта ишда сабр керак, тоқат керак. Бирор ишга қўл урдингни, албатта тагида иддао ётади. Тавба, одам деган ҳам шунақа бўладими.

— Э, кимга иддао қипман?

— Ҳозирги гапинг иддао бўлмай, нима? Савоб ишга қўл урдингни, индамай қилавер, бошқа биров билан нима ишинг бор!

— Тоқайгача шундай бўлади?

— Худо биледи. Лекин мен ерга қаламча суққаным-да нимага бошқалар бош қўшмайди, деб ўйламаганман. Экким келган, экканман. Инсофи бор қарашди, инсофи йўғи кўрмасликка олди.

— Сизнинг принципингиз нотўғри, тоғай!

— Тўғрими, нотўғрими, бунин билмадим, жиян. Фақат бир нарсани яхши биламан, сеники нуқул оғизда. Тўй-маъракада тоғ дейсан, тош дейсан, газитда ҳам шу гапни айтасан, аммо ўзинг бир ишни ёлчитмайсан. Кўп гапиргандан кўра қўлингга белни ол-да, газига чиқ. Одам эмасман, агар у ёқдан Уроқвой, Тоҳирвой, Зокир кичкина, бу ёқдан Шоолим, Қиличвойлар кўзғолмаса... Одам аввало ибрат кўрсатади, кейин гапиради. Лоақал печкангга ёқадиган ўтинни ўринни тўлдиришни ўйласанг ҳам кўп иш қилган бўласан.

— Биринчидан, қўлдан келганча биз ҳам қимирлаб турибмиз, қараб турганимиз йўқ. Иккинчидан, Тоғай билан менинг мақсадим бутунлай бошқа, яъни... Э, масаланинг моҳиятини тушунмай туриб, нима қиласиз бошни қотириб, болаларни тарбияламоқчимиз, вассалом!

— Болалар тарбиянгга муҳтож эмас, улар ерни яхши кўради.

— Қанақа яхши кўришини кўриб турибмиз. Бири булоқ бўйига эшагини тезаклатган, бири мева деб дарахтга осилган... Мени эговлагандан кўра, юрт кайво-

писисиз, одамларни бундай тартибга чақирсангиз бўларди. Сизни тинглашади...

— Узларида бўлмаса... қозилик қилганинг бекор.

Ушанда тоға-жиян баҳси, одатдагидек, яқун топмаган бўлса-да, тўғарак тарқаб кетмади, фақат аъзолар сони бир оз камайди. Ҳозир Сувтушар бўйларида ўрмон барпо этишяпти.

Қизиқ, айни шу пайтда улар нимани талашишяпти экан? Тоғай шу тобда Болта муаллимни ёмон кўриб кетди. У гапга тутмаганида, чол бошини кўтариб, сафни кўрган бўларди. Ҳозир... Бир неча дақиқадан сўнг Болта муаллимнинг уйи томон бурилишади. Зокир кичкинанинг тераклари уларни кўздан яширади.

Тоғай улардан умидини узай деб турганда, туйқусдан девор оша мўралаб турган Чўли чавандозни кўрди. Тоғайнинг қараганини сезиб, у дарҳол бошини паства олди.

Тоғайнинг вужуди ларзага келди.

— У-ў, укағар! Номард! Жонинг чиқиб ўл-а!

\* \* \*

Эшикка ўттиз-қирқ одимча қолганда Мамат қассоб пешайвонда ўтирган Тоғайни рўй-рост кўрди. Унинг жонсарақ кўзлари Чўли чавандознинг ҳовлиси томонга қаралганди. Мамат қассоб ичида кулди: «Чўлидан умид билма! Ҳар кимнинг гўри бўлак! Уз гўрингга ўзинг йиғлавер!»

Йўл тик. У нафас рстлаш учун бир зум тўхтаб, ортига ўгирилди. Уғилларининг кўзида қассос алангаси учкунларди. Улар бир имога маҳтал. Ҳайт, деса бўлди. Тоғай энасни кўради.

\* \* \*

«Э, эркак бўлганингга мункир келиб ўл, номард! Қўшнингни ёв босса-ю, сен сичқоннинг инини минг танга қип ўтирсанг! Буйтиб тириклик қилгандан кўра... Энди эртан қандоқ юзимга қарайсан?! Қандоқ элатчилик қиласан? Шу ҳолингга қайси виждон билан ўзингни хотинингга эр, болаларингга ста ҳисоблайсан! Ҳали келарсан кўнгил сўраб, қўшни кўрмай қопман, деб. Келсан сен номард! Ўзинг танангга ўйла, тирик банданинг ишими шу?! Мен шундай қилармидим? Сени ёвга бостириб қўярмидим? Аввал орача... Агар муомалага кўнма-

Ё сенда бор ўғил бошқаларда йўқми?! Қани, жавоб бер!

Шу пайт хотинлар орасидан кимдир бўғиқ овози қичқириб юборди. Ҳамма ялт этиб ўша томонга қаради. Марҳамат бир қўли қорни остида, бир қўли билан қайнонасининг этагидан маҳкам чангаллаган кўйи инграмоқда эди.

— Дард... — деди аёллардан кимдир.

Эркаклар туртина-суртина ташқарига шошилдилар. Хотинлар Марҳаматнинг қўлтигидан тутиб ичкарига олиб кириб кетишди. Қўшнинг боласи велосипедни минасалиб дўхтурга югурди.

Тоғай буларни хира туман оғушида кўрарди.

У секин-аста ўзига келиб, маст одамдай чайқалиб ўрнидан турди. Оёғи остида ётган сўйилга бир муддат тикилиб қолди. Сўнг ёнидан пичоғини чиқарди. Оёқлари чалишиб эшик томон юрди.

Бу пайтда Мамат қассоб ўғилларининг олдига тушиб, пастга жадал эниб борарди. Тўғрироғи, одамларнинг чалғиганидан фойдаланиб, қочмоқда эди. Наридан кетиб олса бўлди, одамларнинг ғазаби ўз-ўзидан сўнади. Тезроқ, фақат тезроқ... Ҳа, қанжиқ, бошни еди-я, лўқиллаб оғришини қара.

Тоғай эшик синиқларини босиб ўтиб, деворга беҳол суянаркан, уларни қувиб етишга чоғи келмаслигини сездди. Аламдан вужуди титраб кетди. Куч-қувватини бўғиб турган зил-замбил юкдан халос бўлмоқчидай бошни кескин силкиди. Назарида, бўйин томирлари чирт узилгандек бўлди. Кўз олдини қоронғи босди.

Мамат қассоб қанчалик ошиқмасин, қадами унмаётгандек эди. Ўзига қолса, калишини ечиб, махсичан югурган бўларди-ю... Аммо шу пайт ўзи беҳад кўрқиб кутган ҳодиса юз берди. Ортидан Самад чолнинг ўктам овози эшитилди.

— Тўхта! Тўхта, Мамат!

Мамат қассоб қадамини секинлатиб, кетига қаради. Самад чол дўнгда ғоз турар, Болта муаллим бошлиқ етти-саккиз чоғли йигит изларидан қувиб келар, гўё кўчки, ҳализамон босиб янчиб кетадиган. Агар тўхтамас, худди шу ҳол айнан юз беришини англаган Мамат қассоб, ранг-қути ўчганча, ўғилларига, тўхтанглар, деди. Ичидан шу кунга лаънатлар ўқиди.

— Берман келинглар! — деди Самад чол ҳассасини ерга нуқиб.

Улар йигитлар етовида ортга қайтдилар. Мамат

қасоб чора истаб тевараққа алаңларкан; чор тарафдан шу томонга келаётган кишиларга кўзи тушди...

Тоғай ўзига келиб, уларни қуршовда кўрди. У пичоқ тигини ениги ичига яшириб, оломон томон юрган заҳотиёқ қаердандир пайдо бўлган икки забардаст йигит унинг билакларини тутди.

— Ўзингизни босинг, ака, — деди ёшроғи.

— Бу ёғини бизга қўйиб беринг, аралашманг, — деди каттароғи; унинг қўлидаги пичоқни бир амаллаб тортиб оларкан.

Тоғай бўй бермай талпинган эди, бирдан ҳовли тарафдан Марҳаматнинг жонҳолатда қичқириғи эшитилди. Қичқириқ иккинчи бөр такрорлангандан сўнг, улар ҳам, бошқалар ҳам чақалоқнинг йиғисини баралла эшитдилар.

— Чақалоқ қутлуғ бўлсин, ака! — деди ёшроғи.

— Шундай кунда пичоқ тутишингиз нимаси, янгани олдига боринг, — деди униси.

Тоғай ҳар қадамда қоқилиб, беихтиёр уйига қараб юрди. Эшик ёнидаги хотинлар уни яқин йўлатишмади. У сал хиралик қилганди, ичкаридан чиққан қўшни Сайқал кампир кўкрагидан итариб ташлади.

— Жўна, йигит ўлмагур, нима киндигини кесмоқчимисан! Суқилишини қара, уялмайдиям.

— Нима... — деди Тоғай ҳаяжондан хирқираб, — нима туғди?

— Ҳалво.

Тоғай, оғзининг тансби қочган, ҳамон санчиб оғриётган бўйинини уқалай-уқалай кетига тисарилди. Кимнингдир қутловига бош ирғаб, ҳовли саҳнига чиқди. Гоҳ Самад чол бошчилигида дарё бўйидаги сайхонликка энаётган оломонга, гоҳ ҳамон эшик ёнида турган йигитларга қараган кўйи ичкарига қулоқ тутди.

Чақалоқ йиғиси тобора авж олар, катта йўл тарафдан эса бешик елкалаган отаси бир-бир босиб келарди.

## ОҚБЎЙИН

Оқбўйин нотаниш ҳидни дарров илғади. Парво қилмади. Товуқ патини ўйнашда давом этди. Патни эрта-лаб топган, нималигига ақли етмай боши гаранг эди. Ин ёнидаги чирик хашаклар устида чўзилиб ётган она ит безовта гингшигандан сўнггина қадам товушлари келаётган томонга ўгирилди. Беш одимча нарида уй эгаси—Содиқ ака билан норғул бир одам—Қарим подачи, эғнида яғири чиққан пахталик, оёқларини кериб турарди. Ундан гўнг, пичан, силос ва яна алламбалоларнинг ҳиди анқирди.

Оқбўйин бу хил ташрифларга кўниккан, ҳар келдикетдидан сўнг оғаниларидан бирортаси ғойиб бўлади, кейин онаси туни билан гингшиб чиқади. Бошда улар ўнта эди. Учасини, урғочи экан, биринчи ҳафтадаёқ гумдон қилишди. Бу гал навбат қайси бирига экан?

Қарим подачи оёқлари остида ўралишаётган иниси—Оқтўшни кўлига олиб, обдон пайпаслаб кўрди, панжаларини диққат билан кўздан кечирди. Еқтирмади. Оқтўш нари кетишни хаёлига ҳам келтирмай, тагин суйкала бошлаганди, Қарим подачи этиги учи билан туртиб юборди. Жони оғриган Оқтўш ангиллаганча онаси томон пилдиллаб қочди.

Иниси Оқбўйинга ёқмайди, ўлгудек ялтоқ, кўринган қорага суйкалади. Акаси Малла эса тамомила акси — тажанг, салга зардаси қайнаб дарҳол «ёқа бўғишади». Ҳозир ҳам у ин тўрига биқиниб олиб, Қарим подачига адоватли тикилиб турарди.

— Анови турқи совуқни обертчи, — деди подачи Маллани кўрсатиб.

Содиқ ака Маллани инидан тортиб чиқарди-да, унга узатди. Қарим подачи уни узоқ тутиб турмай, дарров ерга қўйди.

— Буниси қопағон бўлади, — деди Малла тишлаган бармоғига пуфлаб. Подачининг эзғилашлари Оқбўйинга

ёқмади. Аммо табиатан бардошли учун бошқалар каби тўполон қилмади, темирдек қаттиқ бармоқларга тиш ботиришдан ўзини тийиб, жимгина туриб берди.

Карим подачи — синчи, итни фарқлай билади. Умри фермада ўтган бу одам итни ишқибозлик учун эмас, зарурат юзасидан асрайди. Негаки, қиш кезлари қир ошиб келадиган бўрилардан куйган — жондор деса етмиш етти томири тортишади, бўриларга емиш бўлган томдай-томдай новвослари кўз олдига келиб, ичи-таши баравар ёнади. Авваллари аҳвол айтарли даражада ёмон эмасди, салгина пўписаю қутқу билан жондор зотини даф этмоқ мумкин эди. Аммо уч йил бурун Ёлдор деган бир маҳлуқ пайдо бўлдию подачидан ҳаловат кетди. Арлони бўри итларни писанд қилмаганидек, милтиққа ҳам осонгина чап берарди. Тунлари бўри пойлайвериб, биқинини шамоллатиб қўйганидан сўнг, Карим подачи қопқон қўйиб кўрди. Бироқ Ёлдор қолиб, қопқонга ферма теварагида айланиб юрадиган дайди эшаклардан бири тушди. Этни дорилаб йўлга ташлади. Ёлдор эмас, ити заҳарланиб ўлди. Кейинги асраган ити эса гоят юраксиз чиқди. Ёлдорнинг қорасини илғар-илғамас эшик тирнаб, гингшинганча ичкарига интилади, баъзида қишлоққа қочиб қоларди. Бу қиш ўртаси бу ҳол яна такрорлангач, Карим подачи жаҳл устида итни отиб ўлдирди. Чунки Ёлдор тўдаси бошқа мол қуригандай, унинг танасини бўғизлаб кетганди-да. Шундан буён подачи яхши ит қидириб юради. Худди шундай ит ҳозир унинг қўлида эди. Бу кучук арлони ит наслидан. Бунақаси мингдан битта чиқади. Насиб этса, узоғи билан яна тўрт-беш ойдан сўнг бу атрофда унга тенг келадигани бўлмайди. Жондор зоти борки, овозини эшитиши билан қир бошида михланиб қолаверади. Карим подачи ичидан хуруж қилиб келаётган қувончини базўр ютиб, ўй эгасига юзланди.

— Шунисини танладик.

— Йўқ, буниси ўзимизда қолади, — деди Содиқ ака қатъий бош чайқаб. — Қанжиқни йўқотмоқчимиз...

— Бир қўй... қўзиси билан.

Содиқ ака Оқбўйинга қизиқиш билан тикиларкан, тоғаси ҳақлигини англади. Ичида унинг топқирлигидан қойил қолди. Тоғаси меҳмон бўлиб келган куни кучукваччалар энди оёқлаган эди. Тоға қанжиқни йўқотиб, арлон ит асрашни маслаҳат бераркан, кучукваччаларни чопони барига солиб, томорқа адоғига обориб ташлади. Иссиқ жойидан қўзгатилган кучукваччалор нотаниш



жойда нима қилишларини билмай вайпасланиб туришганида, Оқбўйин тўдадан ажралиб, сал нарида безовта гингшиб турган онаси томон интилди. «Мана шунисини асра, — деди тоға. — Бундан зўр ит чиқади. Қолганлари бир пулга қиммат». Содик ака учун ҳамма ит бир ит эди. У бу борада ҳовли итсиз бўлмаслиги керак деган ақидага бўйсуниб иш тутарди. Тоғанинг гапидан сўнг Оқбўйинга нисбатан қизиқиши ортгандай бўлди. Бир томони меҳмон ҳурмати уни асрамоқни кўнглига тугди. Подачининг гапидан кейин Оқбўйинга қизиқиши ўн чандон ортди. Ахир ҳеч замонда ит савдолашилганми? Қишда бир чакса қорни бировга раво кўрмайдиган шундай бир одам қўй ваъда қиляптими, демак бу кучукда бир гап бор. Туришини қара, пинак бузмайдия.

— Ана бор, иккита қўй.

— Ака, биласиз мен битта гапираман.

— Оббо, қўранг тўла молмидики, ит асрайсан.

— Яхши ит ҳаммагаям керак.

— Бун асраб наф кўрмайсан. Рашким ёмон, бирда бўлмаса, бирда отиб ўлдираман.

— Ярашадиган гапни қилинг, ака.

— Отмаган тақдиримдаям... барибир Хидир хира отиб кетади.

— Отиб кўрсин...

Савдоси пишмаган Қарим подачи итни ерга қўяркан, зарда билан биқинига тепди. Зарб кучли бўлмаса-да, бу хил муомала Оқбўйинга ёмон таъсир қилди. Таҳқирланганини ҳис этиб, ғазаби келди. Ириллади. Ириллаш баробарида акиллади. У ўз қадр-қимматини яхши биларди. Бу жиҳатдан отаси Олапарга тортган эди. Олапар қўшни қишлоқлик Абдурайим овчининг ити. Кузда у бу томонларга қадам қўйганда, унинг ҳайбатли, кўркам келбатини кўриб, бутун қишлоқ лол қолганди. Олапар ҳовлига бошқа итлар каби девор ошиб эмас, тўғри дарвозадан кирган. Уй эгасининг дўқ-пўписасига зигирча эътибор бермай, бамайлихотир юриб, томорқага ўтган, картошкапояда, ўн чоғли ит қуршовида «нозланиб» ётган қанжиқни бир зумда ўзиники қилиб олган.

Ҳали ҳеч кимдан бу хил муомалани кўрмаган Оқбўйин ғазаб ва аламдан бенхтёр акиллаб юборганди. Акиллаган сари иззат-нафси алланечук ором топиб, сөзи ўзига хуш ёқди. Қарим подачи Маллани қўйнига солиб, эшик ортида кўздан йўқолмагунча у тинчимади.

Шу кундан эътиборан у ҳуришни ўрганди.

Оқбўйин дилхираликни тез унутди. Тағин товуқ пати

билан андармон бўлди. Илгари бир нима билан ўйнашганда ирилларди, энди бўлар-бўлмасга акиллашни одат қилди. Эпкин товуқ патини ҳаволатганда, акиллаганча ортидан қувлайди, сакрайди, тапна босади, панжалари билан пийпалайди ва охир-оқибатда ҳафсаласи пир бўлиб, эндигина бошқа нарсага алаҳсимоқчи бўлганида, бирдан товуқ патига «жон» киради, шабадада «қанот қоқади». Оқбўйин тағин унга ташланади, тутади, пийпалайди, нималигига ақли етмай гаранг бўлади.

Чор атрофи баланд девор билан ўралган тор жойида унинг ақли етмайдиган ажойиботлар тўлиб-тошиб ётибди. Шулардан бири бурчакдаги тешикдан тез-тез мўралаб турадиган каттакон каламуш эди. Оқбўйин унга нисбатан яхши муносабатда эди, оға-иниларига тега-жоқлик қилгандек у билан ўйнашгиси келади. Аммо каламуш кучук яқинлашиши билан ура қочади. Яна бири аҳён-аҳёнда том бошида пайдо бўладиган тарғил мушук эди. Мушук олифтанамо қадамлар билан девор устидан юриб келади-да, томга сакраб, соатлаб ўзига оро беради. Энг қизиғи девор бошида ўқтин-ўқтин кўри-лиш берадиган бабақ хўроз. У ўзига ҳайратомуз тикилиб турган Оқбўйинга бошни у ён-бу ён буриб анчайин қараб қўяди-да, қанотларини тап-тап қоққанича, бирдан қичқириб қоладики, шўрлик Оқтўш қочаман деб ўмбалоқ ошиб тушади. Оқтўш журъатсизлигига яраша ўлгудек бўшанг—салга додлайди. Оқбўйин худди манса шунисига ишқибоз, уни ерга босиб эзгилашни яхши кўради. Онасининг хотиржам боқишларида ўз қилиғига рағбат сезган сайини ғайрати янаям жўшади, оқибатда онаси ўртага тушишга мажбур бўлади. Қилғилиқни Оқбўйин қилиб, гапни Оқтўш эшитади, бўшашмай, кет, лапашанг!

Гоҳида шу иш устига ўй эгасининг ўртанча ўғли Расул келиб қолади. Ана унда кўринг томошани. Расул уларни атай ўчакиштиради, яъни Оқбўйинни Оқтўшнинг тағига босиб ғашига тегади. Бундан Оқбўйиннинг ғазаби шу қадар қўзийдики, тутқундан бўшаши билан сакраб туриб, ҳеч бир гуноҳи йўқ инисини тишлаб—тортқилай кетади. Натижада, Оқтўш ташқарига чиқолмай, соатлаб биқиниб ўтиради. Онаси ин оғзида чўзилиб интиқом ўтида ёнаётган Оқбўйинни ичкарига йўлатмайди ҳовуридан тушишини кутади. Оқбўйин аламидан Маллага ёпишади. Амма Малла бўш келадиганлар хилдан эмас, «мушт»га «мушт» билан жавоб беради. Айниқса, кечаги жанжал ёмон бўлди. Расулнинг кутқуси билан у

Маллани энди тагига босган эди, кутилмаганда ўнг оёғи акасининг жағлари орасига тушиб қолди. Жағ эмас, мисоли қопқон, қани энди қўйворса... Ангиллаб юборди. Расул уни ердан кўтариб бағрига босди. Лат еган оёғини силаб-сийпади. Маллани эса тепиб ҳайдади.

Расул бошданоқ Оқбўйинга айрича меҳр қўйган. Оқбўйин буни ўзича ҳис қилган сайин тантиқлиги ортади. Аслида, эшикдан кириб келадиганлар орасида энг гам-хўри ҳам Расул эди. Шу боис боланинг келишини Оқбўйин илҳақ кутади. Келавермаса, эшик ёнига бориб, ташқарига мўралайди. Тирқишдан кенг ҳовлининг бир бурчаги — ўчоқ боши кўринади, холос. У ердан кунда уч маҳал ялоққа тўкиладиган овқат ҳиди келади.

Товуқ пати жонига теккач, Оқбўйин эшик ёнига борди. Тирқишга тумшуғини суқиб ёнгшиди. Таниш ҳиддан дарак йўқ, қадам товушлари ҳам эшитилмайди. Расул келмагунча, у эшикдан нари кетмади, гоҳ ёнгшиб, гоҳ акиллаб уни йўқлаб турди.

\* \* \*

Малла олиб кетилган куннинг эртаси пешинга яқин чақин чақиб, жала қўйиб берди.

Оқбўйин ҳали бунақасини кўрмаган, кўрқувдан юраги ёрилай деди. Ёмғир тинмагунча, онасининг пинжидан чиқмади.

Оқбўйин ин оғзида пайдо бўлган каттакон кўлмакка эҳтиёткорлик билан қадам қўйганида, ёмғир тинган, паға-ғаға булутлар орасидан офтоб мўралай бошлаганди. Панжаси сувга тегиши билан Оқбўйин оёғини тортиб олди. Искаланди. Четлаб ўтиш лозимлигини фаҳмлади. Шундай қилди ҳам. Намчил ерга чиқиб, қаттиқ силкинди. Шунда ортидан Оқтўшнинг нолакор ёнгшигани эшитилди. Ўгирилиб инисининг ин олдида пайпасланиб турганини кўрди. Келавер, деган маънода шўхчан акиллади. Аммо Оқтўш кўлмакдан ўтишнинг эвини қилолмай баттар ёнгшиди ва турган жойида тўсатдан шалоп этиб сувга ағдарилиб тушди-да, ортидан онасининг улкан боши кўринди. Онаси Оқтўшга қайрилиб ҳам қарамади, енгил сакраб Оқбўйиннинг ёнига келди. Силкинди. Сенг меҳр билан унинг тумшуғини ялаб қўйди. Удадурон кимга ёқмайди дейсиз. Мақтовдан талтайиб кетган Оқбўйин лўмбиллаганча инисининг устига бостириб борди. Шусиз ҳам бўлари бўлиб, дийдираб турган шўрликни тўши билан уриб йиқитди. Остига босиб пийпаламоққа чоғландию тағин раҳми келди. Тум-

шуғи билан турткилаб унинг туришига кўмакланган бўлди. Кейин девор ёқалаб тентиб кетди. Емғирдан сўнг ер бетига қалқиб чиққан чувалчанларни кўриб, бир муддат шошиб қолди. Нима бу? Диққат билан кузатди. Исканди. Бошқаларига нисбатнан жадалроқ харакатланаётган йўгон чувалчангни оғзига олди. Туғи-ий, бунча бемаза! Чувалчангдан юз ўгириб, девор ёқалаб юрди. Хашақлар орасидан ёмғирда ивиган бир чақмоқ қанд топди. Қандни кеча Расул олиб келганди. Зўрлаб оғзига тиқишгирмоқчи бўлганида, Оқбўйин бош тортганди. Тошдек нарсани еб бўларканми? Ҳозир эса... аввал искади, кейин қизиқсиниб ялаб кўрди. Мазаси оғзига ёқиб, тагин ялади. Бирпасдан сўнг қанддан ном-нишон қолмади.

Оқбўйин қанднинг кайфини суриб, тумшуқ ялаб турганида, бирдан том бошида тапир-тупур бўлиб кетдида, алламбало жон ҳолатда бағиллади. У эс-ҳушини йиғиб олгунча бўлмай, ғазабдан туклари ҳурпайган, кўзлари бежо, қора мушук нақ қаршисига тап этиб тушди. Оқбўйин унинг важоҳатидан чўчимади, дастлаб ҳайрон бўлди, кейин чилвирдай ингичка думини ликиллатди, ўйнашгиси келди. Кўтарилган ўнг оёғи ҳавода муаллақ қолди. Мушук таҳдидли «пих-х»лаб, жон ҳалпида деворга сакради, ивиган тупроқ кўчиб, у ерга йиқилиб тушди. Каттакон суякни оёқлари остига олиб ғажиётган она ит уни зир қува кетди.

Оқбўйин онасининг ҳаракатидан бу жой ёлғиз ўзларига даҳлдор эканини, ўзга жонзод қадам қўймоққа ҳаққи йўқлигини англаб етди. Шу ваддан том бошида жароҳатини ялаб-юлқаётган тарғил мушукка қараб акилламоққа тушди. Тарғил пинак бузмади, лоақал қиёбоқнишни ўзига сп кўрмади: ғашимга тегмаган сен қолувдинг, кўп акилламай тошингни терсанг-чи!

Шу тарзда бу ёруғ жаҳонда унинг биринчи душмани пайдо бўлди. Мушукни кўрди дегунча тирқиратадиган бўлди. Илк тўқнашувдаёқ бу олифта жониворлардан яхшилик чиқмаслигини сезган эди-да.

Оқбўйин акиллашдан чарчаб, яна тимирскилана бошлаганида қоя очиқ эшикка рўбарў бўлди. Оралиққа бош суқиб ташқарига мўралади. Ҳовли юзидаги товуқлар диққатини тортди. Бир четда ўша таниш бабақ хўроз ёўддайиб турарди. Оқбўйин қадрдонларини учратгандай алланечук шодланиб улар томон ошиқди. Аммо унинг ташрифи товуқларга ёкмади. Хўроз эса очиқдан-очиқ таҳдид қилмоққа ўтди. Унг қаноти билан ер супи-

риб, яқинлашма, ёмон қиламан, деган маънода жойида чир айланаркан, кетига тисланиб, тепмоққа чоғланди. Оқбўйин ярим йўлда саросимада туриб қолди, бегона жойга қадам босганини пайқади.

Бахтига товуқлар тезда уни унутишди. Хўроз атрофида уймалашиб, у топган нон бўлагини таллашиб тортиқилай бошлашди. Оқбўйин ортиқ чидаб туролмади, безор акиллаганча тўдага суқилади. Товуқлар тўзиб, хўроз чекинди. Оқбўйин нонни искади, кейин чайнамай ютиб юборди.

У ҳовлида эмин-эркин тентиб юраркан, дафъатан душёр тортиди. Қулоқларини динг қилди. Узоқ кутмади. Маъраш овози яна такрорланди. У товуш келган томонни тусмоллаб юрди. Қўра эшигига борди. Эшикни тимадалаб, кўкраги билан итариб очди. Димоғига гўнг ва шиптир ҳиди урилди. Бурчакдаги темир охур ёнида боғлиқ турган говмушга кўзи тушиб, жойида қотди. Гингшиш аралаш ириллади. Сигир қаттиқ пишқирди, сузмоқ бўлиб бош силкиди. Бунга жавобан Оқбўйин акиллади. Акиллай-акилай изига бурилди. Ошхонадан тумшук ялаб чиқиб келган тарғил мушук кучукни кўриб, эринибгина томга сакради. Оқбўйин унга ортиқ эътибор бермади. Нимага деганда, ўзини тинмай таъқиб этаётган сон-саноқсиз ҳидлар орасидан туйқус бир ҳидни илғаб қолганди. Ҳид уни тўғри уй эшигига бошлади. Эркаланиб уй эшигини тирнади, гингшиди, акиллади. Эшикда каттакон қулф осигли эди.

Оқбўйин бирпас искаланиб турди-да, кейин ҳовлини кесиб ўтиб, томорқа эшиги томон йўналди. Ланг очик эшикка етаркан, кўзи тушган биринчи нарса чопилган ер ўртасида ниманидир зўр иштаҳа билан чайнаётган қора мушук бўлди. Уни кўриши билан Оқбўйин бояги учрашувни эслади, ғазаби кўзиди, акиллаганча шудгор оралаб мушук сари югурди. Қора мушук девор ошиб қочиб қолди.

Оқбўйиннинг ғазаби — чин, ҳужуми — пўписа эди. Мабодо, мушук бир оз ҳаяллаганида, олға боришга юраги чопмаган, чор тарафи тераклар билан ўралган бу ерни мушукка дахлдор деб билган бўларди. Аммо мушук ҳам хўроз сингари у билан пачакилашиб ўтиришни ўзига эп кўрмади. Натижада Оқбўйин ўз-ўзидан ҳовли ва томорқага «хўжайин» чиқиб қолди. Бундан беҳад шодланиб, бор овозда акиллаганча онаси ва инисини чақирди. Бироқ улар қорасини ҳам кўрсатишмади.

Оқбўйин томорқа бўйлаб тентираркан, ариқ ёқасида чумоли карвонига дуч келди. Олдин ҳеч кўрмаган, қизиқсиниб кузатди. Искади. Нақ тумшуғига ёпишган учтўрт чумолидан базўр қутулиб тоқзор оралади. Ғумай баргида ўрмалаб бораётган хонқизини томоша қилди. Искаб кўришдан ўзини тийди. Аммо кўз олдинда турган нарсани искамай ёки пайпасламай бўларканми, у энди оёғини кўтарган ҳам эдики, барг учида бесаранжом тебранаётган хонқизи уни ҳайратда қолдириб учди кетди.

Томорқанинг аллақайси бурчида ку-кулаган мусичанинг овозидан ўзига келганда, шундаққина тумшуғи тагида, қоқигул устида болари айланиша бошлади. У ҳамон муаллақ турган оёғини йиғиб, бошини бир ён қийшайтириб, унинг ҳаракатларини зимдан кузатди. Болари гулга қўниши билан Оқбўйин панжасини олдинга чўзди. Болари норози визиллаганча ҳавога кўтарилди. Оқбўйин ортидан чопти, кесакка қоқилиб, чуқурчага ағдарилиб тушди. Тушиши ҳамон жон ҳалпида юқорига тирмашди. Чуқур тубидаги бақалар кўзига алламбалолар бўлиб кўринди. Ташқарига чиқиб ҳам хийла вақт ўзига келолмай турди. Кейин аста чуқур лабига келиб, бир муддат бақаларни томоша қилди. Туфе-ей, бунча совуқ.

Кейин учраган ҳар бир нарсага алаҳсиганча томорқа бўйлаб тентиради.

Бироқ унинг эркинлиги узоққа чўзилмади. Ҳовлида товуқларга тегажоқлик қилиб юрганида, дарвозадан кириб келган Кимсан хола кўлига тушган таёқ билан уни қувлади. Бунга қарангани, ҳовли одамзодга тегишли экан. Шунингдек, Оқбўйин ўзи билган, кўрган жонзодлар орасида ёлғиз одам боласи билангина ҳазиллашиб бўлмаслигини қўймичига тушган калтак зарбидан сўнг яна бир карра чуқур ҳис этди.

\* \* \*

Қишлоққа босиб келаётган фалокатни Оқбўйин тонгданоқ пайқади. Нималигини фаҳмламаса-да, қишлоқда қиёмат қойим қўпаётганини ҳис этди. Ҳавода ўзи кўниккан ҳидлардан бўлак милтиқдори ҳиди ҳам анқий бошлаганди. У жавоб истаб онасига термулди. Она эса бепарво, овқатга тўйганча хашак устида чўзилиб ётарди.

Оқбўйин бекорга безовталанмаганди. Қишлоққа ит отувчилар оралган, ҳовлима-ҳовли юриб «индамас» мил-

тиқлари билан ит зотига қирон келтиришарди. Бу ишга Хидир хира мутасадди эди. Исми жисмига монанд бу одам ит эгаларидан қанча таъна-дашном эшитмасин, ҳаттоки неча бор калтак емасин, одатини сира тарк этмас, ҳар кўкламда ўзи айтгандек, юқорининг буйруғини бекаму кўст адо этарди. Буйруқни ким берган, нима учун берган, ёлғиз худога аён. Қисқаси, мағрибда бирор ит касалланган бўлса, машриққача бўлган жамики итларга қирон келарди. Уққа учган итларни кўрганда Хидир хира ошкора роҳат қилар, оғзининг таноби қочиб, ялпоқ юзи ҳаддан зиёд хунук тус оларди. Аммо у қанчалик ҳаракат қилмасин, икки-уч ойдан сўнг қишлоқда яна кучук овозлари эшитилиб қолар, сал ўтмай бу жимитдек жониворлар росмана итга айланарди. Хидир хира эса янаги ит отиш мавсумини сабрсизлик билан кутар ва ҳар сафар бу кунни зўр бир тантана билан бошларди.

У қишлоқ бошидаги Абрай чўлоқнинг итини отгандаёқ, Оқбўйин хавфни сезган эди. Сезгирлик унга отаси Олапардан ўтган. Ана шу ўткир қобилияти туфайлигина Олапар бу хунрезликдан мана неча йилдирки, омон қолиб келади. Ҳавода порох ҳидини сезиши билан у қирга қочар, ҳафталаб ўша ерда жон сақларди. Лекин зурриёти қирилиб кетарди. Эндиликда Оқбўйиннинг бошига ҳам шу бало кўланка солмоқда эди.

Оқбўйин безовталанган сайин ҳавода милтиқдори ҳиди кучая борди, ҳатто яраланган итларнинг аянчли акиллашлари ҳам элас-элас қулоққа чалина бошлади.

Ниҳоят хавфни она ит ҳам пайқади. Мудроқ кўзларини очиб рингшиди. Худди шу пайт эшикдан Расул отилиб кирди. Дардан қочиб келганди у. Келасолиб Оқбўйинни бағрига босди-да, сомонхонага ўзини урди. Қишдан ортган сомон устига чиқиб, шифтга қадар таҳланган беда боғларидан бирини суғуриб олди. Оралиққа Оқбўйинни тиқиштириб, бедабоғини жойига қўйиб қўйди.

— Жимгина ёт! — деди.

Оқбўйин нима гаплигини тушунмаган бўлса-да, нафас чиқармай ётиш лозимлигини англади. Қоронғида гимирлай-гимирлай бир амаллаб жойлашиб олди. Бу ер қуруқ ва иссиқ эди. Беда орасидан алланималарнинг шитирлаши, чийиллаши эшитиларди. Дақиқалар ўтган сайин унинг кўнгли ғуссага тўла борди. Қизиқ, илгари ҳеч бунақа бўлмасди.

Расул ҳовлига чиқиб, энгил-бошини қоқар-қоқмас дарвозада Хидир хира кўринди.

— Сизда бир қанжиқ бор деб эшитдик,— деди у пешвоз чиққан Кимсан холанинг саломини жавобсиз қолдириб.

— Болалари бор, раҳм қилинг, — деди Кимсан хола ялиниб.

— Ит одамидики, раҳм қилсанг.

— Болаларни отаси эшитса, хафа бўлади-я.

— Мен юқорининг буйруғини бажарадиган одамман. Қўлимда қоғозим бор.

Хидир хира ичкарига қўйишни истамай турган Кимсан холанинг елкаси оша ҳовли юзига бир сира кўз югуртирди-да, сўнг уни четлаб ўтиб, томорқа эшигига юрди. Бўйинини чўзиб қаради. Кейин қўшни эшикни итарди.

— Аҳ-ҳа, мана қаерда экан, — деди у хунук ишшайиб.

У гингшиб ҳура бошлаган она итни мўлжалга олди. Қоқ пешанасидан ўқ еган ит «ванг» деганча оҳиста қулади, бир-икки оёқ силкиб жим қолди. Ин ёнида ўралашиб юрган Оқтўш ҳеч нарсани тушунмади, жонсиз танини айланаб ўтиб, думини қийпанглатганча Хидир хира яқинига борди. Хидир хира кўзи кучукда милтиғини ўқлаётиб, ёнида серрайиб турган шеригига — юзига ҳуснбузар тошган йигитга имо қилди.

— От!

Ит отувчилар эшик оғзида турганлари учун ташқаридагилар ичкаридаги манзарани кўрмас эдилар.

Шериги елкасидан милтиғини олиб, Оқтўшга тўғрилади. Оқтўш баттар қийшанглаб, милтиқ милини искади. Бу йигитга қизиқ туюлди шекилли, пиқиллаб кулди. Хидир хира бўлақол дегандан сўнггина тепкини босди. Оқтўш чийиллаганча думалаб тушди. Ўқ теккан тугмачадай тумшуғини ерга ишқаб ғалати ҳаракатлар қилди. Йигит хохолаб юборди. Хидир хира унга қўшилди. Кулиб турган жойида нақ елкасига тушган зарбдан олдинга мункиб кетди. Базўр ўнгланиб, ортига ўгирилкан, эшикда дарғазаб турган Карим подачини кўрди.

— Нега ҳиринглайсан, тинчит! — деди подачи.

Хидир хира ундан чўчирди, шоша-пиша милтиғини ҳамон жон талашиб ётган Оқтўшга тўғрилади. Отди. Оқтўш бир силкиниб жим қолди.

Карим подачи ўлиб ётган итларни ҳатлаб ўтиб ин ёнига борди. Эгилиб ичкарига қаради.



— Яна бири қани? — деб сўради ҳайрон бўлиб.

— Яна бормиди? — Хидир хира жонланиб милтиғини ўқлади. Атрофга жонсарақ аланглади. — Қани? Қаерда?

Карим подачи Расулга юзланди.

— Арслон қани?

— Қанақа арслон? — бола елка қисди.

— Оқбўйинни сўраяпман.

— Ҳа, уми... отам кеча оқшом бир одамга бериб юборди.

— Бериб юборди?! — Карим подачининг кўзлари олайиб кетди. — Кимга бериб юборди?

— Қайдан билай.

— Менга бермай... ҳи-и, отангни...

— Яшириб қўйган чиқар, — Хидир хира теваракка синчков кўз ташлаб, болага юзланди. — Қаерга яширдиги? Барибир топиб оламиз.

— Яширган бўлсанг, айт, — Карим подачи Расулга яқин келиб, елкасидан тутди. — Қўрқма, бир тукига ҳам қўлини тегиздирмайман.

Бола баттар талмовсиради.

— Айтдим-ку, бериб юборди деб.

Карим подачи сўкиниб-сўкиниб чиқиб кетди. Унга бошқалар эргашди.

Оқбўйин ташқарида нимадир юз бераётганини ҳис этиб, бирор беш дақиқа жим ётди. Сўнг гўдаклигига борди. Хавфни унутди. Бош сиғарли оралиққа калласини тикиб, ташқарига интилди. Интилган сайин бедабоғнинг қимирлай бошлаганини сизди. Оёқларига куч берди. Бедабоғ пастга ағдарилди. Оқбўйин қулаб тушишдан базўр ўзини тутиб, қуйига боқди. Кейин кетига тисарилди. Бир муддат сомонхона ичини кўздан кечирди. Шунда нимқоронғи бурчақда нимадир гимирлаётганини пайқади. Бошини у ён-бу ён қийшайтириб тикилди. Жимитдек сичқонча. Сал нарида яна биттаси юрарди. Қизиқши ортиб, Оқбўйин беихтиёр олдинга талпинди ва сирғалиб пастга думалаб тушди. Ўзини ўнглаб, ошиғич ён-верига алангларкан, сичқонлардан дарак топмади.

Оқбўйин пилдираганча эшик ёнига борди. Тирқишга панжасини суқиб, эшикни тортқилай бошлади. Шу аснода нақ тумшуғи тагидан кирза этиклар гурсиллаб ўтди. Оқбўйин тешикдан мўралаб, бир гала ялангоёқларни ҳам кўрди. Акилламоқчи эди, бурчақда нимадир чийиллаб диққатини тортди.

Қадам товушлари тинар-тинмас, эшик оҳиста очилиб, Расул кўринди. Оқбўйинга кўзи тушиб, ҳайрон қолди: «Зўрсан-ку, — деди гоҳ кучукка, гоҳ тепага қараб. — Қайтиб тушдинг-а?»

Оқбўйин думини ликиллатиб, унинг оёқларини искади, ғингшиди. Ташқарига чиқди. Хидир хиранинг гўрига ғишт қалаганча ўчоқ бошида куйманаётган Кимсан холага ҳадикли боқди. Кечагидай қўлига таёқ олиб қувлайди деб ўйлади. Йўқ, Кимсан хола унга қайрилиб ҳам қарамади, қозон-товоғи билан банд бўларкан, ичкарига қўйма, ҳовлида юрсин, деди.

Оқбўйин ҳовлига чиқиши ҳамон қол ҳидини туёди. Юраги ғаш тортиди. Онаси томон ошиқди. Аммо Расул уни нари ҳайдади. Оқбўйин саркашлик қилиб турмади, писмиқланиб молхона томон юрган бўлдию Расул уйга кириши билан изига бурилди. Доимо ёпиқ турадиган эшик бу гал очиқ эди. Онаси одатдаги жойида эмас, сал берида яланг ерда чўзилиб ётарди. У билан ўйнашгиси келиб югурди. Аввало қонга беланиб ётган Оқтўшга дуч келди. Исканди. Кейин турткилади. Иниси миқ этмади. Сарғиштоб кўзлари осмонга тикилганча қотиб қолган, чап кўзи теварагида каттакон пашша айланиб юрарди. Бу сир-синоатга ақли етмаган Оқбўйин онаси томон талпинди. Уни ҳам шу аҳволда кўргач, ҳайрон туриб қолди. Ботинқирамай акиллади. Аммо онаси шу қадар тош қотган эди-ки, лоақал бошини кўгарай демади. Оқбўйин ҳали ўлимни тушунмасди. Тушунмагани учун ҳам шумлиги тутиб, онасининг пинжига суқилди, қизғиштоб эмчакларидан бирига оғиз солди. Билади, бундай дамларда онаси тинч ётолмайди, меҳри жўшиб бошдан-оёқ ялаб юлқайди.

Бироқ Оқбўйин музлаб бораётган эмчакни қанчалик тортқиламасин, онаси миқ этмади. Шунда у сўнгги чорани ишга солди, этга тишларини ботирди. Майли, онаси оғриққа чидаёлмай, елкасидан ғарча тишлаб, четга улоқтирсин, фақат бу тахлит ётмаса бўлди.

Шу пайт кичкина қўллар уни беозор тутиб эмчакдан айирди. Расул бўғзига тикилган йиғини базўр ютиб, кучукни ҳовлига олиб чиқди. Эшикни зичлаб ёпиб, ғишт тираб қўйди.

Ҳовлига бутунлай кўчиб ўтгандан сўнг, Оқбўйин тезда ҳаммасини унутди. Ҳовлида ўзини тўла хўжайин ҳис этиб, даставвал девор ошган қўшни хўрозни қувиб солди. Кейин бир майдон товуқлар билан ўйнади, то бабақ хўроздан бошлаб тепки емагунча, ҳовли бўйлаб

уларни тиржиратиб юрди. Аввалига изза бўлиб чекин-моқни эди, қарасаки хўроз яна ҳезланмоқда. Шунда унинг чинакамига қаҳри қўзиди, бу турқи совуқнинг яхшилаб таъзирини бермоқчи бўлди. Акиллаганча дадил ҳужумга ўтди. Аммо хўроз бўш келмади, четга сакраб, нақ бошига иккинчи зарбани берди. Оқбўйин оғриқдан вангиллаб юборди. Лекин чекинишни хаёлига келтирмади. Ириллаган кўйи хўрознинг ҳар бир ҳаракатини сергак кузатаркан, бирдан рақибининг ўнг қанотига човут солди, хўроз ўзини ўнглагунча бўлмай, тўлғаб четга улоқтирди. Шўрлик бабақ уч-тўрт юмалаб, зўрға оёққа қалқди-да, қақағлаганча ура қочди.

Оқбўйин оғзи тўла пат, ортидан акиллаб қолди. Бу унинг биринчи жанги, биринчи ғалабаси эди.

У ғалаба нашидасини суриб турганида, каттакон темир дарвоза тарақа-туруқ очилиб, бир қоп ун ортилган эшакни олдига солиб, ҳовлига Содиқ ака кириб келди. Оқбўйиннинг кўзи кўчага — нотаниш оламга тушди. Эҳ, дунё деганлари бунчалик кенг! У шитоб-ла ўша томонга интилди. Етай деганда дарвоза шарақлаб ёпилди.

\* \* \*

Оқбўйин илк бор кўчага чиққанида кўклам ўтиб, саратоннинг айни қайноқ кунлари бошланганди. Энди унинг овози раста тортиб, расмана итга айланган, келбатидан киши чўчигулик эди. Чап қулоғининг чала кесилганию бўйнидаги оқини демаса, тусию турқ-таровати қуйиб қўйгандай Олапарнинг ўзи, феъли ҳам мағрур, сипо, ҳуда-беҳуда акиллавермайди. Яна бир феъли — емиш танлайди, туриб қолган овқатга оғиз урмайди. Суякни яхши кўради, қанддан эса ҳузур қилади.

Шу кунларда Оқбўйин тутқунликдан ҳам кўра иссиқдан беҳад азоб тортарди. Тушга яқин том кўланкаси чекиниб, у офтоб тифида қолар, то кун қайтиб, боғдаги тераклар сояси ҳовли юзига тушмагунча жони минг азобда қийналарди. Гоҳида азбаройи чидаёлмаганидан тумшуғини кўкка кўтариб мунгли увлаб юборарди. Аммо унинг ноласини эшитадиган қулоқ йўқ. Бу пайтда Қимсан хола уйини қоронғилатиб, ширин тушлар кўриб ётган бўлади. Жонига ора кириши мумкин бўлган Расул эса мана ўн кундирки лагерда. Оқбўйин соя-салқин боғ эшигига илҳақ; термулганча қозик, атрофида беҳол, бе-мажол айланишдан ўзга чора тополмайди.

Салқин тушиши билан Оқбўйин кундузги азобни унутади. Дарвозага алаҳсийди. Бир ойча бурун, сокин тунларнинг бирида даштдан аллақандай итнинг маъюс увлашини эшитгандан буён у дунёнинг кенглигини, нақадар улугворлигини англаб етган, девор ортидаги ҳаёт сирли кўриниб, дарвозага интилгани интилган эди. Айниқса, дарвоза очилган кезлари ўзини қўярга жой тополмай қолади: сакрайди, иргишлайди, акиллади, ириллайди, гоҳо бўйинини сиқиб турган арқонни ғажийди — халос бўлишга жон-жаҳди билан уринади. Дарвоза ёпилгач эса узала тушади-да, зилдай бошини оёқлари устига қўйиб, эркин бўлишига қарамай, ҳовлидан бир одим нари жилмайдиган товуқларни ҳайрат билан кузатади, емиш топиб, кўпинча ўзи қуруқ қоладиган хўрознинг қилиғига ҳайрон бўлади. Хўрозни жини ёқтирмайди, ялоғига яқин келса, қувиб солади.

Аслида хўроз туфайли тутқинликка тушганди у. Уша кунги жанжални Қимсан хола кузатиб ўтирган экан, эри келгач, ваҳима кўтарди: «Эр, — деди итга бармоғини бигиз қилиб, — Йўқотинг бунини! Бутун хўрозни еб қўйишига бир баҳя қолди. Ҳай-ҳайламасам, ебам қўярди. Худо бир асради. Йўқотинг! Қорасини кўрмайин!» Содиқ ака ишонмади, хотин зоти шу, гапни хамирдай кўпчитмаса, кўнгли жойига тушмайди. Ҳирсдай такани қочирган дакангга маймоқ нима бўпти. Бироқ сал ўтмай Оқбўйин яна қовун туширди, ҳовли юзида тинчгина донлаб юрган товуқларнинг ўтакасини ёриб, хўрозни тирқиратиб қувиб кетди. Боз устига шу кеч Қарим подачи тагин келди. Расулни одобсизга чиқариб, яна Оқбўйинни сўради. Бу гал унинг зотини яширмади, бундай ит мингдан битта бўлишини, қўй эмас, қўзи эмас, бутун бошли тана беришини айтди. Рад жавобини эшитиб, кўзи қонга тўлди. «Тирик эканман, итингга кун йўқ», — деди.

Шундан бери Оқбўйин боғловда. Бошда роса тўполон кўтарди. Кейин кўниккандай бўлди. Кундузги жон ўртар йссиқни демаса, ётар жойи соз — ҳовли бурчагидан чор атроф кўзга ташланиб туради. Зерикканда нимагадир алаҳсиши мумкин, айниқса, ҳовлида одам бўлганида тутқинлиги эсидан ҳам чиқиб кетади.

Бугун офтоб шу қадар забтига олдики, ортиқ бардош беришга Оқбўйин ўзида бўлак куч топмади. Ғингшиди, ангиллади, акиллади, уч-тўрт бор кўкка боқиб чўзиб-чўзиб нола қилди. Кейин кутилмаганда қутуриб, арқонга ташланиб қолди... Бир оздан сўнг ҳовури пасайиб, бундай қарасаки, арқон узилай деб қопти. У

бундан қутулмоқнинг имконини кўрди, яна арқонга оғиз солди, гўё суяк чайнагандай жон-жаҳди билан чайнади, тортқилади, чайнади — тортқилади. Илкис бир силтовдан арқон чирт узилди. Ярим қулоч арқонни судраб, томорқа эшиги томон йўналди. Ичкарида, ажриқ босган ариқчада, бағрини захга бериб қатор тизилишиб ётган товуқлар ёнида гўдайиб турган хўроз уни кўриб ташвишга тушди. Оқбўйин унга эътибор бермади. Аллақандай хашаки жониворларга элакишадиган вақтдан ўтган, кўзи токнинг қуоқ кўланкасида, салқинда чўзилиб ором олиш истагида эди. Аммо томорқа эшигига етар-етмас, бирдан кўнгли кўчани тусаб қолди-да, изига қайрилди. Дарвоза ўртасидаги мўъжазгина эшикни туртиб очиб, ташқарига чиқди.

Кўчада жон асари кўринмас, сукунатни ариқдан оқаётган сувнинг шилдирашигина бузарди. Оқбўйин чанқовини қондиргач, тумшуқ ялаб кўчанинг ҳар икки тарафига қизиқсиниб назар солди. Унг ёндаги кўча адоғидан дала кўзга ташланарди. У ўша томонга юрди. Кўп ўтмай бийдек даштга чиқди. Узоқда қўнғир қирлар ястанган, ундан нарида тоғлар... бериоқда ферма-хона томи оқариб турарди. Уша тарафдан итнинг эрини-бгина ҳургани эшитиларди.

Фермахонани қора тортган Оқбўйин энг четдаги ҳовли томондан ўқдек учиб келаётган қора итни кей... пайқади. Дастлаб унга нисбатан душманлик сезмади, ҳатто уни учратганидан бир оз қувонгандай ҳам бўлди. Сокин тунлари қулоғига чалинган ит овозини эслаб, гингшиди. Бироқ ит яқинлашган сари унинг важоҳати бўлакчалигини, қўйиб берса еб-ютуб қўйишга чоғи борлигини фаҳмлади. Нима қиларини билмай, бир муддат саросимада турди-да, сўнг жанжалга тоби йўқлигини билдириб, таҳдидли ириллади. Ириллаган кўйи йўлида давом этаркан, судралиб келаётган арқонни босиб, мункиб кетди. Бу орада жуда яқин келиб қолган қора ит унинг чалғиганидан фойдаланиб, кўкси билан уриб ўтди. Оқбўйин ағдарилиб тушди. Оёқлаб улгурмай қора ит унинг чотига чанг солди. Жонни оғриган Оқбўйин вангиллаб юборди, ортиқ сусткашлик ҳалокат билан яқунланишини идрок этди. Қони қизиб, ғазаби қўзиди. Безбет бу махлуқнинг адабини бермоқ ниятида санчиб ўр-нидан турди.

Зум ўтмай қаршисида жунлари ҳурпайган, важоҳати ғоят даҳшатли бир йиртқични кўрган қора ит ҳаялламай чекиниш лозимлигини англади. Аммо энди вақт

Утган эди. Угирилишга улгурмай нақ яғринига Оқбўйиннинг ўткир тишлари фарчча ботди. Бир пайтлар хўрозни еилкигандай, Оқбўйин уни икки-уч тўлғаб таппа тагига босди. Энди томоғидан олай деганда, қўлида узун калтак, ҳай-ҳайлаганча югуриб келаётган кишини кўрди. Алаҳсиди. Қора итга худди шу нарса керак эди, даҳшатли жағ бўйнидаги узилиши ҳамон жон ҳалпида тура солиб қочди. Эгасининг қаватига кириб қайта ҳужумга ўтди. Аммо Оқбўйин ортиқ пачакилашиб турмади, лўкиллаганча йўлида давом этди. Ен-верига таптуп келиб тушаётган тошу кесакларга парво қилмади. Тошлардан бири қўймичига теккандан кейингина қадмини тезлатди. Шу кетишда ялангликда тўнтарилган дўппидеккина бўлиб турган янтоқзор дўнгликка етиб, бир оз нафас ростлади. Ҳадиксираб ортига ўгирилганда, қора ит том соясида чўзилиб ётар, эгаси кўринмасди. Сой томондан бир тўп бола чуғурлашиб келарди. Қишлоқдан елиб чиққан юк машинаси уларни чангга кўмиб ўтди.

Кўриб турган нарсалари Оқбўйинга жуда қизиқ эди. Шу боис ҳар бир қорани диққат билан кузатар, айниқса отлиқ чол ортидан гижинглаб, ирғишлаб бораётган қўнғиртоб тойчоқ унинг эътиборини жалб этди. У тойчоқнинг ҳаракатларига маҳлиё бўлиб турганида, оёғи остида нимадир шитирлагандай бўлди. Оқбўйин чўчиб нақ бир газ тепага сапчиди. Сапчиш мобайнида биланглаб қочаётган каттакон сариқ илонга кўзи тушди. Ё, қудратнингдан, бу нимаси бўлди? У қизиқсиниб, илоннинг изидан тушди. Етай деганда диққатини сертиканак жонивор тортди. Типратиканлар тўртта эди. Мунчоқдай қоп-қора кўзларини жовдиратиб, чор тарафга ўрмалаб чопардилар. Оқбўйин енгил сакраб бирининг олдини тўсиб чиқди. Типратикон уни баттар лол қолдириб коптокдай юмалоқланиб олди. Тумшугига тикан санчилиб Оқбўйин вангиллаб юборди. Қайта искаланмоққа юраги чопмай, аланглаб илонни қидирди. Аммо у ерга синггандай ғойиб бўлганди.

Тинч ва сокин туюлган дўнгликда ҳаёт шу қадар қайнаб тошардики, Оқбўйин эътибор қилган сайин ҳайрати ошиб борарди. Гўнгопток юмалатиб бораётган гўнқўнғизга алаҳсийман деганда, диққатини бадбашара калтакесак бўлар, уч-тўрт одим ташлар-ташламас, чумоли карвонига дуч келар, сал ўтмай дала сичқони чийиллаб қоларди. Чигирткаларнинг-ку сон-саноғи йўқ эди...

Оқбўйин бу ҳаётга тез кўникди. Уларга ортиқ эътибор бермай қўйди. Янтоқлардан холи ерга чўнқайиб, теварак-атрофни кузата бошлади. Фермаҳона томсндан ит ҳурди. Овозида тажанглик акс этарди. Қора ит аламзада оҳангда жавоб қайтарди. Уртадаги мулоқотга қулоқ тутиб турган Оқбўйин фермаҳонадаги итнинг ёвқур табиатини ҳис этди. Келбатини тасаввур қилолмаган сайин унга нисбатан қизиқиши орта борди. Узоқдан бўлса-да турқини бир кўриб қўйгиси келди.

У фермаҳона томон йўртиб кетди.

Манзилга ярим чақиримча қолганда, фермаҳонадан қора бир шарпа ажралиб, газабли акиллаганча ўқдек учиб кела бошлади.

Карим подачи тўғри башорат қилган эди, Малла ниҳоятда қопағон итга айланган, ферма атрофига тирик жонни йўлатмасди.

Табий, туғишганлар бир-бирини танишмади. Бу мумкин бўлган ҳол эди. Нимага деганда ит зоти ҳам барча бошқа жониворлар сингари она бағридан узилиши билан қон-қариндошларини унутади. Она бағрида кечган дамлар ўтмиш қаърига қайта эсланмайдиган бир тарзда сингиб, йўқликка юз тутади. Вақт ўз ҳукмини тез ўтказади. Мабодо, танишганлари тақдиридаям ҳеч нарса ўзгармасди. Малланинг ўз ўйи, ўз олами бор — Карим подачи, ферма ва унинг атрофидаги ерлар... шундан бошқаси энди унга бегона. Ўз «мулк»ида тинчгина яшашдан ўзга нарсани истамайди. Ғашига тегмаса, биров билан иши йўқ. Лекин тинчини бузганни аямайди. Ахир «мулк» эгаси бўлгунча озмунча курашдими. Аввалига ўрта кўчадаги Бўйноқ билан қирпичоқ бўлишига тўғри келди. Кейин боя Оқбўйинга ҳамла қилган қора ит билан ташлашди. Охирида қўшни қўтон итлари билан беомон жанг олиб борди. Ҳозир улар Малланинг «мулк»ига дахл қилишмайди. Шунча жангу жадал билан қўлга киритган ерида аллақандай итнинг бемалол тентиб юришига, албатта, у чидаёлмайди. Ҳозир бориб шундай бир адабини берсинки, қайтиб бу томонларга доримайдиган бўлсин.

Одамларни истисно қилмаганда, Малла ҳар қандай «келгинди»ни тезда тартибга солиб қўяди. Фақат одамзодгина унинг тартибига бўйсунмайди. Аниқроғи, итларнинг ҳаёт тарзини биз тушунмаймиз. Тушунмаганимиз учун кўпинча итга таланиб юрамиз. Ер умумийдек туюлса-да, аслида у жониворлар томонидан кўз илғамас чегараларга бўлинган. Ҳар бир «мулк»да қатъий

тартиб ҳукм суради. Тартибни ким ёки нимаики бузса, у ўша «мулк» эгасининг қаттиқ қаршилигига дуч келади. Эътибор берган одам уй итининг хуружи дарвозадан ўн-ўн беш одим берида тийилишини пайқашни қийин эмас. Демак, ҳовлию кўча юзигача бўлган маълум бир масофа ўша итга тегишли. Қўтон итларининг сарҳади эса бирмунча кенгроқ. Шу сабаб кўринган қорага улар бир чақиримдан от қўяди. Малла ҳам шулар тоифасидан.

Арлони итларнинг йўриғи эса бутунлай бўлак. Улар худа-беҳудага ёқалашиб юрмайди. Лекин уларнинг сарҳади ниҳоятда кенг бўлиб, одамзодга даҳл қилмаган ҳолда ўз «мулк»идаги жамики жониворга зимдан ҳукмини ўтказиб келади. Оқбўйин айнан ана шундай итлар тоифасидандир. Аммо ҳозирча у фақат ўз ҳовлиси билан чегараланганди. Эркисизлик Оқбўйиннинг ўз имкони ва қудратига яраша ҳаракат қилишига изн бермай келарди.

Малланинг важоҳатини кўриши билан Оқбўйин бегона жойга қадам қўйганини фаҳмлади. Ҳайбатли бу махлуқ билан беллашмоқ осон кечмаслигини сезиб, имижида изига қайтмоқчи ҳам бўлди. Лекин ички нимадир бунга ройиш бермади. Ер тирнаб, ҳурди. Агар Малла ҳадаҳа от қўймай, пўписа қилганида, Оқбўйин жўнаб қолиши мумкин эди. Тўполонга тоби йўқ, шу тобда у ташқи дунё таъсирида эди. Аммо энди Малланинг хуружи иззат-нафсига теккан, ора очди қилмасдан туриб изига қайтишни хаёлига ҳам келтирмасди.

Оралиқ масофа қисқарган сайин Малланинг ҳайрати ошиб борарди. Нимага деганда, ўз тасарруфидаги бу ерларга билиб-билмай қадам қўйган ҳар қандай ит унинг қорасини кўриши билан жуфтак ростларди. Буниси эса қочиш ўрнига ғўдайиб турибди. Келгиндини қонига белаш қасдида елиб келаркан, Малла ўта хафли рақибга рўпара келганини жуда кейин англади. Аммо энди қайтиб бўлмас, ҳатто бу ҳақда ўйлашнинг ўзи даҳшат эди. Энди бу ёғи таваккал эди. Чекингандан кўра ўлмоқ афзал.

Оқбўйин Малла ҳам қора ит каби запт билан уриб кетади деб ўйлади. Аммо итлар билан олишавериб пишиб кетган Малла етти-саккиз одим қолганда таққа тўхтади. Ғазабдан қанчалик қутурмасин, у бундай дамларда ақлини йўқотмасди. Пайт пойлаб туриб рақибининг нозик жойига човут соларди. Боз устига, Оқбўйин бутун вужуди жангга ҳозир ҳолда унинг ҳар бир ҳара-



катуни ўта сергаклик билан кузатарди. Малла паст овозда ириллаганча унинг атрофини бир айланиб чиқди. Оқбўйин қилт этмади. Малла иккинчи қур айланишида, кутилмаганда чап томондан ташланиб қолди ва Оқбўйин ўзини ўнглагунча бўлмади, қулоғи остидан бир парча этни узиб олди. Оқбўйин қутуриб унинг томоғига чанг солди. Бироқ Малла эпчил эди. Оқбўйин қай томондан, қай тахлитда ҳужум қилмасин, унинг ўткир тишларига дуч келаверди. Дақиқа ўтмай Оқбўйини учгўрт жойидан яраланди. Рақибининг эса бир тукига ҳам зиён етмади. Охир-оқибат Оқбўйин рақибини чалғитмасдан туриб бир иш чиқаролмаслигини англаб етди. Аммо чалғитиш учун қилган барча урнишлари зое кетди. Малла ҳийлагарликда ҳам устун эди. Оқбўйиннинг ҳар бир ҳамласига жавобан унинг баданида катта-кичик жароҳат изларини қолдирарди.

Охири Оқбўйин бўлак ҳийлани ишга солди. Тикка ҳужумга ташланган бўлиб, Малла ўзини четга олиши билан яшин тезлигида қуйига шўнғиди-да, унинг орқа оёғига човут солди. Бақувват жағлар орасида суюкнинг қарсиллаб сингани эшитилди. У жағларини бўшатмай илкис сакраган эди, рақибни тўпиллаб остига келиб тушди. Бўғзига оғиз солган жойида Малла аянчли ангиллаб юборди. Итнинг ангиллагани — енгилгани. Оқбўйин енгил тин олиб четланди. Ортиқ ҳужумни ўзига эп кўрмади, Малланинг уч оёқлаб қочишини кузатиб қолди. Кейин голибона ҳуриб, теваракка мағрур назар ташлади. Дала-дашт энди унинг тасарруфига тушган, ер эгаси эса шармандаларча қочмоқда эди.

Карим подачи фермахона биқинидаги уйчадан милтиқ кўтариб чиққанида, Оқбўйин бир-бир босиб қирга гомон борарди. У Оқбўйинни таниди, лекин отишга қўли бормади. Энасини қашиганча итнинг изидан тикилиб қолди.

\* \* \*

Оқбўйиннинг занжирбандлиги Расул лагердан қайтгунча қадар давом этди. Занжирга у Малла билан таллашиб-тортишган кунийёқ тушганди.

Расул қайтган куннинг эртаси Содиқ ака анчадан бери азоб бериб келаётган оёғини даволатгани санаторияга жўнаб кетди. У дарвозадан чиқар-чиқмас, Расул итнинг қошига келди. Қанд умидида тумшук ялаб, дум силкитаётган Оқбўйин бўйнидаги огир темир ҳалқа бў-

шаганини сезиб, ҳушёр тортди. Сал ўтмай темир қалқа оёқлари тагига шарақлаб тушгач, бутун вужудида енгиллик туйди. Халос бўлганига ишонмади шекилли. Ботинмайроқ олдинга бир одам ташлади. Одатдаги қаршиликни сезмагач, яна бир қадам босди. Тўхтаб ортига ўгирилди, ерда илондай чуваланиб ётган занжирга қараб қўйиб, улкан қоматини чўзганча ҳузур қилиб керишди.

Содиқ акани кузатиб кирган Қимсан хола бу ҳолни кўриб ажабланди.

— Иби, нима қиялпсан? Товуқларни битта қўймай қирсин дедингми?

— Товуқларингизга тегмайди, эна,— дея Расул унга ёлворувчан тикилди.— Мана кўрасиз, тирноғини ҳам тегизмайди.

— Отанг кетиб... сулаймон ўлди, девлар қутулди бўпти-да, а? Қани кўп шитрамай, итни жойига боғла! Йўғасам, ҳозир тоғанга айтиб, изини қуритаман.

— Товуқларингизга тегар бўлса, ўзим изини қуритаман,— деди ялиниб Расул.— Бир гал қўйиб кўрайлик...

— Бас, кўп гапирма!

— Хўп дея қолинг. Мана, кўрасиз, айтган ишингизни ҳаммасини қиламан.

Ўртадаги можаро ўзи туфайли эканини Оқбўйин дарров фаҳмлади. Доимо нимадандир норози, сира чакаги тинмайдиган бу аёлга адоватли тикилди. Бир хаёли воқуллаб қўрқитмоқчи ҳам бўлди. Аммо унинг қўлидан еган овқатлари эсига тушиб, ўзини босди.

Расул дам-бадам қанд билан сийласа, аёл эрта-кеч овқатига қарайди, сувидан хабар олади. Баъзиларга ўхшаб таъбига ёқмаган нарсаларни тикиштиравермайди. Онда-сонда бўлса-да, яхши сўзини аямайди. Фақат бир айби товуқларини еру кўкка ишонмайди. Фаросатсиз бу махлуқларнинг дастидан кунда ҳовлини икки-уч қайта супурса-да, уларга меҳри шу қадар баландки, ўлақолса, симтўрни раво кўрмайди. Тутқунликда товуқнинг тухуми бемаза, тўши этсиз бўлармиш. Бу гап қанчалик ҳақ, қанчалик ноҳақ — номаълум, лекин товуқлар туфайли уйда бот-бот жанжал чиқиб туради. Содиқ ака баъзида тўсатдан тутақиб, товуқларни ҳовли четигаги симтўрга ҳайдаб қолади. Қимсан хола ҳай-ҳайлаб ўртага тушади. Бунга сари уй эгаси баттар бўғилади: «Буларнинг дастидан ҳовли юзига оёқ босиб бўлмай қолди-ку,— дейди товуқ тезага ёпишган оёғини

ерга ишқаб.— Гап шу, ё симтўрда асрайсан, ё ҳаммасини битта қўймай қираман, сўяман, тамом-вассалом». Қимсан хола: «Бозорда бир чакса гўшт фалон пул... кунимизга яраб турган шулар-ку», дея шартта оғзига уради. Ҳазабдан қизариб-бўзариб турган Содиқ ака бирдан ҳалимдек юмшаб, лекин шу... ҳовлини пес қилгани ёмон-да, деб қўяди. Жанжалнинг интиҳоси кўпинча бир товуқ билан якун топади. Эти уларга, суяги Оқбўйинга. Товуқ устихони мўрт, чайнаб улгурмай, оғзида эриб кетади. Оқбўйин суяк чайнагандай бўлмайди, сўлак оқизгани қолади, холос. Шунга қарамай, товуқ зотига бежо қараш яхшиликка олиб келмаслигини Оқбўйин аллақачон англаб етган, шу сабаб уларга тирғалмасликка тиришади.

Ҳозир ҳам Расулга эргашиб, дарвозага йўналаркан, товуқлардан узоқроқ юришга интилди.

Кўчага чиқиши билан водопровод ёнида бир тўп қизларни кўриб саросимада қолди. Бунча одамни умрида биринчи бор кўриши эди. Дафъатан ўзини тошбўрон қилган кимса эсига тушиб, вовулламоқчи бўлди. Аммо кўча ўртасига етган Расул чақириб, диққатини бўлди. Оқбўйин қизларнинг безиёнлигини пайқаб, хийла хотиржам тортди, Расул томон юрди.

Хиёл ўтмай кўнглидаги ҳадик батамом ариди. Негаки, ўткинчилар беозор эди. Ҳатто чоғроққина эшик ёнидаги ўриндиқда ўғилчасини тиззасига олиб ўтирган баҳайбат бир йигит уни эркалаб чақирди, боласига кўрсатиб, алланималар деди. Бунга жавобан Оқбўйин думини ликиллатиб қўйди.

Салдан сўнг қишлоқ биқинидаги тутзор оралаб бориб, бийдек бедапояга чиқдилар. Орқароқда қолган Оқбўйин суви қуриган ариқдан ҳатлаши баробар ҳайратдан донг қотди. Не кўз билан кўрсинки, қаршисида ўзга бир олам ястаниб ётарди. Ҳавода хушбўй пичан ҳиди анқир, тоғ бўйи пичан ортилган олисдаги машина атрофида одамлар ўймалашар, чап тарафдаги пахта пайкалидан аёлларнинг шовқини эшитиларди. Йўлда лойга тикилиб қолган трактор ёнида бир йигит қўл сермаб, кимнидир кўмакка чақирарди...

Расул бедапоя четидаги яккам-дуккам йўнғичқаларни шатур-шутур ўра бошлагач, Оқбўйин манзилга еганини англади. Тут соясига бориб чўзилди. Боланинг нимадандир қаттиқ хавотирда эканини пайқаб, сергак тортди. Аммо бир оздан сўнг оғир юк остида базўр ўрмалаётган машинага алаҳсиди. Янги оламнинг бу

галати мўъжизаси унга жуда қизиқ туюлди. Унинг бир зайлда гувиллаши қулоғига ёқмай, пишқириб қўйди. Бир пайт машина оғир чайқалиб, улар томон бурилди. Оқбўйин ирғиб ўрнидан турди. Тишларини иржайтириб ириллади. Ҳайтовур машина ўнгга қайрилди. Дала четига йўлга тушиб олди-да, ортидан қуюқ чанг кўтариб, пастга эниб кетди. Оқбўйин унинг нималигига ақли етмай қолаверди.

Оқбўйин тутзордан чиқиб келган отлиқни кеч илғадди. Бошда эътибор бермади, сўнг қарасаки, отлиқнинг келиши бежо. Бунинг устига, Расул ранг-қути ўчган кўйи ўрган ўтини ошиғич йиғмоқда эди.

Шитоб билан келган қоровул тутақиб сўкинганча Расулга қамчи ўқталди. Кейин от устидан эгилиб, узун пичоғи билан арқонни кесиб юборди. Боғлам от оёғи остида топталиб, ҳар томонга сочилиб кетди. Шундан кейингина Оқбўйин ҳали Расулнинг нимадан хавотирланаётганини фаҳмлади. Ётган жойидан ўқдек отилиб чиқди. От ҳуркиб, қоровул эгардан учиб тушай деди. У ўзини базўр тутиб қоларкан, ғазабдан афти буришиб, юган қайишини кескин тортиди-да, итнинг устига от солди. Оқбўйин ер тирнаб нақ от бўйи сакради. От пишқириб юборди. Иккинчи ҳамладан сўнг шаталоқ отиб қочди. Эгасининг барча уринишлари бесамар кетди.

Оқбўйин уларни дала четигача қувлаб борди.

Шу соатдан эътиборан Оқбўйин боланинг яқин ҳимоячисига айланди. Ундаги бу хусусият табиий майл туфайли юзага келганди. Нимага деганда, жониворлар, айниқса, ит зоти кимгадир меҳр қўймасдан яшолмайди. У атрофидагилардан бирини танларкан, умр бўйи бор меҳру садоқатини ёлғиз ўша одамга бағишлайди. Албатта, бунинг учун аввало итнинг муҳаббатини қозонмоқ лозим.

Итнинг болага меҳри қанд туфайли эмасди. Агар гап егуликда бўлса, эрта-кеч томоғига қарайдиган бирдан-бир одам Қимсан хола эди. Аммо ҳамма гап шундаки, аёлнинг бутун хатти-ҳаракатида миннат, энг ёмони зарурият сезилиб туради. Содиқ аканинг муносабати ҳам шунга яқин. Фақат Расулгина болаларча меҳр билан севади уни. Суйқалишни жинидан ёмон кўргани туфайли Оқбўйин баъзан ўз меҳрини қай тарзда ифода этишни билмай қийналарди. Бугун эса шунга имконият туғилди ва бундан бутун вужуди беҳад яйради. Илк бор ўзининг кимгадир кераклигини ҳис этди.

Шу тариқа, Расулга тирғаладиган кимса Оқбўйиннинг ўтли ғазабига дуч келадиган бўлди.

Орадан уч кун ўтиб, ўзидан кичик болаларга зуғум қилишни яхши кўрадиган Абдували качал бунни ўз бошидан кечирди.

Улаш бобонинг томорқаси адоғидаги қуриган ариқ болалар тўпланиб турадиган жойлардан бири эди. Ариқ туби майин қум, сал ковланса, намланади. Нам қумдан ҳар турли шакллар ясаш мумкин. Расул қумдан ғаройиб қасрлар ясашни яхши кўради. Бугун ҳам у ўртоқлари билан антиқа қаср ясаб, теварагини девор билан ўради. Навбат дарвозага келганда, ариқ лабида Абдували качал пайдо бўлди. Анча нарида бағрини қумга бериб ётган Оқбўйинни пайқамасди, совуқ тиржайганча тўғри қаср устига сакради. Ҳозиргина болаларнинг кўзини яшнатиб турган қаср ер билан яксон бўлди. Бошқалар юрак бетлаб бир нима дейишолмадию, лекин Расул чидаб туrolмади, Абдували качалнинг биқинига боплаб мушт туширди. Абдували качал вуй, энангни, дея уни қумга босди. Қутилмаганда кўзи тепага кетиб, бўкириб юборди. Кейин думбасини чангаллаганча қочиб қолди.

Тушдан сўнг Расул итни чўмилишга олиб борди. Сой соҳилида болалар гужғон эди. Оқбўйин болалардан ҳадик олиб берироқда қолди. Чўнқайганча болаларни ҳайратомуз кузата бошлади. Болаларга алаҳсиб, Расулни кўздан йўқотди. Хавотирли гингшинганча атрофга аланг-жалаңг қаранди. Аммо катак кўйлакли бола ҳеч қаерда кўринмасди. У безовталаниб вовуллаб юборди.

— Оқбўйин, бери кел.

Ит таниш овоз келган томонга ўгирилди. Бунни қарангки, Расул ярим яланғоч ҳолда шундоққина қаршисида турган экан. Оқбўйин тинчланди. Яна йўқотиб қўйишдан чўчиб ундан кўзини узмади. Расул чопиб бориб сувга калла ташлаганда, у тагин безовталанди. Ҳадеганда кўринавермагач, югуриб сой бўйига келди. Бола ўн-ўн беш қулоч нарида бир кўриниш бериб, яна ғойиб бўлганидан сўнг, ўзини сувга отди. Оқбўйин умрида сузиб кўрмаган, сув юзига қалқиб чиққанида, дастлаб нима қиларини билмади. Кейин оёқларини беихтиёр ҳаракатлантириб, тумшугини олдинга чўзганча жон-жаҳди билан суза кетди. Шиддатли оқим уни қуйига суриб борарди. Кўп ўтмай сой ёйилиб оққан жойда тиззасигача сувга ботиб турган Расулни кўрди. Салдан

кейин оёқлари ерга тегиб, у енгил нафас олди. Болага эргашиб соҳилга чиқди.

Оқбўйиннинг бу қилиғи ҳамманинг эътиборини тортган эди, бир зумда атрофини болалар ўраб олишди. Юраклироғи ботиниб-ботинмай силаб-сийдашга ҳам улгурди.

Тезда у болалар билан илакишиб кетди.

Шу зайлда унинг кунлари бир хилда, лекин наشاءли кеча бошлади. Пешингача ўт юлишга боришади. Кейин бошқа майда-чуйда юмушлар. Айни тушда чўмилишга жўнашади. Баъзан у ерда кечгача қолиб кетишади. Кундалик сайр ва совуқ сувдан Оқбўйиннинг мускуллари тобланиб, бақувватлаша борди. Кўркам келбатини кўрган одам ундан кўз узолмай қоларди.

Сўнгги пайтларда Оқбўйин ўзига нисбатан ғаразли қарашларни ҳам илғай бошлади. Биринчи — қоровул, иккинчиси — Қарим подачи. Қарим подачи қоровул каби очикдан-очик адоват билан тикилмаса-да, боқишларида пинҳона ғазаб ва ҳасад яширин эди. Аввалига подачи итни ўзига ийдириб олишга уриниб кўрдию, ҳаракатлари бекор кетгач, қўйнига тош солди, ҳар кўрганда, ҳап сеними, дея ич-ичидан янадиган бўлди. Оқбўйин эса мутлақо бепарво, кунларини мағрур ва масрур ўтказарди. Бора-бора қишлоқдаги жамики итларни ўзига бўйсиндириб олди. У бор жойда ҳар қандай ит думини қисарди.

Шунга қарамай, Оқбўйиннинг ғашига тегадиган нарсалар ҳам йўқ эмасди. Кундузлари-ку унчалик билинмасди, лекин кеч тушиши билан Малланинг акиллашлари баралла эшитиларди. Овозида дағдаға, дағдағадан ҳам кўра таҳдид оҳанги кучли эди. Бу нарса Оқбўйиннинг жиғига ёмон тегарди. Бориб овозини ўчирмоққа ҳарчанд уринмасин, болани ёлғиз ташлаб кетолмасди. Назарида, ҳовлидан бир одим нари жилиши билан болага бирор кори ҳол бўладигандек туюларди. Ундаги бу жонсараклик Расулнинг тайин-бетайин қилиқлари туфайли юзага келганди. Ити қаватига кирганидан бери бола тенгқурлариникина эмас, ўзидан бир неча ёш катта болаларни ҳам менсимай қўйганди. Ёнида ҳар лаҳзада шай ити турганидан кейин ким ҳам юрак бетлаб бир нима дея оларди. Аммо шунга қарамай, гоҳида унинг ҳам адабини бериб туришарди...

Айниқса, ўтган ҳафтадагиси ёмон бўлди. Абдували качал анчадан бери Расулга кек сақлаб юрарди, кутилмаганда мактабнинг ёнида йўлини тўсиб чиқди.

Албатта, бет бўлишдан аввал ўнгу сўлига қараб, Оқбўйиннинг бор-йўқлигини аниқлади. Бу пайтда Оқбўйин муюлишдаги дарвозахонадан югуриб чиққан, момиқ пахтадек оппоқ, жимитдек кучукчанинг журъатидан, аниқроғи, безбетлигидан ҳайрати ошганича кўча бўйидаги сомон ғарами ортида турарди. Бир турткилик ҳоли бор жониворнинг чиранишларини кузатаркан, туйқусдан узоқдан Расулнинг бўғиқ қичқирғини эшитди. Жон ҳалипда ўша томонга югурди. Нақ тумшуги тагида ўралишаётган кучукча унинг эпкинидан ўмбалоқ ошиб кетди.

Абдували качал қоровулхонага бекиниб, базўр қутулиб қолди.

\* \* \*

Ниҳоят бу кеч унинг сабр косаси тўлиб тошди. Ортиқ бардош беришга ўзида бўлак куч топмади. Супада ухлаб ётган болани кўзи қийиб-қиймай, девор ошиб кўчага чиқди. Кўчадан далага. Қатта ариқ бўйига етиб бир зум тўхтади. Ариқдан нариёғи Малланинг тасарруфидаги ерлар. Худди шўни таъкидлагандек фермаҳона томондан Малла ҳурди. Овозида якка ҳокимликка даъват қоришиқ. Айнан шу нарса Оқбўйинни фермаҳона томонга тортарди.

Тун ойдин. Малла қишлоқдан узилган қорани узоқданоқ пайқади. Овозига ҳайрат инди. Қизиқ, унинг ерига қадам қўймоққа журъат этган ким бўлди экан? Азбаройи тутаққанидан бўғилиб қолаёзди. Қутуриб ояға интиларкан, ярим йўлга етмай, беихтиёр тўхтади. Қайси кўз билан кўрсинки, қаршисидан ҳов бирда оёғини синдирган баҳайбат махлуқ келарди. Малла талвасада туриб қолди. Жон ширин, лекин жондан ҳам... Йўқ, ўз ерида бегона итнинг эмин-эркин юришини кўргандан кўра... Зеро қайтиб кетса деган умидда Малла ер тирнаб жон-жаҳди билан ҳурди. Бироқ рақибни пинак бузмади, лоақал ириллашни ўзига эп кўрмади.

Малла нима қиларини билмай таҳлика оғушида тураркан, шу пайт фермаҳона томондан эшикнинг гижирлаб очилиб-ёпилгани элас-элас эшитилди. Шунда у бирдан энгил тортди. Рақибни кўзига ортиқ даҳшатли кўринмай қўйди. Нима қилишини у энди яхши билади. Оқбўйинни чалғитиб, фермаҳона биқинидаги уйча яқинига олиб борса бўлди, қолганини Қарим подачи эплайди. Ҳафта бурун қўшни қишлоқдан улоқиб келиб

қолган каттакон сариқ итнинг куни ҳам шу тариқа битган эди.

Малла калта-калта ҳуриш билан подачини воқеадан огоҳ этганича секин-аста чекина борди.

Оқбўйин — содда, фирибни сезмади. Интиқом туйғуси вужудини шу қадар забт этган эдики, пастак эшикнинг қия очилганини кўрса-да, эътибор бермади. Маллани деворга сиқиб бораркан, одатдагидек, ҳамла олди-дан бир зум тўхтади. Шу дам эшик оғзида ўт чақнаб, ўқ овози қарсиллади. Яғринига чўғдек қадалган зарбдан Оқбўйин йиқилди. Димоғига ўша таниш милтиқдори ҳиди урилиши билан даҳшатга тушиб, сакраб турди. Оғриқдан ҳам кўра кутилмаган бу ҳодисадан қўрқиб кетган Оқбўйин рақибининг аёвсиз таловлари остида шармандаларча қочди.

\* \* \*

Баданидаги тиш излари тез битиб кетдию, лекин ўқ тешган жароҳатига қурт тушиб, беҳад азоб чека бошлади. Овқатга қарамай қўйди. Ун кун ичида аввалги келбатидан асар ҳам қолмади.

Ота ҳали қайтмаган, онанинг ит билан иши йўқ, ёлғиз Расулгина унинг дардига шерик, ўзи билганича, қўлидан келганича муолажа қиларди. Олдинига кул сеппиб юрди, кул ҳам фойда беравермагач, аллақадан бир шиша қуюқ қорамтир, қўланса дори топиб келди. Аммо дориниям ёрдами тегмади. Итнинг аҳволи кундан-кунга ёмонлаша борди. Охир-оқибат Расулнинг мол дўхтири — Салом паканага бориб ялинишдан ўзга чораси қолмади.

Салом дўхтирни томорқасидан топди. У икки ишёқмас ўғлини пиёз ўтоққа қўйиб, ўзи картошка чопаетган экан. Отанинг кайфи бузуқ, болаларининг қовоқлари қизарган, каттароғининг яланғоч сонидан чивик излари шундоққина кўзга ташланиб турарди.

Расул яқинроқ боришга юраги бетламай турганида, Салом дўхтир уни кўриб қолди.

— Нима керак?

Расул қимтинибгина унга яқинлашди.

— Кучугимиз ўляпти, — деди томоғига йиғи тикилиб.

— Нима қилай шунга? — Салом дўхтир ҳайрон бўлди.

— Тузатинг... тузатиб беринг.

— А! — ҳайратдан Салом дўхтирнинг қошлари ке-



рилди. Бу боланинг эси жойидами ўзи деган маънода унга бошдан-оёқ тикилди. Шу дамгача унга ҳеч ким итим касал деб келмаган. Аллақандай ўлакса ўлоқчаси оғриганда унинг эшигига танда қўядиган одамлар ити дардга чалинганда парво қилишмас, нари борса, жони қийналмасин, дея бирор жар-парга чиқариб отиб ташлашарди.

— Агар хўп десангиз, эвазига пиёзингизни ўтаб бераман,— деди Расул ялинчоқлик билан.

Салом дўхтир энди унга айрича қизиқиш билан тикиларкан, димоғида ҳи-им, деб қўйди.

— Тузатинг... ҳар куни даладан сигирингизга ўт юлиб келаман.

Салом дўхтир иш деса том ошиб қочадиган ўғилларидан куйган эмасми, боланинг бу гапи фавқулодда меҳрини қўзғатиб юборди.

— Ановиларга қарашиб юбор-чи, кейин бир гап бўлар,— деди кулимсираб.

Расул ҳаш-паш дегунча икки пол пиёзни ўтаб ташлади.

— Ана, кўрдиларингми, қанақа ишлаш керак,— деди Салом дўхтир ўғилларига ҳўмрайиб. Сўнг Расулнинг елкасига енгилгина шапатилади.— Баракалла! Қани кетдик.

Расул итни боғлагач, Салом дўхтир Қимсан холага чилвир олиб чиқишни буюрди. Қимсан хола ҳайрон: «Товба, ит молмидики, дўхтир кўрса. Шу Саломниям ёш бола феъли бор-а».

Расул дўхтир айтгандай қилиб итнинг оёқларини куллаклади. Оқбўйин қаршилиқ кўрсатмади, зеро бунга ҳоли ҳам йўқ эди. Тақдирига тан бергандек, бир алпозда гингшиб ётаверди.

Салом дўхтир итнинг тумшугини тасма билан сириб боғлагач, каттакон қора сумкасини очди. Бошда жароҳатни обдон кўздан кечирди, сўнгра қўлидаги ялтироқ тигни шартта ярага ботирди. Оқбўйин бор вужуди билан титраб кетди. Улкан бошини кўтариб турмоққа интилди.

— Лалаймай, бошидан тут!— дея буюрди Салом дўхтир.— Устига миниб ол!

У имиллаганча ярадаги қурт ва сочма ўқларни битталаб тераркан, Оқбўйин устидан Расулни итқитиб юбормоққа интилар, тўлғанар, ийграр, гингшир, Салом дўхтирга еб-ютиб қўйгудек тикиларди.

Ниҳоят Салом дўхтир жароҳатини боғлаб, ўрнидан

кўзгалди. Пешона терларини билаги билан сидираркан, чоғроққина шипадаги қорамтир дорини болага тутказди.

— Кунда уч маҳал сурасан. Айтганча вақти-вақти билан ярасига сийиб турсанг ҳам бўлади. Ҳа, нимага ишшайсан? Вой-буй, уялиб кетдиларми? Сени қараю, бунинг нимаси уят. Агар билсанг, сийдик энг яхши малҳам, тез қотиради. Жароҳатига тили етганида сен билан менга кунни тушиб турмасди, ялаб-юлжаб ўзи тузатиб оларди.

Ҳафта ўтиб, жароҳати хийла битган Оқбўйин оё-оёдан овқат ейдиган бўлди.

Қувватга кирган сари ўша машъум кеча хотирида тобора равшанроқ жонлана бориб, Маллага нисбатан адовати беҳад кучайди. Боз устара, кейинги вақтларда Малла баттар ҳаддидан ошган, гоҳида унинг овози шундоққина қишлоқ ёнидан, кўчалардан эшитилиб қоларди. Шуниси қизиққи, унинг саси чиқиши билан қишлоқ итларининг овози майин тортар, ёки бутунлай ўчар, ҳатто ялтоқли акиллашларни ҳам эшитиш мумкин эди.

Маллага нисбатан зимдан куч тўплаб бошлаган Оқбўйин эндиги учрашув сўнггиси бўлишини ич-ичидан сезар ва шу куннинг келишини бегоҳат кутарди.

У зориқиб кутган вақт етиб келганида, барглар саргайиб, ҳаво хийла салқин тортганди. Энди Расул ҳовлида эмас, уйда ухларди. Шунга қарамай, Оқбўйин тунларини дераза ортида ўтказарди. Эски одативи ҳануз тарк этмаганди у. Ит бир нимага одатландими, уни ҳеч қанда қилмайди.

Бугун у деразада шуъла сўниши билан девор ошиб кўчага чиқди. Ғўзапоя ғарами ёнида қўшни ит — Тўрткўза рўпара келди. Тўрткўза ғажиб турган оуягини ташлаб, думини ликиллатганча уни дўстона қаршилади. Ялтоқланиб искаланди. Оқбўйин уни ёқтирмасди, ортидан эргашганди, ириллаб берди: йўқол кўзимдан! Тўрткўза ғингшиб қолди. Оқбўйин ариқ бўйига етиб чўнқайди. Муздек елга тез тутиб, қид олди. Малланинг маккорлиги эсида. Тўғри босиб боришга юрапи чопмади. Тадбир қидирди. Аммо минг бош қотирмасин, миясига жўяли бир фикр келмади. Аламидан ушлаб юборди. Узоқдан Малла ҳурди. Шундан сўнг Оқбўйин таваккалига олма юрди. Салдан кейин ўзи томон шибга келаётган Маллани илғади. Вужуди ғазабга тўлиб, қадамини пешлатди. Бироқ Малла югуриб келаётган жойида тараққил қўтаради. Оқбўйин илдамроқ

ҳаракат қилганди, у шартта изига бурилди-да, қоча бошлади. Оқбўйин хатосини тезда фаҳмлай қолмади. Қачонки, Малла ўтган галгидек калта-калта ҳурганича кимийдир кўмакка чақираётганини англагачгина, яна фириб ишлатаётганини пайқайди. Тўхтади. Малла эса ер тирнаб ҳурганча жигига тегишда давом этди. Оқбўйин илгари боришга юраги бетламай бирпас ҳардамхаёл тураркан, ноилож изига қайрилди. Шунда Малла тўсатдан ташланиб қолди. Оқбўйин ўгирилиши билан яна ура қояди. Қувиб етолмаслигига кўзи етгач, Оқбўйин қишлоқ томон юрди. Малла кетидан қолмади, хотидан олгудек бир важоҳатда эргашиб келаверди. Шунда Оқбўйиннинг кўнглига шумлик оралади. Аввалига лўкиллади, сўнг чинакамига қочган бўлди. Ариққа юз одимча қолганда, Оқбўйин шартта изига бурилди-да, яшин тезлигида унга ташланди. Малла ўзини ўнглаунча бўлмай, Оқбўйиннинг ўткир тишлари бўғзига қадалди. Қайноқ қон ҳидидан қутуриб кетган Оқбўйин зумда уни гажиб ташлади. Кейин сал четланиб, рақибининг жон талвасасида тўлғанишларини голибона кузатиб турди. Малланинг сўнгги ноласи қанчалик аянчли бўлмасин, кўнглида унга нисбатан тарикча шафқат сезмади. Қайтанга ғалабадан сармаст ҳолда жасад атрофини уч қур айланиб чиқди. Сўнгра қишлоқни бошига кўтараётган ариқ бўйидаги итлар тўдасига эътибор бермай, бир-бир босганча тепалик сари юрди. Шунга қарамай, кўнглининг бир чети ҳануз хира эди. Зафар завқидан тўла баҳраманд бўлишга нимадир халақит берарди. Нималигини билмаган сайин хуноби ошиб, охир-оқибат увлаб юборди. Увлаш баробарида фермаҳонага кўзи тушаркан, шундагина нимадан дилғирлигини англаб етди.

Фермаҳонада шундай бир куч яширин эдики, Оқбўйин шакл-шамойилини тўла тасаввур етолмаса-да, қарсиллаган овози, кўз олгувчи шуъласи, ёқимсиз ҳиди, куйдирувчи зарбидан ғоят даражада даҳшатли нарса эканини фаҳмлади. Унинг нималигини кўрмасдан, билмасдан туриб бундан кейин бирон дақиқа ҳам хотиржам юролмаслигини ҳис этган сайин ташвиши ортиб, кўнгли гуссага тўлиб борарди. Қизиқ, нима экан у?

Оқбўйин табиатан қанчалик жасур ва довжорак бўлмасин, узоқ иккиланишдан кейингина бир қарорга келди. Тепаликдан тушиб ҳар бир қадамини ўта эҳтиёткорлик билан босганча фермаҳона томон юрди. Фермаҳонага яқинлашгач, чўзилиб ётганича теварак-атрофни

узоқ кўздан кечирди. Қатор дарчали оппоқ девор ортидаги молларнинг шовурини илгагач, ер бағирлаб бориб, чарчалардан бирига яқинлашди. Очиқ дераза раҳига панжаларини қўйиб, ичкарига мўралади. Димоғига ўткир шиптир ҳиди урилди. У бу ерда узоқ қолмади. Девор ёқалаб уйча томон борди. Ярим йўлга етмай янада сергак тортди. Тумшугини чўзиб ҳавони искади. Уша таниш милтиқ дори ҳиди уйча тарафдан келмоқда эди. Шу кеч Қарим подачи ўқ-ясай туриб, бир чимдим дорини ёқиб кўрганди. Текширмаса бўлмайди, намиққан дори панд бериб қўйиши мумкин... Оқбўйин ҳидга эргашиб эшиккача келди. Бу ерда дори ҳиди бошқа ҳидларга қоришиб кетганди. Ичкаридан эшитилаётган хуррак овозини тинглаган сайин ўша сирли ва даҳшатли куч бутун борлиғи билан кўз ўнгиди гавдалана бошлади. Сирли куч ҳеч кутилмаганда одам боласи бўлиб чиққанидан Оқбўйини ўзида йўқ қувониб кетди. Одам боласи билан тенглашиб бўлмаслигини у аллқачон англаб улгурган. Дунёда инсонгина истаган ишини қила олади — хоҳласа, бўйнига занжир солади, хоҳласа, оёқларини куллуқлаб, этини бурдалайди, хоҳласа... Хуллас, энг яхшиси, улар билан пачакилашмагани маъқул. Тегмасанг, тегмайди.

Оқбўйин йўлни тўғри Сариқтепага солди. Осмон тўла юлдузларга боққанича ўзга оҳангда увиллаб юборди. Пастда қорайиб турган қишлоқдаги итларнинг уни ўчди. Лоақал бирортаси пўписага ҳурмади. Тўртинчи ё бешинчи улишидан сўнггина Тўрткўз ялтоқланиб жавоб қайтарди. Кейин унга бошқа итлар қўшилди. Гўё улар янги «хукмдор»ни олқишлашар эди.

\* \* \*

Қарим подачи билан юзма-юз тўқнашув орадан ҳафта ўтиб, Элдор туфайли содир бўлди.

Отасидан Малланинг фожиасини эшитган Элдор Оқбўйинга беҳад кек сақлаб келарди. Табиий, итга бет бўлишга журъати йўқ. Бор бўлган тақдирдаям нима қила оларди денг? Ҳирсдай итга калтак ўқталиб бўлмаса, тош отсанг, таппа босиб таласа. Милтиқ ҳақида эса ҳатто гап бўлиши мумкин эмас, яроғ билан ўйнашган болани Қарим подачи ёмон кўради, ҳадаҳа қамчи остига олади. Шу тарзда боши қотиб юраркан, бугун тасодифан уларни кўчада учратиб қолди. У кўп ўйлаб турмай, қочиб кириш осон бўлсин дея, дарвозани қия

очиб қўйди-да, қўни-қўнжини тошга тўлғазиб, кўча бўйига чиқди. Тепкилаб хазонбарг тўлғазилган оғир қоп остида бурни ерга теккудек мункайиб келаётган Расулни ўтказиб юбориб, сал ортда бораётган Оқбўйинни тошбўрон қилишга тушди. Тоши тегар-тегмас, Оқбўйин тишларини даҳшатли равишда иржайтирганча унга ташланди. Элдор дарвоза томон қочди. Ярим йўлда қоқилиб ўмбалоқ ошиб тушди. Қўрққанидан чинқириб юборди. Чинқирганга ит тегмайди. Оқбўйин изига қайтди.

Қарим подачи милтиқ кўтариб ҳовлига кириб келганида Расул бўлган воқеани эндигина отасига гапириб бўлганди. Подачининг важоҳатини кўриб, Содиқ ака ирғиб ўрнидан турди. Аммо Қарим подачи унга эътибор бермай, ини ёнида чўзилиб ётган Оқбўйин томонга юриш қилди.

— Ҳой, мусулмон!— Содиқ ака йўлни кесиб чиқди.— Бу уйда одам борми, йўқми демай, тиккалай бостириб келишингиз нимаси, а?!

— Қоч!— деди Қарим подачи оғзидан тупук сачратиб.— Отаман! Ўлдираман! Уруғини қуритаман!

— Нимани отасиз?! Нимани ўлдирасиз?! Нима бу жой энангизни маҳрига тушганми? Бунча кекирдак чўзасиз! Қани, ҳовлидан чиқинг! Индамаган сайин... Чиқинг!

— Индаб нима қилардинг?!— Қарим подачи энди унга хезланди.— Қани, бир қип кўр! Кўрайлик-чи, нима қиларкинсан! Тағин ит-питинг билан... Нарн тур! Олдин итингнинг қонини ичаман, кейин сени! Қоч деяпман!

— Ит сизга нима ёмонлик қилди?

— Билмайсан?

— Билмайман.

— Бутун қишлоқ билган нарсани сен билмай қолдингми?

— Кўз билан кўрмагансиз, тухмат қилманг. Нима, қишлоқда фақат бизнинг ит борми?

— Кўр эмасман! Бу иш фақат мана шунинг қўлидан келади. Қўйвор милтиқни! Милтиқни қўйвор деяпман!

— Ўзингизни босинг.

— Итимни бўғизлади, майли дедим, зўрдан-зўр чиқибди, қандини урсин дедим. Аммо энди. Боламни ўлдириб қўйишига сал қоптию, тағин қанақасига ўзимни босай! Қонини ичмасдан кетиш йўқ! Сен, яхшиси, супада босиб ўтир. Халақит берма менга. Қўрқма, ўлигини ташлаб кетмайман.

— Менга қаранг, ака! Эркак одамсиз, келинг, эркак-часига гаплашайлик. Аммо-лекин гапдан қайтиш йўқ, худога шукр, белда белбоғимиз бор. Агар итим ўглингизни бирор ерини тирнаган ёки тишлаган бўлса, марҳамат, ит сизники, хоҳланг, нишириб енг, хоҳланг, куйдириб. Келишдикми? Ия, нега нафасингиз ичингизга тушиб кетди, гапиринг! Одам деган бундоқ бўлмайди, бостириб келишингиз етмагандек, дағдагангиз ортиқча. Индамаса, кўкракка чиқиб тепишдан ҳам тоймайсиз. Итингизнинг дастидан-ку бола-чақа даштга тезакка чиқолмасди. Хурматингизни қилиб бир нима демаганмиз. Сизга эса... Ё шу итни берсам қутуламанми сиздан?

Карим подачи бирдан хушёр тортиди. Шунинг баробарида дарров шаштидан тушиб, унга умидвор тикилди.

— Ана гап қаёқда экан,— дея ачитиб олди Содиқ ака.— Одам деган бунча майда бўлмайди, ака. Кўнгилди кенг қилинг, кўнгилди!

Карим подачи тағин қутурди.

Бўлаётган воқеани жимгина кузатиб ётган Оқбўйин ортиқ сабр қилиб туролмади. Улар милтиқ талашаётганида, сапчиб турди-да, вовуллаганча подачига ташланди. Содиқ ака итни оёғи билан тепиб ҳайдаркан, илкис бир ҳаракат билан милтиқни тортиб олди-да, ўқларини чиқариб, томорқага улоқтирди.

— Иззатингиз борида жўнаб қолинг!— деди милтиқни эгасига қайтариб.— Йўқса, чатоқ қиламан! Кетинг тезроқ! Агар яна бир бор яроқ кўтариб келсангиз, ўзингиздан ўпкаланг! Кетинг!

Карим подачи дарвозага етмай тўхтади. Ортига ўғирилди. Кўзларида қаҳру қазабдан ташқари, ҳасад, қавас ва яна алланималарнинг ифодаси қоришиқ эди.

— Содиқ, ке, сенам би-ир одам бўл, бер шуни менга,— деди алланечук ёзғирган оҳангда.— Яхши нарса... увол бўлмасин. Фёлимни биласан, барибир бирда бўлмаса, бирда отиб қўяман... Йўқ, дема.

— Кетинг, ака! Иззатингиз борида жўнаб қолинг!

Содиқ ака Карим подачини ириллаган кўйи кузатиб қолган Оқбўйинни тинчлантиришга ҳаракат қиларкан, итга қаттиқ ичи ачиди. Негаки, подачининг фёли унга беш қўлдай маълум — тикилган нарчасини олмай қўймайдиган мардум у. Аввало тикилмасин, тикилдимин — тамом, ё ўзиники қилади, ё бутунлай йўқ қилади. Шу фёлу автори туфайли йигитлигида қамоқхона тупроғини ялаб келган. Минг тавалло қилишига қарамай, унга қиё боқишни лозим кўрмаган қўшни қизни тўй кечаси

пичоқлаб қўйган. Қиз ўлмади. Ҳозир саккиз боланинг онаси, гумбаздай семириб, аввалги ҳусни жамолидан асар ҳам қолмаган. Аммо ёшлиқда берган кўнгил бедаво бўларканми, ҳануз уни кўрди дегунча Қарим подачининг кўкрағи ости куйишиб, миясига қон телади. Майда-чуйда баҳоналар билан аёлнинг эриги тутиб урган вақтлари кўп бўлган. Энди буни муҳаббатга йўйиб, подачини оқламоқ мумкин дидир. Бироқ унинг куракда турмайдиган қилиқлари шу қадар серобки... икки йилча бурун подачининг ҳаваси Қодир тракторчининг сигирига тушади. Ўзиям сигирмисан сигир эди-да. Ем танламас, эрта-кеч челақ-челақ сут берарди. Суту серёғ, чўп суқса типпа-тик туради. Подачи шу сигирга харидор бўлди. Турган гап, Қодир тракторчи кўймади. Барча уринишлари бесамар кетгач, Қарим подачи сигирни далада заҳарлаб ўлдирди. Мол аччиғи — жон аччиғи, Қодир тракторчи уни кўчада тутиб олиб, тупроққа белаб урди... Букирни гўр тузатар дегандек, мана энди у Оқбўйинга кўз тикиб юрибди. Мақсадига етса етди, етмаса, эрта бўлмаса, индинига шартта отиб ташлаши тайин. У бу ишни пана-пасқамдан туриб эмас, ошқора адо этади. Даво қилар бўлсанг; ўларман ҳўкиздай бошини тутиб келади: «Урасанми?! Мана, ур! Қўлингдан келса, эгимни тил, бошимни янч, яширмайман, отдим! Отиб ўлдирдим! Худо шундайчигин феъли берган бўлса, мен нима қилай?! Қўй дейману ўзимни тутолмайман. Ичимдан алламбало хуруж қилиб қўймайди. Лекин мен сенга ялиндим, катта бошимни кичик қип ёлвордим, ўзинг бермадинг. Берганингда, бечора худо берган умрини яшаб юрган бўларди. Ҳа, нимага туриб қолдинг?! Қўлинг қичиб келдими, ҳаяллатмай уравер, мана, елкам сеники, калла керак бўлса, бошим сеники. Аммо-лекин товба қилиш йўқ! Кутма буни мендан! Эгимни тилим-ласанг-да, товба демайман! Феълим ўзимга маълум... Бугун оғзимга сўз олиб қўйиб, эрта бир кун субутсиз деган ном орттирайми! Товба дейиш йўқ!» Ҳақиқатдан, Қарим подачини узр сўратиш қийин. Бу иш ҳатто Келдиёр лўлининг қўлидан келмаган.

Узоқ йили Қарим подачи қирда тулки овлаб юрган Келдиёр лўлининг този итларидан бирига ошиқ бўлади. Тозимисан, този эди-да, ўзиям, ҳар қандай эпчил тулкини бир заптда оларди. Қарим подачи ўшанга оғиз солади. Келдиёр лўли отда, у пиёда, узоқ тортишадилар. Тортиша-тортиша Сариқтепа ёнидаги айри йўлгача келишади. Келдиёр лўли умрида бу қадар ёпишқоқ

кимсани кўрмаган экан. Охири тоқати тугаб, подачининг чап яғринига аччиқ қамчи тортади. Қамчи баҳона Қарим подачи този итнинг манглайидан отиб ташлайди. Лўлилар кўпчилик эди, уни ўртага олишади. Воқеани кўрган болалар қишлоққа югуради. Яхшими, ёмонми подачи — қишлоқ одами, бегона урса, қишлоқ аҳлининг ори келиши тайин. Ун чоғли йигит Сариқтепага от қўяди. Мамаражаб жувозкаш тасодифан келиб қолмаганда, бу жанжалнинг оқибати ғоят хунук бўларди. Ҳайтовур, чол вақтида улгурди. У келганда оғзи-бурни қора қонга беланган подачи бир четда лўлиларни ёппасига чангитиб сўкар, йигитлар эса қўллари мушт бўлиб тугилган, қия тутилган милтиқлар қаршисида ноилж, шунингдек ҳар лаҳзада ташланишга шай ҳолда чегирайиб туришарди. Мамаражаб жувозкаш юрт кайвониларидан бири сифатида озми-кўпми обрўси бор, енг ҳимариб орага тушди. Йигитларни тергаб-сергаб четлатди. Лўлиларга бир мезбон тарзида муомала қилди. Сўнг Келдиёр лўлини ўртага чорлаб сўроққа тутди. Савол-жавобдан Қарим подачининг гуноҳи аён бўлгач, чол унга юзланди, бети йўқ, деб сўкди, қишлоқни шарманда қилдинг, дея койинди, охирида Келдиёр лўлининг талабини инobatга олиб, тавба-тазарру қиласан, дея шарт қўйди. Қарим подачи бошидаги телпагини ерга отиб уриб, ёқа йиртиб олдинга чиқди.

— Йўқ,— дея ҳайқирди у.— Келиб-келиб аллақандай бир лўлидан тазарру сўрайманми?! Бу-ку бандаси, керак бўлса, худосидан ҳам сўрамайман! Сўраёлмайман! Феълим ўзимга маълум, бугун оғзимга сўз олиб... эрта яна... йўқ, сўраёлмайман!

Келдиёр лўли ҳайратдан ёқа тутди:

— Ё тувба! Шунчалик нуқтангни узганмисан?!

— Узганман!

— Гуноҳинг бўйнингда қолса, оқибати ёмон бўлади.

— Нимага шаъма қиляпсан?!— Қарим подачи ёмон сўкинди.— Итинг қолиб, ўзингни отиб ташламаганимга шуқр қилсанг-чи. Ғашимга тегаверсанг, ҳозир ҳам... пешонангдан дарча очиб қўйишим мумкин.

— Ҳозирча милтиқ менда...

— Ҳечқиси йўқ, худонинг кунни кўп...

— Қасдланма, тентак!— Чол Келдиёр лўлига ҳезланиб бораётган подачининг кўкрагидан итариб ташлади.— Тентаклигингни биз кўтарамиз. Ичдан чиққан балосан, нима ҳам дердик, чидаймиз, лекин булар билан қасдлашма. Бола-чақангни ўйласанг-чи, нодон. Ҳали



итига товон ҳам тўлайсан. Гапини эшитдинг, уч қўйни пулига олганман, деяпти...

— Товон?!— Қарим подачи истехзоли илжайганча лўлига юзланди-да, ўнг билагини хунук сўлқиллатди.— Мана сенга товон! Кўрдингми!

— Қўйинг, бобой,— Келдиёр лўли тишини-тишига босиб, қўлидаги милтиқни чолга узатди.— Олинг милтигини. Садқаи гапингиз кетсин. Одаммаскан бу ўзи. Товбасини сўраманг. Кечдим гуноҳидан. Энди бизга рухсат беринг, тирикчилигимиздан қолмайлик.

— Йўқ, сўрайди,— деди Мамаражаб жувозкаш гапа ерда қолганидан ранжиб.— Сўрамай кўрсин!..

— Сўрамайман,— деди подачи ички бир қониқиш билан.— Ҳали буларнинг яна келари бор. Ушанда бошқача гаплашаман бу билан...

Уша куни Қарим подачи узр сўрамади. Келдиёр лўли қайтиб бу томонларга доримади.

Мана шундай бир қайсар одамга Содиқ ака нимааям дея оларди? Мабодо подачи дабудрустдан дов тўкиб келмай, елимдай ёпишиб ҳолижонига қўймаганида, Содиқ ака итдан воз кечиши мумкин эди. Аммо энди бериб бўлмасди. Подачининг қилиғи унинг ҳамиятига қаттиқ текканди. Майли, қасд қилибдими, кўча-кўйда отиб ташлай қолсин. Бир ками ҳаром ит учун ёқалашиб юриши қолувди. Ҳозирча қўлидан келадиган бирдан-бир чора итни занжирда сақлаш эди.

Орадан уч кун ўтиб Содиқ ака итни занжирдан бўшатишга мажбур бўлди, нимага деганда, Оқбўйин ангиллайвериб, ғингшийвериб тинчлик бермади. Аслида итнинг нотинчлиги тутқунликдан эмас, хавотирдан эди. Расул уйдалигида сокин ётган ит у ҳовлидан чиқиб кетиши ҳамон қозиқ айланиб чопар, то бола уйга қайтмагунча, ўзини қўярга жой тополмай қоларди.

Бўшовдан сўнг Оқбўйин аввалгидек яшай бошлади. Тушгача мактаб ёнидаги теракзорда Расулнинг дарсдан чиқишини пойлаб ётади. Кейин бирга уйга қайтишади. Расул апил-тапил чойини ичади-да, пахтага жўнайди. Оқбўйин пайкал четида қолиб, уни шомгача кутади. Тунда эса деразадан шуъла сўниши билан девор ошиб кўчага чиқади-да, боши оққан томонга тентиб кетади. Бу ёғи қўшни қишлоққача, у ёғи қиргача изғийди. Фермаҳонадан доимо четлаб ўтади. У ерда ғаними борлигини билади. Уша кунги жанжалдан сўнг подачи Оқбўйинни икки бор отишга уриниб кўрди. Биринчисидан тегизолмади, иккинчисидан ўқ кўксини ялаб ўтди.

Жароҳати енгил эди; Оқбўйин ялаб тузатди: Карим подачи бу билан қаноатланиб қолмай, Хидир хирани ҳам овлашга уришиб кўрди: «Буйруқ йўқ; жўра»,— деди Хидир хира кўнмай.— Бир энлик қоғоз бўлса, сени айтмасанг-да, уруғини қуритаман». «Қоғоз-поғоз деб ўтирасанми. Паққа от-қўй-да!» «Қоғозсиз мумкин эмас. Эгаси ёқамдан олса, сени кўндаланг қиламанми? Қўлингда милтигинг бор, ўзинг отавер. Бир қишлоқди одамисизлар, эгаси қозилашиб юрмас, ахир. Энди бизди йўриғимиз бўлак, бегоналигимиз бор. Агар жудаям эвини тополмасанг, сабр қил, қиш ўтиб кўклам келсин...»

Оқбўйин Карим подачининг зимдан тиш қайрашларига кўпда эътибор бермас, тунлари дала-даштда беармон тентирди.

\* \* \*

Узоқ чўзилган қорасовуқдан сўнг ерга биринчи қор тушди.

Оқбўйин ёмғир нималигини билади, туманни кўрган, лекин бунисига ақли етмади. Исаб кўрди, ялаб кўрди... кейин кўникди. Илк қор қувончидан у ҳам бебахра қолмади. Ҳовлида Расул билан роса тўполон қилди.

Бироқ кечга бориб юраги ўз-ўзидан безовта бўла бошлади. Уйин кўнглига сиғмай, бўйнига осилган Расулни силтаб ташлади, кўп тирғалмай нари тур, шусиз ҳам кўнглим сиёҳ. Расул қорда чўзилиб ётаркан, унга ҳайратомуз тикилди. Итни биринчи марта ўта безовта ва жомсарак ҳолда кўраётган эди. Оқбўйин ошириб юборганини сизди шекилли, қўлини оғритмай тишлади, юз-кўзини ялади. Ярашувдан сўнг бола уни чанага қўнди. Аввал ҳовли юзида учушди, кейин кўчага чиқишди. Бошда бу юмуш Оқбўйинга ғалати туялган бўлса-да, сўнг-сўнг жуда қизиқиб қолди. Расулнинг майлига бўйсуниб, болаларнинг кўзини ўйнатиб, қишлоқ кўчаларини бир айланиб чиқди. Эвазига бир чангал қанд билан сийланди.

Кечки овқатдан кейин Оқбўйин одатдаги жойига — дераза тагига узала тушди. Қор юмшоқ, ҳаво илиқ эди. Оқбўйин кўзларини бир нуқтага тикканча, ичкаридан эшитилаётган шовурга қулоқ тутиб ётаркан, бирдан сергак тортди. Устига кўнган қорни слякиб ташлаб, оёққа қалқиди. Нафасини ичига ютиб, қулоқларини динг қилди. Кўп ўтмай чўзиқ улиш овози яна такрорланди. Оқбўйин итникига ўхшаб-ўхшамай кетадиган бу нидо

замирида юракка ваҳима солувчи нимадир борлигини илгар-илғамас, қишлоқ итлари жазавага тушиб қолшди. Оқбўйин бошини бир ён қийшайтириб, итлар овозига диққат қиларкан, уларнинг овозида безовтадик сизди. Бунга сари гоҳ аниқ, гоҳ элас-элас эшитилаётган овоз эгаси тасавурида ғаройиб ва даҳшатли махлуққа айлана борди. Қўрқув билмас юрагига қизиқиш оралади. Шу қизиқиш ҳалпида девор ошди. Куча ва даладан ўқдек учиб ўтиб, тепаликка интилди. Чор атрофга аланглаб, ҳавони искади. Қор ҳидидан бўлак ҳидни туймай, норози гингшиди. Шу дам ҳазин улиш яна қайтарилди. Оқбўйин унинг қайси тарафдан келаётганини англаб улгурмай, кун ботиш томондан яна бири қулоққа чалинди. Дашт оппоқ қор, Оқбўйин икки қишлоқ оралиғидаги дўнгда қорайиб турган шарпани базўр-илғади.

У ўша томонга югурмоқчи бўлган жойида беихтиёр тўхтади. Қорани Олапар деб ўйлади, шунингдек, дов тўкиб боришга ўзини ҳақсиз сизди. Нимага деганда, дўнгликдан нарёғи Олапарга дахлдор. Бу ҳақда Олапар ўтган гал ўта жиддий бир тарзда огоҳлантирганки, унинг ўша пайтдаги ҳолати ҳануз Оқбўйиннинг кўз ўнгида, эсласа, эти жунжикади.

Икки ҳафтача бурун сутдек ойдин тушларнинг биринда Оқбўйин ўз тасарруфидаги ерларни айланиб юриб, тасодифан отасига дуч келиб қолди. Олапар дўнгда қир тарафга тикилганча чўнқайиб ўтирган экан. Оқбўйин аввалига эътибор бермади. Қуриган оққурайлар оралаб дўнгликка жўтариларкан, тўсатдан миҳлангандек қотиб қолди. Қайси кўз билан кўрсинки, қаршисида ўзи ўйлаганчалик жўнгина ит эмас, баҳайбат махлуқ савлат тўкиб турарди. Жисми гўё пўлатдан жўйилгандай, ҳар мўйидан куч ёғилади. Кўзларида эса на вазаб, на адоват — жиддий осойишталикдан ўзга нарса акс этмасди. Ўз кучига беҳад ишонган жониворгина мана шу тарзда хотиржам боқа олади... Оқбўйин олға бориш-нияма, чекиниш-нияма билмай турганида нотаниш итнинг жиддий нигоҳларида, кимсан, бу ерга қандай келиб қолдинг, деган маънони ўқди. Бу хил сокин ва босиқ муомала камдан кам итнинг қўлидан келади. Бундай дамларда аксарият итлар дарҳол пўписага ўтади, кучи етса-етмаса ҳамла қилмоққа тиришади.

Оқбўйин табиатан оғир эмасми, жиззакилик қилмади, калта акиллаш билан жавоб қайтарди. Нотаниш итнинг каломи уникидан ҳам қисқа бўлди: «Вов!» Бу тарздаги мулоқот одамларга бир хил туюлса-да, овоз-

нинг баланд-настлигига қараб, турли маънони англа-тади. Дейлик, агар ит бошини хиёл қуйи эгиб, вов деса, қани, жўнаб қол, деган ифодани билдиради. Ёҳуд, кўк-ка тумшуқ чўзиб, шу хилда ҳурса, қани, яқинроқ кел, турқингни бир кўриб қўяй, дегани бўлади. Шундан сўнг бир-бирига яқин келиб, обдон исканишади. Бу ва-зият ўта хавфли, бирон томон жиндек қўполликка йўл қўйса, тамом — ўртада нақ қирғинбарот юз беради.

Ҳайтовур, улар ўртасидаги бу ҳолат тинч ва осойиш-та ўтди. Табиий, томонлар қон-қариндошлигини билиш-мади, аммо куч-қувватда бир-биридан асло қолишмас-лигини англашди. Шунинг учун ҳам Олапар ҳиссиётга эрк бермай, дўнгдан нарига ўтиш яхшиликка олиб кел-маслигини босиқлик билан англади билдирди. Бу би-лан қаноатланиб қолмай, ер тирнаб белги ясаркан, туп-роғини бу томонга сочди. Оқбўйин ҳам ризолик алома-тида тирналган ерга панжа ботириб, у тарафга тупроқ тўзғитди.

Шундан кейин улар тинчгина айрилишди. Дўнгнинг учдан икки қисми Олапарнинг чекига ўтди.

Ҳозир Олапар дўнгликнинг ўзига тегишли томонида турарди. Ҳовлиқишу жазавага тушишга асоси қолмаган Оқбўйин ноилож ерга чўқаркан, бирдан сергак тортиди. Энди кўланка иккитага айланган ва улар дўнгнинг бе-риги бетида ғамирлашарди. Буни кўргач, Оқбўйин улар томон ўқдек учди, ярим йўлга етмай, ҳали ўзи учун бутунлай нотаниш бўлган бўри ҳидини туйди. Ажабси-ниб тўхтади. Ҳавони қайта-қайта искади. Йўқ, бу Ола-парнинг ҳиди эмас. Унда ниманики бўлди экан? Оқбў-йин югуришда давом этаркан, азбаройи ғазаблангани-дан, жиддий хатога йўл қўйди, яъни одатига хилоф ра-вишда ҳурди. Турган гап, бўри зоти итнинг қанақали-гини овозига қараб билади. Куч жиҳатдан устун бўлган итга ҳеч қачон рўбарў келишмайди. Уларнинг маккор-лигиям шунда. Ёвузлиги туфайли ҳужум қилса, мак-корлиги туфайли жон сақлайди.

Оқбўйин сойга эниб, ялангликка кўтарилганда, дўнг-да жон асари кўринмасди. У чопиб бораётган жойида баланд-баланд сакраб, теваракка аланглаганча рақиб-ларини қидирди ва қир томон йўртиб кетаётган икки қорани кўрди. Йўлни ўша тарафга солди. Етолмади. Бўрилар қир ошиб, кўздан йўқолдилар.

Шундан эътиборан, Оқбўйиннинг нотинч ва беҳало-ват тунлари бошланди. Бўрилар кунда бўлмаса-да, ку-наро қишлоқ томон энишар, бир кечаси эса икки бир-

дай ити бор қўтондан уч-тўрт қўйни бўғизлаб кетишди. Оқбўйин ўзи сезмаган ҳолда даштнинг ҳақиқий қўриқчисига айланди. Ҳар кеч деразадан шуъла сўнар-сўнамас, даштга чиқиб кетар ва тонг азонда бир аҳволда қайтар эди. Ҳовлига кириши билан дераза тагига келар, нафасини ичига ютиб, ичкарига қулоқ тутар ва Расулнинг бир маромда пишиллашини эшитгандан сўнггина кўнгли хотиржам тортиб, пинакка кетарди.

Оқбўйин бўрилар билан қувлашавериб, уларнинг йўлбошчисини яхши таниб олди. У Қарим подачини қон қақшатган ўша йирик Ёлдор бўри эди. Маккорликда унинг олдига тушадигани йўқ эди. Рақибини чалғитиш учун у шундай ҳийлалар ўйлаб топардики, оқибатда, Оқбўйин лақиллаб қолаверарди. Масалан, бўрилар қўтон оралаган кеча Ёлдор энг эпчил шерикларидан бирини Оқбўйинга рўпара қилиб қўйди-да, қолганлари билан сувсиз сой ўзанидан писиб келиб, бир неча совлиқни тинчтиб кетди. Бу пайтда Оқбўйин қирдаги бўри билан андармон эди...

Оқбўйиннинг бўриларга нисбатан ғзаби бошда шунчаки ўчакиш тўфайли эди. Қачонки, жар тубида эшак жасадига дуч келгандан кейингина унда нафрат уйғонди. Қуни-кеча фермахона теварагида ўралашиб, молларнинг нишхўрдига қаноат қилиб юрган бу беозор, беэён жониворни хомталаш кўриб, дастлаб ғоят ҳайратга тушди. Негаки, умри бино бўлиб ҳали бирон тирик жонни бу аҳволда кўрмаган эди. Бошию қовурғаларини демаса, шўрликдан ҳеч вақо қолмабди.

Оқбўйин жасадга яқин келмай, унинг атрофини айланаркан, бўри ҳидини илғаб, баттар таажжубланди. Ишонгиси келмай ёнғишиди. Шу чоққача бўриларни қишлоқ итлари каби ожиз ва кўрқоқ санаб келарди. Кўрдик... у ўзга ҳид истаб, ҳарчанд искаланмасин, бўри ҳидидан бўлак ҳид ололмади. Қорасини кўриши билан шаталоқ отиб қочадиган рақибларининг йиртқичлигига тўла амин бўлгач, у алам билан увлаб юборди. Тумшуғини кўкка чўзиб-чўзиб увларкан, туйқусдан нигоҳи кўрқув ва даҳшат ифодаси қотиб қолган жасад кўзига тушиб, беихтиёр эти сесканди. Эсида, бундай нигоҳларга кўп бор дуч келган, лекин Маллани ҳисобга олмаганда, бирортасига эён етказмаган, пўписа билан чекланган, холос.

Тирик жонни Оқбўйин икки тоифага ажратади: бири беэён жониворлар, одам боласи ҳам шунга киради, улар ҳатто тицлашга арзимабди. Иккинчиси — Малла-

га ўхшаш бадхулқ махлуқлар, уларни ё мавҳ этмоқ лозим, ё бўйсундирмоқ. Акс ҳолда ҳуда-беҳуда жиёингга тегавериб, тинчингни бузади.

Эшак, табиий, биринчисига киради. Оқбўйин уни саратондан бери билади. Ёз бўйи қилган беминнат меҳнатни эвазига эгаси уни қиш олди кучага ҳайдаб юборганди.

Оқбўйин хумдай бошини оёқлари устига қўйганича жасадга тикилиб ётаркан, агар ожиз бўлган тақдирда ўзининг ҳам қисмати мана шу тарзда яқун топишини тўла ҳис қилди. Уйга қайтгиси келмай, бўрилар изидан тушди. Қир бағридаги тепаликда излар шу даражада чалкашиб кетган эдики, у қай тарафга юрачини билмай, гаранг-туриб қолди. Чўнқайган кўйи атрофни кузатаркан, тонг ғира-ширасида қоровултепадан пастрга эниб бораётган Олапарни кўрди. Бўрилар келиб, унинг ҳам тинчи бузилган эди...

Елдор ҳар қанча устомонлик қилмасин, барибир Оқбўйин уларнинг йўналишини аниқлашга муяссар бўлди. Бўрилар қирдан жар ичи билан эниб келишарди-да, тепаликда тўхташарди. Хийла тараддуддан сўнггина бирон манзилни қора тортишарди. Уларнинг юриши Олапардан кўра Оқбўйиннинг чекига кўпроқ тўғри келарди. Тунлари узлуксиз давом этаётган бу жангу жадалдан одамлар мутлақо беҳабар, итлар эса огоҳ, аммо кўмакка чиқишга бирортаси ҳам журъат этмасди. Хашаки ит хашаки-да. Бу етмагандек, Қарим подачи ҳануз аҳдидан қайтмаган, Оқбўйинни йўқ қилиш пайида тунлари милтиғига тўнғиз ўқи жойлаб қўйишни қанда қилмасди.

\* \* \*

Тунлари бесамар изғишлар жонига тегиб, Оқбўйин йўл пойламоққа аҳд қилди. Табиий, у қурбонлар учун эмас, рақибларининг беҳад сурлигидан, боз устига, қанчалик елиб-югуришига қарамай, осонгина лақиллатиб кетишларидан аламда эди. Оқбўйинда табиий куч, жасорат бисёрликка бисёр эдию, лекин хийла кам, Елдорнинг хилма-хил найранглари олдида довдираб қоларди. Ана шундай кезларда у бутун қувватини овозига беради, яъни бирор тепаликка чиқади-да, чўнқайганча осмонга қараб улайди, Елдорни номарддан олиб, номардга солганча, уни очиқ жангга чорлайди. Турган ган,

Елдор унинг йодонлигидан бўриларча кулади. Гоҳида эса бу хил вазиятдан усталик билан фойдаланади.

Ўтган куни шундай бўлди. Қишлоқ яқинидаги тепаликда тумшугини кўкка чўзиб обидийда қилаётган Оқбўйин туйқусдан жавоб чорловини эшитиб қолди. Аввалига қулоқларига ишонмади. Сўнг нафасини ичига ютиб, вужуди қулоққа айланди. Сал ўтмай нидо яна такрорланди: Овоз келаётган томонни ҳа деганда аниқлайвермагач, Оқбўйин шамолга юз ўгириб, ҳавони искади. Димоғига оқшомда болалар жар ичида ёққан гулхандан қолган куйинди ҳиди урилди. Бир оздан сўнг унинг ўрнини силоснинг ўткир ҳиди эгаллади. Тепа этагидан ўтган йўлдан силос тўла қоп ортилган эшагини қичаб бораётган кўланкага назар соларкан, Оқбўйин норози гингшиди. Қишлоқ томондан журъатсизгина ҳураётган итни тириклайин еб-ютиб қўйгудек эди.

Ниҳоят навбатдаги чорловдан сўнг овоз эгаси Қоровултепадалигини фаҳмлади. Тепагача бўлган масофада чуқур жарлик, паст-баланд дўнгликлардан иборат кенг дашт ястаниб ётарди.

Азбаройи ҳовлиққанидан Оқбўйин сўқмоқни адаштириб қўйиб, тик жарликдан қуйига учиб тушишга бир баҳя қолди. Жар лабида базўр тўхтаркан, қоп-қора бўшлиққа кўзи тушиб, юраги орқасига тортиб кетди. Ортиқча шошқалоқлик яхшиликка олиб келмаслигини англади. Қолган масофани кўпда ўпкасини қўлтиқламай, хийла хотиржам босиб ўтди. Ошиқиб нима қилади, ахир рақибни қочаётгани йўқ, аксинча жангга чорламоқда-ку. Аммо унинг аҳволини ҳам тушунмоқ керак, негаки, чорлов ҳеч қутилмаганда юз беради-да. У бундай бўлишини кутмаган, кутмагани учун ҳам интиқом завқидан юраги тошиб борарди.

Аммо манзилга етиб келаркан, бирдан ҳафсаласи пир бўлди. Не кўз билан кўрсинки, тепаликда уни Елдор эмас, суяклари бузуқ, улкан калласи гавдасига номуносиб, йирик бир махлуқ кутиб турарди. Бутун газаби Елдорга қаратилгани туфайли Оқбўйин тўдадаги бошқа бўриларга нисбатан айтарли даражада адоват сезмасди. Тунлари даштда қора қуюндай изғиб юрадиган тўда орасидан фақат Елдорнигина кўзи кўрар, шунингдек, тўдани ҳаракатга келтирувчи асосий куч Елдор эканини; агар у мавҳ этилса, қолганлари қайтиб бу томонларга доримаслигини ҳис этарди.

Бўрилар кўпчилик бўлишига қарамай, унга юзма-юз келишдан мудом қочишарди. Аслида бунга уларнинг

журъатсизлиги эмас, Елдорнинг тadbиркорлиги сабаб эди. Зўр олдида дум қисишдек итларга хос заифлик бўриларга ҳам ёт эмас. Кекса маккор бўри ҳар қандай тўқнашув ўзининг ҳалокати билан якунланишини, Оқбўйиннинг ўткир тишлари, бўғзига қадалиши билан шериклари тумтарақай бўлишини яхши билади. Боз устига, Оқбўйин табиат сахийлик билан инъом этган кучқудратга эга. Бундай итлар юздан, ҳатто мингдан битта бўлади. Одамлар уларни алоҳида эъзоз ва ҳурмат билан «арслон» ёки «сиртлон» деб атайдилар. Бўри зоти улардан иложи борица узоқроқ юришга ҳаракат қилади. Елдорнинг сурбетлигига келсак, гап шундаки, Оқбўйин ҳали хом, ҳаётий тажрибаси кам, агар оёқ илдам бўлса, ҳозирча уни истаганча лақиллатиш мумкин. Аммо кейинчалик бу томонларга, яхшиси, доримагани маъқул. Негаки, вақт ўтган сайин унинг содда ақли, темирдек мустаҳкам пайлари сингари тобора пишиб етилиб боради. Ана унда ҳар қандай айёрлик зиғирча иш бермай қолади. Оқбўйин отасидек камҳафсала эмас, Елдор Олапарнинг ана шу камчилигидан фойдаланиб, гоҳи-гоҳида унинг ерларига ҳам бош суқиб туради... Яхшиямки, бўриларнинг бахтига икки қўчқорнинг боши бир қозонда қайнамайди. Қайнаса борми?

Қувғинга учраган кезлари Елдор табиатнинг бу қадар тентаклигидан хафа бўлиб кетарди. Мислсиз кучқудратни Оқбўйинга бергунча ўзига бермайдими. Бу не ҳолки, беш бирдай жондор аллақандай бир итдан қочиб юрса. Аслида Елдор табиатнинг бу ишидан нолимаса ҳам бўлади. Табиат куч-қувват бобида Оқбўйинга қанчалик ҳиммат қилган бўлса, маккорлигу тadbиркорлик, зийраклигу ҳушёрлик борасида Елдордан ҳам ўз саҳоватини аямаган эди. Елдор шу хусусиятлари туфайлигина ўз ризқу рўзини териб юрарди. Масалан, у қопқон деган нарсани юз одимдан сезади. Темир исканжа қанчалик усталик билан кўмилмасин, унда ўтириб қолган турли ҳид юзада қолаверади-да. Овчи масаласига келсак, Елдор қадам олишиданоқ унинг қандай одам эканини билиб олади. Хашаки итларни писанд қилмаганидек, ҳавасманд овчилардан ҳам сира чўчимайди. Емон кўргани — сиртлон ит. Агар оёқлари эпчил бўлмаса, бу балодан қутулмоқ мушкул. Шунинг-чун учраб қолса, уларни кучукваччалигидаёқ гумдон қилишга ҳаракат қилади. Бу дамгача тўрттасини қуритди. Сўнггисини ўтган кўклам бошида даф этганди.



Уша кезлари Ёлдор тўдаси билан тоғда изғиб юрарди. Тунлардан бирида тоғ этагидаги қишлоққа энаётиб, итлар шовқини орасидан ингичка, ўктам овозни илғаб қолди. Сизди. Шу яқин орада бўлғуси кушандаси вояга етмоқда. Агар ҳозир ҳаракатини қилмаса, кейинчалик бу ерлардан қадамини узишга тўғри келади. Тўхтаб, овозга қулоқ тутаркан, қорин ғамини унутди. Шерикларини арчазорда қолдириб, ёлғиз ўзи қишлоққа энди. Итларнинг диққати арчазорга қаратилганидан фойдаланиб, тор кўчага шўнғиди. Қишлоқ маст уйқуда. Келаётган балодан бутунлай беҳабар, овозига зўр бериб акиллаётган қоп-қора кучукваччани у осонгина топди. Аввалига пастак девор оша ҳовлини обдон кўздан кечирди. Кейин енгил сакраб, тошсупа устига тушди. Кучуквачча акиллаганча уй томон тисланди. Ёлдор шошилмай олдинга юрди. Бундай пайтда ошиқишни ёмон кўради. Интиқом дақиқаларини иложи борича узоқроқ чўзишга ҳаракат қилади. Ахир вақти келиб, тенгсиз қудратга эга бўладиган жимитдек вужуднинг қайноқ қонини ҳовлиқмай, ошиқмай ичмоққа нима етсин. Аммо уч-тўрт одим ўтмай, кўнгли андак хатар сезгандек бўлди. Қадамини тезлатди. Кучуквачча уйдан ошхона томонга қочди. Ёлдор икки сакрашда унга етди-да, яғрини аралаш бўйнидан хиппа тишлади. Тишлари орасида нозик суяклар қисирлаб, кучуквачча ангиллаб юборди. Худди шу пайт уй эшиги шарақлаб очилди-да, остонада ярим яланғоч милтиқ тутган одам пайдо бўлди. Ёлдор ўлжасини оғзидан қўймай, яшин тезлигида ҳовлини кесиб ўтиб, деворга сакради. Улгурмади. Милтиқ варанглаб, қўймичига урилган кучли зарбдан кўча юзига ағдарилиб тушди. Ҳартугул оёққа қалқишга куч топти. Қишлоқ итлари эс-ҳушини йиғиб олгунча бўлмай, арчазорга етиб олишга улгурди.

Оқбўйиннинг қишлоғи тоғдан анча берида. Кўклам келди дегунча бўри зоти бу томонлардан оёғини узади. Акс ҳолда у ҳам Ёлдорнинг назаридан четда қолмаган бўларди.

Оқбўйин рақибига етмай, таажжуб оғушида хийла берида тўхтади. Жангга чорлаган шуми ё бошқасими деган хаёлда теварак-атрофга кўз югуртирди. Оғир тун пардаси остида мудраётган даштда бегона қорани илғамагач, фурсатни қўлдан бой бергиси келмай, дарҳол хужумга шайланди. Бироқ рақибни аллақачон тепадан энган, ортига қарай-қарай дашт бўйлаб йўртиб борарди. Уларни кам деганда юз эллик одим масофа ажратиб

турарди. Оқбўйин оёғига зўр берди. Шу тобда у йиртқишлик майлига берилган, азбаройин интиқом ўтидан ёнганидан кўзига жондордан ўзга нарса кўринмас, тезроқ рақибига етишу томоғидан хиппа бўғиб, жон талвасасида типирчилашини томоша қилишдан бошқасини ўйламасди. Аммо қанчалик ҳаракат қилмасин, оралиқ масофа қисқарай демасди.

Бўри йўлни ўнгга солиб, қир томон қочди.

Улар шу тарзда қувлашиб, биринчи, иккинчи, ниҳоят учинчи қирни ҳам босиб ўтдилар; лекин оралиқ деярли ўзгармади. Оқбўйин жон олиш қасдида ҳарчанд уринмасин, рақиб ҳам жонини асраш ғамида ундан жадалроқ ҳаракат қиларди.

Учинчи қирдан нарисини Оқбўйинга нотаниш жойлар. Оқбўйин у томонларда бирор марта бўлмаган. Шунингчун қадамини секинлатиб, харсангтошга етганда тўхтади. Бир оз нафас ростлаб изига қайтди. Иккинчи қирга етмай рақибни ортидан қолмай келаётганини пайқайди. Қайрила солиб яна қувлади. Бу сафар тўртинчи қир этагигача қувлаб борди. Кейин бу ҳол яна бир бор такрорлангач, Оқбўйин тағин ҳийлага йўлликқанини англади. Юраги ҳадик олиб, қишлоқ томон шамолдек елди. Аммо у кечиккан, Елдор шериклари билан товуқбоқарнинг эчкисини аллақачон тинчитиб бўлганди. Оқбўйин уларга жерда дуч келди. Қорни тўқ рақиблари, одатдагидек, у билан пачакилашиб турмай, жар ёқалаб қочиб қолишди. Оқбўйин биринчи қирда қолиб, аламиндан саҳаргача увлаб чиқди.

Тонгга яқин қишлоққа энаркан, фермахона ёнидан ўтаётиб, Оқбўйин бирдан ҳушёр тортди. Эшикда тимириланиб юрган Қарим подачи уни кўриб уйчадан милтиқ кўтариб чиққанди. Эгасидан пишанг олган каттакон ола ит (Малланинг ўлимидан сўнг подачи уни кўшни отардан олиб келганди) вовуллаганча унга томон югуриб келарди. Оқбўйин унга эътибор бермай, сўлга бурилди-да, ўқ етмайдиган жойгача йўртиб бориб, сўнг бамайлихотир йўлида давом этди. Оғзидан ўт пурковчи қора калтак узоқдан хавфсиз эканини у аллақачон фаҳмлаб етганди.

Қарим подачи итнинг йўлига астойдил кўз тикмаётган бўлса-да, жонини олмоқдан асло воз кечмаган эди. Кўр эмас, Оқбўйиннинг хатти-ҳаракатларини кўриб, билиб турарди. Билгани учун ҳам ич-ичидан зил кетар, шундай бир ит ўзиники бўлмаганидан юраги куйгани куйган эди. Ҳозир ҳам Оқбўйиннинг ортидан ҳавас би-

лан қараб қоларкан, акиллай-акиллай изига қайтиб, оёғи остида ўралиша бошлаган итининг биқинига жаҳл ва зарда билан тегиб юборди. Ит вангиллаганча фермахона ортига қочди. Подачи қолган аламини ёғоч охурни сузиб синдирган буқадан олди — курак икки бўлак бўлгунча савалади.

Оқбўйин хавfli жойдан узоқлашар экан, дафъатан хаёлига келган ўйдан сергак тортди. Ёлдорнинг изидан бекордан бекорга изғийвермай, бирор пана-пастқамда пойлаб қўлга туширса-чи?! Ана Қарим подачи уни қанчалик ёмон кўрмасин, бирор марта ортидан қувлаганини эслаёлмайди, доим мушукдай пойлагани пойлаган.

Оқбўйин айнан шундай фикр юритмаган бўлса-да, подачининг ҳаракатлари сабаб, рақибини қувлаб юрмай, пойлаб қўлга туширмоқ лозимлигини англаб етди. Қаерда пойлашни эса у яхши билади. Айниқса, том бошида тарғил мушукнинг қилиғини кузатгандан сўнг, фикри яна қатъийлашди.

Мушукка у тасодифан алаҳсиди. Ўша куни қоринни тўйдириб, офтобрўяда чўзилиб ётганди. Сомонхона ёнида чумчуқ пойлаётган тарғилга кўзи тушиб қолиб, қизиқсинганча унинг ҳаракатларини кузата бошлади. Томнинг нишоби ҳовлига қарагани учун ундаги нарсалар яққол кўзга ташланиб турарди. Оғилхона томидаги ничан ғарами ёнида донлаб юрган чумчуқлар мушукни сезмай қолишди. Тарғил ўқдек отилиб, улардан бирини тутиб олди. Икки соат ичида бу ҳол яна такрорланди...

Эртаси у чироқ ўчишини кутмай даштга чиқди-да, ҳеч қаёққа алаҳсимамай, йўлни катта жарга солди. Узун жарлик бу ерда иккига бўлиниб, бир учи қирга бориб тақаларди. Ёлдор тўдасини худди шу жар ичи билан бошлаб келарди-да, шу атрофдаги тепаликлардан бирига кўтарилиб, бир муддатлик кенгашдан сўнг бирон манзилни қора тортарди.

Оқбўйин жар тубидаги қалин юлғунзорга яқинлашаркан, кўз остига олиб қўйган ерида Олапарни кўриб ҳангу манг туриб қолди. Кейин норози ғингшиб, тажовузкорона ириллади. Олапар калта акиллаш билан мақсадини англагач, унга нисбатан жиндек меҳри ийиб, иккинчи бор ғингшиди. Бу сафарги ғингшиши ҳам эркаланиш, ҳам зорланиш оҳангига йўғрилган бўлиб, у Ёлдордан шикоят қилган эди. Олапар ҳам худди шу тарзда жавоб қайтаргач, иккиси бир муддат искашдилар. Сўнг Оқбўйин унинг ёнига чўзилди. Ортиқ бир-бирлари билан иши бўлмай, тор сўқмоққа тикилиб қолишди.

Шу тариқа, улар дўстлашди. Уларнинг тотувлиги вақтинча эди. Негаки, Олапар ақлли ит, бундай пайтда ишончли шерик зиён қилмаслигини яхши билгани учун ноилож рўйхушлик берганди. Бошқа вақт уни яқинига ҳам йўлатмаган бўларди. Вужудидан куч ёғилиб турган бу навқирон ит унга сира ёқмасди. Нимага деганда, у бошқа итлар каби ялтоқланмас, жойи келса, ҳақини талаб қилишдан ҳам қайтмасди. Ким билади, эрта-индин... Бу тентакдан ҳар нарсани кутиш мумкин.

Олапар кўз қирида шеригини кузатаркан, ичида унга нисбатан ҳасадга ўхшаш нимадир туйди. Қулоғидан ғарчча тишлаб олишдан базўр ўзини тийиб, тагин йўлга кўз тикди.

Тун ярмидан оққанда Олапар тўсатдан безовталаниб қолди. Оқбўйин унинг нимадан хавотирдалигини бошда тушунмади. Теваракка аланг-жалаанг боқиб, нима гап деган маънода секин ғингшиди. Олапар қулоғини динг қилганча юлғун новдаларининг тебранишини кузатар ва тинмай ҳавони искарди. Шундагина Оқбўйин қарши томондан эсаётган шамол йўлини ўзгартирганини пайқади. Мабодо Ёлдор уларнинг ҳидини олса, ўлақолса, бу томонларга йўламаслигини Олапарнинг хатти-ҳаракатига қараб англади. Олапарнинг безовталиги мана шундан эди.

Ниҳоят бебош шамол тагин йўналишини ўзгартириб, қаршидан эса бошлади. Олапар тинчланди, ҳатто Оқбўйинни беозоргина тишлаб қўйди. Пистирмада ётганда шамол асосий рол ўйнашини Оқбўйин шундагина билди. Олапарнинг тишлашини кўпда ёқтирмай, кўнгилга оғир ботмайдиган тарзда ириллаб, сал нари сурилиб ётди.

Орадан икки соатлар чамаси вақт ўтгач, шамол жондор ҳидини олиб келди. Ҳидни илғашлари билан ҳар иккиси ҳам сингиб кетгудек ерга қапишдилар. Пахмоқ жунлари ҳурпайиб даҳшатли тусга кирди.

Кўп ўтмай муюлишда Ёлдор кўринди. Ортидан бўйбастига қараб яна тўрт шериги қатор келишарди. Афтидан қоринлари хийла тўқ шекилли, қадам олишлари ланжроқ, ҳатто узоқ-яқиндан эшитилаётган ҳамжинсларининг увлашларига ҳам кўпда эътибор беришмасди. Саф охирида келаётган жуссаси кичикроқ бўрининг нимадандир бетоқатланишини ҳисобга олмаганда, тўда тинч ва сокин вазиятда олға силжирди.

Аммо пистирмага етмиш-саксон одим қолганда Ёлдор кутилмаганда сергак тортди. Тўхтади. Чўнқайди.

Тумшугини кўкка чўзиб, искаланди. Утган куни Оқбўйинни аҳмоқ қилган суяги бузуқ бўри унга бақамти келгач, иккиси нима ҳақдадир узоқ кенгашдилар. Сўнг-ра шамолда ваҳимали шовуллаётган юлғунзорга тикилганча туриб қолишди. Уларнинг нимадандир ҳадик олгани аниқ эди.

Ииртқишлар табиатан жуда бардошли бўлишади. Ана шу хусусиятлари туфайлигина улар кўпинча ҳаётларида хавф-хатардан асраб қолишади. Озгина шошқалоқлик ёки эҳтиётсизлик ҳаминиша ўлим билан тугайди. Ёлдор кўнгили безовталигини аниқ идрок этолмагани учун ҳам сабр қилишга қарор қилганди. Бу ерда ақлидрокдан ҳам кўра сабр-тоқат кўпроқ иш беради. Юлғунзорда мабодо овчи бекинган бўлса, барибир ўзини билдириб қўяди. Ёлдор буни кўп синаган. Агар ит бўлса, агар шунга журъати етса, ҳадемай ириллаганча югуриб чиқади. Кўпол бу жониворлар кутишдан кўра қутқу солишни афзал билишади. Аммо Ёлдор бу гал адашганди. Адашгани шундаки, у Олапарни хаёлидан чиқарганди. Юлғунзор Олапарга эмас, Оқбўйинга яқинлиги туфайли ҳатто ҳуришга эринадиган Олапарнинг бу ерга келишини тасаввурига ҳам сиғдирилмасди.

Тўғри, у бекорга вақт йўқотмай, юлғунзорни айланиб ўтиши ҳам мумкин эди. Унда кўнглига шубҳа солган хатар жумбоқлигича қолиб, кейин юраги гаш тортиб юради. Бундан ташқари, яна ўтиб-қайтиши бор. Агар хавфни бугун аниқламас экан, эртага бу ерларга қадам босмоқни ўйламаса ҳам бўлади. Чунки бир хавфланган жойдан иккинчи бор ўтишда, ҳадик ва қўрқувдан бўри зоти хийла эт ташлайди. Бахтга қарши шамол ҳам унинг зарарига ишламоқда эди.

Шу дам жуссаси кичикроқ ёш бўри бетоқатланиб олдинга ўтганди, Ёлдор юмма талаб берди. Шериги эса бебошнинг елкасидан ғарчча тишлаб четга улоқтирди. Одобсизлиги учун бошлаб таъзирини еган шўрлик фингший-фингший жойига бориб турди.

Ёшлик — гўрлик деб бежиз айтилмаган. Айни пайтда Оқбўйин ҳам ўзини зўр-базўр тийиб турарди. Агар қаватида Олапар ётмаганида, у аллақачон ҳужумга ўтган ва ҳар галгидек бесамар қувлашлар билан тонг оттирган бўларди.

Ниҳоят Ёлдор жойидан қўзғалди. Юлғунзорда хавф йўқлигига имони комил ҳолда олдинга юрди. Ёш бўри унинг ортиқча эҳтиёткорлигидан кулгандай ушлаб қўйди.

Тепаликка олиб чиқадиган сўқмоқ шундоққина ит-

лар яширинган жойдан ўтарди. Мушаклари таранг тортилган Оқбўйин шеригига қараркан, унинг ошиқмаётганини кўриб, ҳайрон бўлди. Агар бу ҳол яна бир дақиқа чўзилса, у ортиқ бардош беролмаслигини сизди. Ҳайтовур, Олапарнинг қадди ердан бир эйлик узилди. Азбаройи зўриққанидан пайлари бўртиб, елкасига тегиб турган юлғун йовдаси титраб кетди. Бу орада Елдор жуда яқин қелиб қолган эди.

Оқбўйин сакрамоққа энди чоғланган ҳам эдики, олдинроқ ҳаракат қилган Олапар уни туртиб ўтиб, Елдорга ўқдек ташланди. Оқбўйин сал нарида саросимада туриб қолган бўрилардан бирига ҳамла қилди. Бу ўша — суяги бузуқ улкан бўри эди. Рақибни ҳарчанд чап беришга ҳаракат қилмасин, бўғзини Оқбўйиннинг ўткир тишларида асраб қоломлади. Ит зумда унинг бўғзини ёриб ташлади. Оқбўйин ерда чўзилиб қолган бўрига қайрилиб боқмай, иккинчисига ташланди.

Ота-бола юлғунзорда уч бўри жасадини қолдириб, икки бўрини қиргача қувлаб боришди.

\* \* \*

Учинчи қордан сўнг ҳаво хийла юмшаб, ҳафта ўтмай тизза бўйи қордан асар ҳам қолмади. Қиш ўртаси бўлишига қарамай, кутилмаганда кунботишдан эсган илиқ шабададан ер селгиб, даладашт нимяшил тус олди. Ҳавода кўклам ҳиди анқий бошлади. Аммо бу ҳолдан болаларни демаса, катталар мутлақо қувонмади. Негаки, ҳаво шу тарзда яна уч-тўрт кун туриб берса, довдарахтлар ёппасига гулга кирадю, навбатдаги қордан сўнг ҳаммаси ер билан битта бўлади. Кўпчиликнинг тирикчилиги бордаги мева-чева билан. Аммо ҳавонинг кескин илиши одамларга таъсир этмай қолмади: магазин олди ёш-яланглар билан гавжумлашди, чоллар жувозхона қошидаги одатдаги жойини эгалладилар, кампирлар урчугнию пўстагини судраб уйдан супага кўчдилар. Болаларни-ку, қўяверинг, шумтакалар даладан бери келмай қолишди. Оқбўйиндан бўлак жамики тирик жон илиқ офтоб нуридан баҳра олмоқда эди.

Шу кунларда Оқбўйин мўъжазгина ёғоч уйчасида, қалин тўшалган похол устида дард азобини тортиб ётарди. Юлғунаордаги зафарни эвазига у Қарим подачи томонидан тўнғиз ўқи билан сийланганди. Пирик питра ўнг елкасини титиб юборганди.

Юлгунзор воқеасидан кейин Оқбўйиннинг шухрати кутилмаганда ошиб кетди. Ҳаммасига Мамаражаб жувозкаш сабабчи. У ҳафта, ўн кунда бир Тошлисойга қатнаб турарди. Тошлисойликлар бошқа экинлар қатори зигир, кунжут ҳам етиштиришади. Тутиган жўралари жувозкашни йил-ўн икки ой зигир билан таъминлаб келишади. Албатта, текинга эмас, аммо бозор баҳосидан анча паст, бунинг устига мағзи тўқ, сиқсанг, ғарчча ёғ чиқади. Хуллас, қишда нима кўп, тўй кўп. Тўй оши зигир ёғсиз бўлмайди. Мамаражаб жувозкаш зигир умидида тонг саҳарлаб йўлга чиққанди. Катта йўлдан айланиб юришга эриниб, от бошини сўқмоққа бурди. Аслида доимо қатнайдиган йўли шу эдию, лекин қиш кезлари жар оралаб, дашт оралаб юришдан ўзини тийиб келарди. Бу сафар нима фалокат босиб, шу йўлдан юрмоқ истаб қолганига ҳануз ақли етмайди. Жарга етмай тонг бўзаради, ойдин кунда даштда жондор нима қилади, деган ўйда юлгунзорга қадам кўяркан, шу атрофда ўралишиб юрган Оқбўйинга кўзи тушиб, янада дадил тортди. Аммо юлгунзорга кирар-кирмас бирдан оти тайсаллаб қолса бўладими. Индамаса, изига бурилиб қочадиган. Агар жувозкаш итни кўрмаганида, отнинг раъйига қараган бўларди. Ҳозир эса қаҳри қўзиб кетди. Келиб-келиб итдан хуркасанми, ҳаром қотгур, дея отни аччиқ қамчи остига олди. Таёқ жонидан ўтган шўрлик жонивор пишқира-пишқира ноилож олдинга юрди. Отнинг қилигидан жаҳли чиққан жувозкаш уни мақтаб сотган Абдужалил қовчунни ҳам, унинг гапларига лаққа тушган ўзини ҳам чангитиб сўкиб бораркан, дафъатан кўзи тушган манзарадан эси оғиб қолаёзди. Қайси кўз билан кўрсинки, бир эмас, уч бўри чўзилиб ётарди. Албатта, жувозкаш уларни тирик гумон қилди. Шу сабаб, беихтиёр иштонини хўллаб қўйди. Узоқ йили даштда бўриларга ем бўлган қайнисининг фожиаси хаёлидан чақмоғ янглиғ ўтаркан, кўзига кенжа невараси кўриниб кетди. Уни қайтиб кўролмаслигини ўйлаб, бўзига йиғи тикилди. Қалимага тили келмай, валдир-вилдир қиларкан, йиртқишларнинг ҳаракатсиз ётганини сезиб ҳушёр тортди. Кўз ўнгини босган кўкиш туман тарқаб, у қор устидаги қон изларини, бўрилар танасидаги жароҳатларни кўрди. Шунда ҳам яқинроқ боришга юраги бетламай, от бошини ортга бурди. Ҳозиргина, жувоз ҳайдамай мен ўлай, зигир мой емай одамлар ўлсин деб турган одам, энди расво бўлган иштонидан бош-

қасини ўйламасди. Бўриларни ўлик кўрганидан худога минг карра шукрлар қиларди.

Мамаражаб жувозкаш йўл-йўлакай Қаҳҳор овчи эшигини қоқмасдан ўтолмади. Ахир кўргани ҳазилакам воқеа эмас, буни бировга айтмасдан бўларканми! Гап орасида, юрибсан-да, овчидан деб, суриштириб келса бир итчалик чоғинг йўқ, дея Қаҳҳор овчини чақиб олишдан ҳам қайтмади. Уйига етгунча яна беш-олти кишидан «суюнчи» олди. Қаҳҳор овчи итга менгзалишидан хафа бўлиб турмади. Бошқа пайтда-ку бу гапи учун чолнинг ёқасини йиртган бўларди-я, лекин ҳозир бунақа паст-баланд гапларга эътибор бериб ўтиришнинг вақти эмасди. Чолнинг қораси ўчиши билан юлғунзорга жўнади. Йўлда бўри терисидан тушадиган фойдани хом-чўт қилиб, димоғи чоғ бўлди.

Бу ёруғ оламда овчи халқидек ҳангоматалаб одам кам топилди. Қаҳҳор овчи териларни ортмоқлаб қишлоққа қайтаркан, кўринганга Оқбўйинни тарифу тавсиф этиб борарди. Оқшом Эркин пучуқнинг маслаҳат ошида ҳам жағи тинмади. Мамаражаб жувозкаш уни маъқуллаб турди. Гурунгда ит эгасининг қанчалик баҳри-дили очилган бўлса, Карим подачиники шунчалик хуфтон тортди.

Охири бўлмади, қарасаки, Қаҳҳор овчи ҳали-вери тинадиган эмас, подачи бурчакдаги печка қаватида иссиқ ва мақтовдан терга ботиб ўтирган ит эгасига шум қараш қилиб, овчига юзланди.

— Қаҳҳорвой, ишқилиб, тери яхши пул бўлдими?

— Бир нави. Нима эди?

— Ҳаммасини чўнтакка урган чиқарсан?

— Нима, кўчага ташлаб қўйишим керакмиди?

Карим подачи жавобга шошилмади. Болишни биқинига тортиб ёнбошларкан, қаншари остидан унга кинояномуз тикилди.

— Кўчага ташлама, увол бўлади. Лекин тери пули ит эгасига тегишли эканини унутганинг чатоқ бўпти. Ҳеч бўлмаса, унга улуш беришинг керак.

Даврага сукумат чўкди.

— Майли, биз рози.

Уртада ўт чиқариш пайида турган подачи ит эгасининг бу гапини эшитиб, афти тиришди. Нордонроқ гап айтмоқчи бўлиб сўз қидираркан, орага Мамаражаб жувозкаш суқилди.

— Унда тери пулида менинг ҳам ҳақим бордир-а,



Каримбой? Ахир уларни биринчи бўлиб мен кўрдим-ку!

— Бўлмасам-чи,— деди подачи қутқули оҳангда.

— Ҳай, унда биз ҳам кечдик, олган пули ҳалоли бўлсин,— жувозкаш шундай дея Карим подачи томон ўтирилди.— Сиз, Каримбой иним, буйтиб йўқ ердаги гапни ковламанг, уят бўлади. Гўнг титмоқ товукқа ярашади. Юрак ютиб борибдими, қандини урсин. Мана, биз яқиниғаям йўлолмадик-ку...

— Энди сиз... аёлмижоз одамсиз-да, бобой,— деди подачи кулиб.— Ҳеч замонда эркак кишиям ўлган жондордан кўрқадими?

— Тил қурғур бесуяк, оғизга келганини алжиманг, иним,— деди жувозкаш оғриниб.— Шу-у, сизга қараб туриб фикр қилсам, Содиқбойни ити сиздан эслироқми, дейман...

— Менгзаманг, бобой!

— Унда сиз ҳам оғизга сал эга бўлинг! Тенгқурингиз эмасман! Кўп олдида буйтиб беҳурмат қилманг.

— Ақлини-ку билмадим-а,— дея гапга аралашди Содиқ ака,— лекин содиқликка содиқ. Расул деган улимизга кўп қаттиқ меҳр қўйган, жонивор. Етар жойини бўлак демасак, иккиси доим бирга. Қачон қарама, етаклашиб юради. Тунов кунни нега молди тагини тозаламадинг, деб улди озгина буровга олувдим, ириллаб тарафини олиб қолса бўладими. Болага қўл кўтарсам, оладиган шашти бор. Кўрқдим уришга.

— Унақа итни баҳридан кечинг, Содиқвой,— деди Эркин пучуқ.— Ҳар мўйи тиллага тенг бўлсаям, кечинг баҳридан. Кўнгил бўшлик қилманг, охири ёмон бўлиши мумкин. Ҳозир мен сизга бир воқеани айтиб берайину хулосасини ўзингиз чиқаринг. Шаҳарда бир нўғай ошна бор. Ҳов бирда, катта улди тўйида ичиб олиб, ажаб бир қилиқлар қилган норғул йигит-чи. Ана ўша. Жўрам итга жуда ишқивоз эди. Бир немис овчаркаси бўлгичи эди. Одамдай эсли, келвати нақ эшакдай келарди. Шу денг, бир кунни ошнам уйига кўпроқ отиб борибди. Узиям кўп ичарди, даюс. Ичиб олиб нуқул қўшиқ айттарди. Уша кунни хотини шўрликнинг кайфи бузуқроқ эканми, ошнамни бир-икки силкибди. Турткилаб-сурткилаб уйга олиб кирмоқчи бўлибди. Жўрам ҳам кўнмабди, хотини қистаб қўймабди. Орада елкасига бир-икки мушт туширибди. Нарёқда кучуги ётган экан, хотин эрига қўл кўтарган ҳамон сакраб туриб, шаппа томоғидан опти. Эганг ўлгур ит кишига аввало меҳр қўйма-син, меҳр қўйдими, қаттиқ қўяди.

— Хотиндан гажир. Хотин нима бўлди?

— Нима бўларди, баллисага етмай узилди. Ошнам итни чивақлаб ташлади. Мана шунақа гаплар.

— Итни дўст деймизу, лекин минг қилсаям, ҳайвон-ҳайвон-да.

— Бунақа экан, ит асраб нимага керак?

— Ие, ҳамма ит бир хил деб ўйлайсанми? Мана, ўзимизнинг кўпаклар, бирор гап бўлса, думини қисиб қочишдан бошқасига ярамайди.

— Лекин Содиқники сара ит...

— Содиқвой, ҳалиги гапингиз чин бўлса, бу итни тезда йўқотинг. Урнига ювошроқ кўпак асранг. Айтиб бўладими, тагин...

— Ҳақ гап...

— Йўқотиб нима қилади,— деди Қарим подачи гапга суқилиб.— Ундан кўра менга берақолсин.

— Тушингизни сувга айтинг,— деди ит эгаси тумшайиб.

— Бекорга ҳаром қотмасин, дейман-да, ука.

— Ким экан ўша ҳаром қотирадиган?

— Хидир хира қўзғоладиган вақт яқинлашяпти.

— Тегиб кўрсин!

— Чиранма. Қўлида қоғози бор унинг. Бет бўламан деб тагин мелисага тушиб юрма.

— Қоғозини оғзига уриб, кетига телиб ҳайдарман.

— Кўрамиз.

— Менга қаранг,— ит эгаси подачига қаттиқ тикилди.— Қоғози бор ўша номард нега сизнинг итингизга тегмайди, а? Ё итингизди шохи борми? Балки ойн бордир? Ё ҳар сафар томоғини мойлаб юборасизми?

— Менинг итим колхоз мулкини кўрийди, нодон.

— Нима, менжи аммамнинг чорбоғини кўрияптими? Кечалари даштдан бери келмайди. Гир айланиб қишлоқни кўрийди. Уч бирдай жондор бунинг исботи. Қоғози бор ўша укагарга бу гапларни айтсак, тушунар, ахир. Қалласи бордир, ҳўл-қуруққа баробар ўт қўймас. Гапинг сирасини айтсам, ҳадигим сиздан. Биладан, анчадан буён тиш қайраб юрибсиз. Тагин уялмай-нетмай менга бер деганингизга ўлайми!

— Сен бола, кў-ўп аччивумни кўзитма!— ғазабдан подачивинг раини бўзариб кетди.— Суриштириб келсак, ўша ахта бўлгир кучугингни бўйнида итимнинг хуни бор. Отиш кам, этини нимталасам, арзийди. Худо насиб этса, бу ишни қиламан ҳам.

Содиқ ака бошмалдоғини бармоқлари орасидан чиқариб, қўлини подачи томон чўзди.

— Мана қиласиз!

Карим подачи қўлидаги пиёлани шахд билан отди. Пиёла токча қиррасига тегиб, синди. Содиқ ака дастурхондаги чинни косалардан бирини қўлига олди. Подачи ирғиб ўрнидан турди.

— Қоч, йўлимни тўсма!— деди орага тушганлардан бирининг кўкрагидан итариб.— Кетаман! Қолсам ёмон бўлади! Мановини тиккалай сўйиб қўйишим мумкин. Қўйвор қўлимни! Қўлимни қўйвор, деяпман!

— Содиқ, сениям ёш бола феълинг бор-а,— деди Қодир тракторчи унинг қўлидан косани тортиб оларкан, биқинига туртиб.— Ахир ит сигир эмас-ку, бунча ичинг куймаса, бериб юбор. Бермасанг, барибир бошини ейди.

Кинояни пайқаб, кимдир кўлди, унга бошқалар қўшилди.

Бу пайтда Карим подачи айвонда тўнғиллаб, этигини қидирарди.

У тўғри фермахонага келди-да, олдиндан тайёрлаб қўйилган бир жуфт чўчқа ўқни милтиққа жойлаб, Оқбўйин тунлари чиқиб улиб ўтиришни хуш кўрадиган тепалик сари юрди. Тепаликнинг қулайроқ жойига пистирма қўйди. Болалар ковлаб ташлаган чуқурлардан бири унга жуда қўл келди. Бошқа вақт аллақандай ит ни деб зах ерда думалаб ётмаган бўларди. Лекин жанжал туфайли анчадан буён дилида тугиб юрган ниятини бу тун қандай бўлмасин амалга оширмаққа қатъий жазм қилди. Буни қарангки, Оқбўйин ҳам кўп куттирмади. Итнинг кўркам келбати тепалик устида, юлдузли осмон қўйнида пайдо бўлганида, Карим подачи эндигина иккинчи ёнбошига ағдарилган эди.

Айтиш керак, у дарҳол милтиққа ёпишмади. Совуқдан увишган бармоқларини оғзига олиб бориб, нафаси билан иситаркан, итга маҳлиё термулиб қолди. Оқбўйин ҳақиқатан ҳам маҳобатли эди. Подачи умри бино бўлиб, ҳали бунақасини кўрмаганди. Шу дамгача зеҳн солмаганини қаранг. Адоватли нигоҳ гўзалликни сезмайди. Подачи ҳам шу дамгача итдаги кўркми пайқаманган, уни бемисл қудрат тимсоли сифатидагина билар, айнан шу хусусиятига ошиқ эди. Айни пайтда подачи руҳида қарама-қарши ҳислар туғён ура бошлади. Отай деса, шундай ит увол. Бунақаси онда-сонда бир дунёга келади. Отмай деса, ичи куйиб ўладиган. У ғайришуурий ҳолатда милтиқни чангаллаб, тепкини босди.

Оқбўйин кутилмаган кучли зарбдан думалаб кетди. Интиқом лаҳзасидан қутуриб кетган Карим подачи ҳаялламай иккинчи тепкини босди. Навбатдаги ўқ шундоққина боши устидан визиллаб ўтиши билан Оқбўйин жон аччиғида қоча бошлади. Ҳовлига етиб келганида баданидаги ўқ ҳали соғуб улгурмаган, оғриқдан ҳам кўра ташналикдан кўпроқ азоб тортмоқда эди. У ариқ четига оёқ қўйиб, юпқа музни панжаси билан уриб синдирди-да, ютақиб сув ича бошлади. Сўнг сувга қониб, кемтик тагига келаркан, силласи қуриб бораётганини ҳис этди. Девор ошишга қурби етмай, гингшиганча дарвоза томон судралди.

Содиқ ака итни эрталаб дарвоза тагидан топти. Оқбўйин чала ўлик ҳолда ётарди. Агар у юлғунзорда шуҳрат қозонмаганида, Содиқ ака икки дунёда ҳам Салом дўхтирга бош уриб бормаган, ўз навбатида Салом дўхтир ҳам уни сидқидилдан муолажа қилмаган бўларди. Суягига зиён етмаган экан, жароҳати тез бита бошлади.

Содиқ ака бу бедодликка бефарқ қарамади. Уша куниеқ суйил кўтариб фермахонага борди. Аммо подачи уни ёзги қўрадан берига ўтқазмади.

— Яна бир қадам боссанг, отаман!— деди милтиқ ўқталиб.— Бу сенга оз! Шошмай тур, ҳали сенга шимилдирик кўрсатиш қанақа бўлишини кўрсатиб қўяман!

\* \* \*

Жароҳати битган сайин Оқбўйиннинг фавқулудда иштаҳаси очила борди. Авваллари овқатга қиё боқмайдиган жонивор энди гўё ўша дамларнинг ҳиссасини чиқармоқчидай, ялоғига тўкилганни кўрдим демасди. Кейинчалик уйда бериладиган овқатдан нафси қонавермагач, у дала-даштга чиқиб ўлакса қидирадиган бўлди. Елдорнинг ўлимидан сўнг бўрилар бу томонларга доримаслиги сабабли даштдан ўлакса деярли аримасди. Фақат қишлоқ итлари аҳён-аҳёнда... Аммо Оқбўйин тезда уларни тартибга солиб қўйди. Қарға-қузғунларни демаса, унинг насибасига шерик бўлишга журъат этадиган жонивор йўқ эди. Бошда Оқбўйин қарға-қузғунлар билан ҳам обдон талашиб кўрди. Эплаёлмади. Бу қанотли махлуқларни бир томондан ҳайдаса, иккинчи томондан ёприларди.

Шу тариқа, Оқбўйин бўриларча яшай бошлади. Бу хил ҳаёт ёқиб қолганидан, энди илгаригидек муттасил

Расулнинг ортидан эргашиб юрмас, эрталаблари болани мактабгача кузатиб борарди-да, кейин тўғри даштга чиқиб кетарди. Даштдан гоҳида жуда кеч қайтади. Аммо Расулдан кўнгли андак безовталанса, ҳаялламай қишлоққа югуради.

Расул копток талашиб уришган куни ҳам шунга ўхшаш воқеа юз берди. Бу пайтда Оқбўйин жарда санғиб юрарди. Кўнгли ўз-ўзидан безовталанавергач, қишлоқ томон чопти. У тепалик устида пайдо бўлганида, Расул болалардан бири билан ёқа бўғишарди. Оқбўйин! — деди биров бақириб. Болалар куюндек елиб келаётган итни кўришлари билан тумтарақай бўлиб кетишди. Майдонда ит билан Расул қолди.

Бугун ҳам у болани мактабгача кузатиб борди-да, муюлишда машина кутиб турган одамлар ёнидан мағрур юриб ўтиб, даштга чиқиб кетди. Икки кундан буён камардаги ҳаром ўлган сийир билан банд эди. Гўшт ҳидини узоқдан сезиб, тамшанганча қадамини тезлатаркан, уч-тўрт ит ўлакساني бамайлихотир хомталаш қилаётганини кўрди. Оқбўйин ғазабдан қутурган кўйи олға интилди. Чангалига тушган итни тилка-пора қилмоқ қасдида елиб бораркан, барибир нафс деган бало устунлик қилди, қочмоққа тушган итларнинг изидан қувлаб юрмай, хўракка ташланди. Нафси бир оз ором олгандан сўнггина олтмиш-етмиш қадам нарида қийшанглаб турган бояги итлардан бири — Қоплонга кўзи тушди. Келдиёр махсум уни эркалаб «қоплон» деб ата-са-да, унда қоплонлик сиёҳи йўқ — ориқ, нимжонгина ит эди. Оқбўйин қараш билан гўё унинг эътиборсизлигидан аразлагандай, у нозли бир қиёфада гингшиди.

Шу чоққача Оқбўйин учун ҳамма ит бир ит эди. Арлонми, урғочими — ғашига текканини аяб ўтирмасди. Ҳозир ҳам у итга нописанд назар ташларкан, унинг кўзларида одатдаги ялтоқликдан ташқари, ўпка, гина, ғамза ва яна алланарсаларни пайқагандай бўлди. Қизиқсиниб у томон юрди. Қоплоннинг нимасидир унга ёқиб қолганди.

Қоплон ҳам қийшанглаб пешвоз юраркан, етиб келгач бошқа итлар каби искашмади, кутилмаганда оёқларини кўтарганча ётиб олди-да, шундай бир қилиқлар қилдики, Оқбўйин дабдурустдан шошиб қолди. Бехос тишлаб озор етказиб қўйишдан чўчигандай ерга узала тушди-да. Қоплоннинг барча хатти-ҳаракатларини диққат ва қизиқиш билан кузата бошлади. Қоплон уни тамомила асир этдим деб ўйлади шекилли, ботиниб-бо-

тинмай лаб-лунжини ялаб-юлқашга тушди. Бошда унинг бу қилиғидан Оқбўйиннинг гаши келиб, ириллаб бермоқчи бўлдию, лекин итнинг қувноқ кўзларида тўла меҳрни кўриб ўзини босди. Уни ўз ҳолига қўйиб берди. Бора-бора бу унга жуда хуш ёқиб, кўзлари ўз-ўзидан юмилиб кетаверди. Қоплон уни бошдан-оёқ ялаб-юлқи-магунча тинчимади. Оқбўйин ўша куни дунёда қорин ғамидан бўлак, англаш ва англатиш қийин бўлган яна нимадир борлигини ҳис этди. Кейинчалик Қоплонга нисбатан бошқа итларнинг эътиборини сезгач, кўнглида рашкка ўхшаш нимадир қўзғалиб, итга меҳри янада ортди. Қоплонни ўзидан бир одим нари жилдирмай қўйди.

Бу воқеа итларнинг айна илиқиш даврига тўғри келганидан Қоплоннинг «хуштор»лари ниҳоятда кўп эди. Бироқ унга шундай бир баҳодир эга чиққан эдики, бошқа итлар Қоплонга яқинлашишни ҳатто тасаввур ҳам қилолмасдилар.

Қоплон билан бўлиб Оқбўйин ҳовлиниям, Расулниям унутди. Ора-сира ўтишини айтмаса, Қоплонга ипсиз боғланиб қолди. Келдиёр махсум уларни ҳовлидан ҳайдамоққа бир-икки уриниб кўрдию, кейин қўл силтаб қўя-қолди. Ҳай, ўйнашнинг кепти, ўйнашавер, эрта-индин ҳовурингдан тушарсан. Ҳозир сенга тегиб бўладими, кўзинг қонга тўлиб турибди...

Аммо бу ҳол Карим подачининг назаридан четда қолмади. У фермахонадаги итини ҳовлисига олиб бориб боғлади-да, пешинга яқин Келдиёр махсумнинг уйига жўнади.

\* \* \*

Келдиёр махсум подачининг таклифини эшитиб, ҳайратдан донг қотди.

— Қўйингиз нимаси?— деди ниҳоят ўзига келиб.— Ана, олиб кетаверинг. Товба, бировга айтсанг, ишонмайди, ҳеч замонда ит ҳам савдо бўлганми?!

Карим подачи ишнинг осон кўчганидан қувониб, Қоплонни фермахонага олиб бориб боғлади. Олдига қотган-қутган нон ташлаб, уйчасига кирди-да, милтиқни ўқлаб, эшик ёнига суяб қўйди.

Оқбўйин бу вақтда ҳовлида эди. Ялоқдаги овқатни пок-покиза тушириб бўлгач, октябрўйда бирпас чўзилиб

ётди. Сўнг энди Қоплоннинг олдига жўнай деб турган-да, дарвозадан Расул кириб келди. Итти кўрган боланинг кўзлари шодликдан чақнаб кетди. Қеласолиб Оқбўйиннинг бўйнидан кучди. Эркалади. Кейин қулоғидан тортқилаб ўпка-гина қилди.

— Ҳа, дайди! Қаерларда санқиб юрибсан? Қорангни кўрсатмай қўйдинг? Ҳозир бир адабингни берайми, а?!

Оқбўйин болани соғинган, юмалаб, сакраб, бир зум ўйнашган бўлди. Кейин дарвозага йўналди.

— Ҳа-а, ҳали яна қочмоқчимисан? Қочиб бўпсан, дайди!

Расул итнинг қулоғидан тутиб, уйчаси томон судради. Оқбўйин буни одатдаги ҳазил деб билиб, унга итоат этди. Қачонки кўзи ерда чуваланиб ётган занжирга тушгачгина боланинг мақсадини англади. Бошини кескин силкиб, қулоғини бўшатди-да, ортига қайрилди. Расул унинг бўйнидан маҳкам кучиб, тутиб қолмоқчи бўлди. Кучи ётмади. Оқбўйин болани ҳеч бир қийинчиликсиз дарвозагача сургаб борди.

Остонага қоқилиб тушган боланинг алами кўзиб, ердан каттакон тош олди, лекин уришга қўли бормади. Тошни маҳкам сиққанича Келдиёр махсумнинг ҳовлиси томон йўртиб кетаётган Оқбўйиннинг ортидан қараб қоларкан, кўзига ёш қуйилди. Сўнг дафъатан, отасининг, илиқиш даврида ит зоти ҳамма нарсани унутади, аммо бу вақтинча, кейин яна эс-ҳуши жойига келади, деган гапи эсига тушиб, хиёл енгил тортди. Ичида Келдиёр махсумнинг итини бошлаб сўқди.

Оқбўйин Келдиёр махсумнинг томорқасига ўтиб, Қоплонни жойидан топмади. Эркалаб чақирिशлари ҳам жавобсиз қолгач, у ҳид олиб изидан тушди. Из уни тўғри фермахонага бошлаб борди. Ёзги қўра четига чўнқайиб турган Қоплонни у узоқдан кўрди. Юраги ҳап-риқиб, қадамини тезлатаркан, фермахона ортидан паншаҳа кўтариб чиққан, Қарим подачига кўзи тушиб, саросимада туриб қолди.

Оқбўйиннинг бу қадар тез пайдо бўлишини кутмаган подачи аввалига шошиб қолди. Сўнг қўлидаги паншаҳани гўнгтепа четига санчиб, уйча томон ошиқди. Ичкарига кириб милтиқни қўлига олди. Тепкисини кўтариб, ортига ўгирилган жойида шошқалоқлиги ўзига эриш туюлиб, мийғида илжайди. Тепкини тушириб, милтиқни деворга суяди. Тимирскиланиб юриб, бир бурчакда ётган эшак тўқимини қидириб топди. Тўқимни

тагига қўйиб, эшик ёнига жойлашиб ўтирди. Эшикни қия очиб милтиқни тиззасига олди. Оралиқдан ёзги қўра бемалол кўзга ташланиб турарди. Қарим подачи бу ишларни ошиқмай бажаракан, Оқбўйиннинг ҳали-вери итга яқин келмаслигини биларди. Қўнглига ҳадик оралаган итнинг жойидан жилиши қийин, шунингдек, минг пўписа қилганинг билан узоқлашиб ҳам кетмайди. Фурсат пойлаб атрофда айланишиб юраверади. Айниқса, милтиқ ўқини татиб кўрган итлар бу борада жуда омилкор бўлишади. Аммо шунга қарамай, манамаман деган итнинг ҳам сабр-бардоши бир-икки соатдан ортигига етмайди. Илиқш таъсири остида улар бора-бора хавф-хатарни унутиб қўяди. Подачининг умиди мана шундан эди. Икки соат эмас, икки кун пойлашга ҳам рози эди у. Яқин келтирмасдан туриб, Оқбўйинни бир ёқлик қилиш жуда қийиндек туюларди. Отиб ўлдирадию, жасадини фермахона ортидаги хандаққа ташлаб, устидан тупроқ тортиб юборади. Қани, эгаси даъво қилиб кўрсин-чи!

Оқбўйин уйчадаги тарадудни сезгандай ҳамон жойида қотиб тураркан, Қоплоннинг нолакор ғингшишидан сўнг, секин-аста олға силжий бошлади. Манзилга юз одимча қолганда, подачининг ўт сочувчи калтагини эслаб, тагин тўхтади. Аламли ғингшиди.

Орадан ярим соатлар чамаси вақт ўтгач, подачи зерика бошлади. Боз устига, ҳали молларнинг ярмига емиш ташланмаган эди. Бир хаёли, бу аҳмоқона ишга қўл силтаб, юмушига уннамоқчи ҳам бўлдию, лекин юраги куйишиб юришини ўйлаб, фикридан қайтди. Тирқишдан мўралаб, масофани чамалади. Оралиқ хийла олис, ўқ етиши қийин эди. У тили тагига нос ташлаб, гарданини қирт-қирт қаширкан, тўсатдан кўзи фермахона деворига суёғлик турган заранг податаёққа тушиб, ўзида йўқ қувониб кетди. Аввалроқ шу нарса хаёлига келмаганидан ичида ўзини боплаб сўкди. Ахир, Оқбўйин шеригининг азобига чидаш беролмайдиган ёвқур табиатли итлар тоифасидан-ку. Бундай пайтда у ўлса ўладики, лекин ҳеч балодан қайтмайди.

Қарим подачи ташқарига чиқди. Бориб таёқни олди. Йўл-йўлакай устидаги пахталигини ечиб ташлаб, Қоплоннинг ёнига борди. Милтиқни симтўр деворга суяб қўйиб, итни калтаклашга киришди. Қоплон ювош ва нозик ит — зарб кучли бўлмаса-да, дунёни бошига кўгариб вангиллай бошлади. Ўзини чор томонга отиб, қу-



тулмоққа уринди. Бироқ тизимча калта, калтак эса узун эди.

Қоплоннинг калтак остида қолганини кўриб, Ғазабдан Оқбўйиннинг эси оғиб қолаёзди. Аммо милтиқдан қаттиқ юрак олдирган, кўнглидаги қўрқув ҳиссини енгигиша қурби етмади. Фингшиди. Фингшиганча ер бағирлаб беихтиёр олдинга силжиди.

Подачи ўзини ҳар ёнга уриб, таёқдан қочишга уринаётган Қоплонни калтаклашда давом этаркан, ора-сера Оқбўйинга кўз қирини ташлаб қўярди. Оқбўйиннинг чумчуқ пойлаган мушук сингари ер бағирлаб ғалати алпозда ҳаракатланаётганини кўриб кулди, уни тез қутуртирмоқ ниятида Қоплонни баттарроқ таёқлай бошлади.

Аммо шу пайт кутилмаган ҳодиса юз берди: калтак жонидан ўтган Қоплон туйқусдан подачига ташланиб, ўнг билагидан ғарчча тишлаб олди. Қарим подачи ихраб юборди-да, ўзини бир одим ортга олди. Тирқираб қон оқаётган билагига разм солиб туриб, тутақиб сўкинди. Кейин таёқни икки қўллаб тутиб, шўрликни чинакамига калтаклашга тушди. Ғазабдан қутуриб кетган подачи Оқбўйинни жуда кеч пайқади. Наърага ўхшаб кетадиган овозни эшитгандан сўнггина ёнига ўгирилди. Угирилдию, шу дақиқани кутган бўлишига қарамай, ўқдек учиб келаётган Оқбўйиннинг вазоҳатини кўриб, дабдурустдан ваҳимага тушиб қолди. Таёқ билан ҳимояланмоқчи бўлган жойида милтиқ эсига тушиб, қуролга ёпишди. Шошганидан милтиқ тепкиси қолиб, қўндоғини пайпаслай бошлади. Ниҳоят, тепкини кўтариб, милтиқни Оқбўйинга тўғрилади. Жуда яқин келиб қолган Оқбўйин айни шу дамда нақ одам бўйи сакраб, яшин тезлигида унга ташланди. Уқи хато кетди. Елкаларига тиг янглиғ ботган тирноқлар зарбидан доғлаб юборди. Жон аччиғида пичоғига ёпишаркан, қайноқ нафас аралаш кўз ўнгида бир лаҳзага ялт этган оппоқ ўткир тишлар томоғига санчилганини ҳис этди. Кўз олди туманлашиб, ҳушини йўқотди...

Оқбўйин рақибини мағлуб этганига ишонч ҳосил қилгач, мурдадан четланди. Тупроққа ётиб тургандай илкис силкинди. Сўнгра бетиним фингшиётган Қоплоннинг ёнига бориб, арқонни қон юққан ўткир тишлари орасига олди.

Фермаҳонага ем олиб келган Тўқли шофёр Қарим подачининг ҳали бутунлай совуб улгурмаган жасадини

учратганида, итлар дала томон кетиб боришарди. Тўқли шофёр мурда юзига белбоғини ёпиб, машинасини қишлоққа бурди.

Эртаси Хидир хира бошлиқ тўрт отлиқ итларни камардан топишди. Оқбўйин қочмади. Орқа оёғини судраб базур одимлаётган Қоплоннинг гирдини айланиб, таҳдидли ириллади.

Зум ўтмай камарни милтиқ овози тутди.

## ХАЗИНА

— Эҳ-ҳ, галварс!

Бу гапни биров эмас, жонидан ортиқ кўрадиган, қишлоққа келишини ҳар гал илҳақ кутадиган ўз тоғаси айтди. Айтгандаям ғазабдан бўғриқиб, еб-ютуб қўйгудек бир важоҳатда айтди. У шу тобда ҳозиргина суюб эркалаган, бир дунё совға-салом ҳадя этган ширинсухан одамга сира-сира ўхшамас — аллақандай бегона, боз устига, қўрқинчли эди.

Саид ер остидан унга мунғайиб қараркан, баҳона ўринсизлигини пайқади. Билмадим-да, деб-ку балога қолди. Энди яна нима десин? Аслида гапнинг рости ҳам шу эди: тангаларнинг тиллалигини у билмади. Қаердан ҳам билсин? Тилла деганлари сўлкавойдан йирикроқ, қизғиш тангалар эканлигини туш кўрибдими? Ялтироқлигию икки томондаги аллақандай тасвирларни демаса, қизиқарли жойи йўқ. Агар тиллалигини билганда... Қайси гўрдан ҳам келиб қолди анови соқолли амаки? Келдию ҳаммасини супуриб-сидириб кетди-қолди. Лоақал топганинг ҳақи деб бир дона қолдиришни лозим кўрмади. Ўлгудек хасис экан. Аслида ҳаммасига Зокир айбдор, дунё топган тентандай, бақириб оламини бузмаганида, ҳозир тилла санаб ўтиришган бўлармиди...

Кимдир ўйинқароқ бўлади, кимдир хаёл сурувчан... Саидга расм чизишу кўҳна қишлоқда тентираб қунни кеч қилиш бўлса бас. У ердаги чолдеворларнинг таги теша билан наридан-бери чўқиланиб, салгина туртилса бўлди, бор бўйи билан гуппа қулайди. Худди уруш киноларигадайдй...

Саид мана шунисига ишқибоз.

Кўҳна қишлоқ кунчиқишда бўлиб, Улоқўйнар жарнинг пастида жойлашган. Бир замонлар олтмиш-етмиш хонадонли обод қишлоқ эди. Ҳозир унинг хароба чолдеворлари қолган, холос. Тунда йўли тушган одамнинг

лабига учуқ тошади. Ундан нарёғи адирлик, қўнғир тус-  
лы қирлар ортида зангори тоғлар сирли мудрайди. Жар  
тепасидан туриб дурбин билан қаралса, тоғдаги арча-  
ларгача бемалол илғаш мумкин.

Ҳар гал янги йил кирадиган кечада ўша томондан  
қорбобо меҳмон бўлиб келади. Қуруқ келмайди, албатта,  
ям-яшил арчаю совға-саломлар билан келади. «Баланд-  
баланд тоғлар ошдим, дарё-сойлар кечдим, байрам би-  
лан қутлагани, болажонлар сиз томон шошдим...» деб  
куйлаб ҳам қўяди. Саид қофияси келишимсиз бу гап-  
ларга чиппа-чин ишонарди. Аммо бу сафар бир воқеа  
сабаб бўлдию қорбобонинг сири очилиб қолди. Саид,  
нияти ерга тушиб кетган ўйинчоқни олиб, арча шохига  
илмоқчи эди. Ўйинчоққа қўл чўзганини билади, нақ те-  
пасида қорбобонинг ўшқиргани эшитилди: «Жойингга  
бор, мишиқи!» Саид ҳайратдан донг қотди. Таниш овоз.  
Ким бўлди экан? Дарвоқе, адабиёт муаллими Садиров  
шу тарзда сўкинмасмиди? Бўёқ чапланган юзидаги чў-  
мичдек бурни ҳам ўхшайди. Бола гарангсиганча сафга  
қайтди. Зокирни секин туртди:

«Ким ўзи бу?»

«Қорбобо».

«Муаллимга ўхшайди-ку».

«Йўқ, қорбобо!»

Шу-шу қорбободан кўнгли қолиб, ўйин-кулгига ҳам  
қўшилмади. Совға-салом улашаётганида диққат билан  
разм солди. Ва бирдан ҳаммасини сезиб, ҳафсаласи пир  
бўлди-қўйди. Садиров хийла ҳориган, овозига ортиқ  
тус бермай қўйган эди: «Бу сенга, мана буниси сенга...»

Саид уйга келасолиб бобосига ҳасрат қилди: «Бобо,  
қорбобо деганларга фирт ёлғон экан. Садиров муаллим  
экан у». Бобо кулди:

«Ҳа, энди... тўғдан арча оптушгандан кейин қорбобо  
бўлади-да, болам».

«Ия, арча оптушган одам қорбобо бўлаверадими?»

«Ҳа-да».

«Унда нега сиз оптушмайсиз?»

«Белда қувват жўқ-да, болам».

«Агар тоғдан арча оптушсам, мен ҳам қорбобо бў-  
ламанми?»

«Ҳа. Аммо бунга ҳозирча кичиклик қиласан».

Бола ҳар сафар узоқдаги тоғларга ҳавас билан бо-  
қаркан, ўзининг кичиклигидан ўксинади. Қани энди,  
тезроқ улғая қолса! Ушанда каттакон арча келтириб,  
ҳаммани қойил қолдирган бўларди.

Боланинг ҳавасини кўзғотиб, ҳар йили апрелнинг ўрталарида юқори синф ўқувчилари муаллимлар бошчилигида тоққа чиқишади. Холбой раисдан минг ялинишу ёлворишлар билан ундирилган юк машина тонг саҳарлаб сигнал беради мактаб ёнидаги сайҳонликда одам қайнайди. Бир кишини ўн киши кузатиб чиққан — нақ сайил дейсиз... Хуллас, ҳамма йиғилгач, география ўқитувчиси Қўчқортоев шусиз ҳам новча бўйини кўз-кўз қилгандек, майдон четидаги тош устига чиқиб, одатдаги маърузасини бошлайди: «Тоғда энг муҳими, кўзга қарашу оёқни авайлаб босиш. Оёқ остидан бехос кўчган тош ортда келаётган бошқа бировни майиб қилиши мумкин. Шунинг-чун...» Унинг узундан-узун нутқи жонкулоқ билан тингланади. Тўсатдан ўртага Қарим дўхтир суқилади: «Домланинг гапи тўғри. Энди қолган гапини мендан эшитинг, — у сигарет бурқситиб, боши билан тоғ томонга ишора қилади. — Ҳозир чўкирининг айни етилган пайти. Айниқса, тошбосдис... Лекин зинҳор-базинҳор тўйиб-тўйиб еманглар. Чўкирининг ози яхши, кўпи оғиздан қорасув келтиради...» Табиий, унинг гапи болаларга зиғирча таъсир этмайди, равочга бир тўймоқни аллақачон дилларига тугиб қўйишган, бунинг устига, Қарим дўхтирнинг ўзи нимаю, сўзи нима, ўзи ким кўрганга ичиш зарар, чекиш зарар дейди-ю, ҳафтада магазин ёнида бир учиб қолмаса ҳисобмас.

Қарим дўхтирнинг гапи чала қолади, болалар гурра машина сари интилишади. Ариқ бўйидаги чимда кимдир дамлаб чиққан чойни майдалаб ўтирган Эркин шофёр ўзининг борлигини эслатади: «Қаёққа?! — дейди амирона оҳангда. — Худди подадай... Олдин қизлар чиқсин. Тўполон қилчмасин! Асабим чатоқ! Тушириб қолдираман!» Унга итоат этмай илож йўқ, ўғил болалар бўшашганча қизларга йўл очишади. «Қани, қўшиқдан бўлсин! — дейди Эркин шофёр кабинага кўтарилаётиб қизларга. — Фақат шўх-шўхидан бўлсин!» Зум ўтмай қизларнинг қўнғироқдай овози қишлоқни тутати.

Саид машина кетидан катта йўлгача чопиб келади. Уртоқлари кўприк ёнида қолишади. Улар шунчаки эрмак учун чопишади. Саид эса... Қани энди, бирор мўъжиза юз берсаю машинага илашиб олса. Аммо мўъжизанинг содир бўлиши қийин. Шунингдек, ялиниш ҳам бефойда, тоғ саёҳати учун камида бешинчи синфда ўқиши лозим. У эса эндигина учинчи синфга ўтган. Шу бонис хуморини дурбин билан босади. Дурбинни деб кун бўйи Тўлаган овчининг пиёзини ўтаб беришдан ҳам

эринмайди. Овчи саришта одам, бир соатдан ортиққа бермайди дурбинни. Саид тузукроқ томоша қилишга улагурмай, овчининг бадқовоқ ўғли — Товқора қўлидан дурбинни олиб кўяди. Шундан сўнг бола эрмак истаб кўҳна қишлоққа энади Эрмакка чолдевор йиқитади. Баъзилари осонгина йиқилади, баъзиларига эса хийла уриниш керак. Икки бор девор тагида қолай деди. Тергайдиган одам йўқ. Кўрганлар кулади: «Ҳа, тилла қидиряпсанми?»

Нафсиламрини айтганда, бу гапда жон бор. Узоқ йили Уроқ чол кўп эмас, оз эмас, нақ ярим килоча тилла тақинчоқлар топиб олди. Лекин тилла деганлари қидирганга топилмас экан шекилли, Уроқ чолдан кейин тўрт-беш одам у ер-бу ерни чўқилаб, чағиртошу сопол бўлақларидан бошқа нарса учратишолмади. Чол бўлса — ток тагига солиш учун кесак олаётган экан.

Албатта, бу воқеаларни бола кўрмаган, эшитган. Бундан ташқари, бобосидан яна кўп нарсаларни эшитган. Унинг айтишича, кўҳна қишлоқнинг учдан бири бадавлат ўтганмиш. Қодирбой, Самандарбой, Чўлибой, Тўрабой... хуллас, саноғи йигирмадан ошади. Инқилобдан кейин улар ҳар томонга тарқалиб кетган: бири қулоқ қилинган, бири гоғ ошиб кетган, яна бири... қисқаси, Олим чиноқ уларга кун бермабди, аканг шўро, деб барчасини қон қақшатган. Боланинг ишонгиси келмайди: «Шу ўзимизнинг қоровул бово-я?!» Бобо жилмаяди: «О-о, жигитлигида кўрсанг эди, бовонгди. Белида наган, тагида Самандарбойнинг тўриғи... Э, нимасини айтай, нафасига ош пишарди, бовонгди. Кўрдинг, ҳалиям милтиқнинг ўқидай, Биров саксон берай демайди».

Саид бобосининг қоқсуяк тиззасига ёпишиб, ҳикоянинг давомини тинглайди.

Уша йиллари қишлоқ юқорисидаги Қирқбулоқ ва Мингбулоқдан сув қочиб, қишлоқ аҳли қўйига энибди. Биринчи бўлиб, Уроқ чол. Тирикчилиги пахтадан экан, дарё бўйидаги тўдайзорга ўт қўйибди, ер очибди. Одамлар ҳайрон, дарё суви уч газ пастда, сувни қандай оларкин? Уроқ чол ҳафта йўқ бўлиб кетиб, бир арава ёғочтахта билан қайтибди. Ерга алланималарни чизибди-да, шунга қараб катта чархпалак ясабди. Кўплашиб уни дарё бўйига ўрнатибди. Чархпалак деганлари хўп яхши нарса экан, сувни беминнат чиқаравераркан. Шундан кейин Уроқ чол аввал қапа тикибди, сўнг уй қурибди. Бийдек даштда элғиз кулба. Қишлоқ нами шундан қолган — Янкатом. Кейинчалик бирин-сирин бошқалар

кўчиб ўтибди. Кўҳна қишлоқдан эса, эски чолдевору афсонавий хазиналаргина қолибди. Бироқ бобоси хазинага унча ишонмайди: «Бекор гап, — дейди қўл силтаб. — Эски бойлар тиллага ружу қўйишмаган, чорвага ўч бўлишган улар. Биргина Самандарбойнинг ўзида ушоқ молдан минг бош эди. Қолганлариники ҳам ундан кам эмасди. Тағин ким билади дейсан. Ҳарқалай, илгарининг одамлари тилла демасди. Аммо-лекин чорванинг пири эди улар. Ҳозирги одамларга ҳайрон қоласан киши, қўй дея қўра ўгиради, қўй боқишни билмайди, мол дея оғил қуради, молнинг маънисига етмайди. Билсанг, бўтам, қўй боқишнинг ўз йўриги бор, яъниким қўйни оёғи боқади. Журиб ҳоримасанг, бўлди, қўй жонивор ўз емишини ўзи топади. Дашт тикони жемдан афзал. Афзаллиги шундаки, қўй уни танлаб жейди, суйиб жейди. Кейин қарабсанки, уй ойда тип-тикка бўлиб турибди. Билмаган одам ярим жил боқувда жотган деб ўйлайди. Ий-й, эринмаган одамга қўй бир хазина. Ҳозиргиларга «хазна» десанг, қўй қолиб, Кўҳна қишлоқни тушунади, Самандарбойнинг кўммасини излайди».

Ривоятларга кўра, ўша алров-далғов йиллари Самандарбой топган-тутганини тиллага айлантирибди-да, одам топмас ерга кўмибди. Олим чиноқ қанча қисдибастига олмасин, тиш ёрмабди, худо насиб этиб, соғомон қайтсам, ялоғингни тилладан ясаб, итимни қаватига боғлаб қўяман сени, деганмиш.

Аммо бобо буни рад этади: «Ўтирик<sup>1</sup>, — дейди. — Тилланинг дарагини эшитса, Олим чиноқ қараб ўтирармиди. Терисига сомон тиқиб бўса-да, топтирарди. Топмай қўймасди. Олим чиноқ дейдилар уни. Жигитлигида кўп ярамас эди, баччағар. Этида озгина жири борди олата-сир қулоқ қиларди. Молини-ку олдинг, жони билан нима ишинг бор, дейдиган мард жўқ. Финг десанг, варангла-тиб овзингдан огадиган шашти бор, энағарди... Гапирарга журак човадимми? Бир майдон менгаям жовушиб кўрган. Гуноҳим ўн-ўн беш қўйим... Мана бўмасам деб бир кеча ҳаммасини гум қилдим. Шундан сўгин қулоғим тинчиди. Шўйтиб бу бовонгди савобидан гуноғи кўп. Упкалиги бор да, салла деб каллани чалиб кета-берган. Аммо-лекин ўшанда кетмонминам човиб ташлай дедим-у, тағин шайтонга ҳай бердим. Момонгди кўзим қиймади. Янги уйланганман, чимилдиқда чириллаб

<sup>1</sup> Утирик — ёлғон.

комасин дедим. Лекин Чўлибойдинг кичкина аёли — Майрам қовчин ўчимди оберган. Уроқминам бошига ураман деб, қулоғини учириб жуборган. Қайси Майрам дейсанми? Элдор қийшиқди энаси-да. Ҳи, сувди бўйидагиси. Кампир шу қочанча қочиб, бу томонларга уруш олди қайтган. Элдор қийшиқ иккинчи эридан. Кампир Чўлибойдинг суюкли хотини эди. Бой бу аёлига яхши қарашарди. Узиям сал пал савдогарнамо феъли бориди, бу ёғи Самарқанд, у ёғи Бухоро қатнаб, аёлига жўқ жердаги тилла тақинчоқларни опкеб берарди. Олим чипоқ ана шу тақинчоқларга кўз олайтирган. Тақинчоққа чанг солган киши бўлиб, аёлди кўксига қўл жуборган. Майрам қовчин саҳро боласи эмасми, ори кўзиб, ўроқминам сояқолган. Агар тилла қоган бўлса, шу Чўлибойдан қоган. Бешкаларди тилла-пиллага унча ҳуши жўқ эди. Ҳозир... кимди қўлига қарама — жилт-жилт, овзига қарама — жилт-жилт...»

Бобосининг куйганича бор. Қайсидир йили Сайқал кампир ўзига тилла тиш қўйдирдию бу нарса тезда қишлоққа расм бўлди. Ҳоли етган-етмаган ундан андоза олишга тиришади. Кампирни эса қўяверасиз, бурун бировга тишини оқини кўрсатмайдиган одам, энди ҳудабехуда овзини кагга очиб илжаядиган одат чиқарган. Тўй-ҳайшамаларда бир тилла тишларини мақтаса, бир тиш дўхтирини аяқайди.

Аммо ҳикоянинг бугунги кунга алоқадор томони болани қизиқтирмайди, қўли бўш қолди дегунча кўҳна қишлоқни титкилайди.

Бугун у Зокирни бошлаб чиқди. Аввалига ўтган йилги қуруқ хас-хашакларни йиғиб, катта гулхан ёқишди. Ут устида ирғишлаб, роса «ажина ўйин» қилишди. Сўнгра йўл бўйидаги баланд чолдевор билан андармоз бўлишди. Қалин пахса тағи осон кўча қолмади. Хийла уринишу тер тўкишдан кейингина қимирлай бошлади.

— Қоч! — деди Саид ҳаяжони ичига сиғмай. — Ҳозир йиқилади! Ура-а!

Омонат турган девор енгил турткидан гурсиллаб қулади.

Саид гулна кўтарилган чангдан қочаётиб, Зокирнинг тўсатдан қичқириб юбсганини эшитди. Чаён чақди деб ўйлади. Угирилиб қаради. Зокир мук тушганча кесаклар орасидан нимадир термоқчи эди. Қизиқсиниб яқинроқ борди. Кўзларига ишонмади. Кесаклар орасида сопол бўлаклари, олам-жаҳон йирик-йирик қизғиш тангалар сочилиб ётарди. Ялтироқ нарсага ўлгудек ўч Зо-



кир, ҳаяжонини босолмай, иккинчи бор қичқириб юборди. Овозида ҳайратдан ташқари, қизганиш оҳанги ҳам бор эди. Саид қўлидаги тешани улоқтириб, унинг қаватига чўккалади

Тангалар билан бўлиб, тепасига келиб қолган соқолли амакини у кеч пайқади. Қачонки, йўғон, жундор бармоқлар қўлидаги танга тўла дўппига чўзилгандагина кўрди уни. Амаки тангалардан бирини бақувват тишлари орасига олди. Болалар унинг қилиғидан бир муддат анграйиб туришди-да, сўнг биттадан тангани оғизларига олиб боришди. Бирор маза туйишмади.

Бу орада амаки ажиб бир шошқалоқлик билан теваракка аланг-жалаңг қаранди-да, тезгина белидан белбоғини ечиб, ерга ёзди. Дўппидаги тангаларни унга ағдарди. Воқеани фаҳмлаган Зокир қочмоқни мўлжал қилиб турган эди, амаки шундай бир ўқрайдики, бечора кўрққанидан дўпписини қўшқўллаб узатганини билмай қолди. Амаки белбоғни маҳкам тугиб, қўлтиғига қистираркан, чўккалаб кесаклар орасини яна бир сидратиткилаб чиқди. Кейин йўлга сочилган кесакларга тумшуқ тираб турган сариқ «Жигули» томон юрди. У жўнаб кетиши билан Зокир чўнтагидан уч-тўрт танга чиқарди. Саидга кўз-кўз қилди. Бундан Саиднинг алами келди, бирини менга бер, дея қўлини чўзди. Бунга жавобан Зокир тилини кўрсатди. Боланинг жаҳли кўзиди.

Улар болалар гўп ўйнашаётган сайҳонликка қадар қувлашиб келдилар. Саид болалар ёнида қолди, Зокир уйига кетди.

Уйин билан андармон бўлиб, Саид тангаларни бутунлай унутиб юборди. Тушдан сўнг эран-қаран уйига қайтаркан, дарвоза олдида ғазабли қиёфадаги энасини учратди. Беихтиёр кундалик юмушларини хаёлидан кечирди: ўт юлуб келинган, ҳовузга сув тўлдирилган, молхона супуриб сидирилган... яна нимани унутди экан? Дарвоқе, тутзор бўйида қантариқли эшаги жилдирувсиз қолибди-ку. Қизиқ, энаси буни қаердан била қолди экан? Уйлаб уйига етгунча бўлмай, қулоғи тагига тасакли тушиб қолди. Бола кўрқувдан эмас, ҳайратдан донг қотди. Негаки, энаси қанчалик қаҳрланмасин, қойишу хивич ўқталишдан нарига ўтмасди. Бу нимаси? Не гуноҳ қилибдики, бу қадар ғазабга минса?

Энаси яна урмоққа чоғланаётганини кўриб, бола кетига тисланди.

— Нимага урасиз?! Нима қилдим мен сизга?!— деди жаҳли чиқиб.

— Уриш ҳам гапми, ўлдираман сени!— деди энаси кўзлари ёниб. — Тилла топган экансан, анграймай, уйга чопмайсанми, жувонмарг! Рўзихол читтакнинг чигитдек боласи тўрттасини эплаганда, сен биттасиниям эвини қилолмадингми, ергина тортгур!

— Билмадим-да!

Бу гапдан онанинг ғазаби баттар алангаланди. Агар шу тобда катта кўча бошидан таниш машина сигнали эшитилмаганида, ким билади, бу аланга оташида бола куйиб кул бўлармиди. Ҳайтовур, сигнал ўз вақтида чалинди, гўё қўшсурнай, ноласи қулоқни тешади. Бунақаси фақат тоғасининг машинасида бор ва буни таъкидламоқчидай, ҳар сафар қишлоққа қайтганида, узоқдан сигнал бериб келади. Она сергак тортди, ҳамлага кўгарилган қўли ҳавода муаллақ қолди. Бу орада сигнал иккинчи бор қайтарилди. У кенг-мўл кўйлаги этағини ҳаллилатганча меҳмонга пешвоз юрди.

Машина келиб гўхтаганда Саид қувонишини ҳам, хафа бўлишини ҳам билмай паришон турарди. Тоға ўзи томон имлагачгина ҳушёр тортди. Йиғлаб юборишдан базўр тийилиб, у томон юрди.

— Ия, сени ким хафа қилди?— Тоға уни бағрига тортиб, қўлига тизимча билан боғланган чоғроққина картон қуги тутқазди. — Қара, сенга нималар олиб келдим.

Меҳмон ҳурмати, онанинг бир зумга пасайган жаҳли қайтадан жунбушга келди. Лаби лабига тегмай кўҳна қишлоқ воқеасини жаврай кетди.

Бола энди бу ёғидан хотиржам эди. Нимага деганда, ҳар неки балога тоға кўндаланг, бировга хафа қилдириб қўймайди. Аввалига жилмаяди, сўнг кескин қўл силтайди, қўйинг, ҳадеб обидийда қилаверманг, дейди. Шундан сўнг энасининг чакағи ўчади.

У кутгандек, бу сафар ҳам тоға онанинг гапларини, одатдагидек, ним табассум ила лоқайд тинглади. Тинглаб турган жойида бирдан туси ўзгариб кетди:

— Эҳ-ҳ, галварс!

У Зокирни дарвозаси ёнида топди.

Жўрасининг кайфияти бузуқ, укаси ўтирган арава-чани нари-бери сурлаб юрарди.

Саид бир иш чиқишига унчалик ишонмаса-да, унга умидвор тикилди.

— Жо-он, жўра-жон, ҳалиги тангалардан биттасини менга бер, — деди.

Зокир унга хушламайгина қараб қўйиб, секин чўнтагига қўл юборди. Бунни кўриб, бола кўзларига ишонмади, азбаройи қувонганидан товоиларигача жимирлаб кетди. Мана энди энасининг чакаги ўчадиган бўлди. Еся онаси койина туриб, тоғасига арз қилди: «Ҳеч бўлмаганда биттагинасини липпасига яшириб қолмайдими? Ўзимга иккитагина тиш қўйдириб олардим-а». Шу галдан сўнг Саид бу ёққа югурган, ялиниб бўлса-да, тангалардан бирини қўлга киритмоқчи эди. Назарида, тангани олиб бориши билан уйдан дилсиёҳлик арийдигандек эди.

Ҳозир ўртоғининг кутилмаганда осон кўнганидан меҳри ийиб, уни қандай хурсанд этмоқни ўйларкан, бирдан йиғма брезент курсига орзуманд эканини эслади. Эвазига курсини сўраб қолса-я, деган ўй ўтди хаёлидан. Айни дамда, агар шу ҳол юз берса, нима қиларини билмасди. Негаки курси тоғасиники. Анчадан бери омбортомда чанг босиб ётибди. У ерда курсидан ташқари мольберт, турли-туман картиналар, мўйқаламу бўёқлар бор. Тоғаси яқин йилларгача дала-даштга, дарё бўйига чиқиб расм чизарди. Кейин нима бўлди-ю бу юмушни йиғиштириб қўйди. Бир гал Зокир курсига ёпишиб олди: кинопанел экан, кел, фонарга алмаштирамиз. Саид бош чайқади, йўқ, тоғам бунда ўтириб расм чизади, эшитса, хафа бўлади. Хуллас, магазин ёнидаги ялангликка кўчма кино келган кунлари ялаң ерда ўтириб кино кўрса кўрадики, лекин курсига қўл тегизмайди, тоғасининг буюмларини бекаму кўст асрамоққа ҳаракат қилади. Қолаверса бобоси васият қилган. «Ховли-жой, мол-ҳол... бари Ўвратники. От айланиб қозигини топар... бир кун қайтиб келар, умр бўйи шаҳарда қолиб кетмас...»

Курсини бериш-бермасликни ўйлаб турган жойида туйқусдан омбортом бурчагига бекитиб қўйилган расм эсига тушиб, Саид ўзида йўқ қувониб кетди. Уни бир ой бурун тугаллаб, тоғасининг келишига асраб қўйган. Ҳали хаёлига келмаганини қаранг. Уни кўрса, тоғаси албатта, жаҳлдан тушган, одатдагидек, о-о, сен зўр талант, дея мақтаган бўларди. Нега илгарироқ эсига келмади-я? Ахир тоғасидек одам уддалаёлмаган ишни қойил қилиб қўйди-ку...

Айни кўклам кезлари эди. Шивалаб ёғиб ўтган ёмғирдан сўнг ҳавода тупроқ ва ўт-ўланлар ҳиди анқирди. Ҳовлида ғимирсиб юрган тоға қўлларини бир оёқ чўзганча тўсатдан ҳайқириб қолди: «Ой-й, бунинг чи-

ройлилигини!» Чоғроққили аравани суриб, ўйнаб юрган Саид тоғаси тикилиб турган томонга боқди, ҳеч балони англамади. Ёнғоқда кўз кўрмаган бирор қуш-пуш қўниб тургандир-да, деган ўйда дарахт шохларига бир сира кўз югуртириб чиқди. «Ажойиб манзара!» Тоға шундай дея бир одим олға босди-да, яна жойида қотди. Бола шундагина унинг алвонранг уфққа маҳлиё бўлиб қолганини фаҳмлади. Ўзи тез-тез кўриб турадиган одатий бу манзарага бу сафар айрича эътибор билан разм солди. Шафақ ҳақиқатда гўзал, ҳатто кўкдаги сочиқ булутларга ҳам қирмизи ранг инган эди. «Қани энди буни чиза билсанг,— деди тоға бу сафар алланечук надоматли оҳангда. — Йў-ўқ, тасвир этмоқ қийин бунин!» Ушанда бу иш Саидга жуда осон туюлди. Нимаси қийин? Оппоқ қоғоз юзига қирмизи рангни қуюқ берсанг бўлди-да. У шундай қилди ҳам. Аммо манзара чиқмади, оппоқ қоғоз қирмизи ранг олди, холос. Шафақ ранги чексиз, тиниқ, фусункор, нозик... У бисотидаги бор бўёгини ишлатиб кўрди. Барибир тасвирдаги совуқлик йўқолмади, этни жунжиктирувчи нимадир уфириб турарди ундан. Шафақ ранги эса, ўзгача, беихтиёр қанот ёзиб бағрига сингиб кетгинг келади. Саид ранглардаги тафовутни англаёлмай бир ойча боши қотиб юрди, торгина хонаси чала чизгиларга тўлиб кетди. Охири бўлмади, расм дарси пайтида ўқитувчисига дил ёрди: «Малим, сиз... сиз шафақни чизаоласизми?» Уқитувчи журнал тўлдираётганди, норози чимирилиб, стол устига бўш стаканни тақ этиб қўйди: «Сен аввал буни чиз!»

Саид саволи жавобсиз қолганидан сўнг ҳам тинчи-мади. Куйманиб юриб, секин-аста бўёқлардан ранг ясашни ўрганди. Ва ниҳоят бир куни шафақ рангини топгандай бўлди. Айнан ўхшамаса-да, рангдан илгариги совуқлик ариган, кишини мафтун этувчи нимадир бор эди унда.

Шунча оврагарчилик тоғаси учун, тўғрироғи, унинг бир оғиз ширин гапи учун эди. Ҳозир боради-да, расмни тоғасига кўрсатади, нималарга қодирлигини бир кўриб қўйсин у. Курсини Зокирга беради, тилла тангани эса энасига, қисқаси, ҳаммаси жойида бўлади.

Саид, курси сеники, журажон, демоққа лаб жуфтлаган ҳам эдики Зокир чўнтагидан конфет чиқарди.

— Тиллалар отамда, — деди оғзига конфет солиб, — Нега кўпроқ олмадинг деб, тоза уришди. Айтгандай, энанг терингни шиламан деб юрувди, кўрдими?..

Бола уйга хомуш қайтди.

Тоға супа четида ерга тикилганча сигарет тутатиб ўтирган экан, уни кўриб, бери кел, дея ёнига имлади. Шунда Саид, ҳозир, дея омбортомга чопди. Бекитиб қўйган жойидан расми олиб, гурурли бир қиёфада тоғасига яқинлашди. Худди шундай вазиятда унинг юзидаги шилдироқ қоғозни олди. Аммо у кутганча бўлмади — тоға на қувонди, на мақтади, расмга анчайин бир қараб қўйди-да, сўради:

— Машина номерини эслаб қолганмисан?

Бола гуноҳкорона бош эгди.

Тоғанинг афти баттар тундлашди. Наридоги лўла-болишга муштики тираб, унга ёвқараш қилди.

— Ландавур!

Ошхона тарафдан энасининг овози эшитилди.

— Нусратилла, сув бўйига борасанми? У-бу нарса туғиб берайми?

— Йўқ.

Бу гапдан бола ҳаят ажабланди. Негаки, тоға азал-азалдан уйда қўним топиб ўтирадиган одам эмас, айниса, саратон кезлари қишлоққа келди дегунча бир шиёла чойни наридан бери ичади-да, тўқайзорга ошиқади. Кунини ўша ерда ўтказди.

Тўқайзор — икки дарё туташган тик жарлик ўртасидаги кенг майдон. Дарё бу ерда хийла сокин оқади. Қирроқ бўйи қалли ажриқзор — худди атай тўшалгандай, юмалаб-юмалаб ўйнагинг, чўзилиб ётгинг келади. Ундан нарёги жар тубигача ирғай, тўронғи, супурғи сингари бута ва дарахтлардан иборат қалин чакалакзор, яъни унча-бунча сдам дориёлмайдиган овлоқ жой.

Тоға машинасини жар тепасидаги якка қайрағоч остида қолдириб, тор сўқмоқдан пастга энади. Аввал қармоқни сувга ташлайди, сўнг шошилмай ечинади. Чим босиб, қирроқ бўйлаб бир муддат сайр қилган бўлади. Кейин ерга ташланган тўшамчада чордона қуриб, каттакон сумкани олдига тортади, қани, онанг нималар солибди, дея ундаги нарсаларни дастурхонга таради-да, завқ билан кафтларини бир-бирига ишқайди: «Эрон шоҳидан қаеримиз кам, а?» Чойгум тагига ўт қалаётган Саид гоҳ дастурхондаги егуликларга, гоҳ тоғасига қараб, ўзи кўрмаган, билмаган эрон шоҳини тасаввур қилишга ҳаракат қилади. Ҳарчанд уринса-да, қайсидир китобда кўрган, тўкин дастурхон бошида гумбаздай бўлиб ўтирганча, лунжига овқат тикиштираётган кўсанамо кимсадан ўзгасини кўз олдига келтиролмайди, шоҳ дегани шу бўлса керак-да.

Тоға гўё унинг фикрини уққандай шўхчан кўз қисади. Кулади. Кулиб туриб аввалдан сувга ташлаб қўйилган шишани қўлига олади. Пиёлани яримлатиб қуяди. Тишлари орасидан узоқ симиради. Сўнг қўлига пичоқни олиб, картошка, пиёз тозалайди. Орада яна бир ичади. Бодринг газак қилади. Ишлаб туриб теварак-атрофга суқли назар ташлайди. Учинчи пиёладан сўнг туйқусдан оламни қучгандек бир важоҳатда қулочини кенг ёзади: «Оҳ-ҳ, нақадар ажойиб! Ҳар қандай курорти бу ердан ўтаверсин!..» Тоғанинг завқли хитоблари тўртинчи пиёлагача давом этади ва шундан сўнг у қозонга унайди.

Тоғанинг завқланганича бор. Тўқайзор ўзига хос бир олам: кишилар назаридан четда бўлгани учунми, нақ ўрмон тусини олган, сайр этмоқни ихтиёр этган киши ўзини бамисоли Африка ўрмонларида ҳис қилмоғи тайин. Ҳатто еру кўкка аёвсиз оташ пуркаётган қуёш тафти ҳам, сув эпкиниданми, сезиларли даражада пасайгандек туюлади. Дашт бўриларида бўлак барча жониворлар бу ерни макон тутишган, шовқинламай тинчгина ўтирган одам сувга энган тулқиниям, қуёниям, шунингдек, одамларни тарк этган ёввойи мушукниям кўриши мумкин. Турли томонга чўзилиб кетган энсиз сўқмоқлар ўта сирли... ичкарироқ киришга юрак бетламайди. Эҳтиётсизлик қилсангиз, шохларга чирмашиб ётган илонларга дуч келишингиз ҳеч гапмас. Икки йилча бурун Эрмат ҳисобчини илон чақиб ўлдирдию одамларда тўқайзорга нисбатан кучли адоват уйғонди. Ут қўймоққа аҳд қилдилар. Аммо тўқайзор четида дўмпайган Бойқобил командирнинг қабри туфайли бу ишга бирор кимса журъат этолмади.

«Лекин... — дейди тоға андуҳли оҳангда, тутган балиқларини бирма-бир қозонга соларкан, — бизнинг одамлар жоннинг қадрини билишмайди. Билганиям пул сарфлаб аллақаерларда санқиб юришади. Уша пулга йўқ деганда учта семиз қўй келади. Бирини сўйиб, бир ҳафта шу ерда қорин қашиб ётмайдами. Сочи-почи деб юрмай. Отанг эса шуниям қилмайди. Саксовулга ўхшаб буришиб-тиришиб юргани-юрган. Кеча айтсам, кулади, рўзгорни кимга ташлаб кетамиз деб...»

Бола отаси тўғрисидаги гапларни ёқтирмайди. Отасини ҳимоя қилмоққа оғиз жуфтлади-ю, лекин ботинолмайди. Аламини ўчоқдаги ўтдан олади — қўлидаги косов билан титиб ташлайди. Тутаётган чалаларни қай-

та қалай туриб, тарин ўзини овутади: «Отамнинг иши кўпلىгини билмайди-да, билса бундай демасди». Ҳақиқатдан отаси ишга туғилган: кундузлари далада, эрта ва оқшомлари томорқаю мол-ҳолдан бўшамайди. Боз устига, бобосининг вафотидан кейин томорқа янада кенгайган. Уртадаги девор номига — емирилавериб тизза бўйи қолган. Чолнинг моллари бу ҳовлига ўтган. Тоға ҳар қайтганда, отаси бобосининг васиятларини қулоғига қуяди: «Нусратиллавоё, энди кеп жойга эгалик қилинг. Узоқдинг бурдойидан жақиннинг сомони яхши деганлар. Етар шунча... дайдиганингиз». Тоға тугал бир гап айтмайди. Алқайди: «Худо сизга қувват берсин, почча! Сиз борки, мана биз эмин-эркин юрибмиз. Ҳозирча насибамиз ўша ёқларга сочилган экан... Энди...» Отанинг кўзларига нам энгандай бўлади, ҳа, қўлимиздан келганча, дейди овози бўғилиброқ. Бу гапдан сўнг тоға унга синовчан тикилиб дейди: «Қўйнидан тўкилса, қўнжига деганлар, шу ҳовли-жойдан кечдим, мол-ҳолдан ҳам, почча. Бари Саидга... Саидники ҳаммаси!» Ота бир муддат эсанкирагандай бўлиб туради-да, сўнг ошиқиброқ эътироз билдиради: «Эби, эби, ундай деманг! Бундайчикин гап билан оғизди булғаманг, уят бўлади! Омонатга хиёнат қилмоқлик гуноҳдир! Одамди кофирликка ундаманг! Чолнинг арвоҳи чирқиллайди. Қўлимда жон бераётиб, васият қилган... Гуноҳга ботирманг мени! Саидвойдан эса злагда бўлманг, топганим шуники...» «Мол эгаси менми? — дейди тоға бўш келмаган бўлиб. — Кимга нима инъом этишга ҳақим борми? Шундай бўлгач, мен рози — худо рози. Ана ҳаммасини Саидга бердим. Олинг». Ота — содда, тоғанинг кўзларида жилваланган қув табассумни илғамайди, қайсидир маънода эрмак бўлаётганини пайқамайди. Утирган жойида оғир тебраниб, ўта жиддий оҳангда таъкидлайди: «Аввал сиз васиятни бажаринг. Бундай каттазанг бўлманг! Мулкингиз ўзингизга буюрсин». «Ҳеч бўлмаса, қаров ҳақиға ярмлини олинг». «Ушоғини ҳам олмайман». «Беминнат қарайверасизми?» «Нега қарамай? Тилсиз жониворда не гуноҳ. Молимди ичида юрибди-да.» «Унда ҳовли...» «Опангиз бир этак бола туғиб берибдимики, ҳовлини ташвишини қилсам. — Ота чегарадан ҳатлаганини пайқаб, дарҳол хаспўшлашга тиришади. — Узр, тил қурғур бесуяк. Агар ўнта улим қатор тургандаям чолнинг бир гиштига тегмасдим. Нима деяпсиз мени?!» Тоға унга ҳизиқиш ва эҳтиром билан тикилади: «Бир парча ерни деб ажа уканинг бошини ёраётган бир замонда...

сизнинг гапларингиз хўб ғалати эшитиларкан, почча». «Билмадим, оға-иним билан жиққа-мушт бўлган одам эмасман. Ҳар банданинг ўзига инсоф берсин. Бировга қараб тўн бичманг. Бичиғи қийшиқ чиқиб, ўзингиз уялиб қоласиз». «Мана шу феълингизга борман-да, почча!— Тоғанинг овози товланиб кетади.— Рост, акам йўқ деб ўқинмасам ҳам бўлади. Тўғриси, ҳар қандай аканинг ҳам қўлидан келавермайди бу иш. Сизни ҳурмат қиламан, почча!» «Бизам сизди иззат қиламиз, Нусратвой!» «Қам бўлманг. — Тоға унинг букилиши қийин бўлган ўнг оёғига боқаркан, юзига ошкора ачиниш ифодаси қалқийди. — Почча, сизам, бизди гапди олинг. Оёқди қаратинг. Истасангиз, шаҳардаги энг зўр дўхтирларга кўрсатишим мумкин. Сиз бир оғиз хўп десангиз бўлди». «Вақт келар, кўрсатармиз ҳам». «Қачондан бери шу гап.— Тоғанинг жаҳли қўзийди.— Ўзингизга бунча безътибор бўлманг, э, почча!» «Ий-й, балнисида ётишди ўзи бўладими, юрак тарс ёрилиб кетай дейди». «Туришингизни кўрган одамнинг юрагига ваҳима. инади-ю, топган гапингизди қаранг!» «Оёқ оврувдан биров ўлмаган. Ҳов бирда опкелган сассиқ дорингиздан товуб берсангиз бўлди, бир амаллаб ўзим тузатиб оларман. Синадим, фойдаси катта экан...» «Дори суркаб сув кечиш билан оёқ тузалармикан...»

Уй бекаси келиб аралашмагунча уларнинг суҳбати мана шу тарзда давом этаверади. Эшиқдан аёл кишининг шарпаси чалиниши билан улар гапни бошқа ёққа буришади. Акс ҳолда...

Айниқса, ўтган гал жуда ёмон бўлган. Энаси одатдаги дийдиёсини хунук бир ҳолатда бошлаган, яъниким, хотин деб узоқ юртларда улоқиб юрибсан, деган. Тоға ёмон тўлганган, поччаси ҳурмати ўзини босишга уринса-да, оғзидан у-бу сўзлар чиқиб кетган. «Олди-ортим тўла оға-иним бормидики, сени буйтиб юришингга бифарқ қарасам,— деган охири опаси кўзига ёш олиб. — Жигаримсан, қошимда юришингни истайманда. Ҳали бир кун уйингга оёғим етсин, ўша қилпиллама жодугарни бир адабини бермасам. Хотин деган эрнинг измида юриши лозим. Эр қаерда — хотин шу ерда. Сен эса унинг қош-қовоғига қараб яшайсан». «Қараганимни қачон кўрувдингиз»,— дейди тоға бир оз юмшаб. «Кўрганман».

Тоға сир бермасада, узук-юлуқ гап-сўзларга қараганда, эр-хотин ўртасидан ола мушук ўтган. Шу бонси-ми, тоға кейинги пайтларда аёлини олиб келмайди. Бу



эса опасининг аламини баттар қўзғайди: «Ҳеч бўлмаса одамлардан уялсанг-чи, — дейди.— Қуруқ ўзинг сўппайиб келаверасанми? Бу туришда одамди шарманда қип ўлдирасан-ку».

Тоға индамайди, ички изтироби юзага қалқиб, юзи шиддатли бир тус олади. Бармоқларини мушт қилиб, тиззасига ургудек бир ҳаракатлар қилади. Лекин ичидагини сиртига чиқармайди. Юрагини гоҳида Холбой раисга очади. Гоҳида дейишга сабаб шуки, уларнинг суҳбати ҳар доим ҳам силлиқ кўчавермайди. Айниқса, тоға мольбертсиз юрганидан бери Холбой раиснинг кесатиқлари кучайган, вақт-бевақт аёвсиз чақиб олади. Шу боис Саид Холбой раисни ёқтирмайди. Унинг ташрифидан юраги безиллаб туради. Лекин Холбой раис келаверади. Бунгача тоға шўрвага учинчи қайта балиқ ташлаган бўлади. Бола балиқ шўрвани жини севмайди, тоғасининг кўнгли учунгина тотинган бўлади.

Холбой раис келганда тоға бўйнигача сувга кўмилиб ўтирган ё бута соясида қорин қашлаб ётган бўлади. Тоға уни илтифотсиз қаршилайди, аммо қувонганидан кўзлари чақнаб кетади. Борини дастурхонга тўкади. Холбой раис ҳам қуруқ келмайди. Бир зумга келдим дея, хийла ўтириб қолади. Аввалига ширингина суҳбат қуришади. Кейин баҳсу мунозарага киришишади.

Бундай кезларда бола тўқайзор оралайди ёхуд қумлоқда ҳаммопиш ўйнайди. Гоҳида типратикан топиб, унинг қўрқоқлигидан ҳайрону лол қолиб, бошида ўтиради. Ҳаммаси жонига теккач, тоғаси кўрсатган жойда чўмилади. Холбой раис кетмагунча уларнинг ёнига бормасликка ҳаракат қилади.

Аммо мунозара узоққа чўзилмай, тоғасининг ғазабли хитоби эшитилади. «Кет, — дейди тоға, — оромимни бузиб, миямни тирнама, сафсатавгани эшитгани эмас, дам олгани келганман бу ерга, йўқол кўзимдан», — деб бақиради. Холбой раис кетади. Аммо эртаси яна келади. Чеҳрасида хокисор табассум, қўлида атагани. «Э, одам бўмай ўл сен, — дейди илжайиб. — Кеча жўрам қандай дам оляптикан, деб хабар олгани келсам, итдай қопиб бердинг-а. Сирканг сув кўтармайдиган бўп қопти ўзи». Одатдагидек, ортиқча мулозамотсиз осонгина ярашишади. Аммо бу тотувлик узоққа бормади, орандан ярим соат ўтар-ўтмас яна тиллари қичийди. Бу сафар тоға андишасизларча унинг энг нозик жойини мўлжалга олади, оқибатда, ўртадаги пўлатдек мустақкам дўстлик риштаси чирт узилишига бир баҳя қолади, бир

веча толаларгина омон сақлаб қолади уни. Бу толалар Холбой раиснинг оққўнгиллиги эвазига бардошли келади. Тоға унинг бу фазилатини яхши билади. Билгани учун ҳам оғзига келганини қайтармайди. «Алмисоқдан қолган фикрларинг, рости, жуда жонга тегди, — дейди ўйиб олувчи оҳангда, — қараб туриб ўйлаб кетаман, лекин кўнгилга олиш йўқ, жўра, гап келганда отангин аяма деганлар. Демокчиманки, аҳмоқона тимсолингда халқни кўраман, агар шу халқ нодон бўлмаганида, келиб-келиб сени раисликка сайлармиди. Уловига яраша тушови деб шунини айтсалар керак-да, а?» Холбой раиснинг хунук юзи баттар нурсизланади. Аммо меҳмон ҳурмати ўзини босади, унинг андишасизлигини мастликка йўяди, шундан кўнгил андак таскинланиб дейди: «Халққа тил теккиза кўрма, жўра, осмондан оёғингни узатиб тушган бўлсанг ҳам, оғзингга қараб гапир! Акс ҳолда!»

Акс ҳолда нима бўлишини ҳеч ким билмайди. Лекин тоға вақтида тилини тияди, ҳазил, дейди мингирлаб. Кейин Холбой раиснинг боши узра номаълум бўшлиққа маъносиз тикиларкан, илжайишга ҳаракат қилади, юзи андак ялтоқли тус олади. Узиям ўшанда жуда қизиқ бўлган экан-да, а, дейди хушомад оҳангида. Холбой раис — гўл, бу гапни самимий деб билади, жилмайиб, нимаси қизиқ, айтарли ҳеч нима бўлмаган, дейди. Тоға уни баттар қутқилайди: йўқ, зўр воқеа бўлган.

Кейинги гурунг уни қандай қилиб раисликка сайлангани ҳақида боради.

Нафсиламрини айтганда, ўша сайлов латифанамо бир тарзда кечганки, бу ҳақда одамлар ҳануз эслаб юришади.

Сайлов колхоз клубида одатдагидек расмий бир йўсинда кечиб, райком котиби номзодни энди овозга қўяётган эди, эшик илқис очилиб, остовада Холбой раис (у пайтда агроном эди) пайдо бўлади. Малакасини оширгани бир ой бурун Тошкентга кетган эди, жомадони билан тўғри саҳнага чиқиб бориб, ҳе йўқ-бе йўқ ўз номзодини тавсия этди-қўйди. Бу хил гапни кутмаган зал аввалига денгиздай бир чайқалиб олди, сўнг сокин тортди. Барчанинг кўзи унда, нима жин чалди экан бу болани, дейди. Котибнинг башараси буришиб, энди уни сизтаб ташламоққа чоғланганида: Уроқ чол ўрнидан қўзғолди. Машинаси томон юрди: Рулга ўтичани, — деди у. — Қани айт-чи, раис бўйи нима каромат кўрсатмоқчисан?» Холбой аввал жавдираб залга тикилди, вазият қалтис. Одамлар енгилгина турткига маҳ-

тал — хиёл эдайсиз култига қолиши, уни масхаралаб сахнадан тушуриб юборишлари мумкин. Шунда бирдан қаҳри келди: «Қадрли ҳамқишлоқлар! — деди ҳаяжондан титраб-қақшаб. — Мени раисликка сайлайсизларми йўқми, бу сизларнинг ишингиз. Лекин бир ҳақиқатни айтиб қўяй. Шунга қараб ўзингиз фикр қилаверинг. Қани, айтинглари, бировнинг хўжалигига биров ҳеч замонда жон куйдирганми? Минг қилса ҳам бегона — бегона эмасми? Масалан, собиқ раисимиз қаердан эди? Айритомдан. Хўш, жонини койингдими? Койингмасди ҳам. Чунки у муваққатлигини биларди. Билгани учун ҳам хўжаликка меҳр қўёлмади. Бегона фақат планни ўйлайди. План бажарилиб турса, катталардан ўзига гап тегмаса бас, бошқаси билан неча пуллик иши бор. Шунин билатуриб яна бегонани сайлаясизларми? Нега энди қўштутлик яккатомликка қайишиши керак экан? Умид қилмай қўя қолинг. Ўзимиздан сайламасангиз раисга ёлчиб бўлсиз!» «Гапларинг жўяли, — дея унинг гапини бўлди чол. — Сен бача, гапни кўп опқочмай, шунин бизга айт, раис бўлиб нима каромат кўрсатмоқчисан? — У ҳайъатдагиларга ишора қилди. — Анови раис бўғич нимарсалар дегандай бўлди. Энди сенг гапир!» Холбой раис ҳар бир сўзини миҳлагандай қилиб, ўз режасини баён этди. Буни қарангки, қишда тизза бўйи лой, ёзда тупроқ кўчалар ҳам унинг назаридан четда қолмади. Муюлишда чойхона қуришу сўнгга бориб қишлоқни водопроводлаштириш тадбирлари ҳам йўқ эмас экан унинг режаларида. Айнан шу нарсалар халқнинг эътиборини тортди. Қўмита котибининг барча эътирозлари ғалаговур ичида кўмилиб кетди... Уни сўраб туриб олишди. У мана шунақа қилиб раис бўлиб қолган.

Гап тоға ҳақда кетаётгудди. Холбой раис кетиши билан ўзиниям, гаплариниям унутади, гўё ўрталаридан ҳеч гап ўтмагандек, шўрвани ичиб сувга тушади. Узоқ чўмилади. Совуқдан бадани кўкариб кетмагунча сувдан чиқмайди. Чимда ётиб, бадани бир оз қизигандан сўнг яна тушади. Бу ҳол намозгаргача давом этади. «Сув яхши нарса, — дейди паҳмоқ сочиқ билан артинаётиб. — Аммо-лекин қорнимам пиёзнинг пўсти бўлиб кетди. Тавба, шунча еган-ичганинг қаерга кетди, а.

Ўйда тоғани тўкин дастурхон кутади. Энаси меҳмон шарафига одатдагидек катта қозонда шўрва осган, патир ёлган, отаси муздек сувга бир талай шиша ташлаб қўйган бўлади.

Жўралари йиғилгунга қадар тоға томорқа оралайди. Томорқа ўртасидаги пастак деворга етганда, бир зум тўхтайди. Кундузи бирров кириб чиққан пешайвонли уйга кўнгли бузилиброқ қарайди. Ҳадик билан ҳовлидан бир шикаст излайди. Тополмайди. Ҳовли-жой аввал қандай бўлса, ҳозир ҳам шундай, гўё ота-онаси қаергадир чиқишгану ҳализамон қайтиб келишадигандай. Ҳовлидаги ҳар бир нарсадан сариштали одам — поччасининг қўли сезилиб туради.

Секин изига қайрилади. Қўра эшигида уни Саид кутиб турган бўлади. Юринг бу ёққа, дея қўлидан тортқилайди. Тоға кулимсираб унга эргашади. «Манови қўйингиз бу йил иккита тувди, — дейди бола узун охурдан ем еяётган қўйлардан бирига ишора қилиб. — Мановисининг боласи ўлиб қолди. Анови қўчқорди танияпсизми? Йўқ, буниси. Қора қўйдинг боласи. Э, ёнига борманг, сузади. Жаҳли чиқса бўқадан ҳам тап тортмайди. Нариги бурчакдагилариям сиздики. Қашқаси биздики. Мана бунисиям. Униси эса сиздики. Юринг, энди танангизни кўрсатаман.» Болага қизиқсиниб тикилиб турган тоға ундан нигоҳини узиб, кўра ичига анчайин назар ташлайди-да, етар, дейди, маладес, ҳаммасини сенга бердим, яхшилаб парвариш қилсанг, бир кунингга ярайди, бўшаштирма. Саид елка қисади: «Нима қиламан буларни мен?» Тоға кулиб шу оҳангда жавоб беради: «Мен нима қиламан?» Бунисини бола ҳам билмасди. «Билмадим, отам шундай деган, — дейди шавқи пасайиб. Кейин қўшиб қўяди. — Бариси тоғангники, бир тукигаям зиён етмасин, дейди доим. Манов қўчқорингизни Саттор почтачи сўровди, бермади. Эгаси бор, меникмас, деди.» «Отанг тилла одам. — Тоға девор оша супада ҳафсала билан газак тайёрлаётган поччаси томон қарайди. — Давримизнинг ноёб нухаларидан. Кундузи чироқ ёқиб ҳам тополмайсан бунақасини. Аммо сен кўпам отангга ўхшайверма. Оёқости бўлиб кетишинг мумкин. Ҳозир одамлар айниган. Биз айниган давр фарзандларимиз...» Бундай пайтда тоғанинг қомати алланечук чўкинқираб қолади. Кўзлари тўла ғусса, ҳар бир сўзидан алам томади. Бола унинг бу ҳолатини англаб етолмайди. Анграйганча оғзини очиб тураверади. «Сен — қудуқ бўлдинг, мен — чўпон... — дейди охири тоға синиқ кулимсираб. — Шунақа бир эртак бор, эшитганмисан? Эшитмагансан. Чатоқ. Эртак китобларни ўқиб туриш керак. Эртак яхши нарса — зада дилни овутади, кўнгилда умид туғдиради. Чунки унда яхши-

лик ҳамиша ғолиб келади-да. Қани энди, ҳаётдаям шундай бўлса... Кўп анқайма, оғзингга чивин кириб кетади».

Улар ҳовлига чиқдилар.

«Почча, газак тайёрлашингизни кўрган одамнинг ичкиси келади-я. Аммо жуда серҳафсала одамсиз-да, таъриф тавсифга сўз йўқ.»

Изма-из келаётган бола унга чўчинқираб қарайди. Йўқ, тоғанинг маъюс кайфиятидан асар ҳам қолмаган, одатдагидек, хушнуд ва хушҳол эди. Бундан у энгил тортиб, челақ томонга ошиқади. Дуч келган шишани қўлига олиб, тоғасига узатади. Тоға отасини мақтаймақтай пиёлага ароқ қўяди. Аммо отаси мақтовга лоқайд, жуда зўр келса, хижолатомуз илжайиб қўя қолади...

Ҳозир тоғанинг кўнглига ҳеч нарса сиғмас — бор йўғини бой берган одамдек шалвираб ўтирарди.

— Оббо, нодон-эй! — деди у ердан кўз узиб. — Шунча нарса... — Тоға ўтирган ерида оғир гувранди. — Шундай имкониятни қўлдан чиқариб ўтирибсан-а! Одам деган бунчалик лапашанг бўлмайди-да, Саидвой!

— Билмадим-да, — Саид қулт ютуниб қўлидаги суратни ортига яширди. Кейин супа четига суяб қўйди.

— Билиш керак, жиян! Бу дунёда кўп нарсани билиш керак!

Ошхонадан чиққан эна яна гапга аралашмоқчи эди, тоға ҳушламади. Сўнг сигарет қолдигини четга чертиб, ўрнидан қўзғолди. Машинаси томон юрди. Рулга ўтираётиб, кетдик дея имлади. Сўнгра қўшиб қўйди: «Ҳеч бўлмаса, топган жойингни кўриб қўяйлик. Уртоқларга ҳикоя қилиб юраман. Балким... айтиб бўладими... Юрақол, ношудгинам».

Улар кўҳна қишлоққа боришди. Тоғаси чўп билан кесақлар орасини ҳафсаласиз титкилай туриб, тасодифан битта танга топиб олди. Шундан кейин турқи-таровати бирдан ўзгариб, алланечук қалтираганча тупроқни икки қўллаб кавлаштиришга тушди. Пўрим энгил-боши чангга беланганига эътибор бермасди. Аммо минг қидирмасин, сопол бўлақларидан бошқа ҳеч вақо тополмади. У қўшни деворларни йиқитишдан ҳам эринмади...

Шомга яқин қишлоққа қайтишди.

Дарвозада уларни ота қаршилади. Тоға у билан рўҳсизгина кўришди. Машина эшигини зарб билан ёпди. Сўнг супа четига чўкаётиб, челақдаги шишалардан бирини қўлига олди.

— Жиянни қилиғидан ич қўйиб кетяпти-ку, — деди

Ўтирган жойида дастурхондаги ичмага қўл чўзиб.— Эслаганим сайин ичим туз сепгандай ачишяпти.

— Эшитдим, Нусратвой,— деди ота бепарво.— Эгасига буюрмаган нарса сизга буюрармиди. Қўйинг, кўнам ич-этингизни еяверманг. Қўйлакни алмаштиринг, расво қилеиз.

— Бизга буюрарди, почча!— Тоға ичелани оғзига олиб бораркан, оғир уҳ тортди.— Ҳеч бўлмаса бир коримизга ярарди. Эссиз...

Шу дам эшикда одамлар кўришиб, уларнинг суҳбати бўлинди.

\* \* \*

Саид томорқадан бузоғига ўт уриб қайтганда, давра жамулжам эди. Кафтидаги тангани ёруққа солиб кўраётган Жовли чапани уни кўриши билан семиз сонига мушт туширди.

— Ай-а, лапашанг! Ай-й, нодон! Тилладан-ку қуруқ қопсан, ҳеч бўлмаса мошинди номерини эслаб қолмайсанми, а! Қим айтади сени ўғил бола деб! Қани, бери кел. Бир бошдан гапириб бер-чи.

— Нимасини гапирай,— деди Саид тайсаллаброқ супага яқинлашди.

— Кўрсанг танийсанми?— дея сўради Жовли чапани.— Қанақа одам эди ўзи?

— Сизга ўхшаброқ кетади,— деди бола юраги сиқилиб.— Фақат... соқоли бор...

— Айритомлик Собир соқол эмасмикин, а?

— Бе-е, Собирда машина нима қилади.

— Унда ким бўлиши мумкин?

Ўтирганлар таниш-билишларини эслаб, хийла тортишдилар. Бу орада танга қўлдан қўлга ўтиб, тоғасига етди.

— Уртоғидан сўрадингларми?— деди кимдир.— Балки у билар?

— Сўрадик,— деди тоға кафтидаги танга юзини бармоғи билан сийпалаб.— У ҳам ҳеч балони билмайди.

— Улай агар, ҳасаддан куйиб ўламан,— деди Жовли чапани ўтирган ерида ажабтовур чайқалиб.— Байбай, бутун бошли хазина-я! Ҳай, боласи тушмагур-а! Узимди болам бўлганингдами, чин сўзим, бутингдан тутаб ерди кўзимга ёпардим. Эсиз-эсиз, пулга чақсанг бир дунё нарса... Етти пуштинг ётиб еса адо бўлмасди-я...

— Ҳукумат едириб қўярди сенга, дарагини эшитиши билан... қоқиб олар.

— Билиб ўтирибдими.

— Уроқ чолдан қоқиб олди-ку.

— Гўллик қилган у.

— Гўллик қилмаган. Холёр ўғри бориб чаққан дейишади. Чолга азалдан хусумати бор эди.

— Холёр ўғри асли бўлмайдиган одам.

— Агар қарши бўлмасаларинг, менда бир таклиф бор,— деди Жовли чапани ярим чин, ярим ҳазил оҳангда.— Эрта кўлимизга биттадан бел тутиб, кўҳна қишлоқди бир бошдан титкилаб чиқсак-чи, а?

— Ола-а!

— Улдами, изласак, бирор нима учраб қолар ахир. Балки Самандарбойди кўммасини топармиз.

— Болалар тонгани Самандарбойдики шекилли?

— Қайдам, Самандарбойдики катта хум бўлган.— Жовли чапани қулочини кенг ёзди.— Мана бундай.

— Кўргандай гапирасан-а.

— Эшитганимни айтяпман.

— Сизларга бир сир айтайми,— деди Салим дегани бетоқат типирчилаб.— Шу, кўҳна мачитти ёнида бир нима бор, ўтсам ҳам, қайтсам ҳам юрагим ёмон дукурлайди. Айтишади-ку тилла бор жойда... Мачитга кетмон кўтаришга одам боласининг ҳадди сизмайди, дея Самандарбой тилласини ўша ерга кўмган чиқар.

— Мачит эмиш, ундан зўрларини яқсон қип юбришди-ку.

— Мен илгарининг гапини айтяпман. Илгари одамлар мачитга ҳад қилишолмаган... Нима, Эркиннинг экскаваторида ярим соатлик иш. Бир урмиб кўрмаймизми, а?

— Чоллар нақ пешонангдан отишади.

— Тушунтирамиз.

— Тагин Дониёр мулла ҳассаси билан уриб каллангни пўла қия қўймасин.

— Дониёр мулланг чепуха. Бир сўм кўрсатсанг, ўқиб турган намозини ташлаб чонадиган бир одам-да.

— Чоллар чатоқ, қўйишмайди барибир.

— Ҳукумат номидан кўрқитсак-чи, а? Лекин юрагим аниқ сезяпти, ўша ерда бир гап бор.

— Э, сомирдама<sup>1</sup> кўп,— дея гапини бўлди Жовли чапани.— Ҳеч бало йўқ у ерда. Юраги дукур-дукур қилар-

<sup>1</sup> Сомирдама — валдирма (шева).

миш. Сенда юрак нима қилади. Асли юрагинг яримта, сенинг.— У изза бўлган йигитга бошдан-оёқ назар ташлаб қўйиб, даврага юзланди.— Энди сизларга бир воқеани айтай. Гурунг-да буям. Манови юрагим дукурлайди деб, эсимга туширди. Лекин бўган воқеа. Грамм ёлғони йўқ. Шундай қилиб, тунов кунни аммам ҳовлиқиб кеп қолди. Жовлижон болам, дейди, айвонда бир нима бор, ўтсам-қайтсам юрагим дук-дук қилади. Борсам, гапи рост... Шартта эшик-иликка қулф уриб, бисмилло дея қўлимга кетмонни олдим. Аввалига поччани ўхшатиб сўқдим, укағар, ўларкансан, хазна кўмган жойингни айтиб ўлмайсанми! Шуйтиб денг, гурса-гурса кетмон ураман. Аммамнинг кўзи эшикда, биров кеп қомасин деб жони ҳалак. Қараб туриб ҳайрон қоламан, атворидан нарги томоннинг ҳиди келиб қолган кампирга давлат чикора? Одамзод қизиқ-да, кўзи тўймайди. Хуллас, қазияпман. Тиқ этган товушдан дарак йўқ. Лекин оёғим остида бир нима бутун танимга титроқ беряпти. Шу ўртада бир оз нафас ростладим. Кампир тушмагур нуқул шоширади. Жовлижон болам, бўлақол, ярми сеники, дейди. Йўқ, дейман ҳазиллашиб, ҳазил кўнгилга сиққанини қара, ҳаммаси меники дейман. Бунга сари кампирда эси оғай дейди. Пичирлаб худодан менга инсоф тилайди. Мол-дунё ёмон экан, одамнинг ранги аллатовур бўлиб кетаркан... Шуйтиб, то кампир пичир-пичирини тугатгунча ярим қулочча ерни қазиб қўйдим. Тупроқни пайпаслаб кўриб, белни энди тиккалайига солай деганимда, худо мени бир асраб қолди. Қайтиб пайқадим, ҳалиям ақлим бовар қилмайди. Шуйтиб денг, белни тиккалай солаётиб, бундай қарасам, яшил бир нарса чўзилиб ётибди. Тутиб кўрсам, электр сими. Почча молхонага симни ердан олиб ўтган экан. Нам тегиб... Худо раҳматли сал бодироқ эди, ўзича бир қилиқ қилган экан-да...

Даврада энгил кулги кўтарилди.

— Жовли,— деди кимдир.— Айт-чи, ростданам тила топиб олсанг, нима қилардинг?

— Топганимдами?.. Айтсам, ичларинг куяди-да,— Жовли чапани, кўзлари алланечук йилтиллаб, ўчоқ бошида куйманаётган аёллар томон қув назар солиб шипшиди.— Хотинди кўпайтирдим...

Яна кулги кўтарилди.

Шу дам эшикда Тўлаган овчи кўринди. Унга кўзи тушиши билан Саид ўзида йўқ қувониб кетди. Нимага десаингиз Тўлаган овчи гурунгвоз одам, латифаларини



эшитиб тўймайсан. Аслида ҳам давраларга шунинг учун чақришади.

Бола жойлашиброқ ўтираркан, ҳовли ўртасида бамайлихотир келаётган Тўлаган овчига илҳақлик билан тикилади. Мана энди ортиқча гап-сўзларга ўрин қолмайди. Тўлаган овчи бирпасда ҳаммани оғзига қаратиб олади. Аммо ҳали унғача... Аввалига у ёппасига салом беради-да, одатдагидек, пойгакка чўкади. Фотиҳага кўтарилган қўллари иягини сийпар-сийпамас, ароқ тўла пиёлани тутқазишади. Тўлаган овчи маҳтал қилишни ёмон кўради, қистов кутмай пиёлани бўшатади. Шундан сўнг кимдир тахминан бундай дейди: «Тўлаган ака, сиртлон бўри воқеасини бир гапириб беринг». Тўлаган овчи ўз қадрини яхши билади, эшитмаган бўлиб, косадаги қатиққа нон ботиради, лагандаги гўштга қўл чўзади. Утирганлар илҳақ бўлган сайин луқмаси ширин туйилиб, ютишга ошиқмайди. Охири кимдир томоқ қиради: чўзмасанг-чи. Уни бошқа биров қувватлайди. Тўлаган овчи ҳушёр тортади, негаки, буёғи хатарли, ноз қилмасангиз-чи, деб жержиб беришлари мумкин. Кейин гурунган маза қолмайди... У оғзидагини чала-чулпа ютиб, и-и, нимасиниям айтай, худо энди бир асради-да, дея аста ҳикоясини бошлайди. Кўпчилик воқеани иккинчи бор эшитишига қарамай, жон қулоғи билан тинглайди. Нега десангиз, Тўлаган овчи гапни дўндиради. У бор жойда телевизор ўчирилади, ҳатто Тоҳир ашуланининг хонишлари ҳам кўпда қулоққа ёқавермайди...

Тўлаган овчи тоға билан кўришиб-сўрашиб, косагул йигитнинг қаватига чўкди. Узатилган пиёлани қўлига оларкан, бошқаларга-чи, деган маънода ияк қоққанди, косагул, штрафной, дея гапни калта қилди-да, тинмай чакак ураётган Жовли чапани томон ўгирилиб олди. Тўлаган овчи бу хил муомалага кўникмаган, оғринибгина пиёлани бўшатди-да, лаганга қўл чўзди. Чала пишган чандирни узоқ чайнади, чайнагани сари ҳайрати орта борди. Қизиқ, бирор кимса эътибор берай демайди, ҳикоя эшитиш умидида кўзлари чақнаб ўтирган болани демаса, ҳамма уни унутган. Гаши келиб, чойни хўриллатиб ичдиямки, биров қайрилиб қарамади. Шунда у беихтиёр гуруннга қулоқ тутди. Гап аллақандай ҳазинаю тилла тангалар ҳақида борарди. Аёлининг гапи эсига тушди, фалончиларнинг болалари фалон ердан тилла топшган экан, бегона бир одам қўлларидан қоқиб олибди.

...Тулаган овчининг секин этак қоқиб туриб кетганини боладан бўлак кимса сезмади.

Кейин Холбой раис келди.

Алламаҳалда ҳамма ўридан қўзғолгач, Жовли чапани тоғани бир четга тортди.

— Боя айтсам бўлмасди...— деди.— Энди эшит. Тиллани ўмариб кетган анови нухани тусмоллагандайман. У ё учкапалик Қарим чиллашир, ё бўлмаса, айритомлик Мамаражаб боди. Агар иккисидан бири бўлиб чиқмаса, калламни шартта кесиб ташлайман!

— Боя нега айтмадинг шуни?!— деди тоға ҳовлиқиб.

— Ҳамманинг олдида-я? Қалланг ишлайдими ўзи сени!

— Тутақма,— тоға унинг елкасидан тутди.— Кетдик. Эртага қолдириб бўлмайди бу ишни. Лекин... бўйнига олармикан, номард?!

— Ташвиш қилма. Сопини ўзидан чиқарамиз. Тегишли жойга хабар берамиз десак, қўрққанидан ҳам... Бермай ҳам кўрсин-чи! Учдан икки қисми бизники. Биз инсофли одамлармиз, шундайми?

— Шундай-шундай.

— Бор, анави лапашанг жиянингни олиб чиқ.

Тоға болани ётган жойидан уйғотиб чиқди. Улар ортиқча шовурсиз Учкапага йўл тортдилар.

Қарим чиллаширнинг ҳовлиси қишлоққа кираверишда, ўнг қўлда экан, дарвозанинг бемаҳалда тақиллашидан қўрқибми, шўрлик ҳовлиқиб чиқди.

Жовли чапани сўраша туриб, лабига сигарет қистириши билан тоға боланинг биқинига секин туртди.

— Мудрамай, яхшилаб қара, шуми?

— Йўқ,— Саид чирт ёқилган гугурт ёруғида бутуллаш нотаниш одамни кўрди.

— Тоға келишувга биноан қисқа сигнал берди. Жовли чапани йўлига сўраган машина қисмини топиб беролмаганидан хижолат тортиб турган мезбон шундагина машинада одам борлигини пайқади. Келиб сўрашди. Ичкарига таклиф этди. Улар кўнмагач, ўша нарсани эртаси кимдандир сўраб кўришини айтди.

Айритомсача беш-олти қақирим, бунинг устига, йўл нобоп эди. Саид пинакка кетди. Олтин вазвасасига йўлиққан катталарнинг аламли хитоблари, қўпол сўкинитлари қулоғига кирмас, шу тобда уйқудан ўзгасини истамасди.

Машинанинг қаттиқ силкинишидан ўзига келганида, улар Айритомга етишганди. Бу ерда сигарет тутатишга ҳожат қолмади. Мамаражаб бодининг эшиги тепасида каттакон электр чироқ кўчага сутдек ёғду сочиб турарди.

— Йўқ, бу эмас,— деди бола соқолли амаки дарвозада пайдо бўлиши ҳамон.

Тоға қутуриб, рул чамбарагига мушт туширди. Бола чўчиб, машина «дод»лаб юборди.

\* \* \*

Эртаси чошгоҳга яқин тўқайзорга келишди. Машинани жар тепасидаги қайрағоч тагида қолдиришиб, сўқмоқдан пастга энишди. Буталар оралаб, дарё бўйига чиқдилар.

Чим устига кимдир эшагини тезаклатиб кетган экан, тоға уни тепиб сувга туширди.

— Шундай жойни расво қилишибди-я,— деди тўнғиллаб, қўлидаги оғир сумкани ерга қўяркан.

— Саид қўлтиғидаги тўшакни ерга тўшади. Қумғонни сувга тўлдириб, тошўчоққа ўрнаштиради.

— Чой қочмас,— деди тоға,— олдин битта чалоб қил.

Бола оғир сумкани тўшак томон сургаб келди-да, ундаги нарсаларни бирин-сирин дастурхонга тера бошлади. Сумка тубидаги шишаларга қўл тегизмади. Катта сирли товоқдаги чаккидан озгина олиб сув бўйига борди. Тоғаси билан бу хил «дам олиш»ларга чиқавериш, чалоб тайёрлашнинг обдон ҳадисини олган эмасми, салда косани тўлдириб келди.

Бу орада тоға ечинган, қўлларини боши остига қўйганича кўкка термулиб ётарди. Кечаги воқеа таъсирданми, негадир машқи паст, салга зардаси қайнарди. У косани яримлатиб, қолганини болага узатди.

— Ич-да, нарсаларни сумкага жойлаб, сояга суриб қўй. Атторманинг молидай... жа-а ёйиб ташлабсан.

Бу орада жар устида одам қораси кўринди. Елкасида кетмон, кафтини пешонасига қўйганча улар томон тикилиб турарди.

— Тўлаган тоға!— деди бола шодланиб.

— Чақир,— деди тоға сал жонланиб.— Бир ҳанго-малашайлик.

Саид қўлларини оғзига карнай қилиб, овоз берди. Тўлаган овчи тимиёрскиланиб сўқмоқ томон юрди.

Кўп ўтмай қуруқ шох-шаббаларни шатур-шутур босиб, энгашган қўйи буталар орасидан чиқиб келди.

— Эҳ-ҳи, ётишлар зўр-ку,— деди у салом-аликдан сўнг, кетмонни бир четга қўйиб.

— Келинг,— тоға чордона қуриб ўтирди.— Қани, ечининг. Чўмиламиз.

— Ие, шусиз ҳам кунбўйи сувдамиз-ку...

Тоға унинг тердан оқарган қўйлагига кулимсираб қаради.

— Кўриниб турибди...

— Беш гектарга сув тараб журиб эдим,— Тўлаган овчи тўшак четига омонатгина чўкди.— Қарасам жарди бўйида бир мошин турибди. Холбойдики десам, туси бошқача...

— Нима, фермадан кетганмисиз?— дея унинг гапини бўлди тоға.

— Ҳа, ҳозир пахтадамиз,— Тўлаган овчи қўлига бежирим сигарет қутисини олди. Кўзларини қисиб мароқ билан томоша қилди. Кейин қизиқсиниб бирини лабига қистирди.— Эшқўзи ферма билан созимиз чиқмай қолди. Ўзинг биласан, вақт-бевақт овга чиқиб тураман. Эганг ўлгирни кайфи ёмон, бир тутса, ҳеч нима кўзга кўринмайди. Шу феълимиз маъқул келмабди унга. Бир гапириб қўймайди, икки гапириб қўймайди, худди... Машир кампирнинг хомғужасига ўхшаб пирқиллагани-пирқиллаган. Бир куни жаҳлим чиқиб турган эди, и-и, энангди, деб соп қолдим жағига. Уккағарди боласида жасад бўганминан жон йўғакан, тўнтарилиб тушди. Ухшатиб бир-икки тепдим сўғин... Шундан бери пахтадамиз. Пахта ёмонмас, қиш-қировли кунлари иш камчил, қочиб-писиб... ишқилиб, овга вақт топилади.

— Бўридан нечта бўлди бу йил?

— Иккита,— Тўлаган овчи ён-верини пайпаслаб гугурт қидирди. Унинг оғзига маҳлиё термулиб ўтирган Саид югуриб бориб ўчоқ бошидан гугурт олиб келди. У сигарет тутатди.— Жарариқда зўрини йиқитдим лекин...

— Шунга энди... қанча тўлашади?

— Нима «қанча?»

— Пулни айтаман,— Тоға бармоқларини бир-бирига ишқалади.

— И-и, пули гўр бўлармиди.— Тўлаган овчи сигаретни ёқтирмай, четга итқитди-да, чўнтагидан папирос олди. Ўзингдан озгина қўшмасанг, берган пулига битта тирриқ эчкиям кемайди. Заготконтурдагилар ёмо-он

имонини ютишган, бешдан бирини бериб, кўзларини лўқ қилиб тураверишади. Талашсанг-тортишсанг, сағал қийишишади, йўғасам, шу уч-тўрт тангасиниям бергиси кемайди. Шунинг учун мен уларга бўрини топширмайман.

— Нима қиласиз унда?

— Нима қилардим.— Тўлаган овчи дастурхондаги нарсаларга ўғринча қараб қўйди.— Аввал бошда, жондор келди, леб қишлоқни бир айланиб чиқаман. Биров тирноғидан олади, биров тишидан, жунидан ҳам юлқишади. Бирпасда талаш бўп кетади. Одамларнинг ирим қип бергани етади менга. Жарариқда йиқитган бўримга беш юзлар тушди. Терисини Абду чўтирга пулладим. Аммо-лекин зўр жондор эди. Қелбатидан одамнинг имони қирқ газ учарди. Ҳали бунақаси учрамаган. Шу бирда...

— Биттасига беш юз тушса, меҳнатингиз ерда қолмаскан. Тер тўкишга арзийди.

Бола тоғасига норози боқди. Бунча бесабр бу одам. Тўлаган ака энди ҳикоясини бошлай деганда, яна гапини бўлиб ўтирибди-я.

Ҳақиқатан ҳам Тўлаган овчи гапини бўлишларини ёқтирмайди, чалғийди. Ҳозир ҳам бўри воқеаси қолиб, бутунлай бошқа мавзуга ўтиб кетди:

— Мен сенга айтсам, Нусратвой иним, ов билан рўзгор тебратиб бўмайди. Ҳавас — бу. Кейин бошқаларни билмадим-у, лекин мен кўринган, дуч келган жондорни отавермайман. Жўртоқи овчилардан худо асрасин. Энағарлар, кўзига чалинган қорани отишади. Шунингчун, аввало овчида инсоф бўлиши керак, инсофи йўғи ўнгсўлига қарамайди, эрта-индинни ўйламайди... Овда тартиб бўмаса қийин. Масалан, мен бирор жондорни кўз остимга олсам, аввал-бошда феъли-ҳуйини ўрганаман. Агар топганига қаноат қип юрган бўса, индамайман. Қўявер, ўзидан кўпаяверсин дейман. Мабодо босар-турсарини билмай, учраган жонлиққа ҳамла қилаберса, отмай қўймайман. Шу бир куни десанг...

— Қани, юзта-юзта отамизми?— тоға унинг гурунгини ёқтирмай, сувга ташлаб қўйилган шишалардан бирини қўлига олди.

— Шу иссиқда-я?

— Нима бўпти. Сувга бир калла ташласангиз, ҳеч нима кўрмагандай бўлиб кетасиз. Буни қаранг, гап билан бўлиб, қармоқни эсдан чиқарибмизку.

Тоға қармоқни созлаб сувга ташлади-да, шишани

очди. Кичкина, бежирим пиёлага ароқ қўйиб, Тўлаган овчига узатди.

— Қани, хоппа деб отиб юборинг.

— Эганг ўлгирди иссиқда кетиши қийин-да, кишини лоҳас қилади,— Тўлаган овчи пиёлани бўшатиб, папирос тутатди.

— Энди ечининг!— деди тоға буйруқомуз.— Кўзимга алламбалодай кўриняпсиз. Сув бўйида туриб... чўмилмаслик... давай, бўлинг!

Калласи қизидими ё ростданам чўмилгиси келдими, Тўлаган овчи ортиқ таранг қилиб турмай, кўйлак-шимини ечди, ёлғиз оқ сурп иштонда қолди.

— Ия, иштон билан чўмиласизми?

— Нима, буниям ечайми?— ҳайратланди Тўлаган овчи.— Иштонсиз... қандай бўларкин? Бўмайди, одам уялади-ей.

Тоға хохолаб кулди. Қорнини чангаллаб, ётволиб кулди. Тўлаган овчи, ҳай, шайтон, дея эҳтиёткорлик билан сувга тушиди. Беўхшов қўл силтаб сузган бўлди. Тоға кулгисини базўр босиб, ўзига ароқ қўйди. Каттакон картошкани иккига бўлиб, бир бўлагини оғзига тикди. Луужи тўла овқат, чойни тезлат, деган маънода ўчоқ томон ишора қилди.

Саид қумғон тагига ўт ёқиб келганида, Тўлаган овчи сувдан чиққан, тоғанинг таъбири билан айтганда, яна юзта отиб, кавшаниб ўтирарди.

— Сен нимага чўмилмайсан?— деди у болага қараб.— Чўмил. Эртан подада бу сувни соғиниб юрасан.

Подани эшигиб, боланинг ичи музлаб кетди, кўзи хира тортди. Оғзига олиб борган помидорни дастурхон четига қўйиб, чуқур хўрсинди. Дунёда энг ёмон кўргани шу пода. Ойда бир айланиб келадиган пода навбати кўнглининг бир четини доимо ғашлаб туради. Илгарилари бир нави эди, бобоси билан чиқарди подага. Бобоси гурунговоз одам, Тўлаган овчининг гапга солишини яхши кўрарди. Ҳангомалашиб кунни қандай ўтганини сезмай қолишарди... Тўлаган овчи энди гурунг бермайдди, кап-катта одам болалар билан пачакилашиб ўтираринди. Қирга ёки Қоровултепага чиқиб олиб, белбоғини бошига ташлаб кечгача уйқуни уради. Шундай бўлса-да, ундан нолиб бўлмайди. Чунки қишлоқда фақат угина подани ҳалол боқади. Кўпчилик эса, подани бирор камарга қамайди — кун ўтса бўлди, қолгани билан иши йўқ. Тўлаган овчининг экин-тикин маҳаллари ҳам ҳеч бир куч тўхтатиб қололмайди. Олим чиноқ билан

сўкиша-сўкиша, янада аниқроғи, айтиша-айтеша, экин майдони ўртасидаги тор йўлакдан подани бир амаллаб лалмига ўтказди-да, қир бетига қўйиб юборди. Саидни бу бошда, ўғлини у бошда қолдириб, ўзи қирга чиқади. Аҳён-аҳёнда тепадан туриб овоз беради: «фалончи ҳо-ов, эчкилар экинга тушяпти, қайтар! Нима, бу ерга ўйнагани кеганмисан?! Тез-тез қимирла!» Бола ёлғиз қолгач зерикади. Назарида, офтоб бир жойда михланиб қолгандай туюлади.

Саид ҳозир шуларни хаёлидан ўтказаркан, қармоқ қимирлаганини пайқамай қолди. Бўйнигача сувга кўмилган тоға, торт-торт деб бақиргандан сўнггина ҳуши ўзига келиб, қоқила-суқила қармоқ сари отилди. Силтаб тортди. Силтов баробарида балиқнинг залворли кучини ҳис этди. Соп эгилиб синай деди. Бир ярим қарич чамаси каттакон балиқ ҳаводаёқ қармоқдан чиқиб, чим устига тапиллаб тушди-да, биланглай бошлади. Саид қармоқни четга улоқтириб, балиққа ташланди. Аммо балиқ қўлидан сирғалиб сувга тушиб кетди.

— Эҳ, ландавур!— сувдан чиқиб келган тоға ургудек бир важоҳатда унинг бошида тўхтади.— Шундай балиқни қўлдан чиқардинг-а! Намунча бўшангсан-а! Туф-эй, эшшак!

— Уришма болани.— Тўлаган овчи нон чайнаб туриб, пиёлага ароқ қўйиб узатди.— Ма, мановини ичиб ол. Қўкариб кетибсан.

— Уришмай бўладими!— тоға баттар тутатди.— Ахир одам деган бунчалик лапашанг бўлмайди-да! Билмадим, кимга тортган бу! Ношуд! Ландавур! Шундай балиқ... Бунақаси ҳали ўзимгаям учрамаган. Сосанг айлантириб! Латта! Кечаги қилиғидан-ку...— у кўксига муштлади,— мана бу ерим ҳалиям куйишади! Бугун тагин... э, анқаймай ўл!

— Етар энди! Бировди олдида болани буйтиб уришмайдилар, шахти синади.— Тўлаган овчи қўлидаги пиёлани, ичмасанг ичма, деган зардали бир ҳаракат билан дастурхон четига қўяркан, кейин бирдан тоғанинг балиқ баҳона кеча юрагида тўнғиб қолган аламини тўкаётганини фаҳмлаб, насиҳатомуз деди:— Кўпам юрак-бовринг куявермасин, эгасига буюрмаган нарса-да. Агар жудаям тилласираб қолган бўсанг, Самандарбойнинг кўммасини излаб топ-да, билганингни қилабер, лекин бола бечорани буйтиб қийнама. Зўр бола бу. Одамди расмини ўхшатиб чизади. Сен эса нуқул турткилайсан.

Бир кун кеп сендайин катта йигит бўп кетса, сўнг ўзинг уялиб юрасан.

— Топилганини эплаёлмаган, қолганини гўр қилар-мидик.— Тоға тўнғиллаб ерга чўкди. Кейин Тўлаган овчига синчков назар ташлаб деди:— Тўғрисини айтсам, Самардарбойдан тилла қолганига кўпам ишонмайман. Бобой «ҳикоят» дегувчи эди. Яна ким билади, балки ҳақиқатдир. Кўҳна қишлоқнинг қайси бир бурчида ачиб-бижғиб ётгандир.

— Чинликка чин,— деди Тўлаган овчи жиддий.— Олим чиноқнинг ўз оғзидан эшитганман. Иковимиз жуда қалин, сирдош... чол мендан ҳеч нимани бекитмайди.

— Унда, ҳойнаҳой, қаерга кўмилганини ҳам биларсиз?— деди кинояомуз оҳангда тоға.

— Қизиқ гапни гапирдинг-ку, сен,— Тўлаган овчи кулди.— Билсам, қўярмидим. Ё менда нафс йўқ деб ўйлайсанми? Нафс ҳаммада бор, сўфи эмасмиз... Лекин шу... мен бир нарсани аниқ биламан, хазна кўҳна қишлоққа кўмилмаган. Ё қирга кўмилган, ё ўрга. Бир гурунгда чиноқ бовоям шундай дегандай бўливи. Уккағарди чолини сирдош-пирдош дейман-у, лекин жойи кеса мендан ҳам кўп нарсани яширади. Фаҳмлаб юраман.

— Нега энди кўҳна қишлоққа эмас, деб ўйлайсиз?

— Нимага десанг, кўҳна қишлоқ кафтдек ер, ғайрат қилган одам бирда бўмаса, бирда албатта топади. Фаросатли одам бўган дейишади Самандарбойди, бунга ақли етган чиқар. Иннайкейин, қирдинг йўриғи бўлак — кенг жой, кенг майдон, ўнқири кўп, экин-тикиндан ҳоли... бирор соз жойди топгану... Бечора, замон ўзгарар, Сибирдан қайтарман, деб ўйлаганда, ўлишини билмаган-да. Сибирга етмаган, қозоқ даштидан чиқаберишда ўрусларнинг бир шаҳри боракан, отини бир нимаям дейишувди, шунга етиб-етмай ўлган.

— Бола-чақа-чи?

— Бола-чақа бўмаган бойда... Шуйтиб десанг, Нусратвой иним, бир хум тилла қирдинг аллақайси бир бурчида ётибди... Овга чиққан кезларим учраб-пучраб қоларми деб, ўрга-жарга қараб юраман. Учрамайди сабил. Лекин кўнглим сезади, хазна қирда.

Шу чоқ буталар орасида Холбой раис пайдо бўлди. Уни кўриб боланинг афти тиришди, ичида ўхшатиб сўкди. Лекин у ҳақда катталарга ҳеч нарса демади, қў-



лига тушган чўпни синдирганча, қаншари остидан ёмон тикилиб ўтираверди.

Қатталар гап билан бўлиб, уни найқашмади. Тоғанинг кўзи суҳбатдошида, фикри-ёди эса қирда — ўзи билган, кўрган ўнқир-чўнқирларни хаёлан бир-бир кезиб чиқмоқда эди. Қаерда бўлиши мумкин? Лекин Олим чиноқ ўлгудек галварс экан, шарпасини сездими, хиппа томоғидан олмайдими, топмаганига қўймайдими! Ўрнида мен бўлганимда... Буни қарангки, бир пайтлар қирга чиқиб суратлар ишлаган экан-у, оёғи остида олам жаҳон хазина яшириниб ётганини хаёлига ҳам келтирмабди.

Тоға шу хаёл билан қир томонга ўгириларкан, соя кетиб машинаси офтобда қолганини кўрди. Туришга эринди. Шунда кўзи буталар орасида илжайиб турган Холбой раисга тушди.

— Мушукдай пусиб туришинг нимаси?— деди пўнғиллаб.

Холбой раис илдам юриб, уларнинг ёнига келди.

— Уҳ-ҳў, маишат зўр-ку,— деди кулиб. Сўнг бир тоғага, бир Тўлаган овчига қараб туриб, қошларини норози чимирган бўлди.— Сен-ку бориб турган бекорчи-сан: хоҳла, кечгача ялпайиб ёт, хоҳла, бошқа иш қил, ammo манови одамни нега тутиб турибсан? У ёқда пахтани сув босиб ётсин, бу кишим эса бу ёқда ёнбошлаб... а?!— Тўлаган овчи хижолат тортиб ўрнидан кўзғолган эди, у кулимсираб елкасини босди.— Ўтиринг энди бир пас. Гап бор.

— Улай агар, ҳеч раҳбар одамга ўхшамайсан-а,— деди тоға пиёлага ароқ қўйиб.— Раис деганлари сал салобатли бўлмайдими?

— Салобатли бўлиш учун, жўрам, сал бўлса-да савлат керак, жиндек қоринча ҳам халақит бермасди. Начора, худо бизни у нарсалардан сиққан. Бўлган бўлдиғимиз шу. Хўш, яна эътирозлар борми?

— Ҳозирча йўқ.— Тоға қўлидаги пиёлани унга узатди.

— Ичмайман, иссиқда юрак ўйноғи қилади.

— Улмайсан, Тўлаган ака олтурганда, сен нимага ноз қиласан. Ол!

— Тўлаган акангди йўриғи бўлак, нари борса, бригадирдан гап эшитади. Мен райкомга ўтишим керак. Ҳиди анқиб турса, яхши бўмайди.— У шундай дея Тўлаган овчига ўгирилди.— Дарвоқе, сиз дунё кезган

одамсиз, чорвага яхши яйлов керак, қаерни тавсия қиласиз?

— Нима, Бешкентди дашти торлик қип қолдимиз?

— Бир ойга қолмай чанги чиқиб кетди-ку. Нима, яқин ўртада у томонларга ўтмаганмисиз?

— Қишмидики изғисам,— Тўлаган овчи дастурхондан бодринг олиб, иккига бўлди.— Айтганча, Бадахшон қирлари-чи? Яйловбоп ерлар. Лекин айритомликлар қўярмикан? Қўймасов. Раисини худодан қайтган одам дейишади. Улмас сорини уруғидан...

— У ёғидан хотиржам бўлинг, бир амаллаб тил топишармиз. Аммо у ерлар қўшни савхўз томонидан банд этилмадимикан? Чамамда савхўз ҳар йили қўйларини ўша томонга ҳайдайди. Шундай эмасми?

— Икки йилдан бери савхўз қўйларини тов ошириб, Тожикистон томонга ҳайдайди. Кўлди бўйига. Ут десанг тизза бўйи. Оқшом совуқ ейди одам. Қийиклар ҳам учрайди. Ҳамиша баҳор... Шу бир йили десанг...

— Сиз яхшиси, Бадахшон қирларидан гапиринг.

— Нимасини айтай, тузук жой,— Тўлаган овчи қўлидаги бодрингни бирини тишлаб, бирини болага илинди. Бола олмагач, дастурхон четига қўйди. Оғзидагини тез-тез чайнаб, сўзида давом этди.— Лекин қорамолди чиқиши қийин — йўли чатоқ. Ушоқ мол бўса, бошқа гап. Яна ким билади. Агар подачи энчилроқ бўса, энлаши мумкин.

— Шу ишни сиз ўз зиммангизга олмайсизми?

— Эшқўзи боракан,— Тўлаган овчи кескин бош чайқади,— фермангга оёғимни босмайман!

— Хай, жўнаг унда.— Холбой раис чеҳрасига жиддий тус берди.— Ареқни ичибсиз, овқатини урибсиз... энди боринг. Пахтани сувга бостирсангиз, нақ мендан кўрасиз. Борақолинг.

— Улфатимни ҳайдадинг, энди ўзинг ичасан,— деди тоға Тўлаган овчи кетгач, Холбой раиснинг биллагидан тутиб ёнига ўтқазаркан.— Ичмасанг, оғзингдан қўяман.

— Бекор қиласан. Кечгача ўтирадиган одамсан, ўзингга керак бўлади ҳали.

— У ёғи билан ишинг бўлмасин.

Холбой раис билагидаги соатга кўз ташларкан, одатдагидек, осонгина рози бўлди.

— Майли, қўлинг қайтмасин. Шу баҳонада бир чўмилиб оламан. Ёз ўрталабдики, ҳали сув бетини кўрганним йўқ.

Холбой пиёлани бўшатди-да, тезгина ечиниб, сувга

тушди. Тезоб жойга боришга юраги бетламай, соҳил бўйлаб нари-бери сузган бўлди. Кейин қирғоққа чиқди.

— Уҳ-уҳ, сени билганинг-билган,— деди дийдираб.— Одамди жони киради-я. Қани, яна эликта қуй. Бир сафар бормасам, райкум бова пишириб емас. Ҳамма ишимиз жойида, нима ҳам дерди.— У пиёлани қўлига оларкан, болага юзланди.— Сен бола, ҳадеб менга тикилавермай, тоғангди индийский чойидан битта дамлаб кел. Би-ир маза қилайлик. Чойдан кўпроқ сол, пичоқ билан кесадиған бўлсин.

— Ана бу бошқа гап,— деди тоға уни қувватлаб, гамхўрона оҳангда.— Одам ишнигина эмас, дам олмоқни ҳам билмоғи керак. Бурунларнинг тагидан шундай сув пишқириб оқса-ю, санлар эгниларингни шўрлатиб юрсаларинг...

Боядан бери Холбой раисни жонсарак кузатиб ўтирган Саид бирдан ташвишга тушиб қолди. Негаки, ўша ўзига таниш, ҳадисиз баҳсу мунозарага имо берувчи кинояли табассум Холбой раиснинг лаблари узра секин-аста қанот қоқмоқда эди.

— Ҳақ гап,— деди у хиёл эрмакловчи оҳангда.— Биз кишлоқилар жонди қадрини қаердан билайлик...

— Тағин пичингми?!

— Пичинги нимаси, гапди рости — шу,— Холбой раис кичикроқ гўшт бўлагини кўк пиёзга обдон ўраб-чирмаб оғзига тикди. Тоғани бошдан-оёқ кузатган кўйи узоқ чайнади. Сўнг ҳокисорона бир оҳангда яна гапда давом этди:— Яхши, бугун анча ўзингга кеп қолсан. Кеча аҳволингни кўриб... аламингдан ёрилиб ўласанми деб қўрқувдим. Ҳайтовур, ўзингни анча тутиб опсан...

Тоға кулди.

— Ўлмасак ҳам булайроқ бўлдик.

— Улма. Улишга арзимаёди у. Аммо-лекин думи қопқонга тушган жондордай ёмо-он тўлғандиларинг. Ай-ниқса, Жовли... Сенам қолишмадинг. Четдан қараган одамга жуда кулгили кўринаркан.

— Тўлғанишга арзигулик-да... Эсласам, ҳалиям ич-этим бараварига тиришади.

— Ие, ўладиган жойда эмассан-ку, бунча ич-этингни емасанг,— Холбой раиснинг андак қовоғи уюлди.— Авваллари бундай эмасдинг-ку, а? Қачондан буён бундай... «Тирикчилик бандалари» дея яқин-яқингача устимиздан кулиб юрган сен эмасмидинг?! Мисолларинг ҳам зўр эди, фалон рассом нон еб кун кўрган, фалон одам сувдан қаноат топган... Бу қурмағурдан зўр одам чиқа-

ди-ёв деб юзибмиз. Сен эса расм чизишним ташлаб юбординг. Қайтамга Шавкат саригнинг ули дуруст чиқди. Тунов куни телевизордан ҳам кўрсатишди.

— Одилми? Одил рассом эмас, фирт халтурачи! Бу ҳам майли, ўтакетган ялтоқи! — Тоғанинг кейинги гаплари сўкинишга айланиб кетди.

— Тан олма,— Холбой раиснинг энсаси қотди.— Тан олсанг, отдан тушиб қоласан. Ахир ўзинг ўшанчаям бўлмадинг-ку. Чоригингни судраб, ярим йўлда қолиб кетдинг-ку.

— Нимасини тан олишим керак, ўн-ўн бешта фотонусха суратиними, ё эркак кишига хос бўлмаган ялтоқлигиними? Айт, қайси бирини тан олай?! Думи бўлмаса ҳар қандай тешикка кириб кетадиган тулки-ку у! Ҳали нягига мўй битмай, уйли бўлди, устахоналик ҳам. Чунки кимга қандай мулозимат қилишни билади. Керак бўлса, тувак тутиб, тувак тозалашдан ор қилмайди. Ундан юз чандон истеъдодли йигитлар эса лаш-лушини орқалаб, ижарама-ижара сарсону саргардон юрибди.

— У нарсалар... сендаям бор шекилли?— Холбой раис ҳайрон бўлди.— Хўш, бунинг нимаси ёмон? Опти, қандини урсин.

— Бу нарсаларга мен унга ўхшаб бировларнинг кетини ҳидлаб эришганим йўқ. Бу — бир. Иккинчидан эса, икки хонали квартирамни уй сонига қўшаётган бўлсанг, қаттиқ адашасан.— Тоға аччиқ кулимсиради.— Уй эмас, катак. Торлигидан хотин билан кунора қирпичоқ бўлиб турамиз. Бу нарса ёлғиз худога аён, бандасига эса сир бермасликка тиришамиз. Устахонага келсак, ҳали-вери пешонага битмаса керак. Агар машинани назарда тутаётган бўлсанг, кимнинг пулига келганини ўзинг яхши биласан. Бобой хизмат қилмаганда, ким билади, ҳануз яёв юрган бўлармидик.

Бу гаплар Саид учун янгилик эди. Шу боис энди кўраётгандек тоғага ҳайрон термулиб қолди. Шу дамгача тоғаси ҳар нарсага қодир кўринарди. Лаҳзада у одатдагидан бир оз кичрайгандек туюлди.

— Ҳай, гийбатга чек қўяйлик,— Холбой раис жойлашиброқ ўтираркан, болага имо қилди.— Бунақада жиянбойди кўзини очиб юборамиз.

— Ташвиш қилма, менинг қудуғим бу,— Тоға унинг бошини силаб қўйди.— Ториққан кезларим кўнглимдагини шунга тўқаман. Тушунмаса-да, тушунгандек бўлиб тураверади кўзларини пирпиратиб. Лекин расм чизиш-

ни ташласа яхши бўларди. Одамлар гумроҳ, ижодкорнинг қадрига етишмайди. Умри азобда ўтади.

— Демак, сен азобга чидаёлмабсан-да?

— Қайси азобни назарда тутяпсан?

— Эй, азобнинг ҳам тури бўладими?

— Эмасам-чи.

— Ундай бўлса, сени ижоддан бездирган азобни назарда тутяпман. Ўзи анчадан бери сўрайман деб, ҳеч маврудини тополмай юрувдим. Мана, ўзинг гап очиб қолдинг.

Тоға жавоб беришга ошиқмади. Пиёладаги совуқ чойни сепиб ташлаб, ўзига ароқ қўйди. Кичикроқ помидорни бўлаклаб, туз сепди. Бодринг ва кўк пиёзни ҳам шу хилда саралади. Ва шундан сўнггина пиёлани қўлига олди.

— Қойил, ичишним қотирасан, ейишним,— Холбой раис ҳаваси келиб бош чайқади. Кейин ўзи ҳам унга таассуф қилиб, емишларни танлай бошлади.— Қилингни кўриб, мениям ичким кеп кетди. Озроқ қўй-чи.

Тоға, лунжи тўла овқат, пиёлани яримлатиб ароқ қўяркан, қармоқ томон ўгирилди.

— Бугун негадир балиқнинг мазаси йўқ. Қулинг ўргилсин шўрва пишириб бермоқчи эдим сенга.

— Балиқ шўрва ичмай юрибмизми, жўра.

— Бу галгиси бошқача. Реценти янги. Бир белорус оғайнимдан ўрганиб келганман.

— Ҳаммаси ўзбекди овқатидан ўтаверсин,— Холбой раис дастурхон четида турган соатга кўз қирини ташлаб, муддаога кўчди.— Сен кўп гапни спқочмай, азобдан гапир.

— Тутган жойингни қўймайсан-а?

— Нега қўярканман. Балки ёрдамим керакдир. Кичкина одам эмасмиз ахир. Очиқ айтавер. Дўстингга айтмасанг, кимга айтасан.

Тоғанинг чеҳрасига эрмакловчи табассум қалқиди.

— Мана сен Одил яламани мақтадинг,— деди бироздан сўнг.— Индамасам, кечгача таъриф тавсиф этишдан тоймасдинг. Чунки у телевизорда чиқди. Ҳамқишлоғинг, гурурланишинг тайин. Бир жиҳатдан бу феълнинг яхши. Биров учун қувонишу гурурланиш ҳаммининг ҳам қўлидан келавермайди. Лекин энг ёмони, унинг ижоди ҳақида зигирча тасаввурга эга эмасан. Билмайсан. Билишга ҳаракат ҳам қилмайсан. Нима чизяпти, қандай чизяпти, масаланинг бу томони билан мутлақо-ишинг йўқ. Ё биласанми?

— Қайдам,— Холбой раис елка қисди.— Яхши бўлса керак. Ахир бекорга телевизорда кўрсатишмайди-ку.

— Демак, зўр?

— Албатта,— деди Холбой раис иккиланиброқ.— Акс ҳолда... Мана сени кўрсатишмаяпти-ку. Демак...

— Энди гапни мендан эшит.— Тоға гавдасини олдинга ташлаб, дўстининг кўзларига қаттиқ тикилди.— Уша мақтаган одамнинг ғирт...— У керакли сўзни тополмай бармоқларини ўйнатди. Бармоқларини ўйната-ўйната яна асл ҳолатига қайтди, қаддини ростлади.— Ишларидан нуқул шиор ҳиди келади... Шамолнинг қайси томондан эсишига қараб муқом қилади...

— Сен азобдан гапир. Одил ялама...— Холбой раис кулиб юборди.— Лекин зўр лақаб топдинг. Калланг ишлайди сени. Уша яламанг нимани чизади, қандай чизади, шахсан менга ҳеч қизиғи йўқ. Нима дардинг бор? Мана шундан гапир.

— Ҳа, баракалла, ҳамма гап мана шунда-да. Сенга ҳеч ниманинг қизиғи йўқ. Қим нима чизади, қандай дард оғушида ўртанади. Сен учун бари копейка. Агар билсанг, айни шу нарса мени азобга солади, ижоддан кўнглимни совутади...

— Эби, қип-қизил туҳматчи экансан-ку,— ҳайратдан Холбой раиснинг қошлари керилди.— Нима, биз учун чизасанми? Нимаики қилсанг, ўзинг учун... Иддаонг нимаси?

— Рассом ўзи учун чизмайди, калла?!— Тоғанинг жаҳли қўзиб кетди.— Кўнглидагини элга айтиш мақсадида кунни тунга улайди. Агар халқи уни тушунмаса, тушунишни истамаса, қалби ўртанади, куйиб-ёнишимдан нима фойда, дея ич-этини ейди. Мана сен ҳар йили шаҳарга бир неча марта борасан, хўш, бирор сафар музейга ёки бирор кўرғазмага кирдингми?

— Гарданда шунча иш, музейга қўл тегадими, жўра.

— Ресторанга вақт топасан-ку.

— Ҳа, энди... дам ҳам олиш керак-ку.

— Ресторанда одам дам оларканми?

— Шовқин-суронини демаса ,бинойи жой. Айниқса, қаватингда биттаси бўлса...

— Ҳаётнинг мазмуни сен учун шу. Шундайми?

— Сен бу ерга келиб, сувди бўйида баҳра олгандек, биз ҳам у ёқда...— Холбой раис болага қараб қўйиб, сирли илжайди,— ўзимизди димоғимизни чоғ қип юрамиз-да.

— Мен бу ерга фақат баҳра олгани келмайман, ўйлагани, фикр қилгани келаман.

— Нимани ўйлайсан?

— Ўйлайдиган нарса камми? Масалан, сенинг нодонлигингни ўйлайман. Сенга ўхшаганларнинг ниҳоятда кўплигини ўйлайман. Ўртамиздаги улкан деворнинг ёғи мустаҳкамлигини ўйлайман. Қисқаси, ўйлайдиган нарса кўп, жуда кўп...

— Қанақа деворни айтяпсан?

— Халқ билан бизнинг ўртамиздаги деворни айтаман. Бир тўдамиз улкан шаҳарнинг турли қавакларида ўзимизча нималар биландир бандмиз. Чизаётган нарсаларимизни эса бир ҳовуч одамдан бошқаси тушунмайди. Тушунмоқ у ёқда турсин, лоақал қайрилиб қарашмайди. Ҳатто чет элда шуҳрат топган расмларимизни ҳам бу ерда биров бир тийинга олмайди. Биз аҳмоқ эса кўргазмалар ташкил қиламиз. Ўзимизча томошабинга нимадир бермоқчи бўламиз. Халқ эса лоқайд... Районда уюштирган кўргазмамга неча киши кирганини биласанми?

— Қайдам. Лекин биз бир мошина бўлиб борганмиз. Ўзим бошлаб борганман. Биринчи кунёқ.

— Чунки очилиш маросимига бағишланган қуюқ зиёфати бор эди-да. Кўпчилик шуни деб борган. Айниқса, Жовли чапанига ўхшаганлар.

— Ҳа, бундай нарсаларга унинг суяги йўқ, — Холбой раис бу хил суҳбатга чек қўйиш мақсадида гапни четга буришга чоғланди. — Айтганча, кўргазманга қарши турган Бердиёров бор-ку, секретарь. Уша яқинда областга кўтарилиб кетди, маданият бошқармасига бошлиқ бўлиб.

— Кўй яна бўрига топширилибди-да.

— Ушанда ўзинг ҳам ўжарлик қип туриб олдинг-да. Бор-йўғи уч-тўрт расмингга қарши чиқувди. Хўп десанг, шунча гап-сўз ҳам бўлмасди. Керак бўлса, одам ҳам уюштириб берарди...

— Уша ишларим ҳозир чет элда...

— У-ў!

— Лекин бундан нима фойда, сизлар тушунмаганларингдан кейин?

— Қайси ишларинг эди? Эслаёлмай турибман.

— Жовлининг гапини эсла.

— Унинг қайси бир гапини эслайман.

— Зап қўчқор эканми? Оёқларини кулликлаб, сў-

йишга ҳам тайёрлаб қўйибсан. Бир пичоқ тортсанг бўлди, қозон-товоғинг гўштга тўлади, дегани-чи.

— Эшикдан кираверишдаги каттакон расм эмасмиди?

— Ҳа, балли!

— Ушанинг нимаси зўр экан?— деди Холбой раис елка учириб.— Очиги, мен ҳеч нарса тушунмаганман.

— Сизларнинг рамзий ифодаларинг...— Тоға ер остидан унга қаттиқ тикилди.— Лекин Бердиёров сизларга қараганда хийла дидли экан, ўша маънони тез илғади. Илғгани учун ҳам оёқ тираб туриб олди.

— Бундан чиқди, биз калтафаҳм эканмиз-да, а?!

Тоға индамади. Шишани қўлига олиб, бир муддат ўйланиб турди-да, ичасанми, деган маънода шеригига қаради. Йўқ, ишорасидан сўнг пивелани яримлатиб ароқ қўйди. Лекин ичишга ошиқмади. Имиллаган қўйи помидор танлай бошлади. То Холбой раис ҳовурдан тушмагунча шу хил ишлар билан андармон бўлди.

— Дид биздаям бор,— деди ниҳоят Холбой раис ўпкаланган оҳангда.— Идорам қаршисидаги ҳайкални кўрдингми? Шахсий заказ. Сенинг тилинг билан айтганда, ҳақиқий санъат.

Тоға унга ачингансимон тикилди.

— Тобут кўтарган тўрт солдат...— деди ғудраниб.— Бундан ортиқ дидсизлик бўлмаса керак.

— Бекор айтибсан!— деди Холбой раис чўрт кесиб.— Михдай нарса!

— Ижрочиси қаёқдаги дордан қочган ҳайкалтарошлардир-да?

— Нега энди, армани ўртоқлар.

— Халтурачилар! Қанча тўладинг?

Раиснинг жавобидан тоға чўзиб ҳуштак чалиб юборди.

— Эсиз,— деди бошини сарак-сарак қилиб.— Шу пулни ўзимизнинг боғалардан бирига берганингда, савобга қолардинг.

— Улардан қарзим йўқ менинг,— тўрсайди раис.

— Миямда анчадан бери бир фикр айланиб юради,— деди тоға бир муддат жимликдан сўнг.— Мана сен бақувват хўжаликнинг раҳбарисан. Истеъдодли бирор бир юпун рассомни оталиққа олсанг бўлмайдами? Шу йўл билан балки ўзбек тасвирий санъатининг ривожига ҳисса қўшармидинг. Талантга ҳомий бўлиш яхши иш-да.

— Халқнинг пулини сочишга ҳаққим йўқ.

— Халтурачиларга берибсан-ку.



— Улар меҳнат қилишди.

— Бу ҳам қараб турмасди.

— Аслида ўша ҳайкалга унчалик ҳушим йўқ эди,— деди Холбой раис.— Чоллар сўрашгач, йўқ деёлмадим. «Қизил юлдуз»ди раиси ҳайкал қўйдирдию бизда чоллардики ҳам ҳуриллаб қолди. Урушда шаҳид кетган жўраларга хотира бўлсин деб қўйишмади.

— Темнота!

— Ўзинг темнота!— Холбой раиснинг чинакамга жаҳли чиқди.— Сен, жўра, кўпам ўзингга бино қўяверма! Кеча кўрдик ҳолингни! Хазна деб шайтонлаб қолишингга озгина қолди. Тагин кишиларга баҳо берасан-а!

— Билмасдан тўн бичма. Хазинадан мақсадим нималигини билганингда бундай демасдинг.

— Бойиш-да. Яна қандай мақсадинг бўларди?

— Бир ҳисобда гапинг тўғри,— тоға жиндек паст тушиб.— Тирикчилик ташвишларидан сал қутулиб, тинчгина ижод қилмоқчи эдим. Қолаверса, қўл учиди зўрға кунини кўриб юрган укалар бор. Ғоят истеъдодли йигитлар. Ушаларга кўмаклашмоқчи эдим.

— Шунчалик пулга муҳтож экансан, отангдан қолган молларни сот. Уларга қарайман деб поччанг бечоранинг ийғи чиқиб кетди-ку.

— Улардан наф йўқ. Сотган тақдиримда нари борса, бир халта пул бўлади. Менга эса бир қоп керак. Иккинчидан, у жониворларни жиянга атаб қўйганман,— у шундай дея болага ялт этиб қаради.— Бу гапларни тагин отангга айтиб юрма. Хафа бўлиши мумкин.

— Майли, хазинани қўлга киритдинг ҳам дейлик. Хўш, кейин уни қаерда пуллардинг?

— Шаҳарда нима кўп, учар кўп, биттасига секин...

— Шу гапларинг ростми энди?

— Биласан, ҳазилга унча тобим йўқ.

— Қийналиб кетибсан,— Холбой раис ошкора ачиши билан унга тикилди.— Шунчалик қийин экан, нима қилардинг шу йўлга кириб, а?

Тоға зарда билан қўл силтади.

— Ҳаммасига сен айбдорсан. Ушанда кўргазма ташкил қил деб қулоқ-миямни емаганингда, балки...

Тоғанинг иддаосида жон бор. У нозиктаб дўстлари таъсирида манзарадан безиб, рамзий маъноли расмларга ружу қўйди ҳам. Аммо кейинчалик машъум бир ҳақиқатни фавқулодда англаб қолди, тасвирдаги рамзий ифодани ўзига ўхшаш маълум бир тонфадаги одам-

ларгина илғамаса, бошқалар сезмас экан. Айниқса, буни ўз кўргазмаси пайтида яққол ҳис этди. Ушандаги баъзи суҳбатларни эсласа, ҳануз эти жунжикади.

Жовли чапанининг тайин-бетайин гапларидан энсаси қотиб, суратлари қаршисидан соямисол сирғалиб ўтаётган сийрак томошабинларнинг хатти-ҳаракатларини синчков кузатиб ўтирганда, қаршисига баҳайбат бир одам келиб тўхтади.

— Жиянбой, тузуккина юрибсизми?— дея паншахадек қўлини узатиб, узоқ ҳол-аҳвол сўрашди. Нусратнинг бегонасираб турганини пайқагач, ўзини тавиштирди.— Ога томондан узоқроқ қариндошинг бўламан. Ҳов бизди бригадага бориб, янганни суратини ишлагансан-ку, эсладингми? Уйга ҳам кирмабсан, айби йўқ, сен бизди танимайсан. Бобой ўлдию отангни оёғи тортилиб қолди. Шаҳар борганда, кирай десам, уйингди билмайман. Бу ерда қўл ишдан бўшамайди. Бугун бозорга тушувдим. Бизди ерларда эртаги картишка яхши битади. Майдароғ-у, лекин таъми ширин. Шу десанг, картишка сотиб турсам, ҳамсоямни ули бориб қолди, ўпкасини қўлтиқлаб. Фалон ерда янгани суратини кўрдим, сураткаш ўзимизданакан, деди. Қартишкани сотасолиб бу ёққа чопганим.— Эркак шу гапларни айта туриб, залдаги расмларга кўз югуртириб чиқди-да, ўртароқдаги расмга ишора қилди.— Анови сурат. Худди ўзи. Вей уккагарди хотини-ей, тарвайиб ўтиришини қара. Ўзи кўрса, тоза суюнарди лекин.

Тоға унга эргашиб, расм қаршисига келди. Қизиқсинган икки-уч томошабин ҳам уларга қўшилди.

— Худди ўзи!— дея таъкидларди эркак, оғзи қулоғига етиб.— Юрт сўраб турган бойвуччага ўхшаб ўтиришини қара буни! Элбек носфурушни қизи-да, худо гавдадан берган. Лекин расмга янаям катта тушибди. Бай-бай худди тирикдай.

Тасвирдаги манзара у эътироф қилганга сира ўхшамасди. Эркакчасига чордона қуриб ўтирган хўлпасемиз аёлнинг кўзларидаги лоқайдлик расмнинг асосини ташкил этган бўлиб, ранги униққан чорсидаги нон бурдалари, пиёладаги чойнинг заъфарон кўриниши бу маънони янада бўрттириб кўрсатарди. Орқа томондаги сўник дала кўриниши билан аёл ҳолати ўртасида қандайдир ҳамоҳанглик мавжуд эди.

— Бирор нима тушуняпсизми ўзи?— деб сўради тоға эркакка синчков тикилиб.

— Нимасини тушунай?— эркак расмга бошдан-оёқ

кўз югуртирди.— Хотиним абад қип ўтирибди. Лекин битта хатога йўл қўйибсан. Тарвузди чизмабсан. Хотиним тарвузди яхши кўради. Тарвузди сувига нон ботириб ургани-урган.

— Шундан бошқа нарса кўрмаяпсизми?

— Яна нимаси бор экан,— эркак бир одим тисарилиб, унга диққат билан назар солди.— Шу... бурнини сал каттароқ чизибсанми дейман. Йўқ, жойида. Узи буларнинг уруғ-аймоғи билан ҳаммаси бурундор. Укасини кўрмабсан, бурни нақ муштдай келади. Танисанг керак, Салой буринни? Кўпкарини уйини куйдиради.

Тоға индамай чорчўп четидаги ёзувга имо қилди. Ҳалиги киши лавҳага кўз ташлаб, овоз чиқариб ўқиди:

— «Менинг оғриқларим»...

— Энди тушунгандирсиз?— деб сўради тоға бесабр қиёфада.

— Нима деганинг бу?— у лавҳадан кўз узиб, тоғага ҳайрон боқди.— Тушунмадим.

Тоға гаши келганини яширмай, юзини терс ўгирганди, у енгидан тортди.

— Тушунтир бундай. Нима деганинг бу? Кўнгилга ҳар хил гап келиши мумкин. Нимага буйтиб ёзиб қўйдинг, а?

Тоға юрагининг тубидан кўпчиб келаётган ғазабини базўр жиловлаб, оддийроқ тушунтиришга ҳаракат қилди.

— Янга илгариям мана шунақа... хомсемиз эдимиз?

— Йўқ, хипчагина эди. Қизлигида мўрчамиён деб кўп жонига тегардим. Кейин семирди.

— Нимадан деб ўйлайсиз.

— Ҳа, энди, бола-чақалик бўлгандан кейин семирмай қаёққа боради? Семиради-да.

— Бунга бола-чақанинг аҳамияти йўқ,— Тоға кескин бош чайқади.— Янгам нондан семирган. Кунинонга қолган одам мана шу тарзда шишади, семиради. Хомсемизлик бу.

— Қўйсанг-чи, нонданам киши семиради? Бўлмагур гап.

— Энди, бу менинг фикрим. Қишлоқ аҳлининг қашшоқлигини образли ифода этдим, холос. Ким қандай тушунса — тушунаверсин.

— Лекин расми зўр чиқибди,— деди қариндоши энди унинг гапига ортиқ эътибор бермай.— Худди ўзи-я. Берсанг, уйди тўрига осиб қўярдим. Қелган-кетганини

ичи куйиб ўларди. Ҳали бизди қишлоқда биров расмини буйтиб ишлатмаган. Тоза зўр бўларди-да.

Алам ва ғазабдан тоғанинг афти қийшайиб кетди. Энида қаққайиб турган новча қотма йигитга ўгирилиб сўради:

— Сизам шу фикрдамисиз?

— Ҳақиқатан ҳам худди тирикдай чиққан,— деди йигит.— Отамди расмини чиздиришим керак экан сизга. Қанчага чизиб берасиз? Мановунгиз қанча туради?

— Ҳеч қанча!— деди тоға зарда билан.— Шу дам-тача жуда қимматли эди. Энди копейка!.. Олиб кета-веринг.

— Йўғ-эй,— деди қариндоши қувончини базўр яши-риб.— Қуруққа олсак, уят бўлар. Пулини айт. Қиммат айтсанг, савдолашамиз. Аммо сендан зўр... нима эди... эсдалик бўлиб қолади-да. Айтақол. Нарӣ бәрса, ярим қоп картишканинг пули бўлар. Айт, қанча?

— Ҳеч қанча!— Тоға жаҳл ила суратни михдан бў-шатди-да, унинг қўлига тутқазди. Кейин ўзи ташқарига қараб юрди.

Уша куни у қайтиб кўргазмага кирмади. Орадан икки ҳафта ўтгач расмларини йиғиштириб, омбортомга тикиб ташлади. Баъзиларинигина ўзи билан бирга олиб кетди.

Шундан бери карахт — ишлаб ишлолмайди, ташлаб ташлолмайди.

...Катталарнинг гурунгида бола зерикди. Уридан қўзғалиб, буталар оралаб кетди. Суғир инини топиб чоптирди. Суғирнинг қочиб чиқишини кутиб бирпас турди. Чиқавермагач, изига қайтиб, челақни қўлига олди. Олти челақ сувдан сўнг, бериги тешик қолиб, на-риги тешикдан икки суғир отилиб чиқиб, чийиллашган-ча буталар оралаб қочди. Бола қўлидаги челақни да-ранглатганча уларни қува кетди. Бута шохига чирма-шиб ётган илонга дуч келмагунча тинчимайди. Кейин ранги-қути ўчиб, изига қайтди. Илон ҳақида катталар-га айтмоқчи эди, улар эътибор беришмади. Тўғрироғи, эътибор берадиган ҳолатда эмасдилар — қизаришиб-бўзаришиб, бир-бирига гап сўқиш билан овора эдилар.

— Дунёнинг ташвиши фақат сенинг бошингда қол-гани йўқ,— дерди Холбой раис.— Кўнгилни гашлайди-ган ҳолатлар биздаям тўлиб-тошиб ётибди. Айниқса, ҳозирги ёшлар одамди қон қип юборади. Қўлида дип-лом, иш бер, деб келишади. Иш берасанам. Шу билан тамом — ойликни олиб, ўрнини банд қип юраверади.

Изланиш йўқ, куйиниш йўқ... ўзням, онгиам карахт.— У кўкрагига нуқиди.— Мана бу ерида ўт йўқ. Узинг айт, бунақалар билан тирикчилик қилиб бўладими? Бўмайди. Утган қиш биттасини бригадирликдан олиб ташладим. Отаси келиб қилди тўполонди, қилди тўполонди, на гапга кўнади, на дўққа. Оппоқ соқолини пеш қип туриб олибди. Охири ўғлини сабзавотчилик бригадасига ўтказиб тинчидим. Унисини эпламаган бунисини эплармиди.

Қармоқ эсига тушиб, тоға сув бўйига ошиқди. Балиқ хўракни еб кетган экан, қармоққа қайта чувалчанг жойлади.

— Бугун негадир овим юришмаяпти,— деди тўнғиллаб.— Валақлайвериб балиқларни ҳам чўчитиб юбординг.

— Ҳай, унда мен кетдим,— Холбой раис ўрнидан кўзгалди.— Эрталаб тайёр бўлиб тур. Менинг машинамда кетамиз. Аммо-лекин тоғликлар тўйни зўр қилади.

У бу сафар тинч хайрлашганидан бола ҳайрон қолди.

\* \* \*

Кечга томон Жовли чапани ҳовлиқиб келганида, тоға бўғзигача сувга кўмилиб ўтирарди. Уни кўриб, апил-тапил соҳилга чиқди.

— Нима гап?

— Отлан!— деди Жовли чапани шошириб.— Дарганин топдим. Усар кал экан. Учкапалик. Имилламай бўлақол!

Учкапани эшитиб, бола севиниб кетди. Тоза катайса қиларканман, дея тоғаси айтмаса-да, нарсаларни йиғиштира бошлади. Шиша тубида озгина ичимлик қолган экан, четга улоқтираётган эди. Жовли чапани кўлидан юлқиб олди.

— Қайтиб келиб, чинакамига ювамиз. Бўптими?— деди тоғага.

— Қайдан била қолдинг?— деди тоға ҳануз ишонгани келмай.— Балки топшириб юборгандир?

— Топширса гап бўлиб кетарди-ку,— Кейин болага юзланди.— Машинаси сариқ эдими?— тасдиқ ишорасини олгач, турган жойида ирғишлаб қўйди.— Айтмадимми!

— Кечагидай...— дея чайналди тоға.

— Йўқ, бу сафар тўчна... Бу атрофнинг одамларини беш қўлдай биламан. Ушандан бошқа ит ҳам эмас. Оз-

гина оғначилиги бор... Ароғини ичиб, тилласини олиб келамиз. Уэн гавдаси хўкиздай бўлгани билан ўлгудек кўрсоқ.

Тованинг кайфияти баланд, бир гапириб ўн кулади. Машинани шамол тезлигида елдириб борарди, лалмига чиққачгина, тезликни сал пасайтирди.

Бола уфққа бош қўйган қуёш нурида ажиб бир тусга кирган қирларни томоша қилиб бораётган бўлса-да, ҳаяжони уларникидан кам эмасди. Усар кал кечаги одам бўлиб чиқишини ич-ичидан истарди.

Усар калнинг ҳовлиси муюлишда экан, дарвоза олдиди турган машинани Саид узоқдан таниди.

— Шу-шу!— деди ўтирган жойида ирғишлаб.

Катталарнинг оғзи қулоғига етди. Тоға азбаройи ҳовлиққанидан, йўл четида кетаётган кампирни туртиб юборишига оз қолди.

Эшикда уларни қорачадан келган, пакана бир йигит қаршилади.

— Усар қани?— деди Жовли чапани алик олишни ҳам унутиб.— Чақир бу ёққа!

— Боясароқ гузарга тушиб кетувди,— деди йигит.— Ҳадемай кеп қолади. Қани, уйга тортингизлар.

Улар ҳовли юзидаги супага чиқиб ўтирдилар. Қора йигит пилдираганча хизматга киришди. Дастурхон ёзди, қанд-қурс, чой олиб келди. Лекин улар дастурхонга қарамас, кўзлари эшикда эди.

— Оббо, писмиг-эй, ҳаммасини ҳазм қиламан деб ўйлабсан-да,— деди Жовли чапани гўдраниб.— Еб бўпсан!..

Қора йигит бир коса аччиқ-чучук билан сочиққа ўралган шиша кўтариб келганида, Жовли чапани чапак чалиб юборди.

— Опке, бугун отадиган кунимиз...

— Гап бўлиши мумкин эмас, ака,— деди йигит хуш-ҳоллик билан.— Озиб-ёзиб бир кепсиз. Норқулди тўйига кеп-кетганингиздан бери бирон марта қоронгини кўрсатмадингиз. Ошна деган, қариндош деган бундай бўлмайди-да энди.

— Худди ўзларинг борди-келдини қойиллатгандай...

Қора йигит хижолат тортиб ерга қаради. Худди шу дам эшикда Усар кал кўринди. Ҳамма унга қаради. Боланинг авзойи бузилди. Усар кал... У одам эмасди, келбатию юз-кўзи ўхшаб кетарди-ю, лекин у эмас. Бола буни у эшикдан киргандаёқ пайқайди. Пайқашни баробар

юраги увишиб кетди. Ҳозир айтса, тоғаси бақриб берадигандай, нафасини ичига ютди. Бахтига катталар сўрашмади. Тиллани ўмарган одам Усар кал эканига уларнинг ишончи комил эди.

Меҳмонларга кўзи тушган Усар кал қўлидаги нарсаларни қора йигитга тутқазди-да, улар томон қучоқ очиб кела бошлади. Кўришиб-сўрашиб бўлгач, уйга томон ошиқди.

— Қара, димоғи чоғ-да, иршайгани иршайган,— деди Жовли чапани унинг ортидан.— Тилланнинг кучи зўр... керак бўлса, ўлишка жон бағишлайди.

— Не мақсадда келганимизни эшитса, юраги ёрилиб ўлса керак,— деди тоға.

— Улишга-ку ўлмайди-я, лекин бир энлик эт ташлаши аниқ. И-и, бизга деса ўлиб кетмайдимиз! Тегишимизни олмасдан... бу ҳовлидан чиқиш йўқ,— Жовли чапани шундай дея бирдан сергаз тортди.— Шошма, болани кўриб пинак бузмади-ку, а? Таниши керак эди-ку.

— Тилладан кўзи қамашган чиқар,— деди тоға берарво.

Жовли чапани Саидга ўгирилиб, ҳадиксираб сўради:— Шумиди?

Гуноҳқорона қиёфада дастурмон шокиласини ўйнаб ўтирган бола ердан кўзини узмай, йўқ дея бош чайқайди. Тоға ялон чаққандай бир санчиб тушди.

— Нима?!

Жовли чапани вишиллаганча хунук сўкиди. Чиқмаган жондан умид дегандай боланинг сонидан маҳкам чапгаллади.

— Яхшилаб қара, балки...— деди бўғилиб.

— Йўқ, бу киши эмас.

— Об-бо, эшша-гэ!

— Кетдик!— деди тоға зарда билан.

— Утир энди,— Жовли чапани унинг тиззасидан босди.— Кўнглига келиши мумкин.

Улар турли егулик солинган ликопчалар терилган патнис кўтариб келаётган Усар калга бўзрайганча туриб қолишди.

Шу оқшом улар хийла кеч қайтишди.

\* \* \*

Саид нода ортидан ҳумсизгина сургалиб бораркан, ора-чора Тўлаган овчи минган эшак устидаги хуржунга қараб-қараб қўярди. Дурбицни олдимикан? Утган са-

фаргидек ташлаб келган бўлса-я. Сўрашга ботинмади. Ёниси, эрталабдан Тўлаган овчининг кайфияти бузуқ: пода йиғиладиган майдонда тўсатдан ўғлининг юзига тарсаки тортиб қолди: ҳи-и, мудрамай ўл, деб.

Овчининг ғазабланганича бор, Товқора ғалати бола, тумшайган кўйи доим мудраб юради. Айтилган гапни тезда аңглай қолмайди. Отасига таъсир қилди шекилли. Бунинг устига, кичкина ўғлининг хархашаси... Нима эмиш, подага борармиш. Уйингда маза қилиб ўтирсанг-чи, нодон, шундай иссиқда дала-даштда пишириб қўйибдими сенга. Агар бугун подага чиқмаганида, Саид тоғаси билан тўйга кетган бўларди.

Охири унинг сабри чидамади. Ерга тикилганча таёғини сургаб бораётган болага яқин борди.

— Товқора, дурбинни олганмисизлар?

Бола бош ирғади. Саид қувониб кетди. Энди қандай бўлмасин, Тўлаган овчининг кўнглини овламоқ керак. У югуриб бориб, четга ўрлаётган эчкиларни изига қайтариб келди. Тўлаган овчи унинг бу иштини маъқуллаб, бош ирғаб қўйди. Бола бундан руҳланиб, иккинчи ёнбошига ўтди.

Пода боши буғдойпояга етганда тепалик устида Олим чиноқ кўринди. Қизиқ, қип-қизил даштнинг нимасини кўриқлар экан у? Чол тепада бир муддат гўдайиб турди-да, сўнг отини қияликдан пастга эндириди, поданинг олдидан кесиб чиқди.

— Ҳорманглар-ов!

— Бор бўлинг!

— Асли ўзинг подачи бўладиган-да, Тўлаганбой,— дея алқашга тушди чол.— Бошқалар бетмайди. Иссиқ уриб кетадигандай камардан чиқмайдилар. Тунов куни Соли дўхтирнинг каттасига камарга тикилмай, лалмига ҳайдасанг бўлмайдами десам, пошул чўрт, дейди. Нима дегани бўлди бу, а, Тўлаганбой?

— Урусчалаб сўкинган чиқар.

— Жўғай, одамди айнитма буйтиб. Биласан ачувим жоман.

— Рости, ўрусчага биздиям тиш ўтмайди, бобой. Ким билади, балки, маъқуллаганидир. Ҳозирги болаларди тушуниш қийин. Бу, ўзингиз нима қип юрибсиз?

— Биздики бир ўрганиш, Тўлаганбой. Кунда бир айланмасак, бир нимани жўғатгандай, гаранг бўп жўраман.— Чол шундай дея қамчи учи билан Саидга имо қилди.— Тунов куни тилла топган боланинг бирови шуми?



— Ҳа, шу.

— Ҳа, жибиган болам-а, овзингдагини олдириб, қара-аб ўтирдингми? Сени ким айтади Бойпўлат чавандозди набираси деби!

— Энди сиз чайнаманг шу гапди!— деди Тўлаган овчи норози бўлиб.— Тунов куни гурунгдаям тергайвериб рангини чиқаришмади, бола бечорани. Энди сиз.. Қўйнинг шу гапларни! Беш вақт намоз ўқийдиган одам-сиз, сизга ярашмайди! Ундан кўра катталарга имон тиланг, инсоф тиланг!

— Хўп-хўп, тувба қилдик,— ўсал бўлганини билдирмасликка тиришди чол.— Подани буғдойпояда уялатмай, Қоровултепани жонлатиб, қирга ҳайданглар, хас-хашак мўл. Фурсат топсам, гуруннга ўтарман.

— Палак томонга ўтсангиз, хуржунга уч-тўртта сап-ча ташлаб қўйинг.

— Хўп.

Қоровултепадан ўтишгач, Тўлаган овчи эшагини туюш-овлаб, хуржунни елкага ташлади-да, қирга ўрлади.

Саид ботинмайроқ сўради:

— Тўлаган тоға, ҳалиги... дурбинингизни бермай-сизми?

Тўлаган овчи хуржун тубини кавлаштириб, дурбинни олди.

— Ма, фақат эҳтиёт бўл.

Бола дурбинни бўйнига осиб, чап томонга юрди. Дўннга чиқиб, кўзига тўғрилади. Бошда ҳамма нарса юмалоқ ойначада сакраб кетаверди, кейин бирдан тинчлик ва турғунлик касб этди. У илк бор кўраётгандек, манзарага маҳлиё термулиб қолди. Тўлаган овчи шундоққина қўл етадиган масофада юқорилаб борарди. Бола дурбинни пастга қаратди. Товқора каттакон харсанг устида тиззаларини қучиб ўтирарди. Қўйиб берса, кечгача шу тарзда ўтириши мумкин. Аммо эчкилар тинчлик бериб бўпти. Ана у эринибгина ўрнидан қўзғалди, таёгини силкитди. Сўкинди. Югурнишга ҳафсаласи келмай, ердан тош олди. Бироқ, эчки зоти айёр, кимнинг қанақалигини хатти-ҳаракатига қараб биледи. Ҳозир ҳам улар Товқоранинг дўқ-пўписасига парво қилмай, пастга эна бошлашди. Бир дўнг ошса бўлди, кейин уларнинг чангини ҳам тутиб бўлмайди. Сўнг кечқурун қиёматни кўринг — мол эгалари нақ гирибонингдан олишади. Утган сафар шундай бўлган. Абрай қирриқнинг эчкилари қўшни қишлоқ подаларига қўшилиб кетган экан, жазавага тушиб, бутун қишлоқни бошига,

кўтарди. Аввалбошда отасига ёпишди. Ота юмшоқ одам, нима қиларини билмай, гаранг бўлиб турганида, уйдан Тўлаган овчи чиқиб қолди. Чиқмай иложи ҳам йўқ эди, барибир, Абрай қирриқ эшик қоқиб борган бўларди. Абрай қирриқ отасини қўйиб, унга осилганди, Тўлаган овчи белидан тутиб, даст кўтариб ерга урди...

Бундай кезларда бола жуда ҳайратланади. Катталар жанжални бунча яхши кўришади-я? Унга қолса, битта эчкини деб ҳеч ҳам уришмаган бўларди. Мана шундай пайтларда тоғаси кўзига яхши кўриниб кетади. «Гёмнота», дейди тоғаси кўрсаткич бармоғини чеккасида айлантириб. Бола нотаниш бу сўзнинг маъносини англаб етмаса-да, тоғаси нимага шаъма қилаётганини фаҳмлайди. Аммо шундай одам аллақандай тингаларни деб Абрай қирриқдан баттар аҳволга тушиб ўтирибди-я! Кечагача боланинг кўнгли мана шундай нохуш кайфиятда эди, ҳатто тоғаси кўзига анча жўн ва бачкана кўриниб кетди. Бироқ кечаги суҳбатдан сўнг тоғасига муносабати яна ўзгарди. Тиллаларнинг қўлидан кетганига илк бор қаттиқ ачинди. Тилла топсам ҳаммасини тоғамга бераман деб, баъзи бир чолдеворларни кўз остига олиб қўйди.

Саид қўйига ўрлаётган молларни изига қайтариб, яна қўлига дурбинни олди. Кўзига тутишдан олдин атрофга бир сира кўз югуртириб чиқди. Манзара маънос, юрак сиқилади. Тоғаси билан сурат ишлагани чиққан кезлари бунақа туюлмасди, о-о нақадар гўзал, дерди тоғаси. Ҳозир эса ҳеч бир гўзаллик сезмаяпти. Бола дурбинни қишлоқ томонга тўғрилади. Тупроқ йўлни чангитиб бораётган болаларни кўрди. Тўда бошида Акбар чаққон. Ҳойнаҳой, полизни кўзлашган. Уларга боланинг ҳаваси келди, гўё бутун умри пода ортида ўтаётгандек хўрсинди. Агар иложини топса, ҳозироқ уларга бориб қўшилган бўларди. Оғзида тарвузнинг таъминини туйиб, ширин тамшанади. Дунёда ўғирлик тарвудан ширин йўқ. Айниқса, пушталар оралаб эмаклаб, тарвудан таъминини нима етсин. Қуёш тафтида қизиган тарвудга кўлинг теккан сайин ёқимли ҳисдан танинг яйрайди, тарвудни ўша заҳотиёқ ёриб егинг келаверади. Узоқда қорайиб турган канадан кўз узиб-узмай изингга қайтаркансан, ўзингни қаҳрамондек ҳис қиласан. Танлаган тарвуднинг қизил чиқса, қувончдан бошинг кўкка етади. Ҳом чиқса, кулги бўласан, лекин қуруқ қолмайсан — болалар бунақа пайтда фавқулодда саҳийлашиб, топга-

нини ўртада баҳам кўришади. Кейин кимнингдир узуми пишган боғ кўз остига олинади...

Тушга яқин подани катта қирга, Қирқбулоқ томонга ҳайдашди. Қирқбулоқда биргина булоқ қолган. Тошлар орасидан сизиб чиққан сув қамишзор оралаб бориб, қўйидаги чоғроққина кўлга қўйилади. Кўлнинг нариги томони қирга туташ, бериги тарафи подаётоқ.

Тўлаган овчининг ошиққанича бор экан, пода ётоқлаб улгурмай, пастдан қўшни қишлоқ моллари кўринди. Подачилар подаётоқнинг бандлигини кўришиб, ноилж изига қайрилишди. Шўркўлгача камида уч чақирим, бояқишлар роса қийналадиган бўлишди.

— Тагин болалар...— деди Тўлаган овчи тутақиб.— Нима бало, катталарга қиргин келганми?! Одамларда тирноқча инсоф қолмади-я!

Худди шу гапни бобоси айтгучи эди. Қишлоқда подачи йўқлигидан нолиб қўярди. Одамлар подачиликдан ор қиладиган бўп қолди, тавба, дерди.

Бир куни бобоси кимнингдир маслаҳат ошидан хуноби ошиб келди. Ота эндигина ишдан қайтган, жиққа ҳўл пайтавасини этиги қўнжига чирмаб, оёқларини печкага тоблаб ўтирар эди.

— Одамларда диёнат қолмади,— деди бобо чўнтагидан насковоини чиқариб. Кейин воқеани бир бошдан сўзлай кетди.— Маслаҳатда подачи танлови бўлди. Хабаринг бор, Ҳожи эпсиз чиқди. Барот махсум Нормат пиёни подачиликка раво кўриб ўтирибди.

— Нима бўпти?— деди отаси елка қисиб.— Ҳарна элга нафи тегади. Кўчада ичиб, сасиб юргунча бир ишнинг бошини тутгани маъқул-да.

— Нима бўптинг нимаси?!— Чолнинг баттар жаҳли чиқди.— Қалланг яримтами дейман сен болани! Нормат пиёни элнинг назаридан қолган одам. Одам сиёҳи йўқ мардум подачиликка раво кўриладими?

Хуллас, чолнинг башорати тўғри чиқди, подачиликдан обрў кетди. Қишлоқда подамавбат жорий этилди.

Тушликдан сўнг Тўлаган овчи тол тагини тозаладида, ҳуржунни тўшаб, уйқуга чўзилди. Товқора нон кашаб турган жойида секин пинакка кета қолди. Саид аста ўрнидан қўзғолиб, қўлига дурбинни олди. Кўл ёқалаб бориб, ёлғизоёқ сўқмоқдан катта қир тепасига кўтарилиди. Бу қирга биринчи бор чиқиши эди, оламнинг кенглигидан ҳайратда қолди. Қишлоқдан туриб қаралган дотор яқиндай, шундоққина қирнинг ортида турганд.

эди. Буни қарангки, тоғ жуда олисда, ўртада бир талай қирлар мингашиб ётарди.

Бола дурбинни кўзига олиб борди. Тоғлар қўл узатса етадиган масофада яқин келди. Саид беихтиёр бир печа одим олға юрди. Эҳ, ихтиёри ўзида бўлгандами, бу ерда бир дақиқа ҳам турмасди. Адашиб-улоқиб кетсаям майли эди. Тоғларни ўз кўзи билан кўрар, янги йил арафасида давра эркасига айланадиган арчаларни ўз қўллари билан тутиб, силаб-сийпаган бўлар эди.

Ҳозир шартта жўнаб қолса-яй?

Йўқ, кейин чатоғи чиқади.

Бу ҳолни у бир бор бошдан кечирган. Ушанда ё тўрт, ё беш ёшда эди. Қишлоқ четидаги боғчага қатнарди. Боғча ҳовлиси пахта даласига туташ, пайкал адоғида мўъжаз бир бино оқариб турарди. Боланинг назарида бинонинг орти ернинг чеккаси эди. Ернинг четига бориб, пастга — улкан сувликка назар солмоқни у жуда-жуда орзу қиларди. Бир гал ер қимирлаганда, момоси уни бағрига тортиб, бу ҳодисани шундай изоҳлаганди: «Улкан сувда балиқ, балиқ устида ҳўкиз, ҳўкизди шохлари устида жер туради. Жер деганлари ўзимиз ош жейдиган товоқлай тайпоқ бир нарса. Ҳўкиз шохларига дам берганда жер силкинади...» Мактабда глобусни кўргачгина фикри ўзгарди. Лекин бир жумбоқ уни мудом ўйлатиб келарди. Ер шар шаклида экан, нега унда денгиз ва дарё сувлари тўкилиб кетмайди? Аммо унинг саволи доим жавобсиз қолаверади, юқори синфга ўтсанг, билиб олаверасан, дейди муаллим. Тоғаси бутун олам тортилиш қонунияти ҳақида алланималар тушунтиргандай бўлади-ю, лекин бола борлиқдаги жамики нарса ўзи қўлидан қўймай ўйнаб юрадиган оҳанграболардек бири-бирига тортилишини ҳеч тасаввурига сиғдиролмайди... Кисқаси, ўшанда у боғча опасининг кўзини шамғалат қилиб, тор сўқмоқдан бино сари югурди. Бино томига қўниб турган қирмизи офтобни тутиб кўриш мумкиндек эди.

Югуриб бориб нимани кўрди денг. Бино ортида, пастликда катта қишлоқ ястаниб ётарди. Қишлоқ чеккасидаги ялангликда пода кутгани чиққан болалар ўйнаб юришарди. Бола ҳайратдан донг қотди. Оламда ўз қишлоқларидан бўлак қишлоқ борлигини, унда худди ўзлари сингари одамлар яшашини ҳаёлига келтирмаганди. Энди ернинг чети олислашган, алдамчи қуёш эса жуда зоқда эди. У қизиқсиниб, нишабликдан пастга энди. Шартта арнқ устига ташланган яккачўпдан ўтиб, бирин-

чи ҳовли қаршисидан чиқди. Ҳовли деворсиз, супада чувак юзли чол ёнбошлаб ётар эди.

— И, кимди боласи бу? — деди чол. — Содиқникими?

Учоқ бошида куйманиб юрган кампир болага бир муддат тикилиб турди-да, уй томонга қараб овоз берди.

— Ойсулув, бунда чиқ.

Эшикда қорачадан келган лобар қиз кўринди.

— Манави кимди боласи? Майрамники бўлса, уйига обор, шўрлик қидириб жургандир.

— Унинг боласига ўхшамайди, — қиз боланинг қошига келиб чўккалади.

— Кимди ули бўласан, айланай? Бу ерга қаердан кеп қолдинг?

Бола қўли билан келган томонга ишора қилди.

— Вой, ўлмасам, Яккатомдан кепти-ку бу.

Болага ажабсиниб тикилиб турган чол болишдан тирсагини узиб, супа лабидаги тарвузлардан бирини қўлига олди.

— Эби, меҳмон кеп қопти-ку. Қани-қани, супага чиқ, меҳмон бола.

Бола чолнинг қаватига чўкди.

— Қани энди, меҳмон болам, тўрт оғизгина гурун-дан беринг. — Чол жилмайиб, унинг бошини силади. — Кимди ули бўласан?

— Отамди.

— Отангди оти бордир? Нима оти?

— Отам.

Кулишадилар.

— Энангди оти нима? — деб сўради қиз кулгисини базўр ютуб.

— Энам.

Таомдан сўнг, чол уни эшакка мингаштириб, эран-қаран йўлга чиққанида, вақт хийла кеч бўлиб қолганди.

Уйда нақ қиёматнинг устидан чиқдилар: ҳовли тўла одам, кимдир хўнг-хўнг йиғлаётган энасининг бошида парвона, кимдир момоси билан андармон, яна кимдир боланинг тўсатдан ғойиб бўлишини ўзича шарҳлаб, бошқаларни ҳам шунга ишонтиришга уринар, бир четда эса ҳозиргина дарё бўйидан қайтган йигитлар хомуш туришар эди. Ҳафта бурун ўйинқароқ бир бола сувга чўкиб ўлганидан бери одамлар юрак олдириб қўйишган, хаёлан Саидга ҳам аллақачон кафан бичиб қўйишган бўлишса-да, аммо уни сўзда эътироф этмоққа бирор кимса журъат этолмас эди.

Уларни биринчи бўлиб дарвоза ёнида турган б

лар кўришди. Ҳовли бирпасда тўс-тўполон бўлиб кетди. Отаси азбаройи қувонганидан боқувдаги тўқлисини буғизлади. Боз устига, чол бобосига ошна чиқиб қолди. Гурунг ярим тунга қадар давом этди. Уша кунн Тўлаган овчи тоғли бир қишлоқдан бола олиб қочган кўнғир айиқ воқеасини ҳикоя қилиб берди. Хуллас, ҳамма шод, фақат болагина хафа эди. Ахир хафа бўлмай бўладими, дунёнинг нақадар кенглигини кашф этганидан ҳануз юраги тошиб ўтирса-ю, эшитадиган қулоқ топилмаса. Кейинчалик ўша қишлоқ ортида яна кўплаб қишлоқлар, улардан нарида эса шаҳар борлигини бир сафар отаси билан район марказига тушгандагина билиб олди.

Бола ҳозир ҳам ич-ичидан хуруж қилиб келаётган «дайдиш» истагини базўр тийиб турарди. Ўзига қолса, чопқидлаб кетиши муқаррар эди. Қани энди, тушига оппоқ булутлар бош қўйган анови қорли чўққига юғуриб чиқса-ю ундан нарида нималар борлигини ўз кўзи билан кўрса. Айтишларича, тоғнинг ортида яна тоғлар бормиш. Саид бу гапга ишонмайди. Унингча дунёда битта тоғ бор, у ҳам бўлса мана шу. Бир вақтлар оқ бино орти қанчалик сирли кўринган бўлса, айни дамда тоғ ҳам шунчалик сирли туюлмоқда эди.

Бола тоғу тошларни кўзи толгунча томоша қилди. Сўнг бирдан пода эсига тушиб, ортига ўтирилди. Кафтини пешонасига қўйиб пастга тикилди. Чет-четда хас чимдиб юрган уч-тўрт эчкини демаса, пода тинч ётарди. Саид яна кўзига дурбинни тўғрилади. Боя пайқамаган экан, бир сурув эчки сой ичи билан палак томонга кетиб борарди. У дурбинни маҳкам тутганча пастга отилди. Сурувни қувиб ўтиб, олдинда кетаётган каттакон ола эчкининг биқинига тош билан боплаб туширди. Кейин сўкинганча қўлларини силкиди. Сурув гурра изига қайрилди. Тош текканда ғалати маъраб юборган ола эчки икки-уч одим ҳатламай, муккасидан қулади. Туришга уринмадиям.

Бола кўрқувдан музлаб кетди.

— Ча-а! — деди жонҳолатда жунидан тортқилаб.

Эчки оёқ силкиб турмоқда интилди-ю, лекин ҳоли келмай яна гуппа қулади. Ожизгина маъради.

Саид ранг-қути ўчиб, подаётоқ томон ўқдай югурди. Эндигина иккинчи ёнбошига ағдарилган Тўлаган овчи унинг шарпасини сезиб, бошини кўтарди ва боланинг ажоҳатини кўриб, капалағи учиб кетди.

— Нима... нима гап?

III. Уляпти... эчки уляпти!

— Оббо, фалокат-эй! — Тўлаган овчи этигши яланг кийиб, унинг изидан югурди. — Нима бўптикан деб ўйлабман. Нима қилди? Урдингми?

Эчки оёқлаб кетганини Саид узоқдан кўрди.

— Ия, туриб кетибди-ку, — деди қувонишиниям, ҳайрон бўлишиниям билмай.

— Нима қилувдинг? — Тўлаган овчи тўхтаб, ҳузур қилиб керишди. Офтобга қараб вақтни чамалади. — Негача индамайсан? Гапир!

— Тош билан... — деди гўлдираб бола.

— Ичига урибсан-да, полвон. Бунақа қўли югурик бўма. Ия, дурбин қани?

Бола эчки йиқилган жойдан дурбинни олиб қайтди. Тўлаган овчи чалопга тутинган эди, бошини кўтармай, хуржунга ишора қилди.

— Жойига сопқўй.

Саид ноилж хуржундан филофни чиқарди. Булоқдан юзини ювиб қайтаётган Товқора унинг қўлидан филофни юлқиб олди-да, унга дурбинни солиб, хуржунга тикиб қўйди. Отаси ҳуда-беҳуда мақтайвергани учун у Саидни жинидан ёмон кўрарди.

Бола дурбинсиз зерика бошлади. Устига устак, атроф шу қадар заъфарон эдики, юрак тарс ёрилай дерди.

У қирдан бурун шаклида туртиб чиққан дўнгликка кўтариларкан, кўзларини қисиб, аёвсиз қиздираётган қуёшга норози қараб қўйди. Назарида, офтоб михланган — жойидан жилай демасди, пастда ёйилган пода эса у турган ерда кафтдагидек кўзга ташланиб турар эди. Қир бетига бошига белбоғини ташлаб ўтирган Тўлаган овчи унга қўл силкиб қўйди, боласи тушмагур хўп ақлли-да, деб кўнглидан ўтказди-ёв.

Саид тимирскиланиб юриб, чала нураган тошўчоққа дуч келди. Қизиқсиниб тўхтади. Нимасидир танишдай кўринди. Кўзи сал наридаги кулранг товатошга тушгачгина, ўчоқни бир вақтлар тоғаси иккиси қурганини хотирлади. Юраги алланечук ҳапқириб, беихтиёр хаёлга берилди.

Бола у пайтлари мактабга қатнамасди. Бобо — тирик, момо — тирик, қўш ҳовлида чуғурлашиб яшардилар. Айни баҳор кунларидан бирида тоға шаҳардан қайтди-да, хуржунга ул-бул жойлаб.

— Юр, далага кетдик, — деб қолди.

— Ия, даштга чиқиб овқат еймизми? — дея ҳайрон бўлди бола.

— Ҳа-да. Даштнинг гаштига нима етсан, — деди то-

ға хуржунни эшакка ортиб, мольбертни елкасига осаркан. — Юравер, маза қилиб келасан. Қўзиқорин-пўзиқорин учраб қолса, тагин соз. Ҳеч бўлмаса, исмалоқ те-риб келарсан, онанг сомса ёпиб беради.

Тоғанинг хатти-ҳаракатларини анчайин кузатиб ўтир-ган бобо у қумғонга қўл чўзганда, чидаб туролмади.

— Одам боласига жарашадиган ишни қисанг-чи, хум-пар, — деди койиниб. — Даштда нон чайнаб ўтирганинг-ни кўрган нима дейди.

— Даштга фақат нон чайнагани чиқаётганимиз йўқ, ота, — Тоға кулди. — Сурат ишлаймиз...

— Расм чизсанг-ку майли-я, лекин қумғонинг ни-маси?

— Чой-пой қайнатамиз.

— Чой қайнатармиш, — чол шундай дея қаватида урчуқ йигириб ўтирган кампирга юзланди. — Эшитдинг-ми гапини? Бунинг янги қилиқ чиқарибдими? Нима, уй-дан илон чиққанми? Сен тенгилар икки-уч боланинг ота-си. Уқишни битирай дединг, хўп дедик, пича ишлай де-динг, бунгаям хўп дедик. Токай юрасан саланглаб?... Бас, оёғини чатиш керак буни. Ҳаракатингни қил, кам-пир.

— Менам шунинг ўйидаман, чол, — дея уни қувват-лади кампир. — Лекин бунингизга қиз тўғрисида бир овуз гапириб бўлмайди, осмонга сапчигани-сапчиган. Ўзингиз айбдор, эркалатиб жубаргансиз.

— Бачалигида раъйига қараган бўсам қарагандир-ман. — Чолнинг қовоғи осилиб, кампирига хўмрайиб қа-ради. — Ҳозир... Ҳов-в, қани, тушир хуржунни! Энанг ким — Сожида сариг, отанг ким — тавони жориг... Қил-ган ишингни қара! Тушир хуржунди!

Ўзининг мақолга тиркалганидан ранжиган кампир энг ҳимариб жанжалга киришган ҳам эдики, ҳайтовур болани онаси вақтида орага тушди.

— Энажон, вой, сиз эшитмабсиз, — деди шўхчанлик билан. — Ойша кушночди Бибигули бор-ку, ўша қизми-сан қиз бўпти-да ўзиям. Кеча магазинди олдида кўриб қолдим. Қурмағур, оқи оққа, қизили қизилга ажраб, би-рам қиз бўптики, кўрган кўзнинг суқи киради. Тагин эс-хушлилигини айтмайсизми. Эна, сизга айтсам, яхши қиз узоқ турмайди, тезроқ ҳаракатингизни қилинг...

Опасининг бу гаплари тоғага зўр баҳона бўлди.

— Гапирмаган сиз қолувдингиз, — деди тўрсайиб. — Уша мақтаган қизингизни яхши биламиз. Оми, ўқима-ган. Унингиз бир этак бола туғиб беришдан бошқаси-



га ярамайди. Қолаверса, ҳалитдан олахуржунни бўйинга осиб аҳмоқманми?! — Тоға сўнги гапини алоҳида таъкидлади. — Қолаверса, эсли-хушли одам ўз жигарининг оёғидан чалмайди.

— Вой, ким оёғингдан чалапти? — деди опа ҳайрон бўлиб.

— Ҳа, ҳа, айнан сиз оёғимдан чалишга ҳаракат қилясиз, — деди тоға баттар авжига миниб. — Лекин овра бўласиз. Мен ижод кишисиман! Менга бўйинтуруқ эмас, эркинлик зарур! Эркинлик!

Бу хил гапларни умрида эшитмаган чол ҳанг-манг бўлиб қолди. Охири у қўл силтади:

— Ҳай, бор, ишингдан қолма. Худо ўзингга инсоф берсин. Ишқилиб, бирортасининг этагини тутиб, шаҳарда улоқиб кетмасанг бўлди.

— Бобоси тўғри башорат қилган экан, орадан уч-тўрт ой ўтмай, чолу кампир қиз кўргани шаҳарга бориб келишди. Бир ойдан сўнг қишлоқда катта тўй бўлди. Келин-куёв ўн кунча туриб қайтиб кетгач, бобо алам билан тиззасига шапатилади: «Тамом, жигитти қўлдан чиқардик!» Чолнинг кўзларида ёш кўрган Саид бир гал унинг гапларини тоғага айтганди, у қатъий ишонч ила шундай деди: «Уларга қолса, уйдан кўчага чиқмасам. Яхшилик қиламан деб, ёмонлик қилишини билишмайди. Бу хил шартлар рассомни ўлдиради-ку. Рассом ўз камолоти учун нафақат туғилиб ўсган юртидан, керак бўлса, ўзлигидан ҳам воз кечади. Тушундингми, жиян?»

Ушанда уйдагиларни гап билан миҳлаб, кўчага чиқишлари заҳоти, тасодифни қарангки, Бибигулга дуч келдилар. Тоғадан уялдими, қиз текис ерда қоқилиб кетди. Қоқилгандай «чиройли» қоқилди. Тоға ишшайди: «Кандидатурани қаранглар, юришнIAM эплаёлмайди-ку».

Уша куни қирда кечгача қолиб кетишди. Чой-чойда, нон-нонда қолиб, тоға кун бўйи расм ишлади. Теваракатроф ям-яшил, ҳозир пода ёйилиб юрган пастлик қипқизил қизғалдоқзор. Товқора мудраб ўтирган бетда кимнингдир асалари қутилари... ҳамма-ҳаммаси суратга кўчган эди. Тоға алланечук ошиқиб, завқланиб ишларди...

От дупурини эшитиб, боланинг хаёли бўлинди. Бошини кўтариб, дўнг ёқалаб келаётган Олим чиноқни кўрди. Чол от бошини тўлаган овчи томон бураркан, болага кўзи тушиб, хуржундан каттакон қовун чиқарди.

— Ов, тиллатопар болам, ма.

Саид қовунни қўлига олиб, товатош ёнига борди. Тош устини наридан-бери тозалаб, қовунни ёрди. Қовун ҳали шира бойлаб улгурмаган бўлса-да, мазали эди. Тиреагидан сувини оқизиб, пок-покиза туширди. Пучоғини молларга берди. Кейин қуйига энган эчкиларни изига қайтариб, пода оралаб қирга ўрлади. Ҳамсуҳбат топилганидан қувониб, гурунгни қиздираётган Тўлаган овчи унинг ниятини фаҳмлаб, ёнида ётган хуржундан дурбинни олди.

— Ма. Боягидай ҳар жойда тушириб қолдирма.

Бола севинчи ичига сиғмай, улоқчадай ирғишлаб жойига қайтди. Товатошга чўкиб, кўзига дурбинни тўғрилади... У энди ортиқ зерикмай қўйди.

Ниҳоят орзиқиб кутилган пайт келди. Қуёш ботишига бир терак бўйи қолганда катталарнинг гапи тугаб, Тўлаган овчи ўрнидан қўзғалди. Қўзғачадаги ортган сувни тўкиб ташлаб, уни хуржунга солди. Олим чиноқ отига миниб далами томон кетди.

Тўлаган овчи таёғини белига қўлдаланг қўйиб, поданинг олдига тушди. Изидан сигирлар юрди. Қир бетига сочилган қўй-эчкиларни йиғиш болаларнинг зиммасида эди. Саид югуриб-елиб, уларни пастга эндираarkan, бирдан ёёғи остида ер ўпирилиб, у чуқурга юмалаб тушди. Бу ҳодиса шу даражада тез содир бўлдики, у бақиринишга улгуролмади. Жон ҳаллида юқорига тирмашаркан, гира-шира ёруғликда, сўнгги лаҳзада кунчиқиш томонга қўзилган тор йўлакни, йўлак ўртасида Тўлаган овчининг ҳовлисидаги хумга ўхшаш нимадир хўмпайиб турганини илғагандай бўлди. Миясига чақмоқ янглиғ кеча дарё бўйидаги гурунгда тилга олинган Самандарбойнинг тилла тўла хуми ўтди. Қизиқиш устун келиб, бир хаёли уни пайпаслаб кўрмоқчи ҳам бўлди. Бироқ юраги дов бермади, назарида «хум» ортида нимадир мўралаб тургандай туюлди. Мушукдай сапчиб ташқарига чиқди. Юраги тошиб, Тўлаган овчини чақирмоқчи бўлди, тағин фикрдан қайтди — қизганди. Шу тобда қаноти бўлса, тоғасининг ёнига учар эди. Аммо иложи қанча.

\* \* \*

Саид эшикдан кирасолиб ҳовлига кўз югуртирди. Тоғаси мўрнамас, отаси сунада ёлғиз сабзи тўғраб ўтирар эди.

— Тоғам қани? — деди бола.

— Ҳали қайтмади, — отаси шундай дея қўра эшигида тўпланиб турган молларга ишора қилди. — Уларни жой-жойига қантар. Токнинг тагида икки боғ ўт бор, бир боғини бузиб, бир тутамдан ташлаб чиқ. Қўйларга кепак беришни унутма.

Қўрадаги ишларни саранжомлаб бўлиб, эшикда энасига рўпарў келди.

— Подачи боламдан айланай, — алқай кетди у. — Узимни подачи болагинамдан! Вой, қовоқларингни сени! Нима, чарчадингми, жоним?

Энасининг эркалашларидан кўнгли андак таскин топган бола ариқда ювинаяб, супа лабига чўкди. Отасига синчков тирилди. Айтсаммикан-йўқми? Отанинг кўзи пичоқда, қўйи лабини сал қимтиганча ғиртиллатиб сабзи тўғрарди. Унинг авзойига қараб туриб, айнади. Узалиб дастурхондан сабзи олди.

— Хотин, — деди отаси бошини кўтармай. — Бунингга бир нима бер. Ҳадемай кинога чопади. Оч кетмасин.

— Вой, кино келдими?! — Бола ирғишлаб, сабзидан каттароқ тишлади.

— Йўлда Тўлаган тоғангникига кириб ўт, — деди ота ўша бепарво оҳангда. — Уйда ош бўляпти, ҳаялламай ўтаркансиз дегин.

— Тайинладим, — деди энаси боланинг олдига ярим пиёла қаймоқ қўяркан, энасиси қотиброқ.

— Яхши қипсан. Зиғир мойдан мўлроқ сол.

— Оқмоям тешиб чиқмайди.

— Гапни чуватма.

Пода боқилган кунлари Тўлаган овчининг иззатига уйда зиғир ёғдан палов, ё бўлмаса сергўшт, сердумба шўрва пиширилади. Сабаби отасининг оёғида боди бор, подага ярамайди. Шу ваздан поданавбат кунлари оқшом Тўлаган овчини яхшилаб меҳмон қилади. Бунинг устига, унинг гурунгини севади.

Бола овқатни чала-чулпа ютиб кўчага отилди. Дарвозага етмай изига қайрилди. Ҳовли ўртасида турган машинанинг сиртини сийпалаб ўтиб, омбортомга кирди. Курсини олиб чиқди. Уш оямоққа ўзини ҳақли деб билди. Ахир хазина топган одамга ҳамма нарса мумкин-да.

У жўралари, айниқса, Зокирнинг кўзини ўйнатиб, ялк маротаба курсида ўтириб кино томоша қилди.

Кинодан қайтганда, отаси Тўлаган овчи билан ҳануз гурунглашиб ўтирган экан. Бола тоғасини кута-кута ухлаб қолди.

Болани кун ёйилганда уйғотишди. Пода боққан куннинг эртасига истаганча ухлашга ҳақли эди. Шу боис юз-кўзини силаётган энасининг қўлини итариб ташлаб, кўрпани бошига тортди. Бироқ энасининг қайноқ, дағал кафти кўрпа остидан ориқ елкаларини қидириб топди. Силаб-сийпай бошлади. Аммо бу ҳузурбахш дақиқалар жуда саноқли, талтайиб ётаверса, туйқусдан омбирдай узиб олиши тайин. Энаси серюмуш аёл — эркалаши бир дақиқадан нарига ўтмайди. Яхшиси, иззати борида тура қолгани маъқул. Бола кўрпани иддао билан тепиб ташлади, кўзига тушган офтобдан ижирғаниб, иккинчи ёнбошига ағдарилди. Қаватида келиштириб хурак отаётган тоғасини кўрди. Қачон қайтди экан? Шунда бирдан ғор эсига тушди. Сапчиб турди. Энаси узоқлашиши билан тоғасини турткилай кетди. Тоға ғалати тамшаниб кўзларини зўрға очди. Оғзидан уфурган қўланса ҳиддан боланинг кўнгли ағдарилаёзди.

— Тоға! Тоға дейман! — турткиларди боланинг юраги тошгандан-тошиб. — Туринг! Туринг дейман! Самандарбойнинг тилласини топдим. Кўп, жуда кўп. Бир хум...

Тоға пашша кўригандай қўлини тўлғади. Кейин бирдан ҳушёр тортди.

— Нима?

Бола узуқ-юлуқ тушинтираркан, тоға ирғиб ўрнидан турди. Апил-тапил кийиндию фонаринг борми, белкуракни олвол, деди. Сўнг машинага ўтирди.

Энаси, қўлида қаймоқ тўла коса, ошхона эшигида анқайганча қолаверди.

Қоровултепадан айланиб ўтишлари билан қир бетида қорайиб турган «туйнук» ни узоқдан кўрдилар. Тоға тезликни оширди. Аммо машина баландга тирмаша олмай, ярим йўлда қолди.

— Точна! — деди тоға машинадан ошиғич чиқаркан, «туйнук» дан кўз узмай. — Мана бунни омад деса бўлади! Оббо, Самандарбой, зап жойни топган экан-да ўзиям. Минг йил ётиб ўйласанг-да, хаёлингга келмайди бу ерда хазина борлиги. Лекин бу ҳақда бировга... а? Ну маладес!

Тоға «туйнук» оғзини наридан-бери кенгайтириб, белкуракни тик тутганча пастга сакради. Қетидан Саид тушди. Димоғига зах ҳиди урилди. Чироқ ёруғида кеча

хум хаёл қилгани шифтдан ўприлиб тушган тупроқ уюми эканини кўриб, ҳафсаласи бир бўлди.

— Хум деганинг шуми? — деб сўради тоға тупроқ уюмига белкурак учини санчиб. Кейин ғор деворларини ёритиб, умидвор оҳангда деди: — Табиий эмас, қазилган. Қетмон изларини кўряпсанми? Демак... бу ерда бир гап бор. Бекорга қазиб бировга зарил кептими. Самандарбой бутун мол-дунёсини кўмган бўлса-я ҳали?!

Тоға бир оз энгашиб йўлак бўйлаб юрди. Тахминан ўн беш одимлардан сўнг, ғор тубига етдилар. Шифт ўприлиб йўлак беркилиб қолган эди. Аммо улар кутган хум ҳеч қаерда кўринмасди. Фақат ҳар ер ҳар ерда қабрга ўхшаш тепачалар дўмпайиб турибди. Тоға бошида шу тепачаларга умид тикди. Қўлидаги фонарни Саидга тутқазиб, биринчи учраганини кавлаштира бошлади. Салдан кейин белкурак учи нимагадир тик этиб тегди. Тоға тиззалаб тупроқни титкилай кетди. Қўлига илинган аллақандай темир бўлагини ёруққа солиб кўраркан, кетмон синиғи, айтдим-ку бу ерда бир нима бор, деди.

Ташқарида туёқ товуши эшитилганда, тоға терга тушиб, тепачани йиқитиб бўлган эди. Ишдан тўхтаб, қулоқларини динг қилди. Туёқ товушлари тобора яқинлашмоқда эди.

— Оббо, шу етмай турувди, — Тоға хунук сўкинди. — Аста бориб қара-чи, ким экан. Сездириб қўйма тагин.

Саид туйнукка етмай, туёқ товушлари бирдан тинди. От пишқириви эшитилди. Туйнук хийла тепада, бола ҳарчанд уринса-да, бўйи етмади. Қизиқ, кеча қандоқ чиқди экан? Бир сакрашдаёқ ўзини ташқарида кўрган эди-ку. Энди ноилож чироқ ёруғида тупроқ титкилаётган тоғасига юзланди.

— Бўйим етмаяпти, тоға, — деди гуноҳкорона.

Тоға ташқарига мўралаб, ўн-ўн беш одим нарида гоҳ пастдаги машинага, гоҳ туйнукка ҳайрон боқиб турган Олим чиноқни кўрди. У туйнукдан бош кўтариши билан от ҳуркиб кетиб, чол учиб тушай деди.

— Эби, Нусратвоймисан? Нима қип журибсан бу жерда?

Тоға энгил-бошини қоқа-қоқа, қаншари остидан унга ўқрайиб қаради.

— Томоша, — деди тўнғиллаб.

— Нимаси томоша экан бунини? Тупроқ босиб қоса, кўрардинг томошангди. Қап-катта жигит, қип журган ишингди қара-я.

Чолнинг отдан тушганини кўриб, тоғанинг энсаси қотди. Чол энди роса эзмаланади. Қулоғини қоқиб қўлига берса ҳам керак.

Бу орада туйнук тепасига бориб, ичкарига кўз ташлади.

— Э, тағин биров бор шекилли? — деди ҳайрати ошиб.— Э, ана, тиллатопар бола-ку,— чол ҳеҳелаб кулди.— Сен бола жуда тилла топқич чиқиб қолдинг-ку, а? Тағин Самандарбойнинг хазнасини қидириб журган бўма? — у қамчисини узатди.— Ушла. Маҳкам ушла. Ҳа, барақалла.— Болани ёрдан чиқаргач, жиддий сўради.— Узи бу жерда нима қиляпсизлар?

— Тулки овляяпмиз, — деди тоға киприк узмай.

— Бе, саратон чилласида даштда тулки нима қилсин. Улар ҳозир тов тарафларга кетган-ку. Айтганча, ҳозир тулки овлаш мумкинмас.

— Бизга мумкин, — деди тоға чолнинг гурунглашмоқ тарадуида жойлашиб ўтирганидан баттар гаши келиб.

— Нима, сени шохинг борми?

— Битта боласини тутиб кетсамми девдим.

— Тулки одамга эл бўмайди, — деди чол тоғанинг эрмакляётганини пайқамай.

— Мен уни махсус мактабда ўқитаман.

— Жўғай, тулкиниям мактаби бўладими? — ҳайратдан чолнинг қошлари керилди.— Ё мени мазах қиляпсанми?

— Мазахи нимаси. Ҳозир ҳамма нарсанинг мактаби бор. Ҳатто фаҳм-фаросатнинг ҳам...

— Унда сен бу жерда бекорга ўралашма. Қизилжарга эн. Икки-уч жерда инини кўргандай бўвдим. Бирини тут-да, бир амаллаб изингди жўғат. Жўғасам, боласини қидириб келабериб, товуқларга кун бермайди. Хумпарлар жуда жомон келади. Бола ҳаммага азиз-да. Ҳов бирда...

— Қизилжарда нима қиламан? — Тоға чолнинг гапини бўлди.— Бизга шу ер маъқул. Сиз келмаганда алдақачон бирини тутган бўлардим. Мана кўрасиз, сиз кетишингиз билан биттасини тутиб оламан.

— Жўғай, — чол туйнукка шубҳа билан тикилди.— Жоввойи жондор жоввойи жерни хуш кўради. Одам кўли теккан жерни макон тутмайди у. Одам исидан...— У туйнукдан кўз узиб, тоғага синовчан қаради.— Тулки дейсан, ёр жақинда очилганга ўхшайди-ку. Илгари ҳеч кўзим тушмаган. Кечаям кўрмаганман. Ёрариқди очилишини кутиб журган аҳмоқ тулки бор экан-да сен-

га. Ҳалиям бўса, Қизилжарга жўна. Бахтинг човиб бит-га-яримтасини тутиб олсанг, зора.

— Ғорариқ? — Тоға сергак тортди. — Қанақа Ғорариқ ҳақида гапиряпсиз?

— Мана шу Ғорариқни айтяпман-да, — чол сийрак киприкларини пирпиратиб, ерга кафтини тап-тап урдди. — Нима, ҳеч эшитмаганмисан? Отанг айтиб бермаганми? Унда мендан эшит. — Чол гуруннга мавзу топилганидан қувониб, тоғани ўтиришга таклиф этди. У бўғинлари бўшашганча турган жойига шилққа чўкди. Олим чиноқ тили тагига бир кафт нос ташлаб, ички бир мароқ билан ҳикоясини бошлади. — Бий жамонлар қийрқ булоқдан уш тегийман шув шиқарди. Шуви шиқариди. Ҳозиям шийин, — Чол оғзи тўла нос билан гапириб маза қилолмади шекилли, носини туфлаб ташлади, кафти орқаси билан лаб-лунжини артиб, давом этди. — Ҳозирам булоқ сувидан ичаман. Бир кўзаси чойимгаям, овқатимгаям жетади. Шу десанг, колхўз тузими жиллари лалмига сув ҳайдайдиган бўлди, фикр мендан чиқди, одамлар маъқуллади. Дунё ўлимиздики деб керилиб журган пайтимиз, бир жил қиши билан ариқ қазидик. У вақтлар трактир-практир деган нарсани ўрни-туви билан жўқ, қопда тупроқ тошиб Тоғлисийин тўлдирдик, чўкичминан манову қирди боврини тешдик. Буни тешгунча, эҳ-ҳи қанча азоб тортмадик. Бу бизга осонга тушмаган. Икки жигит тупроқ тагида қолиб новуд бўлди. Бирини Момохол кинначининг кўз очиб кўртган эри эди. Собир халта дердик уни. Ҳар бир билаги харидай-харидай... пољвон жигит эди, раҳматли. Момохол кинначи кўп куйди, кўп жиллар эр қимай журди. Кейин Раҳмон банганинг этагини тутиб, ундан бир ўғил, икки қиз кўрди. Ули бетамиз чиқди. Аскарликка кетиб, ўша ёқда уйланиб қолди. Энасини ўлимтаям кемади, имонсиз. Шуйтиб десанг, лалминини бор қилдик, ҳаворга пахта эдик. Орадан сағал ўтмай, шу билмадим... балиқ жилмиди, аниқ эсда жўқ, жер қимирдаб, булоқдан сув қочди. Мингбулоқ ҳам ўша жили қуриб қотган. Колхўзга киришга ройиш бермагани учун Уроқ чоғди айириб, яккалаб ташлагандик. Бизга ачув қип, у дўйра бўйида жой қилди, чархпалак ясаб сув чиқарди. Мияли эди, баччағар. Кейин бутун қишлоқ настига энди. Ғорариқ шу созда кўмилиб кетди. Бир замонлар бундан уч тегирмон сув ҳайқириб оқарди десанг, бирон ишонмайди. Оқуви зўр эди, кела-келгунча нишобликда. Ана қарагин, ҳалиям изи бор.

Ҳақиқатан ҳам чол кўрсатган ёнбағирликдан бир кетмон чуқурлигида ариқ изи ўтган бўлиб, нариги боши бугдойпояга, беригиси туйнукдан сал қуйроққа келиб тақалганди.

Умиди саробга айланган тоға бўғзига келиб тиралган захрини кимга сочишини билмай танг аҳволда қолганди. Чолнинг оғзига тикилиб, анқайиб ўтирган болага сочай деса, сир очилиши тайин—чол унинг қилиғини бутун қишлоққа дoston қилади. Ичига ютай деса, бада-нига уриб кетадигандай, чидамоқ қийин эди.

— Ариқ баҳона Самандарбойнинг тилласини қидирган бўлманг тагин?! — деди охири чидаёлмай.

— Эй-й, болам-эй, Самандарбойда тилла нима қилади, — деди чол унинг заҳар тўла кесатигига эътибор бермай. — Тилласи бўса қўярмидик. Бурнидан ситиб олардик. Аммо бойдинг, бир хум тилла кўмдим, худо насиб этиб, қайтсам, жалогингни тилладан ясаб, итимди қаватига бойлаб қўяман, дегани чин. Аслида ҳеч қандай тилласи бўмаган, аламдан айтган бу гапни у.

— Унда шунча гап, шунча ваҳима нимага керак эди? — деди тоға чолнинг гапидан ғоят таажжубда.

— Энди... буям бир ҳангома-да, бўтам, — чол гуноҳ-корона илжайди, — Айтабериб-айтабериб ўзим ҳам чиппа-чин ишониб қопман. Қирга чиқсам, тўрт томонимга қарайман, қидиринаман десанг. Худди... Сенга айтсам, бу ҳангомадан журак қурғурди ҳоври андак босилади. Нимага десанг, савобимиздан гуноҳимиз кўп. Замон шунақа эди, бой зоти борки, кўзимизга ганим кўринган. Жўқса, Тўрабой билан Чўлибойдан бошқаси ганимликка ҳад қилолмаган. Тўрабой отиша-отиша афғон ошиб кетди. Чўлибойди Қизилжарда аскарлар отиб ўлдирди. Қолганлари безиён — айби ўзига тўқлиги эди. Олди-ортини суриштирмай бадарға қилаберибмиз, кейинини ўйламабмиз, мана энди, ҳар эслаганда, журак туз сепгандай жиз-жиз ачишади. Журакди тафтини босиш учун Самандарбойдинг жўқ тилласини бор хаёл қип чайнаб журибмиз-да. Шу билан ўзимди андоқ гуноҳдан фориг сезаман. Киши кўнгли кўп қизиқ-да, а, Нусратвой?

— Бу гапларни нега менга айтяпсиз?

— Кимгадир айтишим керак-ку ахир, болам. Менам тирик жон... кимгадир журагимни бўшатгим келади-да. Бошқаларга айтсам, ишонишмайди, чол алдаяпти, деб ўйлашади. Кеча Тўлаганбойга айтсам, жомон қарибсиз,



бобой, менга жуқмади, бошқаларгайм бўмасин дейсиз-да, а, дейди. Тагин, минг ўтирик айтманг, ўзингизди минг у ёқ-бу ёққа ташламанг, кимдир биров барибир товуб олади дегани зиёда. Ҳатто Тўлаганбой ишонмайди менга, бошқаларни-ку қўйберасан энди.

Тоға ўзини босишга қанчалик уринмасин, қишлоққа келган куни боланинг ношудлиги туфайли вужудини ўртаган алам ҳисси секин-аста юрагини исқанжага ола бошлади. Самандарбойнинг хазинаси ёлгон бўлиб чиқшини мутлақо хаёлига келтирмаган ва уни форнинг аллақайси бурчида кўмилиб ётганига шубҳа қилмай турган бир пайтда чолдан аниқ ҳақиқатни эшитиш унга жуда оғир эди. Ахир форга тушгунча не-не ширин хаёлларга бормаганди. Мана энди ҳаммаси сароб бўлиб чиқди. Шу топда у сўқинишни, бақирришни, ичидаги бор заҳар-заққумни кимнингдир афтига туфлашни истарди. Бу истак дақиқа сайин кучаймоқда эди. Шусиз таскин тополмаётгандек туюларди. Уша кимдир шундоққина қаршисида ҳамон эзмаланиб ўтирарди.

— Сиз ёмон одам экансиз! — деди ниҳоят овози қалтираб.

— Ҳа, жомон бўганмиз, болам.

Тоғанинг «тупиги» оғзида қолди. Чолдан у эътирозли жавоб кутганди. Нордон жавоб юрагини бўшатишга имкон бериши керак эди.

— Ёмон... жуда ёмон одам экансиз! — деди у яна саркаш бир оҳангда.

— Эндй-и, ўтган ишни бетга сома-да, бўтам.

— Йўқ, сиз барибир ёмон одамсиз! Аблахсиз!

— Сенга ўзи нима бўлди, улим?

Бола эсига тушиб, тоға унга юзланди.

— Сен эса эшшаксан! Ношуд, ландовур, аҳмоқсан!

Чол билан бола тўсатдан жазавага тушган бу одамга анқайганча тикилиб қолишди.

— Сенга нима бўлди, улим?— деб қайта сўради чол. — Тинчликми ўзи? Чотига сўна жовишган бузоқдай бунча ирғишлаб қолдинг.

— Ҳеч гап!... — Тоға титроқ бармоқлари билан чўнтагидан сигарет оларкан, пўрим энгил-боши тупроққа беланганини кўриб баттар қутурди. — Э, ўша Самандарбойингизниям, сизниям... Сизни ўзи ким чақирди бу ерга?! Нима қилиб эзмаланиб ўтирибсиз?! Туринг! Кетинг!

— Тувба! Эшакмия жеганми бу бола! — чол тиз-

заларини шиқирлатиб ўрнидан қўзғолди.— Худоё тунба! Нима бало, қутурган ит қочганми дейман бун!

— Ув-в, оғизга қараб гапиринг!

Чолнинг жаҳли кўзиди, отига томон бораётган жойида шартта изига қайрилди.

— Ана овузга қарамадики! — деди қамчи дастасини маҳкам сиқиб.— Хўш, нима қимоқчисан?! Айти Урасанми? Ур! Қани, кўрай-чи қандай ураркансан! Андиша қиган сари бунча ўзингдан кетасан! Қимсан ўзинг?! Биз хато қисак-да, нимагадир интилгандики! Ҳаммаси яхши бўлсин дердик, Бунинг учун, керак бўса қонам тўкканмиз! Чўлибойди узган ўқи ҳали-ҳали қовурғамди остида турибди. Жил ўтган сайин ўзини билдириб, жонимди тавонимга туширади. Ўзинг-чи? Ўзинг қимсан? Элнинг на иссиғида борсан, на совуғида. Худо билади, не мақсадда тентираб юрибсан. Хўш, шаҳар кетиб нима каромат кўрсатдинг? Ортиқалини боласидай катта-конликка домангирмисан? Эл-журтга манови болачалик нафинг тегмайди-ю, димоғинг тошди жоради! Э, сени ўқитганди энасини..

— Кетинг, бобой, кетинг! — деди у гўё барчасига чол айбдордай уни еб-ютуб қўйгидек бир важоҳатда.— Йўқса, бир бало қип қўяман ҳозир!

— Кетаман ҳалиям! Бетингни томоша қип ўтирадиган одам жўқ бу ерда! Аҳмоқ!

— Вей, сассиқ чол! — Тоға ўтирган ерида пайпасла-ниб тош қидирди.

— Тоға! — деди қўрқиб кетган бола.

Тоға ёнига ўгирилиб, болани кўрди. Ҳамма-ҳаммасига мана шу айбдор, деди ички бир туйғу.

— Нима дейсан?! — деди кўзларини пахтаси чиқиб.— Йўқол кўзимдан!

— Тоға! — деди бола бундан ортиқ нима деярини билмай.

— Нима тоға! — у боланинг юзига тарсаки тортиб юборди.— Тур, йўқол!

У чалқанча ағдарилиб тушган болага ортиқ эътибор бермай, узалиб сал наридаги тошни олди-да, уни туйнукка қараб отганча бўралаб сўкинди. Кейин машинаси томон юрди. Ярим йўлга боргачгина, ортига ўгирилди. Бола белкурак тутганча ҳануз туйнук ёнида турарди.

— Юр! — деди у дўқ билан.

Бола саркаш бир қисфада бош чайқади.

— Юр деяпман сенга! — Тоға унга қараб бир-икки  
ним ташлади.

Бола кетига тисарилди.

— Аммо тутиб олсам... — Тоға ер тепинди.

Бола у қувиб етолмайдиган масофага бориб тўхтади.

— Юрмасанг юрма! Менга деса, бўри еб кетмайди-  
ми сени!

Тоға машинани муюлишгача елдириб келди-да, ил-  
кис тўхтатди. Кетаверишга кўзи қиймади. Машинадан  
тушиб, кафтини пешонасига қўйганча қир томонга кўз  
ташлади. Бола Горариқ изи бўйлаб секин кетиб борар-  
ди. Бугдойпояни кесиб чиқса бўлди, қишлоққача етиб  
олади. Тоға боланинг ушоқлигини энди пайқаётгандай,  
унга узоқ тикилиб қолди. Узидан-ўзи ўкинди, сўнг гуд-  
раниб сўкинди. Қизил духоба сирилган юмшоқ ўриндиқ-  
қа оғир чўкдию рул чамбаригага кўксини босганча но-  
маълум бўшлиққа термулиб ўтириб қолди.

Кечга яқин тиллаларни айритомлик Унар соқол ол-  
гани маълум бўлди. Бу хабарни қишлоққа Акбар мили-  
са топиб келди.

Бу пайтда тоға шаҳар йўлида эди.

# ҚУЁШИ БОТМАЙДИГАН ЮРТ

Ҳикоя

Тиниқ саратон осмонининг тоққа туташ этакларини алангалатиб турган қирмизи шафақ сўниб, тоғ ўркачлари узра қуёш мўралади. Анвар, елкасида этюдник, қўлтигида мойбўёқ учун махсус бир жуфт картон, кўзларини қисганича, бу манзарога маънос термилиб қолган, чехрасида алам ва ўкинч ифодаси қотган. Шу тобда у ўзини ҳамда дўсти Мирвали ва унинг серзавқ-сершовқин жўраларини ич-ичидан янмоқда эди.

Анвар қишлоқ ҳаёти билан яқиндан танишиш ниятида ўтган куни Мирвалини қора тортиб келганди. У келган оқшом Мирвали кўнгил етар жўраларини уйга чорлаб, унинг шарафига тўкин-сочин зиёфат берди... Анвар кеча елкасига этюдник осиб дала-дашт айланди, унинг таъбири билан айтганда, дил тортар манзаралар қидирди. Сой соҳилидан туриб, қирмизи тонг манзарасини чизиш фикри ҳам кеча хаёлидан ўтган. У чимзор соҳилда кечгача қолиб кетди... Намозгарда қишлоққа қайтганда, Мирвали ювиниб-тараниб пойлаб турган экан... Анвар жуда чарчаганлигини баҳона қилди. Мирвали оёқ тираб олди.

— Ия, нималар деяпсан, жўра?! Айтилган жойга бормасак... Бунақада одамни уятга қўясан-ку!— дея қишлоқ русмларини рўкач қилиб, ҳали эртага Уроқбой, индинига Турди қора, улардан сўнг Тўйчи, Бердикул, Носир, Чори деган жўралари меҳмонга чақиршини, ҳозирдан навбат талашиб юришганини ғурур билан алоҳида таъкидлади.

Атрафи баланд пахса девор билан ўралган ҳовлига кириб боришганда, йигирма чоғли йигит супада қарта ўйнаб ўтиришган экан. Иззат-икром билан уни тўрға ўтқазишди. Анвар, қўли кўксига, йигитлар билан бир-

бир сўрашиб чиққач, зимдан ҳовлини кўздан кечирди: ҳаммаёқ саранжом-сарихта. Ошхона бурчагидаги ёзги ўчоқда қозон қайнапти. Бошига гулдор пешонабоғ тангиган ёшгина жувон ўчоққа гўзапоя қаламоқда. Сал берида уч-тўрт ёшлар чамаси, бошдан-оёқ тупроққа беланган қоракўз болакай бармоқ сўриб «нотаниш амаки»ни қизиқсиниб кузатади. Ҳовлида фақат қишлоққа хос кенглик, осойишталик, эркинлик ҳукм сураб, ҳатто ҳумдай бошини оёқлари устига қўйиб, ариқ бўйида мудраётган баҳайбат ит ҳам кенг дунёнинг эркасидек кўринарди кўзига...

Анвар шаҳарда туғилиб ўсган. Тошкент атрофларида кўп кезган бўлса-да, лекин узоқ даштларда бирон марта бўлмаган эди. Қашқадарё деганда — йилда бир марта, кун иссиқ бўлишига қарамай, эғнида қора костюм, сандиқдай бесўнақай катта чамадонни ёнроқ, майиз, жилонжийдага тўлдириб, тепасида кўрга ҳассадай қўнғироғи кўриниб турган бўлишига қарамай, дарвозани гурс-гурс қоқиб, уйга довулдай кириб келадиган девқомат, ҳабашдай қоп-қора дўсти (улар ҳарбий хизматда бирга бўлишган эди) Мирвалини тушунарди. Мирвали ўзи билан дашт эркинлигию тўпорилигини ва яна алланималарини олиб келади. У келиши билан шинамгина ҳужраси бирдан тўлиб қолгандай бўлади. Мирвали тўрда чордана қуриб: «Ҳой, жўрам-ий», деб гурунг бошлайди. Эшикдан болалари бош суққудек бўлса, уларни чақириб олиб, тиззасига ўтказди-да, тақсимчалардаги кўргазмага қўйилган хилма-хил ширинликлар билан чўнтақларини тўлғазади. Болаларни яхши кўради. Ўттизга чиқмай олти ўғилнинг отаси. Ҳар шаҳарга келганида, чамадонни турли матоларга тўлдириб кетади. Тўй матосиз ўтмасмиш. Кета туриб: «Жўра, сенам одамдай бўлиб, мундай биз томонларга ўтгин!» дея қаттиқ тайинлайди. Анвар: «Хўп», дейди. Ун йил мобайнида «хўп» деб келди. Ниҳоят, мана ўн биринчи йил қорасини кўрсатди. Анчадан буён қишлоқ ҳаётидан манзаралар чизиш ниятида эди. Лекин қишлоқдаги тонготар зиёфатларни ҳисобга олмаган экан...

Қишлоқ йигитларининг гурунги содда, тилаклари ҳам шу хилда. Ярим ой бурун даврадагиларнинг бири кўчқордай ўғил, шунчаки ўғил эмас, кўчқордай ўғил кўрган экан, бири ўша ўғилнинг девдай йигит бўлиши учун, яна бири эса яқиндагина уйланган йигитга бир ҳовли фарзанд тилаб қадах кўтаради.

Шу тариқа тун тугаёзганда тарқалишди.

Анвар шуларни хаёлидан ўтказиб, хийла вақт сукутга ботиб ўтирди. «Бугун бўлмаса, эртага бўлар», дея ўзини овутди. Этюдникка картонлардан бирини ўрнатиб, ишга тушди... Кеча бошланган картинада рўпарадаги манзара — сой соҳилидан ҳув узоқдаги қир этагига қадар ястанган кўм-кўк пахтазор, пахтазор узра елканли қайиқлардай оқариб турган дала шийпонлари, турфа баҳор чечакларидай сочилган колхозчи қиз-жувонлар, кўкиш тутун пуркаб сузиб юрган чолиқ тракторлари ва яна кўп нарсалар тасвирланган эди. Манзара ҳали анча-мунча ишловни тақозо этарди.

...Мўйқаламни сўнгги бор тортганда, кун қиёмига келган, у мольбертнинг бир парча соясига бошини тортиб, юмшоқ чим устига ўтирди. Теваракка хотиржам, енгил кайфият билан разм солди. Юз одимча қуйида, кўҳна тегирмон харобасига бақамти қад ростлаган балх тут соясида, синиқ тегирмон тоши устида, пайкал тарафга кўз тикканча, чўнқайиб ўтирган болакайга кўзи тушгач, хиёл ажабланди. Чунки у болакайни кеча ҳам худди шу ерда, шу алфозда кўрган эди-да. Азбаройи қизиққанлигидан эмас, шунчаки ҳамсухбатга мойиллик истаб, оғзига бармоқ суқиб, ҳуштак чалди; болакай ялт этиб қарагач, қўлини чулғади. Болакай истамайгина ўрнидан турди-да, тегирмондан беридаги лиқилдоқ, ингичка ёғоч кўприкдан ўтиб, соҳил бўйлаб кела бошлади.

— Ассалом, — деди у этиб келгач, нега чақирдингиз, деган оҳангда. Болакай саккиз-тўққиз ёшларда, қарашлари жиддий, иягидаги чуқурчаси чехрасига ғоят ярашиб тушган эди.

— Салом, — деди Анвар унинг иштончанг танига эътибор бериб. — Уҳ-хў, бу роса қорайибсан-ку, а? — Болакай индамагач, қўлини чўзди: — Кел, танишамиз, Анвар.

— Берди, — деди болакай қўл бериб.

— Бу ерда нима қилиб юрибсан, Бердивой?

— Ўзим, — деди у истамайгина.

— Бу... бир чўмилмаймизми?

— Йўқ.

— Қара, сув қанчалик тиниқ! — Анвар ечина бошлади.

Болакай бошда унга ишонқирамай қараб турди-да, сўнг ишчи эътироз билдирди:

— Не, бунда чўмилиб бўлмайди... Салим оқиб ўлган бунда! Чўмиладиган жой ҳув адоғда.

Бу гандан Анварнинг юратига ваҳм оралади. Ҳақиқатан ҳам сойнинг тор ўзанидан сув қайнаб, пишқириб оқар, кўприкка яқин жойда сувдан йўғон-йўғон темир қозикларнинг боши чиқиб турар эди. Аммо у ечилиб кўйган. Қайта кийинишга уялди. Таваккалга сувга калла ташлади. Соининг гумлигини, оқимнинг шиддатини туйиб талпинди. Шунда ўзининг оқиб кетаётганини англади. Қирғоқ бўйлаб, ранги ўчган кўйи, югуриб келаётган болакайни кўрди. Жонҳолатда қирғоққа талпинади. Сувга бош эгиб турган мажнунтолга шапна ёпишди. Болакай тиззалаганча, қўлини чўзиб, алланарса деб қичқирар, чамаси: «Қўлингизни беринг», дер эди. Анвар толга тирмашиб, ҳарсиллаб-гурсиллаб қирғоққа чиқди.

— Сиз эси йўқ одам экансиз!— деди болакай катталардەк тергаб.— Оқиб кетсангиз нима бўларди?!

— Оббо, сен-эй...— дея Анвар ёлғондакам уэр сўраган бўлди, болакайнинг елкасидан қучиб эркалади. У болакайни ёқтириб қолган эди.

Улар этюдник ёнига қайтишгач, болакай картина билан қизиқсиниб қолди. Анвар велосипед рулига осиглиқ тугунни олиб ёзди. Унда уч бош узум, тўрт-беш помидор, иккита суви қочган (Мирвалининг камсуқум хотини унинг эрта кетишини билиб нонуштасини тутиб кўйган) нон бор эди. У нон ушатиб болакайни чақирди. Болакай келиб, унинг қаршисида чўқаркан, бош бармоғини миҳ қилиб:

— Расми мана мундай чизибсиз!— деди.

У олдинги ҳолатига сира ўхшамас, чехрасидан жиддийлик ва маъжослик ариб, ҳақиқий болага айланган эди.

— Сенинг ҳам расмингни чизайми?— дея сўради Анвар, ундаги ўзгаришни пайқаб.

— Узимга ўхшатиб-а?— Болакай ишонқирамади.

— Ҳа, худди ўзингга ўхшатиб.

— Майли.

Анвар туриб, этюдникдан блокнот, қалам олиб келди. Жойига ўтириб, нон кавшаганча, оқ қоғоз юзига қалам юргиза бошлади. У болакайнинг расмини чизиб бериб, уни қувонтирмоқчи эди. Бирдан тўхтаб, оғзига уч-тўрт дона узум солди-да, болакайга узоқ тикилиб қолди. Сўнг сакраб ўрнидан турди. Болакайга тегиримон томонда тўстаман тушиб ётишни буюрди. Шу тобда миясида янги бир асар шакли пишмоқда эди: бўл-

ғуси бу расмда чимзор соҳил, болакай, кўҳна тегирмон, кунботиш томондан сароб мисол живирлаб турган қишлоқ аксланиши лозим эди... Анвар этюдникка янги картон ўрнатди.

... Болакай бардошли экан, кун пешинга етгунча чидаб берди. Сўнг мудраб кетди. Гапга тутиб чалғитиш керак!

— Берди, бу йил нечанчи синфга ўтдинг?

— Учга.

— Расм чизишга қизиқасанми?

— Ҳа.

— Чизилган расмларинг кўпдир-а?

— Кўп.

— Эртага чизган расмларингни опке!

— Нима қиласиз?

— Кўргим келаяпти-да энди.

— Майли.

Бирпасдан сўнг болакай кетаманга тушиб қолди. Анвар ноилож рози бўлди. Болакай кетди. Негадир пайкал томонга қарай-қарай кетди.

... Анвар қишлоққа намозшомда қайтди. Мирвали энди ишдан келиб турган экан, биргалашиб Уроқбой-никига меҳмонга жўнашди.

Анварнинг кайфи чоғ. Бугун у азонлаб келиб, қирмизи тонг манзарасини чизишга анча улгурган эди.

У тоғлар ортидан пориллаб чиқиб келаётган қуёшга хушҳол тикилиб, роҳатланиб керишди. Этюдникка иккинчи картонни ўрнатиб, болакайни кутабошлади.

Болакай пешинга яқин келди. У бугун яшил майка ва қора қалта иштонда, қўлида тугун бор эди.

— Бу нимаси?— Анвар унинг қўлидаги тугунга ишора қилди.

— Чакки,— деди болакай.— Норхол момом бериб юборди. У сизни меҳмонга келсин деди.

Чаккини эшитиб, Анвар ширин тамшанди. У шу кунларда чалопнинг мазасини жуда яхши билиб олган, айниқса, райҳон қўшилганини жуда хуш кўрарди.

— Унда битта чалоп қилинг, Бердивой!

Болакай «хўп» деди-да, қўйнидан яшил муқовали дафтар чиқариб, унга узатди. Узи сой бўйида чўнқайиб, чалоп қилишга тутинди.

Анвар унинг ҳаракатларини пича кузатиб турди. Кейин ҳафсаласиз ҳолда дафтар варақлашга тушди. Аммо варақлагани сайин қизиқиши орта бошлади: саҳифаларда сув бўёқда дурустгина расмлар солинган



эди. Негадир расмлар бир-бирини такрорлаган эди. Мана, биринчи расм: яшил ўтлоқ, ота-онасининг қўлларидан тутган болакай шодон ирғишлайди, тепада қуёш; иккинчи расм: болакай қулочини кенг ёйганча отасига пешвоз чиқмоқда, қия очиқ дарвозадан она мўралайди, тепада қуёш; учинчи расм: ота, она, болакай ҳовлида нонушта қиляпти, тепада қуёш. Бу ерда қуёш дарахтга боғлаб... қўйилган эди! Бошқа расмлар ҳам шу хилда, мазмун битта — ота, она, болакай ва қуёш...

— Нега қуёшни боғлаб қўйдинг?— дея ҳазиллашди Анвар.

— Ботмасин деб.

— Нима?

— Ботмасин деб,— деди болакай жиддий, чалоп тўла товоқни кўтариб келаркан.

— Қизиқ,— деди Анвар ўша ҳазил йўсинда.— Барибир ботяпти-ку!

Болакай саволга савол билан жавоб берди:

— Кун нега ботади, а? Ботмаса бўлмайдимми?

— Энди бу табиатнинг иши-да, ботади, чиқади, ботади,— Анвар бундан тузукроқ жавоб тополмади.

— Мен табиат бўлганимда офтобни ҳечам ботқизмасдим!

— Зўрсан-ку!

Анвар дафтардан бош кўтариб, болакайга қаради. Қаради-ю, ҳайрон бўлиб қолди. Болакай ярим ўгирилганча, икки юз қадамча нарида, пайкал ичидаги ўқ ариқдан қайрилайётган тракторга мунг тўла кўзларини қадаб турар, товоқ қийшайиб, ундан чалоп тўкилмоқда эди.

— Берди, нима бўлди сенга?— Анвар унинг қўлидан товоқни олди.

Болакайнинг пуштиранг лаблари аламли титраб кетди ва хаёлчан шивирлади:

— Ҳеч нима.

Даъфатан Анвар жимитдек бу болакайнинг юрагида бир жаҳон дард борлигини пайқади. Бироқ тили танлайига ёпишгандек, бир сўз қотишга ўзида куч топмади.

— Отам менга ҳеч қарамайди,— деди болакай оҳиста унинг ёнига чўкиб.— Энам ҳадеб йиғлайди...

Анвар унинг нозик елкаларидан шуурсиз равишда қучди. Овози хириллаб чиқди:

— Онанг нега йиғлайди?

— Отам кетиб қолган-да уйдан!— деди болакай мунг тўда овози билан.— Учтуглик Ойша бригадир отамни ўзига иситиб олган. Норхол момом, ҳар кунн отамни кўзига кўринсанг, отанг Ойша бригадирдан совуб қайтиб келади, деган. Менинг кўзимдан отамнинг кўнгли исиркан... Отам эса, менга қарамайди. Ана, тагин қарамади!

Трактор яна ўқариқдан қайрилмоқда эди. Унинг оқиш соябони остида кўкиш кўйлакли, бақувват бир одам ҳайкалдай қотиб ўтирар эди. Анварнинг қалбинда унга нисбатан ўтли бир нафрат кўзгалди.

— Энам тузалгач, отам албатта қайтиб келади!— деди болакай ишонч билан.

— Онангга нима қилган?

— Энамнинг қўлларни ишламайди. Кечаси отамга овқат обораётганларида, мазор ёнида жин чалиб кетганмиш.

«Кўрқувдан шол бўлиб қолган»,— дея ўзинча мулоҳаза қилди. Анвар ва болакайни қучиб бағрига тортди. Болакай ўзини четга олмади. Унинг пишжиса суқилиб, қўққисдан сўраб қолди:

— Тоға, (у бу сўзни биринчи бор тилга олди) сиз кенаси ҳечам кўрқмайсанми?

— Йўқ, кўрқмайман.

— Мен... кўрқаман! Энам кечаси кўп йиғлайди-да, шунинг учун (болакай ҳали «юрагим эинлади» дейишни билмас эди), кўрқаман! Энам доим йиғлайди! Мени билмайди, деб ўйлайди... Мен ҳаммасини биламан!

Анвар ялт этиб қўлидаги дафтарга қаради. Энди англади, расмларда болакайнинг орзуси, умиди, ишончи акс этган эди. Бўғзига тошдек нарса келиб тиқилди. Дафтарни қайта варақлашга тушди.

— Тоға,— деди болакай унинг кўзларига настан термулиб,— Собирни акаси дунёда қуёш ҳеч ботмайдиган юртлар ҳам бор дейди. Шу гап ростми?

— Рост,— деди Анвар нима деётганини англамаган ҳолда ва болакайнинг кўзларида ўт чақнаганини кўриб, яна маъқуллади.— Рост. Дунёда...

— Вий, ундаги болаларга маза экан!— дея ҳавасланди болакай.— Қани энди бизда ҳам қуёш ҳеч ботмас! Энам ҳам йиғламасди.

— Отанг ҳеч келмайдими?

— Бир сафар пул олиб келганди. Мирвали ака кўчада тутиб олиб урди.

— Мирвали ака урди?

— Ҳа, у, сен одам эмас, ҳайвонсан, бор, ўша Учту-тингда яша, бундан кейин бизни қишлоқда қорангни кўрмай, деб урди. Катта бўлай ҳали, ҳаммасини урам! Кўради ҳали улар!

Анварнинг эсига кечаги воқеа тушди. Улар Уроқбойникига кета туриб, кўчада озгин, қоп-қора бир кампирга дуч келишган эди. «Ҳа, Норхол момо!— дея Мирвали кампир билан қуюқ сўрашди, кейин:— Ҳамсоян-гиз тузук бўп қолдими? Тузук! Ҳа, яхши. Бир қоп унми? Бўпти, ўзим эрталаб обориб ташлайман. У-бу керак бўлса, тортинмай йигитларга айтаверинг, майлими?» Сўнг йўл бўйи кампирни мақтаб, кимнидир сўкиб кетди. Анвар кеча бунга эътибор бермаган эди. Демак...

...Анварнинг қўли ишга бормади. Тушга яқин болакай: «Норхол момом киримизни ювмоқчи эди, мен сув ташиб беришим керак»,— деб кетди.

Бир оз ўтиб, Анвар ҳам қишлоққа йўл олди...

Анвар туш кўрди. Болакай қип-қизил пуфакни ивидан тутганча, ям-яшил ўтлоқда чопқиллаб юрганмиш. Пуфак нур таратармиш, нурига чидаб бўлмас эмиш. Ия, болакай пуфакни эмас, қуёшни тизгинлаб олганмиш. Нуқул қичқирармиш: «Энди офтоб ҳечам ботмайди! Энди, энам ҳеч йиғламайди! Мен офтобни тизгинлаб олдим! Офтобни тизгинлаб олдим...» Қуёш нурига чидаб бўлмас эмиш.

Анвар кеч уйғонди. Қуёш нури ҳовлига ёйилган. Бугун дам олиш куни бўлгани учун, Мирвали ёнида бемалол хуррак отиб ётарди. Анвар ҳар кунгидек ўридан сакраб турмади, ухлаб қопман, деб ўкинмади. Шишадек тиниқ кўкка тикилганча, қуёшни тизгинлаган болакайни ўйлаб ётаверди. Шу пайт нариги супадаги сатин кўрпа секин кўтарилиб, Мирвалининг уч яшар ўғилчаси сирғалиб пастга тушди. Пилдираб улар ётган супага келди. Анварни четлаб ўтиб, отасининг қўйнига кирди. Сўнг ирғишлаб, унинг кўксига чиқиб олди. Қийқириб отасининг мўйловига ёпишди. Мирвали пишқириб уйғонди. Уғлини қўйнига олди. Болакай типирчилаб яна унинг кўкрагига чиқиб олди. Уйқуси батамом учган Мирвали ўғлининг яланғоч қорнига мўйловини ниқаб қитиқлашга тушди... Болакай қийқирар, ота-кулар, офтоб мўл-кўл нур сочар, ўчоқда чойгум шақирлаб қайнар, уй бекаси сут қаймоғини сидириб олиб, уларнинг туришларини кутиб ўтирар эди...

Анвар бу манзарага маҳлиёланиб боқаркан, кўнгли ёп-ёруғ ҳисга тўлиб, беихтиёр пичирлади: «Қуёши ҳеч ботмайдиган юрт!»

# Мундарижа

ЮЗМА-ЮЗ	3
ОҚ БУИИН	43
ХАЗИНА	103
ҚУЕШИ БОТМАЙДИГАН ЮРТ (Ҳикоя)	168

На узбекском языке

НОРМУРОД НОРҚОБИЛОВ

ЛИЦОМ К ЛИЦУ

Повести

Расмлар муҳаррири У. Солиҳов

Тех. муҳаррир Е. Толочко

ИБ № 0507

Босмаковга берилди 20.09.93. Босишга рухсат этилди 17.12.93.  
Бичими 84×108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Босма қоғози. Юқори босма. Шартли  
босма табағи 9,24. Нашриёт табақ ҳисоби 9,42. 45000 нускада.  
Буюртма № 4358. Шартли бўқли босмада нашр ҳажми 9,66.  
Баҳоси шартнома асосида.

«Чулпон» нашриёти, 700129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот қўмитасининг 1-бос-  
махонасида босилди, 700002, Тошкент, Сарбон кўчаси, 1-бери  
кўча, 2-уй.